

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Ўзбекистон Республикаси давлат  
мустақиллигининг 30 йиллигига  
бағишланади*



**РЗУЛАР**  
ХИЁБОНИ

*Ҳикоялар*

ТОШКЕНТ  
«АДАБИҲОТ»  
2021

ЎЎК: 821.512.133-1  
КБК: 84(5Ў)7  
М 95

**Орзулар хиёбони** [Матн]: Ҳикоялар. – Тошкент:  
“ADABIYOT” нашриёти, 2021. – 352 б.

**Масъул муҳаррир:**  
Собир Ўнар

**Тўплаб нашрга тайёрловчилар:**  
Муҳиддин Абдусамад, Мансур Жумаев

*Юртимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик тўйи арафасида бир қанча таниқли адиблар, шунингдек ёш ёзувчиларнинг Ватан, она замин, миллий тилимиз, айна пайтда қадриятларимиз, осори-атиқаларимиз ифода этилган сара ҳикояларини жамладик. Бир муқова остида тўпланган мазкур асарлар сони ортиши, мундарижаси тағин ҳам кенгайиши мумкин эди. Бироқ ўқувчилар вақти ҳамда тоқатини инобатга олган ҳолда ушбу ҳикоялар тўплами билан чекландик. Умид қиламизки, адабиётда тан олинган ва эътиборга молик ушбу асарлар Сиз азиз китобхонларни бефарқ қолдирмайди.*

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-5567-1-3

© “ADABIYOT”, 2021

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ



## КЎК ДЕНГИЗ

– Недин не тату?

– Суу тату. (– Оламда энг тотли нарса нима? – Сув.)

### Олтой топишмоғи

Н. вилоятидаги «Дружба» деган совхозда расм чизиб, бўёқчилик ҳам қилардим. Тирикчилик-да, ака. Қишлоқнинг бир четида музей бор эди: хўжаликнинг тарихи, яъни ютуқлари акс эттирилган. Ўшанинг бир хужрасида ётиб турардим. Манзара яхши, лекин ёнимизда бир хавфли тепалик бор, унинг бир ёни куйиб кетган – ўт ўсмас эди. Тепаликнинг у ёғида даҳшатли бир кўл ястаниб ётибди. Қадимда Кўк кўл дейилган, ҳозир эса Қора кўл дейишади. Тоғ этагидаги кимё заводида чикқан оқава-ювинди сувлар кўйиб юборилган: кўлда сув эмас, эритилган қора мум бордек ялтираб ётарди. Ўлай агар, устидан шундоқ юриб кетиш мумкиндай. Қайсидир йили ёгин кўп бўлиб кўл тошганда, бир ариқ сув оқиб чикқан-у ҳалиги ёнбағирдан пастга энган. Ўшанинг ўрнидан гиёҳ унмас эди: куйиб кетган-да! Кейин тупроғини ҳар қанча қиртишлаб ташласалар ҳам ўнгламаган. Ҳе, ўша кезлар кўп моллар ҳам қирилиб кетган экан...

Хуллас, бир куни хўжалик директори чақириб қолди. Идорасига. Яхши одам эди бечора. Кейин синиқибгина: «Ука, гап шундай-шундай...» деди.

Қишлоқда бошқа миллат вакиллариям кўп эди-да: ўрис, армани, карес...

Директорнинг айтишича, ўттиз тўққиз миллат вакили яшарди. Нимагаки, ҳар йили бир миллат вакилига кўпайтириш плани бор экан... Кулманг, биласиз-ку!

Ўша киши илтимос қилди-да: «Ука, сиз жаҳонгашта одамсиз. Гаплашишни биласиз... Бизда бир миллат вакили йўқ экан: олтойлик. Бир амаллаб биттасини опкелмасангиз, буюғи чатоқ бўлади. Мана, пул... Ваъдани қуюқ қилинг: уй дейдими, иш дейдими – бор денг. Оиласи биланми, ёлғизми – фарқи йўқ...»

«Йўқ» деёлмадим. Бунинг устига, Олтой – ҳарқалай, бош боболаримиз яшаган юртлардан.

Йўлга чиқдим.

Барнаулга бордим. Ҳе, ўзимизнинг шаҳарлардан фарқ қилмайди. Уни қандайдир ўрмон ичида, деб... Қайда! Хуллас, ака, кўчаларида қанча кезганим, кимларнинг меңдан ҳайиқиб қочганларини айтиб ўтиришим ортиқча. Қайси бирига: «Паедиш к нам в Узбекистан?» десам, жиннига қарагандай тикилади. Биттаси мени ким-нима деб ўйлади, урмоқчим бўлди. Бир-иккитаси кулиб қўйди. Энди, тўсатдан сўрасанг, ҳайрон бўлар экан-да. Ўз ихтиёри билан келса, бошқа гап: ана, ҳар қаёқдан келиб ётипти.

Қисқаси, ўзидан қолган биронта дарвиши-пиёнистаси бўлсаям опкетаман деб бир кечаси кўчага чиқдим. Етти қават-тўққиз қаватли иморатлар орасида юрган эдим, бир иморатнинг ертўласидан чиқиб келаётган ёшгина – ўн бир-ўн икки яшар болани кўриб қолдим. Иккита бўш шишани бағрига босиб олган. Мени кўрди-ю, қочиб қолди. Аста зинапоя бошига бордим. Пастдан нур кўринди. Биласиз-ку, катта шаҳарларда, ўзи-

миздаям шундай биноларнинг ертўласини ҳар хил қаланғи-қасанғи бангилар макон қилган... Шояд биронта ёввопгача йўлиқаманми деб секин зиналардан пастлай бошладим. Пастдан ғудир-ғудир овоз келяпти. Бир ёқдан кўрқаман денг: чиқиб, айлантириб солиб қолса...

Охирги пиллапоядан мундай саҳнчага тушдим. Ертўла эшиги шу ерга очилади. Эшик абгор, тирқишларидан нур тушаётган экан. Аста очдим. Пастга яна уч-тўртта зина кетган, уёғи – кенг майдончадай жой.

Шу майдончанинг ўнг томонида ўтиришган экан: уч-тўртта бола тағларига қути қўйиб, кимнингдир сўзини тинглапти. Сўзлаётган киши кўринмасди. Ўртада шам ёниқ... Энди денг, ёмонам бадбўй жой экан.

Шунда болалар бирдан мени кўриб қолишди-да, сапчиб-сапчиб туриб кетишди.

– Ассалом алайкум! – дея зинадан тушдим. Шунда сўзлаётган кишини кўрдим. Эғнида қора-исқирт пахталик, бошланг, сийрак соқоли ўсиқ, ёшини билиб бўлмас эди.

– Ў-ў, к нам кўнак пожаловал! – деб у ўрнидан турди-да, калта ҳассасига суяниб четга чиқди.

– Да, я кўнақ, кўнақ, – дедим. – Из Узбекистан!

– Ў-ў, озбек? – деди у. – Какими судьбами?

– Сейчас скажу, – дедим. Бориб, у билан кўришдим. Қўли тошдек. Ҳалиги ҳид унгаям ўрнаб қолган экан. Кейин у менга ўтиргани жой кўрсатди, яъни, ўзи ўтирган ёғоч катга ишора қилди. Каравотга эски тўшак солинган, устидан ёпилган чойшабга қараб бўлмас эди. Қутилардан бирига ўтириб, фотиҳа ўқидим. – Ўтиринглар сизлар ҳам, – дедим болаларга.

– Отур, отур, – деди у кишиям. – Озбек-да турк... – Кейин ўзиям жойига чўкиб, шам қошидаги ёрлиқсиз шишасини четга суриб қўйди.

– Гап шундай, – дедим. – Ўзбекистонга бормайсизми?

У гангиб қолди. Кейин:

– А почему? Что я вам делал? – деди.

Гапини қаранг.

– Вы мне ничего не делали. Вы понравились мне, – дедим. Ўрисчани эпллолмайман, буёғини ўзбекча қилдим: – Гап шундаки, оға, биз ўзбеклар меҳмондўст халқмиз. Бизга бошқа миллат вакиллари қанча кўп борса, шунча хурсанд бўламиз!

– Не ушун? – деб сўради у ёнидан узун трубка олиб.

Кечирасиз, мен «трубка» дедим. Олтойчада «қангза» дейишаркан муштукни.

– Дружба, дўстликни яхши кўрамыз-да! – деб уқтирдим. – Мана, давлатимиз ҳам шуни талаб қилади... Бизнинг совхознинг номиям – «Дружба», у ерда ўрислар...

– Понятно, – деди у. – А почему именно я...

– Э, менга барибир! – дедим. – Борасизми? Рози бўлсангиз, ҳозир вокзалга чиқамиз.

– Интересно.

– Интересно эмас... Я прошу, сапхоз просит... Тушуняпсизми?

– Ҳа-я, мен тушунят, – деди у. Кейин ҳалиги винони олиб, оғзидан кулқиллатиб ичди-да, тиржайиб сўради: – Арақи бор по?

– Бор, бор! – дедим. – Хоҳлаганча ичасиз! Текинга, ҳа, текинга!

– Вот так просто?

– Ҳа-да!

– Ну-у. – У муштларини тиззасига тираб, бошини сарак-сарак қилди. – А квартира?... Ўчак, ўчак?

– Ҳе, квартира сизни кутиб турипти!

– Ў-ў, тенгерим! – деб у шифтга қаради. – Бу кижии кам, каманлайт.

Бу гапи – «Бу киши шаман, мени шаманляпти», яъни, аврапти дегани экан.

– Ишонмаяпсизми?

У киши ўйга толиб қолди-да, кейин болаларга нимадир деганди, биттаси катнинг бош томонидан балдоқли пиёла олиб берди. Киши винодан пиёлага қўйди ва чайқалиб ўрнидан турди. Сўнг ҳассасини биқинига тираб қўйиб, кир бармоқларини ичимликка тикди, сўнгра рўпарасига қаратиб чертди.

– Кўк тенгериме! – Кейин яна бармоқларини ҳўлаб ўнг томонига чертди, яъни, вино юқини сачратди. – Суу тенгериме! – Кейин чап томони ва орқасига қаратиб чертди. – Туу тенгериме, Чол тенгериме! – Сўнгра винони ичиб қўйди.

«Туу» дегани – тоғ, «чол» дегани – йўл экан. Уларнинг назарида, буларнинг, шу – осмон, сув, йўл ёки тоғнинг ҳам тангриси бўларкан.

Балки шуларнинг ўзини – тангри деб ўйлашар? Аниқ айтолмайман, тарихни яхши билмайман.

Лекин шу ишларни қилаётганида болалар ҳаяжонга тушиб, у қараган томонга ялт этиб қарашар, қиёфаларидан қандайдир илоҳиётга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари шундоққина билиниб турарди.

Тўғриси, мени ҳам қандайдир ҳаяжон чулғаб олганди.

Киши, ниҳоят, пиёлага яна қўйиб, менга тутди.

– Кечирасиз, мен ичмайман, – дедим. – Раҳмат, ўзингиз олаверинг.

У ўйчан бош ирғаб:

– Так, значит... мен сизлара кўнак бўлам? – деди.

– Э, яшайсиз! – дедим мен. – Бир умр яшайсиз! Кечирасиз, бола-чақа борми?

У бирдан бошини эгди.

– Пала йок, хатун йок, – деб ғўлдиради-да, инқилаб юборди. – Йўрт йок!

Ҳозироқ айтсам тузук: у кишининг хотиниям, қизиям бор экан. Аниқроғи, бўлган экан. Хотинининг исми – Тарлоон, қизининг оти – Сирг(ғ)а экан.

Ўзи... Олтой муаллимлар тайёрлов институтида – дорилмуаллиминда ўқитувчи, халқ оғзаки ижодидан дарс бераркан. Олтмишинчи йилларнинг бошида, умуман, Олтой ўлкасида ерли халқ мактабларидаям дарслар ўрис тилига кўчирилади ва Умрзоқ ака (у кишининг исмлари шундай) Масковга арзномалар ёза бошлайди. Жавоб келавермагач, аламини «арақи»дан олишга тушади. Шундай кунларнинг бирида битта ўрис йигит билан айтишиб қолиб қамалади. Иши судга оширилгач, унга ғалати айблар қўйилади: «Миллатчи... Некомпетентний... хулиган» ва ҳоказо.

Нима дейсизки, домла ўн йилга кесилади. Қамоқдан чиққач, табиий, уни ишга қабул қилмайдилар. Ва энг ёмони... уйига – ўз уйига ҳам «прописка» бўла олмайди: буниям тақиқлаб қўйишган бўладилар...

Хотини Тарлоон ва қизи Сирг(ғ)а билан хўшлашиб, шаҳар четидаги маҳаллада (квартирада, аниқроғи, («кўй»да) фаррошлик қила бошлайди.

Бу вақтда, энди, у одамгарчиликдан чиққан бўлади: мақсад – кун ўтказиш ва кўнгил яраларига «арақи»дан малҳам қўйиш, аниқроғи, бу дунёни унутиш...

Бироқ, у бир нарсага содиқ қоладики, уни кейинроқ айтаман.

Шундай қилиб, унинг «Пала йок, йўрт йок» дега-нидан кейин мен:

– Э, бизнинг юрт ҳам сизнинг юртингиз-ку! – дедим. – Борайлик, бола-чақаям бўлади, уй-жой ҳам!

У бир нафас анграйиб қолди-да, кейин менга қўл узатди.

– Умрзак Иван Иванович.

– Йўлчибой, – деб унинг қўлини олдим... Ким билади, тилимга шу ном келди-да. Кейин сўрадим: – Нимага «Иван Иванович?» Ота-боболарингизни ўрисга яқинлиги борми?

– Ай! – деб қўл силтади у. – Йок. Биз – шаман, кам...



Алтай. Турк... Но бизим кижилар аз... Всего шестьдесят тысяч остались! Ў-ў! И то они ўрус тилинда сўзлаят... Биз йок оламиз. Мы вымирающий народ...

Мен бу томонларини билмас эдим. Кўнглим бузилиб:

– Йўқ, – дедим. – Сиз ўлмайсиз! Бизнинг юрт – сизнинг-да юртингиз!

Умрзоқ ака ғамгин жилмайиб, шишани кўтарди, тагин оғзидан бир-икки қултум ичди. Сўнг менга синовчан тикилиб қолиб, қутиларда кўзларини лўқ қилиб ўтирган болакайларга бир нима деганди, улардан бири менга қараб:

– Ачу, ачу, не ачу? – деди.

Ғира-шира тушундим: бизнинг ўлкада «аччиқ» сўзи шевада албатта: «Ачув» деб талаффуз қилинади. Шуни аниқлаштириб олмоқчийдим, Умрзоқ ака ўзи англатди:

– Что горько в жизни?

Мен елка қисдим. Болалар бўлса қувонишиб-кулишиб:

– Ў(о)лум, ўлум, ўлум, – дейишди.

Шунда менга топишмоқ берганини фаҳмладим-да:

– Биздаям топишмоқ айтишади, – дедим. – Топишмоқ кўп. Борсангиз эшитасиз.

Умрзоқ ака бу гапимдан қаноатланиб ва чамаси илҳомланиб, болаларга тагин бир нималар деганди, улардан яна бири чулдиради:

– Эртен тура – тўрт бутту, туште – эки бутту, энгирде – уч бутту. Бу не, тап?

Этларим жимирлашиб кетди.

– «Бут» – оёқми? – деб сўрадим.

– О, да! – деб хитоб қилди ертўла соҳиби.

– Одам, – дедим.

Болалар «одам» сўзини тушунмади, Умрзоқ ака эса:

– Тапту! – деди. – Хи-я, киж, киж.

Илгариям эшитиб юрардим-у, бу ерда яна ишондимки, олтойликлар тилида араб, форс сўзлари жуда-жуда оз экан. Ислом у ерларга етмаган, тожик билан алоқаси йўқ. Биласиз-ку?.. Сўнгра улар «япти», «ётир» деган қўшимчаларни қўллашмас экан.

Ана шунда мен Умрзоқ акадан бир амаллаб сўрадим:

– Нега менга топишмоқ айтяпсиз? Ёш бола бўлмасам... Тушунолмадим?

Умрзоқ ака менинг саволимга жавобан бутун бошли бир маъруза ўқиди.

Унинг айтишича, топишмоқ, яъни, «табьшкак» – Олтой халқ оғзаки ижодининг «калити» экан. Чунки топишмоқларда Олтой элининг, яъни, қадимдан то яқин-яқинларгача овчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган элнинг энг ибтидоий – «яширин тили» тўла-тўқис акс этаркан. Илло, олтойликлар атроф-муҳит – ўрмон, сув, ҳайвонлар ва паррандаларнинг шубҳасиз Руҳи бор, лекин Руҳлар кўзга кўринмайди, уларни сира-сира ғаблантирмаслик керак. Руҳлар ранжиса – халқ оч қолади, яъни, ов барор олмайди, рўзғордан – «ўчоқ»дан фэйз-барака кўтарилади деб ишонишар экан. Ана шунинг учун улар қадим-қадимдан табиат бобида «эзоп тили»га ўхшаш – яширин лаҳжада гапиришиб келишар экан, бунинг маъноси шулки, биронта жониворни асл номи билан аташмас экан... Масалан, «илон-йилон»ни – «қамчи, қайиш», «бўри-бору»ни – «кўк ит, узун қуйруқ», дейишаркан.

Умрзоқ ака шундай мисолларни айтар экан, менинг юрагим гурс-гурс уриб, жуда тўлқинланиб кетдим: ҳе, ёшлигимизни эслайман.

«Бўри»ни – «жондор» деб аташарди бизда. «Илон» – «арғамчи», «айиқ»ни – «полвон»...

Айниқса, тунлари булардан бирининг ҳам номи тилга олинмас эди.

Топишмоқларнинг, умуман, топишмоқ айтиш ва топишнинг бошқа буюк ҳикматлариям айтилди: жумладан, топишмоқни топиш – нақ зукколик, донолик белгиси саналажаги, айрим ҳолларда, дейлик, қонли жангларнинг ҳам олди олинажаги. Эсланг-е, бор-ку, яна: пошшо учта топишмоқ айтипти. Ким топса, ўшанга қизини берармиш... Ёки бўлмасам...

Эсладим: куёвларнинг ҳам ақл-фаросатини шу тариқа синовдан ўтказишаркан...

Дарвоқе, Олтойда яқингача келинлар куёвдан тортиб, унинг қариндош-уруғларигача – бирини ҳам номи билан чақирмас экан...

Вой, улар билан ўзимизнинг орамизда қандай яқинлик-қариндошлик бор-а!

Туркий деганлариям шудир.

Хуллас, Умрзоқ аканинг маърузасидан кейин шундай фикрга келдим: бу одамнинг менга топишмоқ бердиришдан муроди – мени синаб кўриш, пироварди, ўзимиз томонни оз бўлса-да билиш экан. Шундан сўнг ўзим ҳам унга олтойликлар табишкаги билан балки уйғун келадиган ўзбек топишмоқларидан ҳам айтдим.

Оқибат, у киши:

– Мен борам, – деб винодан тагин хўплади-да, ғилтиллаган кўзларини менга тикди. – Сизда кок кол бар по?

Кўз олдимга қишлоқ устидаги тепалик, унинг ортидаги – ҳалиги кўл келди.

– Бор, бор! – деб юбордим. – А, нимаиди?

– Очунда уч кол бар! – деди кўзлари қандайдир жовдираб. – Оқ кол, Қора кол, Кўк кол... Тоес: тенгис, тенгис. Понял? Белое море, Черное море, Синее море.

Қаердадир ўқиганимни эслаб қолдим: қадимда Орол денгизини – Кўк денгиз ёки Кўк кўл деб аташган... Шунчалар зилол бўлган у!

– Рост айтасиз, оға, – дедим. – Ўша Кўк денгиз ҳам биз томонда.

У болаларга шодон чулдираб бир нималарни тушунтирди. Сўнг:

– Кок кол-да учта! – деб хитоб қилди. – Бири бизда олган... – Умрзоқ ака тағин ғамгин тортиб қолди. – Ул талай, талай, – деди. – Талай-да – кол, тенгис... Ондаги ўртоликде, тоес в острове жил один шаман. Старий-старий! Сууда балык коп ўлган. Улус, курсак тўк... Народ жил хорошо! Кетин ўрус... ну, Алтай албати Россияга кирген тужунда... Ну, когда Россия завоевал нашу родину, шаман видит сон. Сон это – кижининг уйкудаги ўйи... Он видит, что в озере не осталось балык. Осталось! Но очень мало и им нечего есть.

– Хўш? – дедим.

– Сонра ул шаман ўзини сууге берген.

– Тушида?

– Да, во сне! Уйкуда... Потом он ушёл от этих мест! В Улусай! И действительно сейчас Кўк кол мёртв. Балык аз. Шаман йок. Бу улусчун олум...

Мен унинг фожиасини, халқининг фожиасини тушундим-да, кўнглини кўтаргим келди.

Бироқ қандай қилиб?

Қангзасини тутатиб, бир муддат ўйланиб қолган Умрзоқ ака бирдан:

– Нукерларим! – деб, кўзлари ола-кула бўлиб турган болаларга қаради. – Мен кетят... Озбекистана! – Кейинги гапларидан англадимки, «У ёқда Кўк кўл бор! У ўлкада – ўз юртимиз! Мен у кўлнинг бўйида шаман бўлиб яшайман!..» деди.

Шунда болалар тағин чулдирашиб қолишди. Биттаси кўзига ёш ҳам олди.

Бу орада ертўлага тағин бир бола – чамамда, боя мени кўриб қочиб кетган бола тушиб келди. Қўлтиғида бир шиша «Чашма» бор экан, Умрзоқ акага берди.

Сўнгра болалар уни ўзларининг ҳаяжонли гап-сўзларига тортишди.

Умрзоқ ака эса, энди бу шишани очиб ва оз-оздан ютиб, мени ҳайрон қолдирган баъзи бир саволларга жавоб берди: анави боланинг мендан қочишига сабаб – мени ҳалигидай маҳкаманинг одами деб ўйлаган экан...

Қолаверса, бу ердаги бошқа болакайлар ҳам, ҳатто Умрзоқ аканинг ўзиям мени «ўшанақа» деб ўйлапти олдин. Умуман, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Қандайдир бир исқирт, пиёниста, қамоқдан чиққан кимса яшайдиган сассиқ ертўлага ким ҳам ўз фарзандининг кириб, ўша сондан чиққан, демак, ишончсиз-хавfli одам билан ўтириши, унинг маза-бемаза гапларини эшитишига қараб турарди?

Бунинг устига, ўша кимса миршаблар ҳисобида туришини маҳалла-кўйдаги ота-оналар яхши билишса: ахир, улар Умрзоқ акага фаррошлиги ва қоровуллиги учун ойига бир сўмдан йиғиб беришаркан. Демак, уларнинг баъзилари «шундоқ-шундоқ иш» бўлаётганидан кўйдаги соқчибошисини огоҳ қилган бўлиши керак.

Мен «бўлиши керак» дедим. Аслида, бўлган экан: ҳа, айрим ота-оналар ҳатто болаларини излаб, бадбўй ертўлага ҳам тушишган ва фаррошга яхшигина танбеҳ бериб ҳам чиқишган экан.

На иложки, болалар Умрзоқ аканинг гурунгига ўрганиб қолишган экан.

Энди, «гурунг» – Умрзоқ аканинг «маза-бемаза» гапларига келсак, у гаплар болаларга айтиладиган қадим Олтой ривоятлари, эртаклари ва... топишмоқлари бўлиб, хусусан, топишмоқ биринчи ўринда экан.

Мен пастроқ пардада айтдим бу гапни. Аслида, бу машғулот – ёшларга олис тарихдан сўзлаб бериш, юртга, элга боғлиқ томирларини мустаҳкамлаш, бу

нарсани ўйин-айтишувлар орқали-да сингдириш со-  
биқ олимнинг умр ғояси экан десам бўлади.

Шуниси ҳам борки, менинг назаримда, Умрзоқ ака-  
нинг ўзиям ўша олис-топталган ўтмиш билан яшарди:  
бугунги кун ҳақида бирон-бир мулоҳазасини эшитма-  
дим...

Рухсат этсангиз, шу ўринда мен бир мулоҳаза айт-  
сам: Умрзоқ ака мен билан жўнади – қангзаси, муқова-  
ланган қандайдир қўлёмаси (унингча, бичик), битта  
чўлтоқ қалами (карандаш-қара таш), беш тийинлик уч  
кути тамаки ва игна (ийне), ип ҳамда бир-икки ҳовуч  
кедр ёнғоғи (мёштинг тобогоси) солинган халтасини  
(қапини) кўтариб жиларкан, «нукерларим, нукерла-  
рим», дея кўзи ёшланганини кўриб: «Демак, бу одам-  
ни ҳалиги машғулотидан ҳам кўпроқ ўзига тортди-да  
биз томон, – деб ўйладим. – У Кўк қўлмикан?» Ундай  
десам, бу машғулот унинг умр ғоясидай эди.

Балки бизда ҳам ўз қондошларининг яшаши қи-  
зиқтиргандир? Балки, балки у айтмиш... «кварти-  
ра – ўчак» ва одамлар ҳисобига кириб, одамга ўхшаб  
яшаш...

Хуллас, вокзалга жўнадик.

Поездда Умрзоқ аканинг қилган хархашаларини  
айтиб ўтирмайман.

Шиша... унга гўдакнинг сўрғичидай бўп қолган  
экан.

Вино сассиқ, тамакининг бадбўй ҳидигаям тоқатим  
йўқ... «Жиндак ичманг, дам олинг» десам, қовоғини со-  
либ қолади. Бир гал қаттиқ маст бўлганда: «Алтайга ке-  
тем!» деб туриб олди. Ялинаман-алдайман. Мени тағин  
хижолат қилгани – бир-икки марта йўлакка чиқариб  
қўйилган бўш шишаларни териб юргани бўлди.

Бир амаллаб туманимиз марказига етказиб кел-  
дим. Поезддан тушибоқ кийимлар дўконига опкир-  
дим. Ўзи танлаган костюм-шим, пойабзал харид қил-

дим. Арзимаган нарсалар... Соқолини олдириб, газак-хонадан ярим стакан ичирдим-да, бир таксини ёллаб «Дружба»га ҳайдатдим.

У кишининг кайфи чоғ, йўл четида пахта тераёт-ганларга ғурур билан қарар:

– Ў-ў, белое золото! – деб қўярди. Кейин пахта ҳақида гап кетди: унинг меҳнати оғирлиги – экиш, бегона ўтлардан тозалаш ва ҳоказолар ҳақида сўзлаётгандим, у қизиқ бир гапни айтиб қолди. Маъноси шуки, Олтойда «бегона ўт»ларни «ернинг ўлон»лари дейишаркан. «Ёввойи ҳайвонлар»ни ҳам – «ердинг (ерлик) тўтдулар», уй ҳайвонларини эса «асранда» деб аташар экан.

Менимча, улар ҳақ.

Умрзоқ ака соқол олдираётгандаёқ мен «Дружба»га қўнғироқ қилиб, «қирқинчи вакил»ни олиб бораётганимни ва Иван Ивановичнинг феъл-атворидан тортиб касб-коригача сал-пал ахборот бергандим. Директор хурсанд бўлиб, томорқали уйлар тушаётган янги маҳаллага опкелишни айтган эди.

Тўғри ўша жойга бордик.

...Шу ўзбекларимиз қизиқ-да: ўзи емай меҳмонга тутади, деганиям рост. Уйида аза бўлсаям меҳмонга билдирмайди, деган гапдаям жон бор.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, уй-жой масаласи тупканнинг тубидаги қишлоқдаям муаммо...

Меҳмонлар эса тайёр уйларга бепўшт-пўшт...

Тўғри, ўша вақтларда шундоқ эди, яъни, уйдан ҳайдаб чиқарсанг ҳам, «рахмат» дейишга мажбур эди.

Хуллас, борсак... эҳ-ҳе, яқинда пардоздан чиққан уч хонали алоҳида иморат қошида талай одам. Болалар ҳам бор (Ҳалигидай ўн бир-ўн икки яшар болалар). Ҳаммининг лабида кулги. Фақат карнай-сурнай етишмайди...

Уф, уялиб кетасан киши.

Директор бизга пешвоз чиқди. Тантана билан машинадан тушдик. Кейин жиндак йиғин бўлди.

Директор – мени Олтойга юбораётганда ўшандоқ гапларни мажруҳлик билан айтган одам:

– Дўстлар! Мана, бу киши ҳақиқий Олтой фарзанди Иван Иванович Умрзоқ ака бўладилар! – деб гўёки терисига сиғмай шодумонлик билан сўз бошлади. – Элга эл қўшилса, бойлик дейдилар: бизнинг бойлигимиз – дўстликда! Умрзоқ ака, хуш келибсиз! Мана, шу уй сизники!..

Ва ҳоказо...

Шуни айтишим керакки, бу «иш»лар комедия эканини шу ердаги ҳар бир одам билиб турарди. Лекин бун билдиришмас, мийиғларидаги истехзоли табасум ҳам самимият ниқоби остида эди. Тағин уларнинг қарсақ чалиб юборганлари...

Одам сийраклашгач, уйга кириб, хоналарни кўздан кечирдик: жиҳозлариям бинойи.

Ошхонада – икки оташхонали газ-плита ёнида бир қути сабзи, пиёз, картошка, карам ҳам бор экан. Умрзоқ ака гангиб-гарангсиб қайтиб чиқаркан:

– О, маркоп, картоп, капуста! – деди. Сўнгра бизга қараб тушунтирди: Олтойга ўрислар билан бирга кириб келган емакми, нарса-предметми борки, улар ўз номи билан аталаркан. Масалан, «соат»ниям – «час», «жухарини»ям – «кукуруза» дейишаркан... Шу қути бошида унинг нима иш қилажагиям тайин бўлди.

Умрзоқ ака қути ёнида ётган янги супургига тикилиб қолди-да, бирдан уни олиб:

– Сибирги, сибирги! – деди кадрдонини топгандек. Кейин директорга муддаосини айтди: – Я буду сторожом! Карауул... – Кейин тахтаполни супургандек қилиб, қаддини кўтарди-да, энди директор бобони синамоқчидек: – Юз қўйди пир чивикла кажирдим. Бу не, тап? – деди. Сўнг топишмоғини ўрисчага ағдарди.



Директор хўрсинди.

– Шу қишлоқни бердим, ўзинг айт.

Умрзоқ ака бу гапни эшитиб, шундай роҳатланиб кулдими, охири кўксодек йўталиб қолди. Сўнгра Олтойда ҳам топишмоқни тополмаган киши «шаҳар бериши»ни ёхуд кулгили бир лақаб билан аталишга рози бўлишини айтди. Сўнг супургини салмоқлаб, тепага кўтарди.

– Сибирги!

Биз тушундик.

Иморатнинг атрофида талай қари дарахтлар бор, тақир ерда уларнинг япроқлари тўшалиб ётар, тева-рак ҳали бирон тўсиқ билан ўраб олинмаган эди.

Хув узоқ-яқиндаги айрим уйларга одамлар кўчиб киришган, табиий, ўзларининг уйлари олдини супуриб-сидиришар, демоқчиманки, бу янги маҳаллада фаррош учун иш йўқ ҳисоби эди: чунки хонадон эгалари асосан ўзбеклар ва тожиклар эдики, ўзингиз биласиз, супуриш-сидириш уларнинг келинларидан ҳам ортмайди.

Шу боисдан, директор кетаётганида шу тўғрида гап очгандим, у киши бу масалани биз келгунча ҳал этиб қўйгандай тупроқ йўл туташган асфальт кўчанинг нариги бетидаги беш қаватли иморатларни кўрсатди.

– Тушундим, – дедим.

Кейин директор Умрзоқ ака билан хўшлашди.

– Ҳозирча хайр, ўртоқ Иван Иванович... Бизнинг идора ҳув жилғанинг бўйида. Томига қаранг, қизил байроғи бор. Агар бирон гап чиқиб қолса, марҳамат! – Кейин кулиб, меҳмоннинг қўлини сиқди... – Биз сизни уйлантириш масаласиниям ўйлаб кўрамиз... Хўш, нима бўлсаям ўзимиздан, ҳим, қавмларимиз юртидан келгансиз... Лекин энди Ўзбекистон ҳам сизнинг юртингиз бўлди. Ҳа-ҳа, яшасин дўруба! Ҳинди русу бхай-бхай...

Кейин менга қишлоқнинг у ёқ-бу ёғини кўрсатишни, ичкилик зарил бўлса «Ҳабиб бупитчи»га айтиб қўйганини тайинлаб:

– Пахта теримига ҳуши бўлса, унгаям хўп, – деди.

Мен Умрзоқ акани эргаштириб, ўша иморатлар томонга бошладим. Уч-тўртта болакай нари-берида туришган эди, улар ҳам изимиздан тушди. Кўнглимдан ҳар хил ўй ўтади денг: болаларни чақириб, топишмоқ айтсамми? Уни қувонтирган «белое золото»ни териш, о, ярим соатда уни белдан қолдиришини тушунтирсамми?

Шунда Умрзоқ ака бирдан тўхтаб, бетон ариққа энгашди. Ариқнинг ифлос сувидан ҳўл бир каламуш чиқиб қочди. Шунга энгашдим десам, у бўйни чиқиб турган бир шишани оляпти. Шартта қўлидан тортдим.

– Қўйинг уни! Бўлди энди... Бу ер сизга Барнаул эмас! Айтдим-ку, бу ерда ароқ ҳам текин!

У дам хўрсиниб, дам тамшаниб, бироз жим-паришон юрди-да, тагин бирдан тўхтаб, йўл четини кўрсатди.

– Ура! Ура!

Ҳайрон бўлдим: «Нимага «ура!» деяпти?» Эътибор қилсам, битта иморатнинг ертўласига ишора қиляпти.

– Ҳа, подвал эсга тушдимми?

– Аа-да! – деди у кўзлари ўйнаб. – Ура у.

– Э-э, ўра... йўқ, – дедим. – Сизнинг уйингиз бор, Умрзоқ оға. Ўчак бор... Энди бошқача яшайсиз. Тушуняпсизми? Одамга ўхшаб...

У киши худди ароғини олиб қўйганимдек қовоғини солиб олди. Сўнг атрофга боқиб чуқур хўрсинди-да, болаларга кўзи тушиб, бирдан тиржайди.

– Кел, кел, – деди уларни имлаб. Ва бемалол чўнқайиб, тагин ертўлани қўли билан кўрсатди. Болалар ҳам югуришиб келиб, ертўлада бир нарса бордек тикилишди. Сўнг Умрзоқ ака менга жилмайиб қўйиб: – Кўлонқози йок қара ат. Бу не, тап? – деди. Кейин болаларга бир-бир кўз тикиб, ўрнидан турди.

– Рассом амаки, бу қозоқ нима деяпти? – деб сўради болалардан бири.

– Топишмоқ айтди, – дедим. – Кўланкаси йўқ қора от. Нима? Топинглар!

– Вей, шунақа от ҳам бўладими?

Бўғинларим бўшашиб кетди: билардим, бизнинг ҳозирги болалар бунақа топишмоқ-мопишмоқларга қизиқишмайди... Нимага, ака? Бунга эҳтиёж сезишмайдими? Ёки муаллимлар, мактаб... Ҳа-ҳа, биз табиатдан узоқлашиб кетганмиз... Лекин Барнаулдаги болакайлар билишади-ку? Ҳолбуки, улар ҳам она табиатларидан... Ана бу гапингиз маъқул, Умрзоқ акадай...

Топишмоқнинг жавобини... мен ҳам билмасдим. Ана, раҳмат. Сиз ҳам билмайсиз.

Умрзоқ ака ниҳоят:

– Ўра, о-ора, – деди. – Ертола... – Кейин менга таъна назари билан боқди.

Ҳабибнинг «бупити» бу иморатларнинг адоғида эди. Бизни кўрибоқ пештахта олдига чиқди. Бир қўлини ортидан олмай, бирини кўксига босиб салом берди. Кейин:

– Дод! – деб хитоб қилди. – Приезжайте к нам в Узбекистан! – Сўнг анави қўлида бир шиша «Русская водка» бор экан, Умрзоқ акага дангал узатди. – Прошу, не откажи, атес! Яна нима хизмат бор, рассом ака?

Умрзоқ ака кўзларига ишонмагандек бирпас тек қотди-да, кейин Ҳабибга иршайиб:

– Уни яраш ул, не, тап? – деди.

Ҳабиб менга қошини учирди.

– Топишмоқ айтди. Ичи тўлиб кетган топишмоққа, – дедим. Кейин Умрзоқ акадан «табишкакти» ўрисчага ағдариб айтишини сўрадим. У ҳозиржавоблик қилди:

– С прекрасным голосом юноша-красавец!

Олтойликнинг ҳавосини ола бошлаган эдим.

– Уни... яъни, товуши ярашган... ўзига ярашган ул, яъни ўғил, – деб шарҳладим.

Шунда Умрзоқ ака шишани кўрсатди.

– Бу не?

– Арақ, – деди Ҳабиб.

– Шу.

Ҳабиб кулиб юборди.

– Ў-ў, алкаш!

Мен толиққан эдим. Йўлдангина эмас, шу одам билан мулоқотдан ҳам: дам ғашинг келади, дам раҳминг. Хурмат ҳам қиласан, силтаб кетгинг ҳам келади. Бундан ташқари, менинг ишларим ўлда-жўлда қолиб кетган эди: тирикчилик...

Умрзоқ акани уйига киритдим-да, хайрлашдим. Тез-тез келиб туришимни айтдим, у фаррошлик қиладиган жойни эслатдим, жуда зарил бўлиб қолсам, директордан сўрайсиз, дедим.

Буюртмалар ҳам кўпайиб қолган экан. Байрам яқин. Кўп шиорлар қайтадан ёзилиши керак.

Хуллас, орадан ўн кунлар ўтди. Қўшни қишлоқда эдим, почтага чақириб қолишди. Телефонга. Дастакни олсам – директор:

– Ҳе, ука, бу меҳмонингиз ҳеч ўхшамаяпти. Бу бошқачаси экан. Одам хижолат бўляпти... – деди.

Мен гап нимадалигини ўзимча тахмин қилдим. Ва ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди: уйига келсам, эшик берк, калит тутқичига боғлаб қўйилган. Ҳалиги иморатлар орасидан ҳар ёққа... ертўлаларга-да... ҳа, кечаси... подвалларга кўз солиб боравердим. «Ўра» дега нимга етганда тўхтаб, зинапоя бошига бордим. Шушу: пастдан чироқ шуъласи кўринди.

Директор бекорга шу ерларни супуриб-сидириб юрсин демаганди. Айниқса, ўрис биродарлар яшайдиган уйларнинг атрофига қараб бўлмайди. Билмадим, боғ-роғ, экин-тикинга қизиқмайдими булар... Хуллас,

бу ертўланинг олдида Барнаулдаги «ўра»нинг «ўлса ўлиги» ортиқ эди.

Шам тополмаганми – пахта мойли шишанинг оғзини лойлаб, пилик эшиб солинган: милтиллаб ёняпти. Ҳар хил қутиларни бир-бирига тақаб қўйиб, ётса бўладиган кат ясабди. Кат устида эшакка жул бўлмайдиган бир тўшак. Ўтирипти Умрзоқ ака. Соқоли яна ўсиб кетган. Эгнида... Ўша исқирт пахталик. Қўлида қангзаси, бутлари орасида бир шиша «Чашма».

Мени кўриб Умрзоқ аканинг кичкина кўзлари каттариб кетди. Ҳассасини олмаёқ ликонглаб қолди... Сасиб-бижиб кетган, қандайдир шишган.

Қучоқлаб ўпмоқчи бўлаётганди, бир амаллаб жойига ўтқаздим. Ўзим ҳам бир қутини опқўйиб ўтирдим.

– Хўш, Олтойга қайтасизми? – деб сўрадим дабдурустдан.

Унинг кўзлари ялтиллаб кетди-ю:

– О-о, йок... Кўк колга опор, – деди. – Сен яхши кижидир. Директор-да яхши кижидир...

– Болалар-чи? – дедим. – Кеп туришадими?

У чуқур хўрсиниб:

– Олар табишкак билмаят... Оларди атази, энези қўймайт... Я не могу жить. Вот всё! – деди. – Покази мне Кок кўл. Прошу тебя. Здесь никто не знает...

Ҳақиқатан ҳам, ул қадимда Кўк кўл дейилгандир. Лекин бунинг мақсадини билганлар ҳам оборишга эрингандир... Қолаверса, у ерга бориш таъқиқланган: шунинг учун кўлнинг бутун атрофи тиканли симдевор билан ўраб қўйилган эди.

«Э, мендан нима кетади?»

– Юринг, Умрзоқ ака!

У қопа билан ҳассасини олиб, менга эргашди. Чироқни ўчириб, гугурт чақиб, тепага чиқиб олди. Ҳаво совиб қолган эди. Тупроқ йўлга тушиб, кейин кўчаларни кесиб ўтиб, музейга чиқиб борди.

Тасаввур қиласизми, бу одам хурсанд эди! Ўз тилида бижиллаб бир нималар дер, сўнгра «тенгерим, тенгерим» деб кўярди. Топишмоқ ҳам айтувди, ўзимни эшитмаганга олдим. Хафа эдим-да, ака. Дунёнинг бадкорликларидан кўнглим абгор эди: бу одам ўз юртида, ўша... Улусойга кетиб қолган камшаман ҳам ўша Кўк кўлдаги оролда яшаб қолавериши мумкин эди-ку?

Ҳа-ҳа... Бу одамнинг ахир хизмат жойи, уйи-ўчоғи, хотини Тарлоон, қизи Сирға...

Кечаси у икки-уч марта туриб сув ичди. Мен булма каравотда эдим, у ерда ётган бўлсаям билинди. Хурракниям отар экан. Саҳарлаб яна уйғотди.

– Янгмар яаады!

Ташқарига чиқсам, чиндан ҳам ёмғир савалаяпти.

Умрзоқ ака яна халтасини кўтариб олди: худди бу ерга қайтмайдигандай!

Ҳалиги – кўл суви оқиб чиққан жойга етганимизда яна топишмоқ айтиб қолди-ку:

– Қизиқ элик ятган ердин ўлон чикпас! Тап!.. Ну, там, где лежала красная косуля, трава не растет.

– Не знаю, – дедим.

– Кўк колди бердинг?

– Кўк денгизниям бердим.

У таққа тўхтаб қолди-да, ҳассаси билан халтасини кўтариб бир айланди. Кейин:

– Это же «след от пожара!» – деди. – «Орттинг орни!.. вот, смотри, здесь же бил пожар, да?

– Ҳа, – дедим. – Рост айтасиз... Ўлмасак кўрамиз, бу қишлоқдаям бир куни пожар бўлади.

Симтўсиқнинг майишиб қолган жойидан ўтиб олди. Ўрқачга чиққач, этакда кўл кўринди: қоп-қора, ялтирайди, пойабзалга суртадиган қора мойнинг ўзи...

– Мана, Кўккўл!

У турган ерида шилқ этиб ўтириб қолди. Кейин нари-берига думалай бошлади. Сўнгра атрофимда ўр-малаб:

– Чиндик сўзинг по? – деди.

– Чин сўзим, – дедим.

Шунда у бўридай увлаб юборса бўладими! Тахта бўлиб қолдим. Тағин жаврагани:

– Ўлум, ўлум, ўлум...

– Рост, оға.

– Э, тенгерим! – У бошига муштлай бошлади. – Кол йок, йўрт йок, чол йок...

Мениям кўзимга ёш келиб ўтириб олдим. Лекин кўл учун у... мендан юз чандон ортиқ куймоқда эди.

Ана шунда ишондимки, бу одам ҳақиқатан ҳам... аввало, шу кўл учун келган экан, шуни деб такли-фимга унаган экан. Демак, уни уй-жой, хотин, ҳатто текин арақ ҳам унчалик тортмаган экан... Балки бу кўл унга истиқбол чироғи бўлиб кўрингандир?

«Чашма»сидан уч-тўрт култум олгач, бир маҳал ўзига келди. Мен уни чалғитиш учун сўрадим:

– Сизлар олдин ҳам ароқ ичармидинглар?

– О, да! – деди у. – Биянинг судидан арақи қият... «Арақи» – биизди сўз. Турк сўзи. – Кейин: – Эй, яхши кижиди, – дея халтасини кавлаб балдокли пиёласи-ни чиқарди, унга винодан қуйиб, менга узатди. – Ал аяқти. Ич. Мен тамада... – Сўнг қувнабгина тушунтир-ди: – Тамада – тама-ада. Тамаа – тамақ, атдазн – атаси. Тамақ ата – тамада.

Барибир ичолмадим.

У мийиғида кулимсираб, тоғ бағридаги завод то-монга – оқ-совуқ тутунга боқиб қолди.

– Бу йўрт Озбекистон по?

– Албатта, – дедим.

– Йок, – деди у кулимсирашини қўймай. – Бу йўрт –

Дружба... – Сўнг ҳиқиллаб пичирлай бошлади: – Бизим Олтойда «дружба-дружба» деб йок олду...

– Биз ундай бўлмаймиз, – дедим. – Чунки халқимиз ҳамма нарсани тушуниб турипти.

– Хўў нукерим.

Узр, биргина изох: асл олтойлик оддий одамниям «нукер», яъни «навкар» деб атар экан, нега бундайлигини ўйласанг, хаёлинг мозийларга оғади...

Кейин Умрзоқ ака бўшаган шишани Қора кўлга отиб юборди. Шиша «сув»га ботди-ю, қорайиб ёнбошлаб қолди. Айтмасам бўлмас: бу кўл ҳам жуда сассиқ, шунинг учунми дейман, устидан қушлар ҳам учиб ўтмас эди.

– Мен Кўк тенгисе кетиям! – Умрзоқ ака туйқус шундай деб ўрнидан турди.

– Ў-ў, у денгиз жуда йироқда! – дедим. Кейин қолганиниям айтдим: – У Орол кўли-ку?

У ҳорғин бош ирғади.

– Ҳи-я, ҳи-я... Но, Кўк тенгиз – моя мечта! – деб хитоб қилди кейин.

– А, вы знаете её состояние? – сўрадим ундан. – Кўк тенгис қурият. Балик йок.

– Бар! – деди у жаҳл билан. – Кўк тенгис пака тири! Онда орталктар бар... Там буду жить и шаманит, ака Алтайский шаман! Балыктар ач олса, озумни берем!

Мен, ҳар қалай, совхоз директорининг олдидан ўтиш лозимлигини айтдим. Аммо...

...У келмади.

Эртаси эшитсак, Умрзоқ акани «Н» вокзалида кўришибди танишлар. Эгнида «қап»и, ликонглаб юрганмиш. Кейин «Тошкент – Қўнғирот» поездига ўтириб кетибди.



**Ўткир ҲОШИМОВ**



## **ЎЗБЕКЛАР**

Маҳаллада қайси кампирни уйдан тополмасангиз, тўппа-тўғри Отинойиникига бораверинг! Отинойининг ҳовлиси паст кўчанинг этагида. Уйи ҳам бошқаларникидан ажралиб туради. Иккита деразали пастак уй. Бошқаларнинг деразаси олдида гилос бўлса, Отинойиникида икки туп тут бор. Бошқаларнинг томи тунука бўлса, Отинойининг томи шифер. Ҳамманинг томида телевизор антеннаси бор, Отинойиникида йўқ. Аммо унинг уйи ҳамиша ҳамманикидан гавжум бўлади. Доимо очиқ турадиган пастак дарвозадан киришингиз билан энг аввал димоғингизга гуп этиб райҳон иси урилади. Кейин бир маҳалла хотиннинг гангур-гунгур суҳбатини, болаларнинг қий-чувини эшитасиз. Машина сиғмайдиган (унга машинанинг нимаям кераги бор) тор йўлакдан ўтиб, қутидеккина шинам ҳовлига кирасиз. Ариқ тортиб экилган райҳонлар белга уради. Ош райҳон, сада райҳон, оқ райҳон, қора райҳон. Ҳовли этагида, эски бостирма олдида бир туп ўрик бор. Довучча тукканидан бошлаб туршак бўлгунча маҳалланинг қора-қура болалари шоҳдан-шоҳга тармашади. Отинойи ўрикни қизғанганидан эмас, болаларга ачинганидан чирқиллайди: «Ҳой, уйингга буғдой тўлгур такалар, туш, йиқилиб кетасан!» «Такалар» парво қилмайди. Биладики, Отинойининг тути

ҳам, ўриги ҳам уларники! Умуман, бу ҳовли ҳамманики. Эрта кўкламда сумалак шу ерда бўлади. Исмалоқ сомса, ялпиз сомса Отинойининг бостирмасидаги тандирда ёпилади. Кейин тут пишади. Кетидан ўрик. Маҳалладаги хотиноши борми, чалларми, бешик тўйи борми, қуда чақириқми – ҳаммасининг маслаҳати шу ерда пишади. Қанча нон ёпилади, қанча гуруч дамланади. Қудаларга «тўққиз-тўққиз»да нималар тортиш керак...

Тўғри, у отинликдан кўра кўпроқ ходимлик қилган. Аммо уни ходим хола эмас, Отинойи дейишади. Қолаверса, ҳозир дастурхончиликни ташлаган. Уч йил бўлди. Кексайиб, кучи етмай қолди. Лекин ҳалиям Отинойи дейишади. Ёзда ўрик тагидаги эски сўри, қишда «чийлампа» сувоқ қилинган пастак шифтли, токчаларига баркашлар, чегаланган қадимий «гардим» лаганлар териб қўйилган уй ҳамиша гавжум бўлади.

Ҳозир ёз. Думбул бўлган ўрик шохида одатдагидек қўшни болалар кир майкасининг қўйнига ўрик тўлдирипти. Биттасини оғзига ташлайди, биттасини қўйнига солади. (Ҳар эҳтимолга қарши.) Отинойи пастак шифтли уйида оғзи очилган эски сандиқ олдида чўккалаб ўтирибди. Уйни куядори ҳиди тутиб кетган. Ўртадаги хонтахта атрофида Иной гарангнинг хотини Баҳри хола, заводда ишлайдиган «гирой» Аҳмаднинг онаси Муаттар хола, «Келинпошша» ўтиришибди. Отинойи сандиқдан бирма-бир ўлимликларини олиб «кўз-кўз» қиляпти.

– Мана бу – кафанлик, – дейди у бежирим қилиб ўралган докани кўрсатиб.

Муаттар хола доканинг бир учини чимчилаб кўради.

– Яхши, мисқоли дока экан.

– Искандарим атайлаб Масковдан обкелган. – Отинойи керилиб қаддини ростлайди. – Мана буни йир-

тишга берасила. – У тагин бир тугунни очади. – Аммо-лекин рўмоллардан сал кўнглим тўлмаи турибди. Ҳаммаси бир хил бўлгани яхши. Мана, ўттизтаси кўк, йигирматаси мошранг. Майли, Искандаримга айтаман, обкелиб беради.

– Қўйинг, овсин пошша, ҳали кўп юрасиз, – дейди Баҳри хола минғирлаб. У минғирламасдан гапиролмайди. Димоғи шунақа бечоранинг. Айниқса «п»ни айтолмайди, «м» дейди. Сал ғийбатчи роқ-ку, аммо яхши хотин, кўнгли бўш. Қўшнининг мушуги туғсаям, «жони оғригандир», деб йиғлайди. У рўмолининг учини мижжасига босиб хўрсинди. – Қараб туринг, ҳали кўша-қўша неваралар кўрасиз, тўйлар қиласиз, овсин мошша! – У «пошша» деганда овози «мошша» бўлиб чиқади.

– Айтганингиз келсин. – Отинойи маъюс жилмаяди. «Ўлимлигини» тартиб билан яна сандиққа жойлайди. – Худо Искандаримгаям кўчқордек ўғиллар берса ажабмас. Кечаям келиб кетди, болам бояқиш. – Отинойи сандиқни қайтадан титкилайди. – Мана, – дейди икки лўппи ялтироқ қоғозли совунни олиб. – Полча деган жойдан мозор босиб келган. Искандарим обкелди.

У совуннинг биттасини Баҳри холага, биттасини Муаттар холага беради.

– Вой, мунчаям яхши! – Муаттар хола «польский» совунни хузур қилиб ҳидлайди. Баҳри хола ҳам ҳидлаётганида Муаттар холадан дашном эшитади.

– Ис билмайсиз-ку, ҳидлаб ниманинг фарқига бордингиз...

– Ўғлимни дуо қилинглар, – дейди Отинойи астойдил ялиниб. – Ўзидан кўпайсин, денглар, яхши фарзандлар берсин, денглар.

Боядан бери индамай ўтирган «Келинпошша» жилмаяди.

– Менга-чи, Отинойи? Мозор босиб келган «Полча» совундан менга бермайсизми!

– Сиз совунни нима қиласиз, Келинпошша, ўзингиз ойдайсиз. Ундан кўра бориб чой дамлаб келинг.

«Келинпошша» – Отинойининг девор-дармиён кўшниси. Ўртадан туйнук очиб қўйишган. Эри провоник. Маҳалладаги ёш-яланглар уни Келинойи деб чақиришади. Отинойи учун у «Келинпошша». Яхши жувон, бечора. Саккизта боласи бор. Энг кичкинаси энди йўлга кирди. «Келинпошша» шу кўклам тагин бошқоронғи бўлди: довуччага. Ҳовуч-ҳовуч довучча еб эси кетди бояқишни. Келинпошша «дик» этиб ўрнидан туради. Отинойи кетидан тайинлаб қолади:

– Искандарим обкеган чойдан дамланг, болам. Дутор чалиб турганидан.

«Келинпошша» бир зумда чой дамлаб келади.

– «Полча» совунни тўяна қиласиз, Отинойи, – дейди кулиб. – Ақининг тўйига!

Ақида «Келинпошша»нинг тўнғич қизи. Ҳамшира бўлиб ишлайди. Яқинда узатишмоқчи. Янгийўллик пахта бригадирига фотиҳа қилишган.

– Тўяна сиздан айлансин! – Отинойи ҳам кулимсирайди. – Ақи қизимнинг тўйи бўлади-ю, мен қараб турармидим. Совун нима бўпти, ҳали Искандаримга айтсам, гилам олиб беради.

Искандар – Отинойининг ёлғиз ўғли. Катта жойда ишлайди. Оқ машинада юради. Марказда тўрт хонали уйи бор. Отинойининг айтишича, ваннаси чиннидан эмиш. Искандар яхши бола. Домга олиб кетаман, деб уввало ялинсаям, Отинойи кўнмайди: ҳовлисига ўрганиб қолган. Отинойининг биттаю битта орзуси бор. Шу – Искандарининг ақалли биттагина боласини бағрига босса, оёқ-қўлини бемалол узатиб кетарди.

– Майли, тўй бўлсин, – дейди у негадир хўрсиниб. – Энди... Тирик жон-да, ўргилайлар. Вақти қазоим етса,

болам бечора югургилаб қолмасин, дейман-да, иши оғир, лак-лак одамга хўжайин бўлиш осонми?

\* \* \*

Искандар Ваҳобович «вертушка» гўшагини жойига қўйди-ю, ичидан хўрсиниқ келди. Министр ўринбосари телефонда йигирма минут «қовурди». Юбилей объекти ўлда-жўлда бўлиб ётгани учун Искандар Ваҳобович бошчилик қилаётган трест айбдор эмиш. Искандар Ваҳобович ётиғи билан тушунтирмақчи эди, замминистр, «баҳона изламанг», деб жеркиб берди.

У сирқиллаб кетаётган чаккаларини кафти орасига олиб бир зум кўзларини ярим юмганча стол қиррасига тикилиб ўтирди. «Ҳар куни бир ғалва!»

Эшик ғийқиллаб очилди. Искандар Ваҳобович остонада турган дўмбоқ котибага «ҳа, тағин нима гап!» дегандек зардали қаради.

– Шаҳар телефонида сўрашяпти, – деди котиба хуркиброқ.

– Ким?

Котиба қуюқ бўялган киприкларини пирпиратди.

– Танишиман, дейди.

«Падарига лаънат танишларниям, нотанишларниям! Қайси бирининг иши тушса, дарров «таниш» бўлиб қолади». У олчаранг телефон гўшагини шахт билан кўтарди.

– Ҳа!

Шу заҳотиёқ шанғиллаган овоз қулоғини тешиб юборай деди.

– Искандармисан?

«Қанақа саводсиз бу! Бақиради, сансирайди!»

– Ким ўзи бу? – деди Искандар Ваҳобович қони қайнаб. Жавоб ўрнига яна савол эшитди.

– Искандармисан?

– Ҳа? Ўзингиз кимсиз?

Гўшак яна шанғиллади:

– Холматман! Қўшнинг...

Искандар Ваҳобович беихтиёр қўшниларини бир-бир эслаб кўрди, Холмат деган қўшниси йўқ. Жинни бўлганми бу одамлар?!

– Қиладиган ишингиз бўлмаса, телефонни жойига қўйинг! – Шундай деб энди гўшакни улоқтирмоқчи эди, бояги овоз яна шанғиллади:

– Отинойимнинг аҳволи оғир!

Искандар Ваҳобович эсанкираб қолди. Ахир Отинойи... ўзининг онаси-ку! Бўлди-бўлди! Холмат ака уларнинг девор-дармиён қўшниси. Проводник!

– Нима бўлди?! – деди бирдан юрагига ғулғула тушиб. – Ойимга нима бўлди?

– Аҳволи оғир.

– Шошманг, ҳозир «скорий» чақираман.

– «Скорий»ни нима қиласан? – Холмат ака тагин бақирди: – Ўзинг кел, тезроқ!

Телефон узилиб, «тут-тут-тут» деган қисқа товуш эшитила бошлади. Искандар Ваҳобовичнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Наҳотки онаси...

У югуриб қабулхонага чиқди. Машинака чиқилла-таётган котибага буюрди:

– Диля! Тезроқ машина чақиринг! Подъездга!

...Оқ «Волга» гавжум кўчалардан шиддат билан учиб борар, Искандар Ваҳобович орқа ўриндиқда ўтирганча юраги гурсиллаб бир саволни хаёлан қайтарарди. «Наҳотки!»

Машина чорраҳаларда ҳадеб тўхтар, у хаёлига келган даҳшатли ўйни ҳайдашга, «тоблари қочгандир-да», деб ўзини юпатишга уринар, аммо ўша заҳоти бояги шафқатсиз савол яна вужудини тешиб ўтар эди. «Наҳотки!»

Машина чойхўрлар чақчақлашиб ўтирган гузар олдидан ўтаётганида у бир қадар таскин топгандек бўлди. «Хайрият, тинчлик экан». У биледи. Худо кўрсатмасин, бирон кор-қол бўлса, чойхонада одам қолармиди? Аммо машина паст кўчага кириши биланоқ юраги музлаб кетди. Ана, ўша шифер томли пастак уй, ана икки туп тут, ранги унниқиб кетган тахта дарвоза. Дарвоза олдида беш-олти эркак тўдалашиб туришибди. Аллақандай аёл тут тагини супурыпти.

«Наҳотки!» Бу савол унинг миясига сўнгги бор чақмоқдай урилди-ю, мажолсиз оёқларини аранг судраб, машинадан тушди. Шу ондаёқ Холмат ака югуриб келиб, уни қучоқлади.

– Онамиздан айрилиб қолдик-ку, укам! – У Искандар Ваҳобовични бағрига босганча бирдан ўкраб йиғлаб юборди. – Айрилиб қолдик!

Искандар Ваҳобовичнинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди. У карахт бўлиб қолган, Холмат аканинг елкаси муттасил силкинаётганини, мўйлови ўзининг юзига тегиб ғашини келтираётганини сезиб турар, аммо бошқа нарсани идрок этолмас, хаёлида фақат бир фикр чарх урарди. «Ойим!» «Ойим!» У амаллаб Холмат аканинг қучоғидан чиқди-да, гандираклагудек бўлиб уй томон йўналди. Дарвоза олдида турган кишилар негадир унга тик қарамас, бири бошини хам қилиб турар, бири юзини ўгирганга ўхшарди. Бироқ ҳозир у бунга эътибор берадиган аҳволда эмасди.

Чайқалиб-чайқалиб ғиштин зиналардан чиқди-ю, салқин даҳлиздан ўтиб, уйга отилиб кирди. Қандайдир аёллар (Искандар қарамади) унга йўл бўшатишди.

Искандар ялтироқ қуббалари занглаб кетган сим каравотда ётган онасини кўрди. Устига оқ чойшаб ёпиб қўйилган. Онаси қандайдир осойишта ётар, худди ухлаётганга ўхшарди. Искандар ҳозир «Ойи!» деб чақирса, уйғониб кетадигандек.

У шундай қилди. Каравот олдига, наматга тиз чўк-канча илтижо қилди:

– Ойи! Ойи-и!

Йўқ, онаси кўзини очмади. Шунда у чойшабни очиб ташлади-ю, онасининг қўлини, йиллар заҳматидан бармоқлари қинғир-қийшиқ бўлиб кетган қўлини чангаллаб ўпди. Қизиқ, онасининг қўли муздек эди!

– Ойи! Ойижо-он! – деди ҳайқириб. Кейинги сўзлар бўғзидан йиғи аралаш отилиб чиқди. – Ойи-и!

У кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган лаблари билан онасининг қўлларини ўпа бошлади. Кейин нима учундир икки қўллаб намат тўшалган ерни муштлади.

– Нега! Ойи, айтинг, нега?

У эсдан оғиб қолганга ўхшар, ҳадеб ерни муштлар, аммо бу хитоб онасига қаратилганми, ўзигами, ақли етмас эди. У чўккалаган кўйи тагин онасининг қўлларига ёпишди. Муздек, дағал қўлни юзига босиб, ўкраб юборди.

...Бу қўллар унинг бошини силаган, кўп силаган. Кўнгли ўксиганида, бетоб бўлганида, илк бор мактабга борганида, мактабни олтин медаль билан битирганида... Институтга кирганида, битирганида... Ниҳоят... уйланганида... Бу қўллар унинг бошини кўп силаган. Ўзи-чи, ўзи онасининг бошини силаганми? Бирон марта, ақалли бирон марта силаганми?!

Юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан бу савол аъзойи баданини ўртаб юборди.

– Ойи-и-и-и! – деди инграб.

Бу қўллар уни йўргаклаган, унга кўкрак тутган, шамоллаганида баданига қўй ёғи сурган. Бу қўллар сигир соққан, таппи қилган, кир ювган, овқат пиширган, нон ёпган...

Нон! Онасининг назарида нондан табаррук нарса йўқ эди. Кўни-қўшнларнинг гўдак боласи йўлга кирса оёғи орасидан кулча юмалатиб, бошқа болаларга



обқочтирарди. Никоҳ тўйдан аввал икки ёшнинг пок турмушидан нишона бўлсин деб нон ушатарди. Бостирмадаги тандирда кунора нон ёпарди. Зоғорами, арпа нонми, ишқилиб, нон-да! Тандир ёнида ўралашиб юрган Искандарга энг аввал пишган нонни юзига сув сепиб узиб берарди...

У ёш тўла кўзлари билан беихтиёр каравот устига, шифт томонга тикилди. Ана, ана ўша нон! «Чийлампа» қилиб сувалган шифт остида, девордаги михга илиғлиқ турибди. Бир чети тишланган. Ана, ўша тиш излари. Бу – дадаси тишлаган нон. Қип-қизил...

У онасининг нонни арта-арта жойига илиб қўйганини кўрган. Михдан ҳадеб олиб қўйилавергани учун тешиги кенгайиб кетган. Аммо нон ҳамон турибди. Моғор босмаган, қип-қизил...

Бир маҳал у кимдир оҳиста туртганини идрок этиб, елкаси оша бурилиб қаради. Таниди: Баҳри хола. Кўк рўмол танғиб, кўк кўйлак кийиб олибди. Йиғлай-вериб, шишиб кетибди.

– Бандалик-да, болам, – деди у минғирлаб. – Оллонинг иродаси, жон болам! Ювғувчи келди... – Шундай деди-ю, ҳиқиллаб йиғлаганча кўк рўмолини юзига босди.

Искандар чиқиб кетиши кераклигини тушунди. Остонага борганида тўхтаб қолди. Онасига термилди. Онаси қуббалари занглаб кетган сим каравотда ётар, гўё ухлаётгандек, ҳозир ўрнидан туриб, уни бағрига босадигандек, икки кафти билан икки юзидан ушлаб, пешонасидан ўпадигандек эди. У доим шундай қиларди. Шу уйда, шу каравотда онаси уни бағрига босиб ухлатган. Эрталаб пешонасини силаб уйғотган.

...Эсида, ўшанда Искандар биринчи синфда ўқирди. Ўрик гуллаган кун эди. Мактабдан иситмалаб келди. Онаси минг зўрламасин, бир пиёла чой ичди-ю, худди мана шу каравотга чўзилди. Уйда хотинлар кўп

эди. У иситма аралаш Баҳри холанинг димоғи билан минғирлаб айтаётган гапларини эшитиб ётарди.

«Энди, овсинмошша, Худодан ҳам, бандасиданам қарзингиз қолмади. Уруш битди. Келганлар келди. Ўлганларни жони жаннатда бўлсин. Ёш умрингизни хазон қилманг. Болагаям ота керак, ўргилай. Сизга оғиз солаётганлар таг-зоти кўрган одамлар...»

Искандар онасининг жавобини эшитмади. Ухлаб қолдими, ҳушидан кетдими, ўзи билмасди. Умуман, бу гапларнинг маъносини тушунмасди. Фақат эртасига онаси куйиб-ёниб айтган сўзлар қулоғига ўрнашиб қолди.

«Иккинчи унақа гапларни гапирманглар! Худони қаҳри келди. Боламга қизамиқ тошиб кетди. Дадаси омон бўлса келар, келмаса пешонамдан кўрдим. Ёлғиз эмасман, шукр, олдимда болам бор...»

– Искандаржон, жон болам, – Баҳри хола унинг елкасига қоқди. – Чиқа қолинг, қоқиндиқ.

Искандар (у энди Искандар Ваҳобович эмас, Искандар, оддий Искандар бўлиб қолганди, негаки, ўлим ҳаммани баравар қилиб қўяди) вазмин қадамлар билан салқин даҳлизга чиқди.

Пешайвон устундаги михларга онасининг бутун «бисоти» илиб қўйилибди: битта янги, иккита эски қўйлак, унниқиб кетган бахмал нимча, бир бурчи тешилган жун рўмол, ҳали тикилмаган бир кийимлик штапель, шол дастурхон...

Кавшандозда онасининг кавуши турибди. Қизиқ, бу кавушни Искандар уч йил илгари олиб берган эди. Нега яп-янги турибди?

Холмат аканинг хотини – Келинойи йиғидан қизарган кўзлари билан унга термилди. Искандар кавушга тикилиб турганини сизди шекилли, тушунтирди:

– Аяб юрардилар. Тўйга борсалар ёнбошларига – кўрпачанинг тагига беркитиб ўтирардилар. Искандарим оберган, деб мақтанардилар.

Искандар ҳамон кавушдан кўз узмасди. Келинойининг саволини дафъатан яхши эшитмади.

– Нима қилайлик, маставами, шўрвами?

Искандар ҳеч нимага тушунмади.

– Нима? – деди гарангсиб.

– Ҳали-замон уйни одам босади. Иссиқ овқат қилиш керак, – Келинойи куйманиб тушунтирди. – Ўлик чиққан уйда қозон қайнатиб бўлмайди. Бизникида қиламиз. Сўрамасам ҳам бўларди-ку, сиз – ўзимизникисиз, укам.

Искандарни Келинойининг саволи эмас, ўзини ўртаётган муаммо қийнар эди.

– Нима бўлди? – деди инграб. – Ойим соппа-соғ эдилар-ку!

Келинойи ўпкаси тўлиб хўрсинди.

– Туппа-тузук эдилар, – деди бурнини тортиб. – Эрталаб ўйнаб-кулиб ўтирдилар. Ўлимликларини кўрсатдилар. Ҳазиллашдик. Мен айтдим: «Ўлимни ўйламанг. Ақининг тўйини... – Келинойи ҳиқиллаб қолди. – Ақиданинг тўйини ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз», дедим. Хўп, дедилар. Кейин бирдан, ғалати бўп кетяпман, дедилар. Каравотга ётқизган эдик...

Искандар кавшандозга ўтирганча бошини чангаллади. Бу қандай гап! Бу қандоқ адолатсизлик! Нимага? Туппа-тузук юрган онаси нимага тўсатдан...

Келинойи ҳамон ҳиқиллаган кўйи унинг бошига эгилди.

– Шўрва қила қоламиз.

Ажаб, шу топда таом ўтадим томоқдан! Дарвоқе, онаси шўрва пиширишга уста эди. Тўйда, маъракада хотинлар унинг овқатини мақташса қувониб кетарди. Айниқса, мохорани кўп қиларди. Бу таомни Искандар ҳам еган. Кўп еган! Онаси бева қолганидан кейин жамоат уни Отинойи қилди. У мактабда фаррош бўлиб ишлар, лекин уйда ҳам тинчи йўқ эди. «Келин тушди»га

қовурма чучвара пишириш борми, «тўққиз-тўққиз»га қатлама қилиш борми, никоҳ тўйида «тортишмачоқ» бўладими, куёв-келиннинг бошидан сочқи сочишми, келин саломда куда-қудағайларга салом беришми – ҳаммаси онасининг зиммасида эди. У тўйдан, албатта, тугунча олиб келар, тугунчада нон, монпаси, қовурма чучвара, кейин... албатта – мохора бўларди. Баъзан ярим кечалари эшик тақиллаб қолар, Искандар онасининг дик этиб ўрнидан туриб кетганидан уйғонар, зум ўтмай онаси қайтиб кирарди. «Жон болам, Исмаат чўлоқ омонатини топширибди, бормасам бўлмайди, сен қўрқмайсан-а, катта йигитсан-ку», деб пешонасидан ўпиб чиқиб кетар, шу кетганча эртасига пешинда қайтиб келар, ўзича қуръон ўқир: «Жойи жаннатда бўлсин», деб юзига фотиҳа тортар эди.

...У онаси ётган уйга оқсоқланиб кириб кетаётган паранжили кампирни кўрди-ю, гарангсиб ҳовлига тушди. Димоғига райҳон ҳиди кирди. Негадир онасининг иси келгандек бўлди.

Келинойи ҳовлидаги райҳонлардан шоша-пиша юлганча уйга кириб кетди. Искандарнинг хаёлига ярқ этиб бир фикр урилди: «Гуляга айтиш керак. Хабари йўқ-ку ҳали».

У энди эшик томон йўналган эди, хотинига кўзи тушди. Гуля, қўлида оқ сумкача, худди тўйга келгандек ясаниб олган, водлазка кийган, қулоғида бриллиант зирак ялтираб турарди. «Қаёқдан эшитибди бу!» деган хаёлга борди-ю, унинг орқасидан сумка кўтариб келаётган шофёри Шавкатни кўриб, ҳаммасини тушунди: «Шавкат хабар қилган».

– Искандар ака! – Гуля унинг елкасига бошини қўйиб қучоқлади. – Бечора ойим! – У бир зум шу алфозда турди-да, негадир тескари қараб кафти билан юзини чангаллади. Шоша-пиша оқ сумкачасидан рў-молча олиб кўзига босди.

«Сен айбдорсан! – деб ўйлади Искандар вужуди титраб. – Ҳаммасига сен – қанжиқ айбдорсан!» У хотинидан чириллатиб юзини ўгирди-да, бурчакда, ўрик остида турган сўрига бориб ўтирди.

Шу ондаёқ шафқатсиз бир савол аъзойи баданини сирқиратиб юборди. «Ўзинг-чи, ўзинг!»

Унинг уйланиши қизиқ бўлди. Қурилиш факультетида Искандар Ваҳобовнинг олдига тушадиган талаба йўқ эди. Аълочи, жамоатчи... Тўртинчи курсда ўқиётганида СНОда «Граждан қурилишини маҳаллий шароитга мослаш» деган мавзуда маъруза қилди. У шу қадар дадил фикрларни ўртага ташладики, муҳокама жанжалга айланиб кетди. Бировлар уни модернист деди, бошқалар донишмандга чиқарди. Шунда кафедра мудирини, Фанлар академиясининг мухбир аъзосини, профессор Зариф Ҳодиевич уни ҳимоя қилди. «Ёш дўстимиз Искандар Ваҳобовичдан келгусида етук олим чиқади», деди комил ишонч билан. Ростдан ҳам шундай бўлди. Зариф Ҳодиевич уни ўз тарбиясига олди. Искандар аспирантурада қолди. Биринчи бор домланинг қизи – жинси шим кийиб юрадиган Гуляни кўрганида эътибор бермади. Тўғрироғи, эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Кимсан, академикнинг қизи қаёқда-ю, маҳалла отинининг ўғли қаёқда! У шундай деб ўйлар, лекин домла билан олча соясида ўтириб суҳбатлашаётганда ичкарида рояль чалаётган, баъзан хиёл бўғиқ, аммо юракни ўртовчи овозда кўшиқ айтаётган Гуландом – Гуляга кўнгли талпинаётганини сезиб турарди. Гуля консерваторияда ўқир, замонавий, ўктам қиз эди. Хуллас, Гулянинг ўзи унга кўнглини ёрди.

Тўй ресторанда ўтди. Келиннинг дугоналари паст кўчадаги кулбага келишганида Искандарнинг етти номуси ерга букилди. Назарида, Отинойи келиннинг бошидан сочган сочқилар ҳам, пиширган мохораси ҳам

ўта бачкана, ўта ғариб кўринар эди. Буни қарангки, Зариф Ҳодиевич мард одам экан! Худди шу ҳовлида, худди шу сўрида ўтириб (Отинойи катта охурдан ем еган қудаларидан уялиб, ресторанга бормаган, аммо уйда чиройли дастурхон тузаб қўйган эди), қизига насиҳат қилди: «Искандарни ўзинг танладингми, энди билиб қўй, шу оиланинг жирини жирлайсан. Онанг бечора бир кўз билан ўғил ўстирибди. Менинг ҳам бир болам иккита бўлди, Отинойининг ҳам».

Отинойи бу гапдан боши осмонга етди. Тоғдек суянчиқ топганига қувониб, қудасининг елкасига бош қўйиб йиғлаб юборди.

Ярим йилча яхши туришди. Отинойи келини уй-ғонмасидан аввал печкага кўмир қалаб қўяр, атайлабдан тандирда нон ёпар, кечқурун эр-хотин ишдан қайтишига овқат тайёр турар эди... Бошқа пайтларда у тўйгами, маъракагами чиқиб кетар, аллапаллада бир лаган совиган ош, бир коса мохора, бир чеккаси ушатишган қатлама олиб келиб, ўртага қўяр, тантана билан эълон қилар эди. «Олинглар, болажонларим! Сизларниям тўйга етказсин!» Кейин бир кийимлик читми, сатинми келинига узатарди: «Обқўйинг, келинпошша, Худо хоҳласа, ўғил тўйи қилсангиз керак бўлади!»

Гуля қайнонасининг олдида бир нима дея олмас, кечаси Искандарни эговларди: «Онангиз тиланчиликни бас қилсин! Менга биров тишлаган қатламалар, биров садақа қилган латталар керакмас».

Катта жанжал арзимаган нарсадан бошланди. Бир куни Искандар ишдан келса, хотини диванга мук тушиб йиғлаб ётибди. Искандар унинг елкасидан оҳиста тутган эди, Гуля диван суянчиғини муштлади, ёшдан туши эриб кетган кўзида ғазаб чақнади:

«Йўқолинг! – деди йиғлаб. – Тиланчи онангиз билан қўшмозор бўлинг! Гиламим! Гиламимни нима

қилди? Икки минг сўмлик гилам эди! Ирим-сиримларинг бошингда қолгурлар!»

Искандар эсанкираб қолди. Девордаги ипак гиламга қаради. Йўқ, ҳаммаси жойида. Кейин, ерга тўшалган «Туркман» гиламини синчиклаб текшира бошлади. Қараса Гулянинг гапи рост. Гиламнинг бир бурчи тешилиб қолибди. Тангадек тешик. Искандар гўё шу билан тешик бекилиб қоладигандек бармоғини тиқиб кўрди. Юраги сиқилиб уф тортди. Бошини кўтарса, тепасида онаси турибди. Отинойи, «бу ёққа кел», дегандек уни имлади. Искандар ҳамон диванда юзтубан ётган хотинига ўғринча қараб қўйди-да, онасига эргашди.

«Айб манда, – деди онаси шивирлаб. – Кеча тўйда бир уй хотин Гуландомни мақтади. Келинимга кўз тегмасин, деб исирив тутатгандим. Хокандоз ўлгурдан чўғ тушганини билмай қолибман. – У бир зум ўйланиб турди-да, тушунтирди: – Хотинингни кўнглини ол. Хапа бўмасин. Жа бўмаса, пенсиямдан йиғиб-йиғиб олиб берарман!»

На иложки, бу билан жанжал тугамади. Гуля масалани кўндаланг қўйди: «Ё мени денг, ё тиланчи онангизни! Кетаман! Дадамникига кетаман! Онам мени кўмирнинг сассиғини ҳидласин, деб туққан эмас».

Охири эр-хотин бошлашиб Зариф Ҳодиевичнинг олдига боришди. Маслаҳат сўрашган эди, қайнотаси Искандарни жеркиб берди: «Қанақа эркаксиз ўзи! Бир йил турмасдан онангизни ташлаб қочишни мўлжаллаб қолдингизми? Хотин деганни қаттиқ ушлаш керак-да, бундоқ!»

Дадасининг гапи Гулянинг жон-жонидан ўтиб кетди. «Уйингизга сиғмасам, ижарага квартира оламан», деб йиғлади. Қизиқ, шунда яна Отинойининг ўзи ёрдамга келди. «Болаларимга ёрдам беринг, жой олишсин. Гуландомим катта охурдан ем еган, менинг

чолдеворимда турса уят бўлади», деб қудасига ялинди.

Шундоқ бўлди. Зариф Ҳодиевичнинг кўмагида шаҳар марказидан уй олишди. Эр-хотин «Юринг биз билан», деб Отинойини ҳол-жонига қўйишмади. Аммо Отинойи кўнмади. «Қорада кўрсам қорним тўқ, ўзларингдан кўпайинглар. Мен чолимнинг чироғини ўчириб кетмайман».

Тўғри, Искандар онасини қаровсиз қолдирмади. Лойсувоқ том устига старापил ўрнатиб, шифер ёптирди. Уй «замонавийроқ» бўлди. Кейин... кейин газ киргизиб берди. Тўғри, табиий эмас, баллонли... Отинойи уларнинг «дом»ига борса кўп ўтиролмас, маҳалладаги бирон тўйними, маъраканими баҳона қилиб, тезгина тура қоларди.

Аввалига эр-хотин бу ҳовлига бот-бот келиб туришди. Кейин Искандарнинг ишлари кўпайди. Искандар энди кимсан Искандар Ваҳобовичга айланди, фан кандидати, трест бошқарувчиси... Ажаб, унинг иши кўпайгандан-кўпайиб борар, бироқ ҳаммасига улгурар эди. Фақат бир нарсага, онасини кўришга вақт тополмасди. Бунга бир чеккаси Гуля ҳам сабабчи эди. Эр-хотиннинг умри ўтиб борарди. Фарзандлари йўқлиги аввалига билинмаса ҳам бора-бора Гуля серзарда бўлиб қолди. Бир куни эрига пичинг қилди: «Ойингиз сизга янги хотин излаб юрганмиш. Эшикма-эшик тентираб ўрганиб қолган-да! Топса-топадиям!»

Искандар ўшанда хотинини биринчи марта сансиради. «Уят борми санда», – деди ғазабдан титраб. Онаси ҳар доим бир гапни қайтарарди: «Хотинингни хафа қилма, болам. Умид билан бир ёстиққа бош қўйган». Гуля ҳар эҳтимолга қарши «профилактика» учун шундай деганини билиб, Искандар баттар ғазабланди: «Уят борми санда?» – Гуля кинояли кулди: «Уят нима қилади менда, ҳаммасини йиғиштириб сизга берган».



«Мана энди ҳаммаси тамом бўлди. Ҳаммаси». Искандар ҳовлида одамлар куйманиб юрганини пайқар, аммо ҳеч нимани» кўрмас эди.

Чеккиси келди. Шимининг чўнтагига қўл суқса, сигарет йўқ. Ҳали ишхонада стол устида қолиб кетаверибди. У маъносиз нигоҳини рўпарасидаги бостирмага тикди. Лойсувоқ том юпқалашиб қолибди. Каталакдек деразанинг бир кўзи синган, ойналари хиралашиб кетган.

Ажаб, охирги марта қачон келувди бу ҳовлига? Ҳа, байрам арафасида, еттинчи мартда келган эди. Тушлик танаффусидан фойдаланиб, бирров келдию кетди. Одатдагидек шошиб турарди. Кейин, Гуля меҳмон келади деб қўйган... Онасини тўртта чой, совун билан қутлади. Машина кутиб турганини баҳона қилиб туфлисини ҳам ечмади. Онаси шошиб қолди. Ялпиз сомса қилган экан. Мажбур қилиб шундан биттасини едирди. Искандар машинага ўтирганда ҳарсиллаб югуриб чиқди. Рўмоли қийшайиб елкасига тушиб кетган. Кўлида эски газетага ўроғлик бир нима. «Ма, – деди машинанинг қия очиқ эшигидан узатиб. – Гуландомниям оғзи тегсин». Искандар газета остидан иссиғи сезилиб турган сомсаларни машинанинг орқа ойнаси тагига ташлаб эшикни ёпди... Ўшанда онасини охирги марта кўраётганини билса эди! Бугун нечанчи ўзи? Ўн иккинчи июль. Бундан чиқди уч ойдан ошибди. Уч ой! Наҳотки шунча вақт ичида бир соат вақт тополмади? Топарди, хоҳласа, албатта, топарди...

У аллаким ўзининг отини айтиб чақираётганини идрок этиб, бошини кўтарди. Қараса, жинси шим кийган талабанамо йигит елкасида картон кути кўтариб турибди. Искандар уни танимади. Талмовсираб қараган эди, йигит сўради:

– Қаёққа кўяй?

Искандар ҳеч нимага тушунмади. Юки оғирроқ бўлса керак, йигит қутини қўш қўллаб чираниб елка-

сидан олди-да, сўри бурчагига – сояга қўйди. Искандарнинг кўзи қутига ёпиштирилган этикеткага тушди. «Қорақум». Зум ўтмай бояги йигит тагин бир қути қўтариб келди. Униям сўри устига, бояги қутининг ёнига қўйди.

– Майиз, – деди секин.

Шундагина Искандарнинг хаёлига келди: «Пулини бериш керак».

– Шошманг, – деди чўнтагини кавлаб. – Неча пул бўлади?

Йигит тўхтаб қолди. Ҳайрон бўлиб унга тикилди.

– Неча сўм? – деди Искандар овози хириллаб. Йигит негадир ерга қаради.

– Отинойим... – Шундай деди-ю, у ёғини гапирмади. Кўзига шу қадар маъноли тикилиб қарадики, Искандар беихтиёр пулни қайтиб киссасига солди. Йигит оҳиста бурилди-да, индамай кетаверди. Қизиқ, нима демоқчи бўлди у! «Отинойим менинг ҳам онам эди, сен пасткаш ҳамма нарсани пулга чақасанми», дедими! Ким ўзи бу йигит? Нимага Искандар уни танимайди? Умуман, ўзидан бошқа – Искандар Ваҳобовичдан бошқа кимни танийди?!

Бир маҳал у кавшандозда Келинойи имлаб чақираётганини кўрди. Паранжили ювғувчи оқсоқланиб зинадан тушиб келарди. Келинойи ёшдан қизарган кўзларини Искандарга тикди.

– Отинойимнинг зираklarини ювғувчига бердик, – деди секин. – Ўзлари васият қилгандилар.

«Ювғувчи», «васият...» Бу сўзлар Искандарга хунук, совуқ эшитилар, гўё бу гаплар ҳаммаси ёлғондек, тушида бўлаётгандек эди. Ҳозир уйғониб кетади-ю, енгил тортади.

– Мана... Олиб қўйинг...

Искандар меровсираб Келинойининг қўлига қаради. Икки лўппи чой. «Индийский».

– Иккитасини ювғувчига бердик. Рози бўлинг. – Келинойи титраётган лабини тишлади... – Тўртта эди. Саккизинчи мартда олиб келган экансиз. Отинойим... Отинойим... – Келинойи энтикиб қолди. – Баркаш орқасига бекитиб қўйган эдилар. Биров келса, Искандарим обкелган чойдан дамланг, дутор чалиб турган чойдан, дердилар. Мен бошқа чой дамлардим. Бунисини Отинойим ҳар куни ҳидлаб-ҳидлаб баркаш орқасига бекитиб қўярдилар.

Искандар боши ғувиллаб бораётганини, ҳозир йиқилиб кетишини ҳис этиб турарди. Келинойи «дутор чалиб турган» ҳинд чойини пешайвон тахтасига қўйди. Бурнини торта-торта йиғлаганча кўйлагининг ёқасидан қўйнига қўл суқиб, эски газета қоғозига ўроқлик алланима чиқарди.

– Олиб қўйинг, – деди қоғозни узатиб. – Ўлимлигим деб, ёстиқларининг орасига тиқиб қўйган эдилар. Сиз ташлаб кетган экансиз. Қирқ сўмини ювғувчига бердик. Икки юз олтмиш сўм қолди. Санаб олинг. – У газета қатини очиб, бир сўмлик, уч сўмлик пулларни Искандарга узатди.

Қачон, қачон шунча пул берганди у онасига! Бу қандоқ жазо! Бу қандоқ бедодлик! Шу кунидан кўра онаси эмас, ўзи ўлгани яхши эмасмиди!!! Онаси бир сўмлаб йиққан пенсия пулини ҳам Искандарим берди деган. Шу гапга ўзиям ишонган, бошқаларниям ишонтирган. Қани энди кўкрагини шундоқ йиртса-ю, юрагини суғуриб олиб ерга улоқтирса!

Ич-ичидан отилиб келган бўғиқ йиғидан титраб, пулни ташлаб юборди. Бир сўмлик, уч сўмликлар паришон пирпираб кавшандозга тушди.

...Искандар ҳовлига, ундан йўлакка отилди. Узун атлас лозим кийган қандайдир келинчак тор йўлакка «шакароб» қилиб сув сепар, сачрамаслик учун қўлидаги пақирни борган сайин пастроққа эгар эди. Очиқ

дарвозадан забардаст йигит кириб келди. Искандар унинг афтини кўрмади. Йигит майкачан елкасига йўл-йўл дастурхон ташлаб олган, елкаси аралаш гарданига ортилган бир қоп ун залвари остида икки букилиб келарди. Искандар бир томонга, сув сепаётган келинчак бир томонга четлаб йўл беришди. Йигит яланг оёқларини гурс-гурс босганча Искандарнинг олдидан ўтиб, ҳовлига кириб кетди.

Искандар дарвозадан чиқди-ю, тўхтаб қолди. Эшик олдига тумонат одам тўпланган, тор кўчага машина сиғмай кетганди. Қизик, қаёқдан келди шунча машина! «Ишхонадан бўлса керак», деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди. Аммо ўша ондаёқ булар «Жигули», «Москвич» машиналари эканини, ишхонадан фақат ўзининг машинаси бир чеккада турганини пайқади.

Нарироқда юк машинаси турибди. Машина устида икки ўспирин туриб олиб, йиғма столларни, харракларни узатиб беряпти. Пастда эса тўрт йигит столларни пайдар-пай туширишиб, бир чеккага олиб қўйишяпти.

Искандар тут панасида турган тобутни кўриб, кўнгли узилиб кетди. Тобутдан берироқда, ҳозиргина машинадан туширилган харракларда салла ўраган, яктак кийган чоллар ўтиришибди.

– Бандалик-да, укам!

Искандар ёнида турган маҳалла оқсоқоли Шокир акага маъносиз қараб қўйди.

– Ҳамманинг бошида бор, – оқсоқол хўрсинди. – Онамиз бошқача эдилар-да, жаннати хотин эдилар.

Кейин оқсоқолнинг похол шляпа кийган «зами» Искандарнинг қўлини қисди.

– Неча ёшда эдилар? – деди секин.

«Бунинг нима аҳамияти бор?! – Искандар шуни ўйлади-ю, дафъатан хаёлига бошқа фикр келди. – Дарвоқе, неча ёшда эди онаси! Ҳа, ўн саккизинчи йил эди.

Ўзи қирқ иккинчи йилда туғилган бўлса, демак, онаси йигирма тўрт ёшда бева қолган экан».

Ўзини кучоқлаган тўнли кишини Искандар дафъатан таний олмади. Кейин билди: қайнотаси. Зариф Ҳодиевич унинг пешонасидан оҳиста ўпди.

– Бардам бўлинг, ўғлим, – деди секин. – Ота-она ўлмоғи фарз...

Кейин кимдир елкасига туртди. Қараса Холмат ака.

– Бу ёққа юр, – деди-ю, уни йўлакка бошлаб кирди. Девор тагидаги курсида ётган тўнни кийгизди, белига белбоғ ўради. Қати бузилмаган дўппи узатди, – кийиб ол!

Дўппи кичкина экан. Искандар кафти билан босиб-босиб ташқарига йўналаркан, Холмат ака яна пичирлади:

– Лайлактепага олиб борамиз-да, а! Ўзлари айтган эканлар.

Искандар юк машинаси фақат стол-стулни олиб келишга мўлжалланмаганини тушунди. Лайлактепа олис, тўрт чақирим келади. Оёғи остида ўралашаётган ўн-ўн икки яшар болакайлар ҳам тўн кийиб, белини боғлаб олганига аввал ҳайрон қолди-ю, кейин тушунгандай бўлди. Эҳтимол, Холмат аканинг болаларидир, эҳтимол, қўшни болалардир...

... Олд томонига паранжи, орқасига мурсак ёпилган тобутни олиб чиқишганида ҳаммаёқ дилни ўртовчи фарёдга тўлиб кетди. Келинойи, Баҳри хола, Муаттар хола, аллақандай қизлар, келинлар чуввос солиб тобут кетидан югуришди.

– Вой онам!

– Рўшнолик кўрмаган онам!

Тўн кийиб, белбоғ боғлаган болакайлар кўзидан дув-дув ёш оқиб: «Бувижоним, бувижоним!» деб чириллашар эди. Холмат аканинг мўйлови ҳўл бўлиб кетган, нуқул титрарди.

– Ҳаммамизнинг онамиз эдингиз-а!

Йўқ, Искандар ўйлагандек тобутни машинага ортишмади. Елкада кўтарганча йўлга тушишди. Искандар тобут бандидан ушлаб олти-етти қадам юрган эди, уни сиқиб чиқаришди. У тобут бандига ҳадеб қўл чўзар, аммо навбат тегмас эди. Таниш-нотаниш одамлар гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўтиб талашиб-тортишиб тобутга ёпишар, ҳар ким иложи борича кўпроқ кўтаришга, елкасини узоқроқ тутиб беришга ҳаракат қилар эди.

Бекатга чиқишганда троллейбус келиб қолди. Тўхташи билан дув этиб ўттизтача эркак тушдию тобутга ёпишди.

– Ким? – деб сўради зиёлинамо кўзойнакли йигит Искандарнинг ёнида кўз ёшини тўнининг енгига артиб-артиб кетаётган Холмат акадан.

– Отинойим!

– Ие! – кўзойнакли йигит ранги ўчганча тобутга қайтадан тирмашди.

Энди катта кўча одамга тўлиб кетган, орқада троллейбус тўхтаб қолган, рўпарадан келаётган енгил машиналар чеккага чиқиб тўхтар, ҳайдовчи ҳам, йўловчилар ҳам шу томонга югуришар эди.

– Ким?

– Отинойим!

– Ие!

Кўчада ҳаракат бутунлай тўхтаб қолди. Бурилишга етганларида Искандар беихтиёр орқасига қаради. Одамлар оқими икки бекат орасига чўзилиб, бутун кўчани тўлдириб келар, тобут уларнинг елкасида осойишта тебраниб борар, оқимга эса янгидан-янги одамлар келиб қўшилар, қўшилар, қўшилар эди...

## Эркин АЪЗАМ



### НАВОЙНИ ЎҚИГАН БОЛАЛАР

*Ҳазрат Навоий ҳамда бир  
навоийшуносга бағишланади.*

#### 1

Маликанинг «кетаман» деганига парво қилмаб-миз – на мен, на Жаноб. Парво қилгулик ҳолатда эмас эдик: ўйин-кулги, сармастлик. Янги йил кирган, янги йил бошланган. Ёш умрнинг яна бир йили, узундан-узоқ. Шунинг дастлабки кечаси, бир кечагинаси. Ялдо кеча, ялло кеча. Вақт дегани, соат миллари гўё бир нуқтада тўхтаб қолган – ёшликка, ёшлик завқлари-га маҳлиё. Қўшиқ айтиб чарчамаймиз, тинглаб чарчамаймиз, томоқлар бўғилмайди, бош оғримайди, ирғишлайвериш толмас оёқлар баттар хуружу хумор қилади. Майли, вақт ўтса ўтаверсин, олдинда мўл. Фақатгина тонг отмаса – бас.

– Ойим дори ичиб ўтирган бўлсалар керак, мен кетдим!

Кўчага чиққанимизда дунёни қор босган эди. Тўзон, туман. Бир қадам нарини кўз илғамайди. Шу қиёматда Яланғочга етиб бориш керак. Илож йўқ, ойиси дори ичиб ўтирибди. Яна бирпасгина кутса-ку олам гулистон эди – ҳадемай тонг отади. Ана ўшанда дори

ичадими, сирками – кўнгли тортгани. Инжиқ, бесабр хотин экан. Онасини кўргину қизини ол. Йўқ, Малика... яхши барибир!

Жаноб Маликанинг тўрвасини (Янги йил базмига сомса пишириб келган эди) кўтариб олган. Хушомад. Садоқатли ит. Хира пашша. Ҳам ғашим келади, ҳам кулгим қистайди: зарурга-ку зарур, қудағай хола, сизга нима зарур?

Шунақа бир аломат тоифа бор. Доимо эргашиб, суйкалишиб юради. Соя, шарпа. Ўзи мустақил ҳолда бирон ишнинг уддасидан чиқолмайди. Севиб-севолмайди, кетиб-кетолмайди. Мудом бировларнинг маъшуқасига кўз тиккани тиккан. Кулгили ва аянчли жойи шундаки, гоҳида ўша ошиқ-маъшуқлар ўртасида воситачилик ҳам қилади: гап ташиш, хат-пат дегандек. Оқибат – пинҳона умидлар билан юра-юра, доғда қолиб кетади.

Бечора Жаноб! Қўлида каттакон тўрва, машина тутаман деб елиб-югуришини қаранг. Жони жабборники. Майли, юзта жони бўлса, бари-бари ўшанинг, яъни – Маликанинг йўлида нисор! Шу қилиқларини юзига солсангиз, «Сен учун-да, жўра! Бирга ўқиймиз-ку, жўра!» дейди ерга қараб. Меҳрибон жўра, шум рақиб!

Қор қўйнида, ҳарир-кўкиш тўзон ичра хира мил-тиллаган учта чироқ базўр судралиб келаётир. Ниҳоят! Иккитаси ер бағирлаган, учинчиси тепароқда. Икки қўлида иккита дур, пешонасида олтин жиға...

Жаноб йўлнинг ўртасига чиқиб фидойиларча туриб олади.

Кўк белбоғли сариқ машина, милисанинг машинаси. Ичида икки одам, ҳокимият вакиллари – ёнламасию кўндалангига камар таққан, елкаларида заррин тасма, пешонада тўға, мис тўға... Худо урди!

Жаноб тап тортмайди. Ановинақа ашё-анжомлардан унда йўқ, албатта, лекин ғурури ўзига яраша,



тил-жағдан ҳам Худо қисмаган. Бир ёқда Маликанинг олдида мулзамлик, боз устига ўлгудек совқотиб кет-япти.

– Янги йил муборак, тақсирлар!

– Қуллуқ, қуллуқ.

– Бизларни лутфан Яланғочга олиб бориб ташланглар, илтимос.

– Қизилидан битта бўладими?

– Инсоф қилинг-да, тақсир!

– Эшикни ёп! Тақсиир!..

Хайрият, савдомизни Малика эшитмайди. У бозор жойидан нарироқда – бекатда қунишибгина, мушфиқ бир қиёфада турибди. Ўн сўм эмиш-а! Ўн сўмга ўн марта бориб келса бўлар Яланғочга. Шу тобда иккаламизнинг чўнтагимизни қоқиштириб қараганда ҳам ўн сўмга етиши гумон. Ўзимизни кўшиб ҳисоблаганда ҳам. Айниқса, ҳозир, шу юпун, мирқуруқ ҳолимизда. Лекин – кўнгил қурғур осмони фалақда, осмон баробар ғуруру даъвога тўла. Қиздан пул сўрамоқ – гуноҳи азим, ўлимнинг ўзгинаси. Биримиз шоиру, биримиз Жаноб бўлсак! Яна денг – иккаламиз ҳам ошиқ. Биримиз ошқора, биримиз пинҳона. Чўнтаклар бу аҳвол. Маъшуқа бекатда совуқдан дийдираб турибди. Ойиси уйда дори билан сувнинг нисбатини чамалаяпти. Ўжар, ўзбошимча қиз эса, хушторлари бўлмиш икки ландавурнинг ношудлигига чидаб, қорбўрон кечаси аллақаяқларда тентираб юрибди.

Кўп ўтмай бошқа бир машина кўринади.

– Беш сўмингни чаккангга ёпиштир, ука! Яланғоч дунёнинг кетида-ю!

Кўчада қоровуллик қилаётганимизга бир соатлар бўлай деяпти. Яна андак чидаб берсак тонг отади. Маликамизнинг кўзига кўринмаслик учун иккаламиз йўлнинг икки ёқасига гўёки арқон тутганмиз.

Яна бир машина. Олдинги ўриндиқларда пўстинга ўранган икки йигит. Жаноб жонҳолатда ойнага ёпишиб, ёлворади:

– Жон оғайнилар, илтимос!..

Инсоф дегани бор экан-ку!

Апил-тапил кириб машинага ўрнашамиз. Икки пўстин ўзаро ғўнғир-ғўнғир қилади. Гаплари қулоғимизга кирмайди – изғирин этни увада, устихонларни илма-тешиқ қилган. Маликанинг қўлини кафтларим орасига олганман: муз, бармоқлари зириллайди.

– Қайси томонга, акахонлар? – деб сўрайди пўстинлардан бирови.

– Айтдик-ку, Яланғоч тарафга!

– Булар-чи?

– Ўша ёққа.

– Сизлар-чи?..

Машина негадир йўл ёқасида тўхтайди. Гап сўраган пўстинли Жанобдан «бир минутга» чиқишни илтимос қилади. Улар сал нари кетиб, нима ҳақдадир сўзлаша бошлайди. Бир маҳал эшиқ шартга очилиб, Жаноб қўлимдан тортади:

– Тушинглар! Тез! Бу машинада кетмаймиз!

Малика икковимиз ҳанг-манг бўлиб машинадан тушамиз. Машина шу заҳоти кийим-бошимизга қор аралаш шалтоқ сочиб шиддат билан жўнаб қўяди.

– Нима бўлди ўзи? – дейман гангиб.

Жаноб мени четроққа бошлайди.

– Бизларни, сен билан мени уй-уйимизга олиб бориб қўймоқчи...

– Нега... Малика-чи?

– Уни... уни.. – Жаноб юзини четга буради. «Биз опкетайлик», дейди мараз!

Баттар, товонимга қадар музлаб кетаман. Алам, таҳқир ва совуқдан дод деб юборгим келади. Қани, овоз чиқса! Чиққанида ким эшитарди? Эшитганда нима!

Энди машина кутиш бефойда. Маликани ўртага олиб чор-ночор яёв йўлга тушамиз. Йўл тойғоқ, манзил узоқ. Бир-биримизга суянишиб кетиб боряпмиз. Сўз йўқ, садо йўқ. Совуқданми, чарчоқданми, шу қадар қарахт бўлиб қолибмизки, аллақандай машина ёнгинамизга келиб тўхтаганини ҳам пайқамабмиз. Қордек оппоқ «Волга».

– Йўл бўлсин, ёшлар?

Умидсиз, ҳафсаласизлик билан, аммо учаламиз ба-равар жавоб берамиз:

– Яланғочга.

– Ўтиринглар.

Тушимизми бу, ўнгимиз? Ишонар-ишонмас машинага кирамиз. Ичкарида, ҳайдовчининг биқинида бир жувон ҳам бор экан. Эгнида қорқизлар киядиган ёқа-енги пахмоқ пўстинча, бошини ихчамгина қилиб оқ шолрўмол билан танғиб олган.

– Яхшимисизлар? Янги йилинглари билан! – деб қўяди у эшитилар-эшитилмас овозда.

Хижолатдан шоша-пиша биз ҳам уларни байрам билан қутлаган бўламиз.

Машина секин қор кечиб жилади. Иссиқдан аъзо-йи баданларимизга жон оралай бошлайди. Орқадаги кўринмас карнайлардан ўйчан бир наво таралмоқда. Танбур. Хушбўй атир ҳиди... Жаноб иккаламизнинг ҳам хаёлимизда бир ўй: бу роҳат-фароғат ҳали қанчага тушаркан? Камида юз сўм сўрайди-ёв. Майли, Маликани уйига элтиб қўяйлик, қолгани бир гап бўлар. Бор-будимизни қоқиштириб берамиз. Беш сўм ҳам чиқмаса керак. Сўка-сўка тушириб юборар. Бу ёғи тонг яқин, ўлиб қолмасмиз. Ўлиб қолсак ҳам Малика кўрмас. Унамаса, изза қиламиз, ёнидаги жувондан уялар. Аёл кишининг олдида биздақа қашшоқ талабалар билан савдолашиб ўтирмас, ўлдими! Хушрўй жувонга ўхшайди. Маъшуқасимикан? Ўзи қари-ку, ўттиз беш-

ларда бор... Бўлмаса кими? Қайси аҳмоқ байрам кечаси хотинини бундай даврон қилиб машинага солиб юради?!

Тўпори Жаноб ҳеч қутилмаганда эҳтиросли товуш билан байтхонлигини бошлаб қолади:

*Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш,  
Оллоҳ-оллоҳ, ишқ аро мундоғ балолар бор эмиш...*

Тун. Қор. Машина шаҳар маркази бўйлаб оҳишта елади. Икки ёнда, бошлар узра рангин чироқлар силсиласи. Биз тушган кема ана шу турфа ёғдулар бағрида сузиб бораётир. Қулоқлар остида танбур навоси. Тантанавор бир намойиш. Олдинда бир жуфт ошиқ-маъшуқ, орқада бир жуфт. Биргина одам ортиқча. Лекин бу сафар базмини, бу фусункорликни шу кимсанинг дардли овози, ўқиётган оташин мисралари уйғунлаштириб, обод этиб турибди.

*Ўртанурмен, кўнглига андин асар бўлғайму деб,  
Бўлса таъсир, анга ҳолимдин хабар бўлғайму деб...*

Билдик, Маликанинг олдида ўзларини кўрсатмоқчи! Изҳори муҳаббат, очиқ-ошкор! Қарасам, ҳаддидан ошяпти, тобора хиралашиб кетяпман. Ёдаки бисотимни кавлаштириб, «Санго-манго» лақабли домламиз тазйиқ остида ўргатган ғазаллардан айни шу вазиятда кинояомузроқ жаранглайдиган бир байти хаёлимга келади:

*Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,  
Не айб, агар қилди бу девонани расво.*

Шу тариқа зимдан кураш бошланади: сен зўрми, мен зўр? Малика, ўзинг баҳола! Малика эса таажжубда:

бир бало бўлганми буларга, фавқулодда ғазалхонлик, бегона бировнинг машинасида!..

«Бегоналар»га бизнинг бу қилиғимиз негадир эриш туюлмайди, далда берган каби жувон қараб-қараб қўяди. Чамаси, бу ҳол уларнинг ҳам кўнглига ҳам оҳанг.

Сираси, биз – икки талабгор ҳозир истиҳола ни-малигини билмасдик. Кўр эдик, кар эдик. Бизнинг илоҳимиз ҳозир – яккаш муҳаббат, байт, ғазал, қўшиқ. Бунга эса айна тобда ҳамма нарса муҳайё эди.

– Ке, энди «жон» пайровига ўтамиз, – дейди ота-шин қиёфага кирган Жаноб.

Шоҳ байтлар. Навоий бобо қулоғимизга шивирлаб турибди.

Жаноб бошлайди:

*Жонға йўқ кўнглумдину кўнглумға йўқ жондин хабар,  
Менга не ўздин хабар, не кўнглум олғондин хабар.*

Мен курсимиздаги Сафар нўноққача ҳамма ёд бил-ладиган машҳур байтни шафе келтираман:

*Жисм айларму фиғон, бўлғоч нафас жондин жудо,  
Айлагил ондин жудо, қилғунча жонондин жудо.*

Жаноб тап-гайёр:

*Жонға зулмунгни нечаким кўнглунг истар, онча қил,  
Мен чека олғонча демон, сен қила олғонча қил.*

Навбат меники. Аммо ҳадеганда мендан садо чиқавермагач, яккам-дуккам бисотим адо бўлганини сезиб, рақибим мушоира майдонида ёлғиз қолади. Баттар авжу тантана қилади у:

*Меҳр қўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,  
Жон баса қилдим фидо, оромижоне топмадим.*

Шунда мен ҳам бўш келмасликка тиришаман:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

– Э, хўш-е, саломат бўлгайлар! – дейди Жаноб тирсагимдан чимдиб. – Мирзо Бобур-ку бу!

– Навоийники эмасми?

Жанобнинг жиғибийрони чиқади:

– Навоий деганинг нимаси! Табаррук зотларнинг номларини тоқ айтиб бўлмайди. Шаккокликка ётади бу. Низомиддин Мир Алишери Навоий, мухтасарроқ айтиш лозим бўлганда – мавлоно ёки ҳазрати Навоий деган маъкул.

– Маъкул, маъкул, – деб қўяман иримига, бемаврид бу сабоқдан энсам қотиб.

Биз бугун йигирма биринчи аср бўсағасида турибмиз. Ўтган асрлар адабиётини уларнинг намояндалари олисда қолиб кетган. Биз энди Лорка, Хименес, Уитмен, Неруда руҳида яшамоққа ошиқамиз. «Навоий замонида қолиб кетган» ёлғиз одам курсимизда мана шу – Жаноб, Жанобиддин Сайфиддинов; лақаби – Жанобиддин Савдойи ёки жаноб Жаноб. У ҳамон Навоий замонида яшайди, ўша қадим Ҳирот муҳитидан нафас олади. Шундан, гап-сўзлари одамга эришроқ, ўзи ҳам пича савдойироқ туюлади. (Қайдам, ўз навбатида биз унинг назарида ҳавойиларга ўхшаб кўринсак керак.) Қизларимиз уни очикдан-очик «ненормальный» деб атайди, биз эса масхара аралаш – «навоийшунос».

Дарҳақиқат, унинг гапирган гапи – Навоий, Навоийга доир бирон янгилик топмаган куни дарсга келмайди. «Менга қолса, ҳазрати Навоийни ўқиганга –

номзодлик, уққанга докторлик унвонини берардим, – дейди. Кейин ўзича куюниб, комил ишонч билан таъкидлайди: – Токи ул зотни ўқимас экан, уқмас экан, бу халқ одам бўлмайди». Бирор нимадан нолиб, ҳасрат қилсангиз ёки бесабаб, бемаврид суюнсангиз – хуллас, унга шарҳи дил айласангиз, мудом бир хил, қисқагина маслаҳат оласиз: «Ҳазрати Навоийни мутолаа қилинг, ҳамма жавобни ўша кишидан топасиз». У туриб-туриб, масалан, оламшумул бир жиддият билан гапириб қолади: «Кеча тун бўйи камина ўзимча фикр этдим ва шундай хулосага келдимки, Навоий ҳазратлари одам боласи эмас эканлар...» «Ие-ие, бу нима деганинг?» «Авлиё эканлар, пайғамбар! Негаким, оддий одам боласининг қувваи иқтидори бунчаликка қодир бўлмас. Йўқ, ишонмайман, ҳаргиз!»

Биз, оддий одам болалари, ҳали айтилганидек, дарсда Навоийни ўтиб бўлганмиз, Жаноб эса ҳамон ўша муҳит, ўша мавзулар билан машғул: курс иши, эски-туски кўлёмалар, илмий жамият, навоийшунослар йиғини... Қандайдир тўпламда бир-иккита кичик-кичик мақолалари чиқиб, «Санго-манго» домламизнинг яқин маслаҳатгўйига айланди, курсда ҳам бирмунча обрў қозонгандек бўлди.

Бизни боғлаб турган нарса – у билан иккаламиз бир юртданмиз, бирга ўқиймиз, кейин... йўқ, бу бизни боғлаб турмасди, бизни ўзаро рақибга айлантирган эди. Мана, шу байтбаракнинг мазмунидан ҳам аён.

Уни деб шунчалик жангу муҳораба кетяпти-ю, Маликанинг парвойи фалак, тўғрироғи, хаёли бошқа ёқда: ойиси бор дориларини ичиб битирмай уйга етсам дейди...

Манзилга етганимизда қизиқ бўлди. Маликаларнинг торкўчаси бошида машинадан тушиб, Жаноб икковимиз иймана-иймана чўнтақларимизни титкилаётган эдик, машинанинг эгаси қўл силтади:

– Қўйинглар-қўйинглар, керакмас!

Бизнинг ўзи қуруқ «рахмат»дан бўлак ҳеч вақомиз йўқ эди.

– Ўзларингга раҳмат. Омон бўлинглар, – деди у машинасини изига буриб оларкан. – Навойни... ҳазрат Навойни унутмаган ўзбек болаларидан пул олсак, уят бўлар, гуноҳ! Шунақа эмасми?

Учаламиз кўча бошида серрайиб туриб қолдик.

– Ана, қаранглар, – деди Жаноб ҳаяжон билан, – ҳазрати Навойнинг руҳи поклари бизни қўллади!

Афсуски, бундан бу ёғига уни ҳеч кимнинг руҳи қўлламади: Малика менга майл билдиргани кўриниб турар, уни энди бир ўзим кузатишим лозим эди. Шунда, хайрлашув палласи Жаноб икковимиз бир дақиқа бир-биримизга тикилиб, боя бошлаган мушоирамизни хаёлан яқунлаган бўлдик.

Жаноб:

*«Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр,  
Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр».*

Мен:

*«Қилди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,  
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмағил зинҳор дўст».*

Жаноб:

*«Кўнглунг истар ёрлар бирла ҳамиша шод бўл,  
Мендину кимдинки, кўнглунг истамас, озод бўл».*

## 2

Мен Малика билан яқинлашган сари Жаноб менадан узоқлашарди. Мендангина эмас, жамоатдан ҳам.



Ҳеч кимга аралашмайдиган одамови, яккамоховга ўхшаб қолди. Энди кўрган-кўришганда совуққина салом-алик қилардик, холос. Бу орада ўқишларни битирдик, кўча-кўчасини топиб ҳар ким ҳар ёққа тўзиб кетди. Юртдошлик, курсдошлик ҳурмати, бир пайтлардаги чатиш хотиралар ҳаққи, атайин хабар юборганимга қарамай, Жаноб тўйимизга келмади. Балки тўғри қилгандир, унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам бормас эдим.

Шу тариқа бегоналашиб, Жанобиддин менинг, Малика иккимизнинг ҳаётимиздан гўё чиқиб кетди. Худди ўзаро келишиб олгандек, умумий бир гуноҳимиздек, уни эсламай ҳам қўйдик. Айтишларича, шарқшунослик институтида юрганмиш. Эски қўлёзмаларнинг чангини артиб. Узоқ йили қайси бир жамоат йиғинида кўрдим ҳам. Кўзойнак тақиб олибди. Фан номзоди. Навоийшуносликка оид баҳсталаб мавзуларда шарҳлари чиқиб туради. Шу борада шов-шувли бир масалани кўзғаб юргани ҳам қулоғимга чалинган эди.

Уйланмади. Эшитишимча, «Ҳазрати Навоий тутган йўриқдан бориб, тоқ ўтмоқни ихтиёр этдим», дер эмиш...

Кейин – мана шу хабар...

### 3

...Ўша куни у кечки рейс билан Самарқандга учиши керак экан. Қўлида Навоий даврига оид кашфиёт даражасида муҳим ҳужжат, навоийшунослар анжуманида қатнашиши, маъруза қилиши лозим. Илмий сессия эртага эрталаб иш бошлайди.

Лекин аэропортда нима ҳамдир бўлади-ю, самолётга чиқиш олдидан «Кечикдингиз, одам тўлиб қолди» деган баҳона билан уни рейсдан қолдириб юбордилар. Бу сўнгги рейс экан. Аламига чидаёлмаган

навоийшунос тўполон кўтаради, йўлини тўсган ҳалиги маъмур билан жиққамушт бўлишгача боради. Мажарога шу атрофда айланиб, жамоат ўртасида тартиб ўрнатиб юрган милиция капитани аралашади. Машғулот топилганидан қувониб, у шартта келиб навоийшуноснинг қўлини қайириб олади. Тартиббузарни хосхонасига элтиб, ҳужжатларини текширади, сўроқ қилган бўлади. Гап-сўзлари бирмунча ҳавойироқ туюлганига қарамай, дарду даъвосини эшитгач, юмшайди, юпатади: «Ҳечқиси йўқ, оғайни. Бунақаси бўлиб туради бизда. Бирортасини шошилиш учуриб юбориш керак бўлгандир-да. Сизга маслаҳат: бу кеча уйга бориб маза қилиб дамингизни олинг. Эртага азонлаб келсангиз, мен ўзим тонгги рейс билан жўнатиб юбораман».

Бу ваъдани омонат чўнтагига жойлаб сал-пал ҳовуридан тушган навоийшунос, капитаннинг хузуридан чиққач, ўйлаб боши қотади. Ижара уйи шаҳарнинг нариги чеккасида, азонлаб бу ерга етиб келмоғи даргумон. Боз устига хўжайкаси билан айтишиб қолиб, бошқа жойга кўчмоқчи, уч кундан бери эса бир талаба ҳамқишлоғининг каталагида тунаб юрибди. Шўппайиб бу кеч ҳам кириб бориши ноқулай – эрталаб хайрлашиб чиққан.

Дафъатан хаёлида бир фикр туғилиб, аэропортнинг биқинидаги баланд бинога қараб юради. Бир ҳисобда самолётдан қолиб кетгани фойдага. Бу кеча шу ерда бафуржа ўтириб қўлидаги қоғозларни саранжомлайди, анжуманда баён этажак мулоҳазаларини пухталаб олади...

Қачон, қайси меҳмонхонада бўш жой бўлган?! Аммо, навоийшунос хиралик қилиб ёпишиб олгач, маъмур хотин ийгандек бўлиб унинг паспортини варақлаб кўради-ю, башарасига отиб юборади: «Пропискангиз шаҳарда-ку, боринг, уйингизга бориб ётинг!»

Масаланинг бу жиҳатини ўйлаб кўрмаган навоийшунос саросимада қолади. Кейин зўр бериб ялинмоққа тушади. Фойда чиқмагач, дўқ-сиёсатга ўтади. Маъмур хотин ҳам бўш келмайди, таҳдид чорасини қўллайди: «Ҳозироқ бу ердан даф бўлмасанг, милиса чақираман!» «Милисани мен ўзим чақираман», дейди навоийшунос кўнглида бир илинж билан ва меҳмонхонадан чиқиб бояги маслаҳатгўйининг олдига югуради. Капитанга аҳволни тушунтириб, «Меҳмонхонага сим қоқиб, бир кечага жой олиб беринг, тақсир, – дея илтимос қилади. – Навоийшуносликка ҳисса кўшган бўласиз».

Капитан нимадандир диққат бўлиб ўтирган эканми, боядан бери қимматли вақтини ўғирлаб безор қилган бу нуханинг ўзини тутиши, гап-сўзлари энди шубҳалироқ туюлиб, ижирғаниш билан сўрайди: «Нималар деяпсиз ўзи, оғайни? Қанақа навоийшунослик?» «Шеър, ғазал деганини тушунасизми ўзи? – дейди навоийшунос унинг беписанд оҳангидан ранжиб. – Мир Алишер Навоий деган зотни эшитганмисиз?» «Ҳа, «Муножот»ни ёзганми?» Навоийшунос бу гапга сал тиришади-ю, сир бой бермай: «Мана, у киши нима дебдилар...» дея ғазал ўқимоққа киришади.

Шеър оҳанги таъсир қиладими ё оми кўрингиси келмайдими, капитан: «Бизнинг улуғимиз ҳам ёзадилар, у киши кўшиқ ёзадилар! – дейди фахр-ифтихор билан ва тортмасидан пиёзнинг пўстидек юпқагина бир китобча олиб, меҳр билан авайлаб столга қўяди: – Мана, у кишининг китоблари! Айниқса, битта кўшиқлари бор, зўр! Эшитгандирсиз, «О-о, кечалар...» деб айтади».

«Ҳа энди, сизнинг улуғингиз қаёқда-ю, ҳазрати Навоий қаёқда! – дейди навоийшунос, дарди-ҳоли эсида йўқ, астойдил баҳсга киришиб. – Унақалар бугун бор – эртага йўқ. Ўтади-кетди. Ҳазрати Навоий эса... Мана, қулоқ солинг...»

Ҳазрат Навоийнинг даври ўтган, бугун ўзгача даврон экан. Капитан ана шу давроннинг фидойи, кўру кар гумашталаридан эди. У кўшиқнавис улуғининг мухлиси, мухлиси не, садоқатли кули, саноксиз мирғазабларидан бири эди. Бир муддат одамшаванда бўлиб кўринган бу кимса, мирғазаблиги эсига тушиб, яна аслига қайтади. Яқин бир соатдан буён бошини қотираётган мана бу телбанамонинг андишасизлигига аччиғи келади. Ўзидан пастроқ бир мирғазабга буюрадидики, бу шаккокни анови хонага олиб кириб бошлаб адабини берсалар, то улуғнинг улуғвор кўшиқларига ҳамнавоз бўлмагунича дарраласалар...

*«Кимсани дард аҳли деб, сирримга маҳрам айладим,  
Ўз-ўзумни куч билан расвои олам айладим».*

Шаккок болтадан қайтмайдиган хилидан бўлиб чиқади. Ҳаммаёғи мўматалоқ, оғзи-бурни қон ҳолига, бояғи лафзини қўймайди: «Улуғинг шоир-поир эмас, ўткинчи! Ўшанга сиғинган сенлар эса – қонхўр жаллод!» Кейин ўз-ўзидан совуқ илжайиб байт ўқийдими-ей, ғазал ўқийдими-ей...

*«Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас,  
Элидин ғайри жафо қилма ҳавас».*

Ҳибсхонага оқ халат кийган иккита норғул-норғул йигит кириб келганда шаккок, кўзларида ёши шашқатор, ҳамон овозини баралла қўйиб ғазал ўқиётган бўлади. Норғуллар уни таппа ерга босиб, оёқ-қўлини боғлашади, аъзойи баданини омбирдек сиққан аллақандай ридога ўраб, «Тез ёрдам» машинасига тиқишади.

Шаккок бу ерда беморга айланиб, бир эм билан беш кун кўзини очмай ётади. Олтинчи куни ўзига келиб,

ҳовлига ўрмалайди. Қаерга тушиб қолганини қўриб, хўнг-хўнг йиғлайди. Аммо ҳеч ким парво қилмайди, ҳеч ким ҳайрон ҳам бўлмайди. Чунки бу ерда ундан ҳам каттиқроқ хўнграб йиғлайдиганлар сероб экан.

Шу зайл аста-секин аҳволига кўникади, бундаги тартиб-қоидага бўйсунга бошлайди; ўзига ўхшаган биродарларига аралашиб, элакишиб, байту ғазаллар ўқиб юради. Улар орасида «Навоий», «шоир» деган лақаблар орттиради. Илк дафъа бундан хабар топганида, яъни – кимдир «Хў Навоий» деб чақирганида у бирдан кўкариб кетади, сўнг шифохонани бошига кўтаргудек тўполон қилади. Шунда уни тутиб олиб яна эмлайдилар...

Бир куни йўлақда фаррош кампирга пул қистириб, шарҳи аҳволи баён этилган мактубни жўнатишни сўрайди.

Хизматдош ҳамкасблари ҳеч гапдан беҳабар, унинг Самарқандда бунчалик узоқ қолиб кетганига ажабланиб, ўша ёқда касал-пасал бўлиб қолдимикан, деган гумон билан юришган экан. Тезда бу ерга етиб келишибди. Аҳволни кўриб, аввал ҳайрон, сўнгра дарғазаб бўлишибди: бу қандай шафқатсизлик, бу қандай қабоҳат! Ўша куниеқ зудлик билан ишхоналаридан ваколатномаю кафолатнома уюштиришибди. Бироқ шифохона маъмурияти бу қоғозларни инобатга олмабди: бошқа жойдан бошқа кўрсатма келган экан.

Ниҳоят, йигирма кунлардан кейингина унга жавоб берилади. Кутилмаганда рухсат теккани боис, ёнида бирга кетадиган ҳеч ким йўқ, ўзи ёлғиз экан.

Оқибати шу бўлибдики, ижара уйига кетаётиб, метронинг охириги бекатига келганда, «Бу ўзимнинг уйим-ку, нега бўшатар эканман?!» дея даъво қилиб туриб олибди...

Яна ўша мирғазаблар, яна ўша оқ халатли норполвонлар, яна эм... Кейин...

## 4

...Дафн маросимидан эзилиб қайтдим.

Шўрликнинг сўрайдиган киройи кимсаси йўқ – бесоийб; амакисими, тоғаси бор экан, у ҳам етиб келолмади шекилли, шаҳардаги қабристонлардан бирига дафн этилди.

Мозордан қайтишда баъзи бировлар ўлими тафсилотини муҳокама қилишди: ўшандоқ жойда қандай рўй бериши мумкин бундай ҳодиса, бепарволик, совуққонлик; наҳотки, ҳеч ким кўрмаган бўлса; арқонни қаёқдан топди экан... Марҳум Самарқандга олиб жўнаган ўша муҳим ҳужжат ҳақида гап борди, ҳар хил тусмол-тахминлар айтилди, баҳс бўлди: қўлёзма чиндан ҳам кашфиётмиди; қаерда қолди экан; тақдири нима кечди; наҳотки, шундай ноёб ҳужжат йўқолган бўлса... Бу борада ҳеч ким тайинли бирор гап айтолмади.

Кейин кимдир марҳумнинг феъл-атворига оид эҳтиётсизроқ бир гап қилган эди, дафн аҳли ўша кишига бараварига ўқрайиб қаради.

## 5

Уйга келгач, Маликани кўриб яна безовта бўлдим. Бу ҳодисани унга айтгим келаверди. Аммо... тилим бормади. Келиб-келиб энди, рашкка ўрин қолмаган бўлса-да (қабохат-ку бу!), айтолмадим. Кўрқдим, нимадандир кўрқдим. Ҳануз кўрқаман...

Лекин ўша тушдек қорбўрон кечасини ҳаётимиздан ўчириб ташлаб бўлмаслигига ҳам ақлим етади. Ўшанда бизга унутилмас бир ҳиммат кўрсатган кимсани эслаб эса кўнгил таскин топгандек бўлади.

## Хайриддин СУЛТОН



### ОНАМНИНГ ЮРТИ

Ниҳоят, онамнинг юртига жўнар бўлдик.

Онамнинг юрти!

Эсимни танибманки, бу сўз хотирамга олис эртак бўлиб, маъюс алла бўлиб ўрнашган. То хануз қулоқларим остида сўнмас бир қўшиқ янглиғ жаранглайди у.

Шу пайтгача онам тилидан унинг таърифинигина эшитардик. Шу пайтгача унинг қайдалигини, қандай жой эканини билмасдик; онамнинг юрти – онамнинг ўтли армони эканини сезардик, холос.

Онам етти-саккиз яшар гўдак чоғида юртидан айрилган экан.

«Адоғи йўқ тупроқ йўлдан аравага тушиб келганим ёдимда, – дерди онам ва шу заҳоти кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетарди. – Отам билан онамни элас-элас эслайман. Отам соқоллари узун-узун, қизил юзли одам эди. Онам жудаям новча эди, ўрнидан турганида, бошини кунга уриб олмасайди, деб кўрқардим...»

Онамнинг юрти кунчиқардами, кунботардами, дарё ортидами, тоғлар бағридами, дашту биёбонлар қўйнидами – бирортамиз билмас эдик. Фақат, унинг тенгсиз гўзал бир маскан эканини англадик. У юртда осмон – осмон эмас, мушфиқ она; тоғлар – тоғ эмас, меҳрибон падар; гуллар – гул эмас, мунис ҳамшира; у ерда одамларни хўроз қичқириви эмас, булбул навоси уйғотади.

Орадан не бир замонлар – олтмиш олти йил ўтганига қарамай, онам ҳамон тақдирига тан бермас, ҳамон уфқдан кўзи ва кўнглини узолмас, ҳамон юртининг таърифини тилдан қўймас эди. Биз ҳам бунга ўрганиб қолган эдик. Баъзан тоғу тошлар аро кўмилиб ётган шу кичкинагина қишлоғимиз зериктирганда, баъзан нимадандир ранжиганимизда, гоҳ эса юрагимиз бесабаб ғуссага тўлганда онамнинг олис, номаълум ва сирли юртига бош олиб кетгимиз келарди.

Мана, ниҳоят, унинг дараги топилди!.. Онамнинг қувончини сизга қандай тасвирлаб берай? Йўқ, чамалаб кўрдим, қўлимдан келмас экан. Буни тасаввур қилмоқчи бўлсангиз, яхшиси, онангиз қувонган кезларда, аниқроғи, уни ўзингиз бир оғиз ширин сўз биланми, бир савоб иш биланми қувонтирган дамларингизда аста кузатинг. Афсус, минг афсус, бундай онлар ҳаётимизда қанчалар кам: биз – фарзандлар, оналаримизга шодлик ўрнига аксар ранжу алам етказамиз, холос.

Хуллас, юртининг дарагини эшитди-ю, онам бир кечада яшариб кетди. Ҳар кеча сирқираб азоб берадиган оёғининг оғриғини ҳам унутгандек бўлди. Энди унинг етмиш учга кирганига ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам ишонмас эди.

«Наҳот туғилган юртимни бир кўрмай кетсам?» дерди онам мудом хўрсиниб. Мен эса, гоҳ кулиб, гоҳ жиддий тортиб, энди мусофиру муҳожир деган гаплар қолмаганини, мана шу бепоён мамлакат, шу ажиб диёр барчамизнинг ягона ватанимиз эканини ётиғи билан уқтирмоқчи бўлардим. Онам гапларимни жимгина тингларди-ю, кўз ёши тинмасди.

Билардим, унинг дарди пинҳон, кўнгли ярим, бироқ уни бутун қилмоққа ожиз эдим: урушда нобуд бўлган икки оғамни тирилтиролмасам, на юрагидаги, на оёғидаги оғриқни суғуриб ололмасам...



Онам ҳадемай чевара кўради, лекин ҳануз мени ҳимоясиз гўдак билади – худди тўрт яшар болани асраб-авайлагандек тежаб-тергайди; ҳали-ҳозир жиндек кеч қолсам, иягини ёстиққа тираганча йўлимни пойлайди, қорамни кўриши билан беозор койиб қўяди: «Намозшом арвоҳдай шу пайтгача тентираб юрибсанми? Соат неча бўлди?» «Бир», дейман бамайлихотир уст-бошимни ечарканман. «Э, гапирма-е! – дейди онам ранжиб. – Бир қолдими, аллақачон ўн бўлгандир!»

Онам соатни билмасди – юртини, наслу насабини билмаганидек.

Авваллари ёш эдим, онамнинг дарди дилини англамас эканман. Фақат кўп йиллар кейин, бошимдан турли савдолар кечиб, оқ оралаган сочларим бир-бир тўкила бошлагандагина бу ҳақда бот-бот ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Ва шундан сўнг онамнинг юртини излашга киришдим.

Онам ёшлик йиллари, жамалаксоч қизча пайтида эл қатори бурчоқ тергани чиққан. Бурчоқ териб юриб адашган. Адашгану қайтиб на ота-онасини, на юртини кўрган. Ёдида қолгани – баланд араваю узун тупроқ йўл.

Онамнинг юртини гоҳ интизор бўлиб, гоҳ умидсизликка тушиб, сабр-чидам билан узоқ изладим. Қўшнимизнинг Раззоқ деган бир ўғли Тошкентда, радиода ишларди. Шу йигит кўп ёрдам қилди. Бир-галашиб ёздик, биргалашиб кутдик. Астойдил йиғлаган эканмизми, ниҳоят, сўқир кўздан ҳам ёш чиқди – онамнинг юртидан дарак келди!

Шунда мен онам узоқ йиллар мобайнида хўрсиниб сўзлаган юртни хаёлан аниқ-таниқ кўрдим, ўзимни гўё минг йиллардан буён ўша ерда яшагандек, яшайдигандек ҳис қилдим – шунчалар қон-қонимизга сингиб кетган эди у.

«Жой бўлмай қуриб кетсин, – дерди онам баъзан зорланиб, – лоақал юз юварга суви бўлмаса-я! Эсиз-эсиз, юртимдаги дарё-дарё сувлар...»

Унинг ранжу койишлари бежиз эмасди. Тангу тор, тоғу тош қишлоғимизда бир томчи сув гавҳарга тенг, гавҳар нима, одамнинг хуни билан баравар эди: ичкилик сувни ҳам етти-саккиз чақирим олисдан ташиб келтирардик. Лекин, таажжубки, онамдан бўлак ҳеч кимсага бунинг оғирлиги билинмасди.

Билсам, онамнинг юрти чиндан ҳам улуғ дарё соҳилларида экан.

«Дўзах бўлиб кетди-ку, – деб нолирди онам баъзан. – Ҳаҳ, юртимнинг шамоллари-я...»

Бу атроф-жавонибда бизнинг қишлоқдан кўра салқинроқ жойни топмоқ амримаҳол, саратон кунлари не-не шаҳарликлар шу ерда жон сақлайди, ҳар нечук, онамнинг бу гапи ношукрлик эмасмикан?

Билсам, онамнинг юрти хур шамоллар маскани – зумрад водий кўйнида экан...

Хушxabар келган куни уйимизда тўй бўлиб кетди. Фақат, онамнинг кўз ёшларигина бу тантанани хиёл бузиб турарди.

Мактуб жанубий воҳалардаги қишлоқларнинг биридан жўнатилган, уни онамнинг ота уруғи – амакиваччаси Омонкул деган киши битган эди.

«...Тоғамнинг Улбўсин отлиқ бир қизи мундан кўп йиллар бурун йўқолиб эди. Бизнинг хешлар бари, дом-дараксиз кетган, деб юргич эди. Қай бир кун радиодан айтиб қолди. Авлодимиздаги қари-қартанглар ўй ўйлаб, ўша Улбўсин бўлса керак, деди. Агар чиндан ҳам эгачимиз Улбўсин бўлса, келинг, дийдор кўришайлик, биз борайлик, топишайлик, қайтадан хеш бўлайлик».

Сўнг, онамнинг қай йўсин адашганию қандай ғойиб бўлгани хусусидаги бизга ёд бўлиб кетган тафсилотлар ҳижжалаб баён этилган эди.

Онамга қолса, ҳозироқ – кўз ёши қуримасданоқ қанот боғлаб учмоққа шай. Аммо Раззоқ иккаламиз маслаҳатлашиб, гапни бир жойга қўйдик: у ишхонасидан икки-уч кунга ижозат олиб, биз билан бирга бо-радиган бўлди. «Ажойиб тақдирлар» деган очерк ёза-ман, зўр чиқади», деди.

Индини тонг саҳарда йўлга тушдик.

Поездда юрдик, автобусда юрдик, енгил машина-ларда юрдик, йўл юрсак ҳам мўл юрдик, дашту биё-бонлардан, шахру қишлоқлардан ўтдик, поёнсиз пах-тазорлар, яшил тутзорлар, боғу боғчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирлар ортда қолди ва бир куни чошгоҳ чоғи онамнинг юртига кириб келдик.

Шалоғи чиққан такси шағал карьерининг кўҳна биноси олдида тўхтади. Бирин-кетин тушдик.

– Шу ердан сўрарсизлар, – деди занжидек қоп-қо-ра шофёр ва машинасини ортига буриб, ёв қувгандек жўнаб қолди.

Кўз ўнгимда уфқ қадар чексиз, сарғиштоб бир яланглик ястаниб ётарди. Унда-бунда пастак ихота дарахтлари яккам-дуккам тиккайган.

Автобус бекати ҳам шу ерда экан. Майдонча ким-сасиз. Олисларда ҳовур жимирлайди, кўз тинади. Ёғоч ўриндиқда қалпоғини бостириб кийган бир чол қоп-чиғини ёнбошига қўйиб мудрайди.

Аста онамга разм солдим: тўрт томонга ҳайрон боқади, мижжалари нам, лаблари титраб-титраб қўя-ди.

– Келдик, она! – дедим атай бардам товушда.

Онам шошиб бош ирғади, кулимсирагандек бўлди.

Бекат майдончасида бир зум гангиб турдик. Қў-лимдаги адресда бундан бошқа гап йўқ эди. Бошим қотиб Раззоққа қарадим, Раззоқ менга. Шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим, билмайман, қаршимиз-да бир тўда одам пайдо бўлди-да, олағовур бошланиб

кетди. Дарров кўнглим сезди: онамнинг қариндошлари... қариндошларим!

Мудраб ўтирган чол чўчиб тушди, кўзларини очиб, норози хўмрайди, сўнг шартта терс ўгирилиб олди.

Шовқин қандай бошланган бўлса, бирданига шундай тинди. Ҳамма бир-бирига аланглар, гап-гапга қовуша қолмас, ётсираш ҳукмрон эди. Онам Омонқул амаки билан кўришаётганида барча ўзини тутолмади, аёллар ошқора йиғлади, эркаклар кўз ёшини яшириб, тескари қаради.

Онам аста энгашди, қоқсуяк кафтини ерга теккизиб, юз-кўзларига суртди:

– Етказганига шукр! – деди ўпкаси тўлиб.

Онамнинг авлоди ўзига ўхшаш суяги бузуқ, дали-ғули одамлар экан. Омонқул амаки айниқса менга маъқул бўлди: қизилмағиз, барваста, юрт сўраган одамлиги кўриниб турибди.

Боя негадир пайқамаган эканмиз: бекатнинг шундоқ орқасида чоғроқ бир қишлоқ бор экан. Қирқ-элик уй қатор тизилган. Ҳовлилар теграсида девор-тош йўқ, на эшик, на қулф кўринади.

Янги топишган қариндошларимиз бизни шовқин-сурон, иззат-икром билан олиб кетишди. Ҳайҳотдек бир ҳовлига кирдик. Тумонат одам, қўйлар сўйилган, дошқозонлар қайнаган... Бу – Омонқул амакимизнинг ҳовлиси экан.

Уйма-уй, хонадонма-хонадон тинмай зиёфат.

Тўртинчи кунига бориб мен чарчадим, Раззоқ зерикди. Бироқ онам...

Эрталаб чойдан кейин аста ҳовлига чиқдик. Омонқул амакимнинг ўғли – ўттиз бешлар чамасидаги малла йигит, йўлакдаги «Белорусь»ни кавлаштираётган экан, бизни кўриб, хуш-хандон илжайди.

– Ҳа, бўла?

– Бўлар энди, Файзикул, – дедим ҳорғин кулимсираб. – Сафаримиз ҳам қариди.

– Э, қўйинг-э, бўла! – Файзикул қўлини мойлаттага шоша-пиша артиб, югургилаб олдимга келди. – Нима бу! Ҳали мундай бир гурунг қилганимиз ҳам йўқ.

– Мана, топишиб олдик, гурунглашаверамиз-да. Бу ёқ ишга борадиган, – дедим Раззоққа имо қилиб.

– Иш бўлаверади-да, ака, – деди Файзикул Раззоққа юзланиб. – Ҳали сизлар ухлаб ётганингизда Бобоназар ака билан Маҳкам келиб айтиб кетди. Бир пиёла чой ичиб чиқмасангизлар, уят бўлади.

Яна «бир пиёла чой!» Яна зиёфат! Э, тавбангдан кетай! Наҳот дунёнинг бор гапи дастурхондан иборат бўлса?!

– Менга қаранг, бўла, – дедим барибир мулойим оҳангда, – биз энди бугун қайтамиз. Ҳа, бўлак иложи йўқ. Шошманг-да. Агар бизга жуда ҳиммат қилмоқчи бўлсангиз, бир айлантириб келмайсизми?

– Э-э, жоним билан-э, мана ҳозир! – Файзикул ҳовли ўртасида турган сариқ «Жигули»га қараб юрди.

– Машинани қўйинг, бўла, – дедим енгидан тортиб. – Ҳа, шундай бир, пиёда... Йўқ-йўқ, шу маъкул. А, Раззоқ?

– Улбўсин холамни ҳам олайлик, бўлмаса? – деди Раззоқ ўйланиб.

– Унда, мен машинани опчиқай, – деди Файзикул киссасини кавлаб.

– Қани, олдин онамдан бир сўрайлик-чи, – дедим.

Онам ичкари уйда, хотин-халаж даврасида ташвишманд ўтирган экан.

– Бир юртингизни айланиб келайлик энди, – дедим.

– Собирингни туш кўриб юрибман, – деди онам. – Тинчмикан ишқилиб? Қайтақолсак ҳам бўларди. Кўзларинг киртайиб қопти, иссиғинг борми? – У қоқсуяк кафтини пешонамга қўйди.

Она, онажон!

– Бир айланиб келсак, девдим...

Онам айвон устунига суяниб ўтирди.

– Ўтган куни Омонкул амакинг билан атрофларни кўриб келдим.

Онамнинг қиёфаси, ранг-рафторида шу пайтгача кўринмаган хушнудлик бор эди.

– Хурсандмисиз, ахир?

– Хурсанд бўлмайманми, болам? Отамнинг мазорини зиёрат қилдим, онамнинг... Ота авлод, она авлоднинг дийдорига тўйдим. Етказганингга шукр!

Тушдан кейин жўнар бўлдик.

Файзикул бизни айлантририб келгани бошлади.

Қишлоқ сиртдан каттагина кўринган экан, холос. Битта узун кўча, ўн беш минутда адоғига етдик. Этакдаги сўнгги уйдан нарида чексиз-чегарасиз яланглик.

– Бундан нарида нима бор? – деб сўрадим Файзикулдан.

– Дашт.

– Ундан нарида-чи?

– Мен бормаганман. Етимтоғ бор, дейишади.

– Жийдатепа қаерда, Жийдатепа?

– Жийдатепа? Ҳа, у... хув темирийўлнинг нарёғида, – деди Файзикул кафтини пешонасига соябон қилиб.

– Борайлик, – дедим.

– Э, анча узоқ-да?

– Майли, майли.

Жийдатепа – дўппидек келадиган пастак бир тепалик экан. Ёнбошида ўтинга айланган уч туп қари жийда.

«... бир жийдазор боғки, боши-адоғи йўқ. Жийда гуллаганда ичига кирсанг, адашиб қоласан. Гуллари сап-сабриқ, гуркираб ётади, бошларинг айланиб кетади...»

Онамнинг юрти!..

Наҳот онам шу яйдоқ ялангликларга, шу зебсиз масканларга умр бўйи таъриф тополмай ўтган бўлса?

Шу бефайзгина овулнинг афсонамакон эканига наҳот ўзи ҳам ишонган, бизни ҳам ишонтирган бўлса?

Дарё-дарё сувлар дегани – шу бўтана ариқми?

Хур шамоллар дегани – шу қутурган гармселми?

Ойдин оқшом дегани – чивин тўла кечаларми?

Бир жийдазор боғ дегани...

Онамнинг қариндошлари... қариндошларим билан хўшлашдик.

Сарпо-суруқ, иззат-икром билан кузатиб қолдилар. Энди уларнинг борар ваъдасини олиб, жўнадик. Файзикул машинасида поезд станциясигача кузатиб қўйди.

Поезд дашту биёбонларни, шаҳру қишлоқларни, поёнсиз пахтазорлар, яшил тутзорлар, боғу боғчалар, қадимий сардобалар, паст-баланд қирларни ортда қолдириб, онамнинг юртидан она юртим сари елиб бормоқда.

Нега юрагим орзиқиб кетяпти? Во ажаб! Она юрт дегани – онанинг юртигина эмас экан-да?

Чидаёлмадим, онамга кўнглимни очдим:

– Юртингиз яхши экан, она, лекин барибир ўзимизникича келмайди, а?

Онам ярқ этиб қаради, шодумон кулиб келаётган кўзларида ғалати бир ҳайрат учқунланди, узоқ ўйланди:

– Юртнинг яхши-ёмони бўлмайди, болам.

Шунда мен онамнинг безовта кўзларига тикилдим ва нигоҳим қаршисида шовиллаб ётган ҳудудсиз буғдойзорларни, ғарқ гуллаган жийдазор боғларни, зумрад адирлар узра хандон отиб кулаётган бахтиёр бир қизалоқни кўрдим!

Раззоқ дераза олдида жимгина ўтирар, таажжуб билан бизга термилиб қолган эди.

...Қишлоққа ярим кечаси етиб келдик. Ҳаммаёқ қоронғи, тоғлар, боғлар сукутда – гўё нафасини ичига ютиб, бизни хавотирланаб, интизор кутаётгандек.

## Неъмат АРСЛОН



### РАЗ ҚИЗИ

Қўлбола мусаллас тайёрлашнинг янгича усулини ўргатган эди бир танишим. Гарчи бу соҳада уқувим ҳам, қизиқишим ҳам бўлмаса-да, танишим ўргатган усулни синаб кўриш учун эмас, ёки бир неча шиша текин мусалласга эга бўлиш учун ҳам эмас, азбаройи ток наваларида чанг босиб ётган узумларга ачинганимдан худонинг неъматини исроф бўлмасин деган хаёл билан уч-тўрт челақ узум уздим. Эшик ва унинг ёнидаги деразам олдида қатор ўсган ва менинг бўйрадеккина ҳовличамни бутунлай ўз тасарруфига олган ток наваларида беҳисоб узум. Афсуски, истеъмолга деярли яроқсиз улар. Афсуски, хўраки нав эмас. Қора жанжал, ҳусайни деб сотишган эди менга бу ток кўчатларини ниҳол бозорида. Олиб келиб экдим, бир йил, икки йил кутдим, учинчи йил нишона берди. Ток гуллади. Ва кўп ўтмай мош ва нўхат катталигида ғўралар пайдо бўлди ток наваларида. Уларга ҳар кун ўн марталаб ва балки юз марталаб қарайман, сабрим косаси лиммо-лим тўлган. Ва мана, ниҳоят июлнинг ўрталаридан бошлаб август ойининг биринчи декадасида ғўралар тўлишиб рангга кира бошлади. Сабрсизлик билан бир ғужаласини узиб чангини артдим-да, оғзимга солдим. Нордонгина сувдан, уч дона данакдан ва уларни ўраб турган пўстдан иборат эди узум доналарининг борлиғи. Балки яхши пишса бошқача бўлар



деган умид билан ой охиригача кутдим ва шу давр оралиғида дам-бадам бир-икки шинча узиб таъмини татиб кўрардим. Узум ширага энди, аммо егулиги йўқ. Мана энди чумчуқлар, майналар ва ариларнинг қовоқхонасига ва балки майкадасига айланди менинг токзорим. Ана шундай кунларнинг бирида ўша танишим келиб қолди-да, бу узумнинг “Винний сорт” лигини айтиб, қўлбола мусаллас тайёрлашни маслаҳат берди. Унинг айтганини қилиб узумнинг чангини ювмасдан, думчаларидан тозаламасдан идишларга бостирдим, яхшилаб эздим ва чуваралари билан тўппасини токи шарбати тугагунча сиқиб, шарбатини сиздирмасдан машрапаларга солиб оғзига шланг тикдим-да, хамир билан ҳаво кирмайдиган қилиб беркитдим. Унинг айтганларига оғишмай амал қилиб шлангнинг иккинчи учини сув тўлдирилган бошқа бир идишга солиб қўйдим. Машрапада ачиш жараёни бошланди ва шланг иккинчи идишдаги сувга онда-сонда бир-икки ҳаво пуфакчалари пуркаб кўярди. Кунлар ўтди. Бир кеча тун ярмидан оғиб, тонг оқара бошлаганда ниманингдир шарпасидан уйғониб кетдим ва сув ичиш учун ошхонага ўтдим. Одатдагидай шу ердаги стол устида турган қурилмага қарадим-у, сув тўлдирилган идиш ичида пайдо бўлиб қолган ажабтовур қурилмага кўзим тушди. Унинг нималигига ақлим етмади дафъатан. Минглаб ва балки юз минглаб кўнғир тусдаги ва бир хил катталиқдаги, шаклу шамоили ҳам бир хил “ғиштчалар”. Афсонавий меъмор уларни ўзи чизган тарҳ бўйича терган ва қандайдир антиқа шакл берган.

Шиша тагида ҳосил қилинган сатҳ бепоён саҳрога монанд. Худди моҳир рассом мўйқалами билан чизилгандай. Олдинги қисмида нисбатан йирикроқ жисмлар кўзга ташланади, уфққа томон борган сари бу жисмлар майдалашиб кўнғир тусдаги текислик ҳосил қилган. Бутун вужудидан хаёл ва мунг ёғилиб турган ҳалиги антиқа қурилма... Қурилма десам тўғри бўлар-

микин? Унинг мўйлаби ҳам бор. Таг қисми саҳронинг қўнғир рангли қумлоқ сатҳига қўшилиб кетган, гўёки шу сатҳдан ўсиб чиққандай. Атрофи гир айлана учи ўткир ва осмонга томон тик юксалган ўнлаб кичикроқ тоқлардан иборат. Алоҳида қаср кўринишида улар. Ҳар бир кичик қаср орқа ва ён томони билан ўртадаги асосий иншоотга туташ. Ари инидай минглаб шинаклар, тирқишлар, деразаларда қоронғулик ва сукунат. Эътибор билан қараб иншоот қурилиши ҳали ниҳоясига етмаганини англадим. Дарҳақиқат, эртаси кун бино деворлари бир қадар юксалганини ва такомиллашганини кўрдим. Қаср атрофидаги майдонда ҳам янгиланиш бор. Кўзга кўринмас меъморлар туни билан ишлаган ва афсонавий иншоотнинг олд томонидан сув йўли ўтказиб, унинг устига кўтарма кўприк қурган. Сув йўли тошқин тоғ дарёси кўринишида. Шу кунларда мени ҳайратга соляпти бу антиқа қурилма. Дам-бадам унга қарайман. Баъзан кун бўйи кетолмай қоламан унинг олдидан. Худди шундай иншоотни ҳали кўрмасдан туриб “Эшнинг ғаройиб кашфиёти” деган новелламда тасвирлагандим. Бугун ана шу кашфиёт ўта фантастик кўринишда кўз ўнгимда намоён. Дунёда рўй берадиган ҳодисалар баъзан инсон шуурида аввалроқ зухур этиб, кейин реал борлиққа тушадигандай. Сиғими уч литрли шиша банканинг ичида унинг макони. Шакли конуссимон, яъни қаландарлар кулоҳи кўринишида. Туси – қорамтир қўнғир. Учига томон борган сари ранги бироз рангсизланиб оч қўнғир тус олади. Энг тепасида оқимтир қалпоқчаси бор. Вулқон кратерига ҳам ўхшайди ўша қалпоқча. Учи ингичка, юқорига томон қайириб қўйилган. Бу жиҳатдан ўрмонда яшайдиган гномларнинг худди ўзи. Бошқа томондан қараганда шундай кўринади. Айрим пайтлар, тўғрироғи, сутканинг маълум бир қисмида (балки бу хона ҳароратининг ўзгариши билан боғлиқдир) ердан, яъни шиша банка

тагидан уч сантиметрлар юқорига кўтарилганча муаллақ ҳолатда туриб қолади. Кундузи, куннинг иккинчи ярмида рўй беради бу ҳолат. Кейин пастлайди у ва ерга кўнади. Иншоотнинг ҳайратланарли яна бир томони пастдан юқорига тик кўтарилган бурмаларидир. Бир ҳафтадирки уни кузатаман. Бугун Танзилани чақириб, унга ҳам кўрсатдим. Сўнгра банкани, яъни у яшаб турган оламни секин ярим доира айлантиргандим, буни пайқади иншоот. Иншоот дейиш тўғри бўлармикин, ҳаракатланиб, ҳамма нарсани: ҳаво ҳароратини ҳам, банкани оҳиста қимирлатганимни ҳам ва ҳаттоки менинг кўз қарашимни ҳам пайқаб ва мен билан муносабатга киришиб, яъниким, менинг хатти-ҳаракатларимга жавоб айтиб турган жонзотни.

Бугун 27 август. Банкани кафтларим орасига олиб, чамаси икки дақиқалар турганимдан сўнг менинг бундай ҳаракатимга қарши норозилик билдириб мўйлабларини йиғиштириб олди. Афтидан унинг мўйлаби бир қатор тушунчаларни ва иддаоларни, кези келганда, қандайдир ҳиссиётларни ҳам ифодалар ва мўйлабининг бундай ҳожатбарорлигидан сўз ўрнида фойдаланарди Жонзот. Бамисоли Пуаронинг мўйлабидай. Қўлимни олмай туравердим. Баландроқ кўтарилди, бурмалари орасидаги чизиклар чуқурлашди, ҳозир шу ҳолатда қотиб турибди.

Соат 3. Тадқиқотни давом эттирмақдаман. Диққат билан узоқ муддат ундан кўз узмай қараб, иншоотнинг билинар-билинемас силкинаётганини аниқладим. Кўзойнагим устидан яна бир кўзойнак тақиб қарагандим, (лупа йўқ эди менда) унинг вужуди майин чанг зарраларидан ташкил топгани маълум бўлди. Қанотларини ўша йиғиштириб олган кўйи ҳали ёйгани йўқ. Банкага тегиниб унинг тинчини бузганимдан пушаймонман.

Соат 3/15. Назаримда, иншоот шимол томонга бироз оғандай. Бурмалари аниқ кўриняпти. Бошидаги

қалпоқчаси ҳам бироз оқарган. Юзасини чанг босган қор қопламасига ўхшайди. Банка тубида чексиз текислик. Ундаги суюқлик эса, нимранг ва кучсиз олма шарбатини эслатади ва кўнғир туманликдай тасаввур қолдиради.

Соат 4/15. Иншоот пастляпти. Аммо мен уни сира ҳам иншоот дегим келмайди. Ерга қўнишига 2 сантиметр бор. Ўнг томондаги ғилдиракчаси ерга тегай деб турибди. Чап ёнида учи юқорига томон қайрилган ихчамгина этикча. Унинг устида учи ўткир учбурчак шаклидаги аллақандай мўғиз. Худди каркидоннинг шохидай. Этикча ўша мўғизни юқорига томон тепиб юборадигандай ҳолатда. Умуман, иншоот жанубга томон қадам ташлаб бораётган улкан инсонни эслатади. Бошига ташлаб олган матоҳ оёқларигача тушиб турибди. Монах. Нариги хонадан мусиқа овози эшитила бошлади. Танбур навоси. Аммо мен мусиқани дастлаб эшитмадим. Иншоотнинг ҳолатида рўй бераётган ўзгаришни кўрдим дастлаб, бунинг сабаби нима? Иншоот титраётгандай ва унинг ичида қандайдир куч ташқарига ёриб чиқишга интилиб, хона деворларига босим ўтказаетгандай. Ана шунда ҳақиқий мўъжиза рўй берди. Қаср ичи ёришди. Тепада улкан қандиллар нур сочиб турибди. Ерда ўртаси яшил, икки четида қизил ҳошияли пойандоз. Адоғи кўринмайди унинг. Пойандознинг нариги чети туманликка қўшилиб кетган. Шундай бўлса ҳам, атрофга аланглаганча битта-битта босиб боравердим. Ҳамон эшитилиб турарди жозиб куй. Англадимки, мени шу куй тортиб бормоқда. Уни ким чалаётгани, қайси хонадан эшитилаётгани қизиқтирарди мени. Қаср деразаларидаги шишалар турли рангда. Шу боис пойандоз устига яшил, бинафша ранг, қизил ранглар, яъни нурлар тушиб турибди. Кўзим қамашади бу рангларнинг тиниқлигидан. Уларда ҳам чалинаётган куйнинг таъсири бор. Айниқса, яшил нурнинг четлари титраб куйнинг амплетудаси ва частотасини акс эттираётгандай. Ди-

лимни маҳзунлик қамраб олган. Менинг дилим ҳам куйга монанд титраётганини ҳис этиб турибман. Рўпарада олтин суви югуртириб нақшланган қўш табақали эшик намоён бўлди. Тутқич балдоқлари тиллодан. Эшикнинг кесақисига узум доналари катталигида қимматбаҳо тошлар қадалган. Остонада ўз аксимни кўрдим. Биллур ойна пойимда тиниқ сувдай кўринса-да, унинг сув эмас, ойналигини билиб турардим. Лекин нима сабабдан остона биллур ойнадан ясалганига ақлим етмай туриб қолдим. Гўзал Билқис ёдимга келди. Аёллар мамлакати-нинг маликаси Билқис! Не-не машаққатлар билан эришганди бу гўзал ва қайсар маликага ҳазрати Сулаймон. Билқис ғоят гўзал эди, аммо мутаносиблик бирозгина бузилган эди бу қизда, мен унинг оёқларини назарда тутмоқдаман. Ривоят қилишларича – ҳар тўқисда бир қусур деганларидай – Билқиснинг оёқлари товусникига ўхшарди. Шу боис узун кўйлак кийиб юрарди. Аниқ ёдимда йўқ, Ҳазрат Сулаймон бўлсалар керак, қизнинг оёқларини кўриш учун мрамор пол устини сувга бостириб қўядилар. Агар кузатган бўлсангиз, аёлларда қизиқ бир одат бор, улар тўпиққа ҳам чиқмайдиган сувдан ўтиш учун шоша-пиша кўйлаклари этагини тизза баробар кўтариб оладилар. Биллур остона ҳам шу мақсадда, яъниким ундан ўтаётган аёлларнинг оёқларини кўриш мақсадида қилинмаганмикин. Бир лаҳзалик ўйлар сўнгида чўчиб тепага қарадим. Бир бош узум. Офтобда қизара бошлаган ток новдасида осилиб турибди. Шаклан “Келин бермоқ” деб ном берилган узумга ўхшайди. Ҳусайни узумнинг шундай тури бор. Ва ерга қараб биллур остонада унинг аксини кўрдим. “Ҳуш келибсан, Неъмат Арслон!” деган майин ва маст қилувчи овоз қулоғимга чалинарсан, бошим гангиб чор-атрофга алангладим. Ва ниҳоят, овоз эгасини кўрдим. Аммо кўзларимга ишонмадим. Овоз эгаси тепада, нақ осмон буржида осилиб турган ўша бир бош узум.

– Раз қизимисан, эй соҳибжамол? – дедим овозим титраб.

– Билиб туриб нега сўрайсан?

– Исминг ғоят ёқимли, такрор ва такрор айтгим келади, шу боис сўрадим.

– Билмадим, мени ҳазрат Навоий шундай атаганлар.

– Ўқиганман, нега сени пардадар ва маккора дея таърифлаганлар? Мана эшит:

*Қилма раз фарзандидин, к-у ҳамдаму дамсозким,  
Пардадардур асру бу шоҳидвашу маккора қиз.*

Қиз кўксини тўлдириб нафас олди. Яъниким хўрсинди. Бу хўрсиниқда мен маккора эмасман, аслида пардадар ҳам эмасман, мени эзиб-мижиғлаб кўзага жойлаганлар шу ҳолга солганлар деган афсус бор эди.

– Кўнглингда шубҳа қолмаслиги учун буни ўз кўзинг билан кўришинг керак.

Шундай дея йўл бошлади қиз. Хумлар қатор тизилган хона, кўзачалар ва қадаҳлар... ҳаммаси биллурдан. Ҳаммаси узум боши ва доналари ва шинчалари кўринишида. “Бир хўша узум...” Навоий бир бош узумни бир хўша узум деб атаганлар. Яхши аниқ ва тиниқ сўз. Лекин нега Раз қизи?.. Узум билан қиз ўртасида боғлиқлик борми? Аввало, ана шу фикр таъсирида, ундан кейин, қизнинг дилидаги хижилликни тарқатиш учун Ҳазрат Навоийнинг мана бу мисраларини ўқидим:

*Боғбонга чун ғино айлаб насиб ихсонинг илги,  
Хўша-хўша гаҳ зумуррад, гоҳ лаъли ноб осиб раз.*

Табассум жилваланди унинг лабларида ва бир лаҳза кут дегандай ишора қилиб, зумрад япроқлар ортига паналади-да, зум ўтмай қаршимда намоён бўлди. Энди лаъл рангидаги шаффоф кўйлақда турарди. Ерга тиз чўкиб унинг шабадада ҳилпираб турган этакларини ўпмоқчи бўлдим, аммо улгурмадим. Раз қизи яна ток навдалари ортига ўтди ва бу сафар қора либосда чиқиб

келди. Мен эса ҳамон тиз чўккан ҳолатда турар ва беихтиёр шивирлардим: “Гўзал Қора!”, “О, Гўзал Қора!..”

– Менинг бундан ҳам чиройли кўйлақларим бор, кийиб чиқайми?..

Бу савол менга эмас, унинг ўзига берилганини англаб сукутга бордим. Раз қизи бироз ҳаяллади бу сафар, ва ниҳоят, ўзидан аввал унинг этагига кўзим тушиб юрагим ҳаприқиб кетди. Таърифу тавсифга ҳам, қоғозга ҳам сиғмасди унинг эғнидаги хилъатнинг ранги: қизғиш ва қорамтир ранглар қоришмаси! Қишлоғимизда бир қиз худди шундай кийинарди. Қизил бахмал нимчаси бор эди ва бир ўрим қопқора сочи ана шу қизил “сайҳонлик” устида тўлғаниб ётарди. Менинг назаримда, катта бир мамлакат эди унинг елкаси... Ва дунёда бошқа бундай уйғунликни, рангларнинг бунчалик мутаносиб алоқасини ўйлаб топиб бўлмайди. Тағоби қорага табиат нафақат ана шундай бетакрор ранг берган, балки бетакрор таъм билан ҳам таъминлаган. Қора кишишдай ўта ширин эмас бу узум, қанди ўртача, серсув ва хушбўй... Бу бизнинг Шаҳрисабз ва Китоб томонларда етиштириладиган, хусусан, Тағоб қишлоғида яхши ўсадиган “Тағоби қора” эди. Бобо Занги ҳазратларининг номларига қасам ичиб айтаманки, кезиб чиқинг бутун дунёни, Вассарғами, Саперавими, Баян ширейми, мен номини билган-билмаган узумлардан татиб кўринг, лекин пировардида Тағоби қорани кўмсаб Ўзбекистонга қайтасиз.

Абу Аъло ал-Мааррий “Жаннат ҳақида мактублар” асарида май ҳақида ғазал битган ўнлаб шоирларнинг исмларини келтириб, май тўғрисида ҳаммадан ўтқариб шеър ёзган шоирларнинг номларини тилга оладилар. Хаёлимга келган шу фикрлар таъсирида хумлар оралаб борардим. Кейин биз осмонга парвоз этдик. Йиқилиб тушмаслигим учун кўлимдан маҳкам ушлаб борарди Қиз. Қайтиб ерга тушганимизда тонг оқара

бошлаганди. Кўзимни очиб ўзимни сиғими уч литрли машрапа олдида кўрдим. Ердан уч сера чамаси (уч сантиметр) кўтарилган қўйи муаллақ турарди қаср... Узоқ вақт таъсирланиб юрдим.

Шиша ичида рўй берган жараён хушу фикримни қамраб олганди. Бу сирнинг тагига етиш мақсадида ўша мусаллас тайёрлашни ўргатган танишимникига бордим. Ва бўлган воқеани гапириб бердим. Бунинг ҳеч қандай мўъжизалик жойи йўқ, ачиш жараёнида ҳамиша шундай бўлади, деди бепарволик билан танишим ва мусалласнинг қандай чиққанига қизиқди. Зўр дедим, гарчи татиб кўрмаган бўлсам-да, мен ҳам бепарволик билан.

– Бориб олиб келишинг мумкин.

– Ўзинг-чи?

– Мен... Раз қизи билан қоламан.

– Юрагингдан урганга ўхшайди бирортаси.

Уйга қайтиб эшик тепасини ўраб олган вайишга қарадим. Ток новдаларида хўша-хўша узум...

...Кўп ўтмай ҳаёт тарзим ўзгариб кетди. Оилавий муаммолар сабаб бўлиб, яшаб турган уйимизни сотишга тўғри келиб қолди. Олди-сотди шартномасидан кейин бир ой рухсат беришди бизга, ана шу бир ой ичида уйни янги эгаларига бўшатиб беришимиз керак. Орадан йигирма тўққиз кун ўтганда янги хўжайин эшик олдида ҳозир бўлди. Ва эртага кўчиб келишини билдирди. Март ойининг охирлари эди ўшанда. Мен яна ўн кун муҳлат сўрадим. “Ҳали уй ололганингиз йўқми?” деди уйнинг янги соҳиби энсаси қотганини яширмай.

– Олганман.

– Унда нега ўн кун муҳлат сўраяпсиз?

– Апрельнинг биринчи декадасида ток гуллаши керак.

– Токнинг нима алоқаси бор, яъни айтмоқчиманки... Ток гуллайди деганингизга тушунмай қолдим. Ток ҳам гуллайдими?



– Гуллайди.

– Атиргул гуллайди, ўрик гуллайди, лекин ток?... –  
Елка қисди суҳбатдошим.

– Ток жуда чиройли гуллайди.

– Боғимиз тўла вайиш, тонналаб узум оламиз, аммо  
токнинг гуллашини умримда кўрмаганман.

– Буғдойни-чи?

– Буғдой?..

– Анжирни-чи?

– Анжир гулламайди. Бу аниқ.

– Анжир жуда чиройли гуллайди.

Ақлу ҳушим жойидалигига шубҳа қилгандай бироз ўзини орқага олди суҳбатдошим. Анжирнинг митти-митти қизил гул очишини, фақат унинг гуллари инсон қалбида яширин сақланадиган энг тоза севгидай, мевасининг ичида пинҳон сақланишини бу одамга туншунтириб ўтирмадим. Биз эшик олдида туриб гаплашардик. Ҳали қуруқ чўпга ўхшаб турган, аммо вужуди ер қаъридан сўриб олаётган шарбатга тўла ток танасига ва новдаларига қараб қўйди суҳбатдошим.

...Баҳорда яна гуллади менинг тоқларим. Кўзга деярли чалинмайдиган чанг зарраларидай майда ва кўримсиз гуллар ҳеч кимнинг эътиборини тортмас ва токнинг ҳам гуллаши ҳақидаги гап ҳатто эриш туюларди одамларга. Мен эса ана шу гуллар ичида... Раз қизининг ана шу гуллар ичида туғилишидан хабардор эдим. Гуллаётган ток новдаларига қарадим, вайиш тагида ўтириб Раз қизига бўлган муҳаббатимни нима биландир ифодалагим келди ва француз шоири Андре Терьенинг икки мисра шеърини таржима қилдим:

*Ток новдаси гуллар бардавом,  
Тўламан йигирма ёшга бу оқшом.*

**Хуршид ДАВРОН**



## **АМИР ТЕМУР ЎҒЛИНИНГ ЎЛИМИ ҲАҚИДА РИВОЯТ**

### **I**

Қиш билан баҳор жанги – аямажуз кечаларидан бирида мен сизларга Амир Темур ҳақидаги афсоналарнинг бирини ҳикоя қилиб бериш мақсадида қўлимга қалам олдим.

Бу афсонани тўқиганлар унга қандай ном берганларидан беҳабарман, мен уни “Амир Темур ўғлининг ўлими” деб атадим. Менга уни бир дўстим гапириб берган эди, дўстимнинг айтишича, бу қадим афсонани у талабалар шаҳарчасида яшаган афғонлардан эшитган экан.

Афсонани ҳикоя қилиб беришдан аввал, икки нарса ҳақида бироз бўлса-да, тўхталиб ўтмоқчиман. Энг аввало, “Афсона ўзи нима?” деган саволга жавоб изламоқчиман. Одатимни канда қилмаган тарзда, ўзининг номукамаллиги билан машҳур “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га қарайман. Мана, луғатнинг 1-жилд, 63-бетидаги “Афсона” сўзига ёзилган изоҳ: “1. Авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган фантастик, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят, дoston... 2. Кўчма: асоссиз гап, ёлғон-яшиқ уйдирма... 3. Кўчма: ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган мислсиз

нарса, иш”. “Афсонавий” сўзига оид изоҳ: “1. Афсона жанрига мансуб бўлган, фантастик. 2. Фақат афсоналарда мавжуд бўлган, одатда йўқ, хаёлий. 3. Кўчма: Уйдирма, тўқима. 4. Кўчма: Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сиғмайдиган, мисли кўрилмаган, мислсиз”.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бу изоҳларга “уйдирма” сўзи асос қилиб олинган. Аслида, шундайми-кан? Бир ўрис шоири “Афсона – бу ҳақиқатнинг синиқ парчаларидир” деб ёзган эди. Агар, “афсона” сўзига изоҳ беринг десалар, мен мана шу сўзни такрорлаган бўлардим. Зеро, ҳар қандай хаёлий ёки тўқима афсона ҳам, аслида, содир бўлгани аниқ, маълум бир тарихий шахс ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлади. Бобил минорасининг қурилиши, Нуҳ тўфони ёки Самарқанддаги Шоҳизинда мозори билан боғлиқ афсона бўлсин, уларнинг ҳар бирининг асосида тарихий далил – ҳақиқат ётган бўлади. Шунинг учун ҳам жуда кўп қадимий битикларимиз қуйидаги жумла билан бошланган: “Бул ҳикоят агарчи афсона тусида эрса-да, ул ҳақиқатдан йироқ эмасдур”.

Инглиз адиби Честертон битганидек, афсона ҳар қандай далилдан ҳам тарихийроқдир. Далил ёлғиз бир одам ҳақида сўз юритса ёки у одамлар қатнашган воқеа ҳақида маълумот берса, афсона юзлаб ва миллионлаб одамлар тақдири ҳақида, воқеани юзага чиқарган одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Далил баъзан замон алмашиши билан ўз моҳиятини, ўз рангини ўзгартириши мумкин, аммо афсона абадий ўзгармас ҳақиқатдир. Тарих фақат халқ хотираси рамзи бўлмиш асо-тирлар (афсона ва ривоятлар) ёрдамидагина мозий моҳиятини, демак, унинг юрагини кашф эта олади. Хотирасиз инсон юраги ҳам қуруқ ҳужжатлар йиғиндисидан фарқ қилмайди. Тарих вақт ҳақида эмас, вақт мобайнида яшаган инсон ҳақида ҳикоя қилмоғи зарур. Демак, у вақт ҳужжатларига эмас, инсон хотира-

сига суюнгандагина ҳақиқатни очади. Инсон хотираси афсоналарга ҳамнафас бўлгандагина тирикдир. Фақат шундагина тарихий далил тирилади. Афсона билан хужжат (далил)нинг ўзаро боғланиши аслида инсон билан вақт боғланишидир. Тарих, деб ёзади Николай Бердяев, том маънодаги афсонадир...

Тўхталмоқчи бўлган иккинчи масала мен сизга сўзлаб бермоқчи бўлган ривоят Амир Темур ҳаётининг қайси тўхтамида бўлиб ўтган воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин деган саволни ойдинлаштиришдир. Тарихий битикларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темурнинг тўрт ўғли бўлиб, уларнинг исмлари: Жаҳонгир мирзо (1356–1376), Умаршайх мирзо (1356–1394), Амироншоҳ (Мироншоҳ) мирзо (1367–1408), Шоҳрух мирзо (1377–1447) бўлган. Яна шу нарса маълумки, улуғ Соҳибқирон тириклик пайтида, у олиб борган жангу жадалда унинг ёлғиз бир фарзанди – Умаршайх мирзо 1394 йилнинг қишида Шом уруши пайтида, Хармату қалъаси остонасида – тор бир дарода ўқ тегиб ҳалок бўлгани ҳақида тарихий далил бор. Тўнғич ўғли бўлмиш Жаҳонгир мирзо ўз ажали билан 20 ёшида оламдан ўтган. Амир Темур вафотидан сўнг уч йил ўтгач, 1408 йилнинг кўкламида унинг ўртанча ўғли Мироншоҳ мирзо Қора Юсуф туркман билан бўлган жангларнинг бирида, Табриз яқинида ўлдирилган.

Хўш, Амир Темур ўғлининг ўлими билан боғлиқ афсона қайси воқеалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Агар уни Умаршайх мирзо ўлими билан боғлайдиган бўлсак, бу афсонани далили бўладиган воқеаларни Шом юриши баёнидан тополмадим. Ўйлашимча, бу афсонани афсонлар орасида мавжуд бўлиши боис, у Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши давомида рўй берган воқеалардан туғилган бўлиши керак. Охир-оқибатда узоқ изланишдан сўнг “Темур тузукла-

ри”да бу афсонага бевосита боғлиқ маълумотларни топишга муваффақ бўлдим. Бироқ уларни сўзлаб беришдан аввал мен Ҳиндистон юриши қандай бошланганини мухтасар бўлса-да, ҳикоя қилмоқчиман.

Ҳижрий саккиз юзинчи, милодий 1398 йилнинг баҳорида Амир Темур янги боғи – Дилкушода мислсиз тантаналар билан Хизрхўжахоннинг қизи ўн икки яшар Тўкалхонимни ўз никоҳига қабул қилди. Тўй ўчоқларидаги кул совиб улгурмай, унинг амри билан Самарқанд ва Кеш оралиғида жойлашган Тахти Қорача довони оша ўтадиган йўлни тузатиш ва тоғ этагида яна бир ғаройиб бир боғ бунёд этиш ишлари бошланди. Соҳибқироннинг ўзи бўлса Кешга яқин бир ўлангда қурултой чақирди. Мақсади азалий орзуси: Ҳиндистон юриши маслаҳатини ўртага солиш эди. Салтанатнинг муҳим тадбирлари, бўлажак ҳарбий юришлар режалари муҳокама этиладиган қурултой Амир Темур давлатининг олий кенгаши эди. Шу билан бирга қурултой мамлакатнинг бош тантанаси бўлиб, Соҳибқирон қўли остида бирлашган ўлкаларни бошқариш билан банд амирзодалар ва бошқа давлати арконлар учун худди жанг майдони билан баравар, ҳатто ундан юқори турадиган ўзига хос синов майдони ҳам эди. Агар жанг майдонида диловарлик синалса, бу кенгашда фаросат ва тадбиркорлик синовдан ўтарди. Бу сабабдан бўлса керак, жанг майдонида кўрқув нималигини билмаган айрим амирлар ва амирзодалар қурултой чақирилганда саросимага тушиб қолишар, унда қайси бир тадбир ўртада муҳокама бўлишини билиш учун бор воситаларни ишга солардилар. Илло, жаҳонгир жанг майдонида қилич чопқилашдаги моҳирликни, қурултойда эса ўйлаб айтилган сўзни маъқул кўрар, ким аравани қуруқ олиб қочса, машваратдан қувиб чиқаришдан ҳам қайтмасди. Аммо бу галги қурултой қай мақсадда чақирилаётгани ҳеч кимга сир эмасди.

Ҳар галгидек қурултой кўпчилик учун қурилган улкан чодирда ўтди. Амир Темур одатдаги расм-русмлар адо этилиши билан, гапни чўзиб ўтирмай, Ҳиндистон юриши олдидан ўғиллари ва амирларнинг кўнгли, ўй-фикрларини билиш мақсадида уларни маслаҳатга чақирганини айтди. Туркий сулолаларнинг азалий тартиби ва мукаррам дастури шундай эдиким, катта оғалари ва хешлар ҳаёт экан, ҳеч ким улардан ўтиб салтанат тахтига қадам қўёлмасди. Мана шу боболар одатига биноан қурултойдаям ёши улуғ шаҳзодалар биринчи фикр билдириш ҳуқуқига эга эдилар. Шунинг учун ҳам даврада Соҳибқироннинг кенжа ўғли Шоҳрух мирзо ўтирган бўлса ҳам, биринчи сўзлаш ундан ёш жиҳатдан улуғ Муҳаммад Султон билан Пирмуҳаммад Жаҳонгир ихтиёрида эди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир бобосига бир қараб олди-да, унинг “Хўш” дегандек синчков тикилиб турганини кўриб гап бошлади:

– Ҳазрати Соҳибқирон, Ҳиндистонни олмоқ ер юзида ўтган барча подшоларнинг орзуси бўлмиш. Агар ани забт этсак, анинг олтинлари ила етти иқлимни олажакмиз. Мен юришга тайёрдурмен.

Туғишган биродарининг бу гапини эшитиб амирзода Муҳаммад Султон ҳам ўрнидан турди. У инисидан бир ёш улуғ бўлса-да, қотмадан келганлиги сабабли ундан анча ёш кўринар, буни билган амирзода кўпроқ овозига зўр бериб, катталарга хос мулоҳаза истагида ҳар бир сўзга алоҳида урғу бериб гапириш лозим, деб ўйларди. Амир Темур оға-ини ўртасидаги баҳсни мароқ билан кузатар ва бевақт шаҳид бўлган ўғлига кўрсатолмаган меҳр-марҳаматини улардан аямасди.

– Олампаноҳ, – дея улуғворлик ила сўз бошлади Муҳаммад Султон, – иним Пирмуҳаммад Жаҳонгир айтгани ростдур. Ҳинд мулки бағоят бой юрт. Аммо сиз берган сабоқ ҳамиша ёдимда. Яъниким ҳар бир ишни

қилишдан аввал унинг амалини ўйлаш жоиздур. Китоблардан маълумдирким, Ҳиндистон йўли кўп машаққатлидур. Энг аввало, бир неча қор босиб ётган тоғлару кечиб ўтиш мушкул дарёлар, ундан кейин чеки йўқ ўрмону тўқайзорлар бордур. Иккиламчи, мақсадга етгунча бебош афғонлар билан жанг қилиш ҳам зарур бўлғай. Яна китобларда айтилмишким, Ҳиндистонда одамхўр филлар ҳам жуда кўп бўлармиш...

Амир Темур инисининг мулоҳазаларини эшитган Пирмуҳаммад Жаҳонгир безовталана бошлаганини сизди. Аммо буни билдирмай, набирасининг мулоҳазаси қандай таклиф билан тугашини кутди. Қурултой расм-русми ҳар бир сўзни эътибор билан эшитиш лозимлигини талаб қиларди. Хўш, қани, тўнғич набираси нима демоқчи экан, шуни билсин-чи. Аммо Муҳаммад Султон ҳам инисининг аҳволини сезган бўлса керак, одатига хилоф равишда шошиб сўзини яқунлади:

– Бу мулоҳазаларим ила Ҳиндистон юришига пухта тайёргарлик кўриш лозим демоқчиман. Мен урушга шаймен. – У сўзини тугатиб, инисининг ёнидан жой оларкан, унинг юзидаги мамнуниятни сезиб, кўнгли жойига тушди.

Шундан сўнг соҳибқиронга қизидан туғилган набира бўлмиш амирзода Султон Ҳусайн навбат олди. Амир Темур қизи Оғабегим ва малика Туман оғонинг биродари амир Муҳаммад ибн Мусодан бўлмиш бу амирзода бағоят мард, аммо беоқибат бўлиб вояга етганини яхши билса-да, ҳар гал қизининг сўзини қайтаролмай, бу бадбахт йигитнинг гуноҳидан ўтиб келарди. Ўз ўғиллари ва уларнинг фарзандларига бағоят қаттиқ турган Соҳибқирон бу ҳовлиқма амирзодани жазосиз қолдириб келаётганини ҳамма билар, аммо сабабидан беҳабар эдилар. Наҳотки, қиздан туғилган набира ўғиллардан суюклироқ бўлса? Амир Темурнинг бу набирасига лоқайдлигини унинг қизига

кўрсатган карами бўлмай, балки Султон Ҳусайннинг салтанат тахтига ўтиришга лойиқ бўлмаганлар тоифасига киришидан эди.

– Ҳазрат Соҳибқирон, – деди тантанавор оҳангда Султон Ҳусайн. – Агар биз Ҳиндистонни илгимизга кирита олсак, тўрт иқлимга – Туркистонун Турон, Эронун Ҳиндга ҳукмрон бўлурмиз. Қолғон уч иқлим: Рум, Шом, Чинни эса олмоқ қийин эмасдур, албат олғаймиз.

Султон Ҳусайн санаб ўтган иқлимларни худди ўзи оладигандек, аллақандай ички кибр билан даврадагиларга кўз ташлаб, ўрнини эгаллади. Бобоси вафотидан сўнг мана шу кибр унинг бошига кўп ғавғолар солишидан у ҳали беҳабар эди.

Амир Темур сўз навбатини олган кенжа ўғли Шохрух мирзога диққат билан тикилди. Бу фарзанди бошқа зурёдларига қараганда, китобга ўч чиқди. Унга китоб бўлса бас, қилич чопқилашни унутади. Аммо китобхонлигиданми, сўзи, мулоҳазалари пишиқ, ўзи ҳам кўпни кўрган қариядек босиқ эди. Айтадиганини пухталаб олмаса, оғиз очмасди.

– Падари бузрук, ҳазрати Соҳибқирон, – дея гап бошлади Шохрух мирзо шошмасдан. Унинг ҳатто гапирётган пайтидаям нималарнидир ўйлаётганини сезиб Амир Темурнинг ғаши келди. – Мен аждодларимиз бўлмиш туркларнинг қонунлари битилган китобларда ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бўларкан. Ривоят қилғайларким, бу подшоҳларнинг улуғлигини алоҳида таъкидлаб, уларнинг номларини атамай, лақабларини олиб айтғонлар. Яъниким Ҳинд подшосини – рой, Рум подшосини – қайсар, Чуну Мочин подшосини – фағфур, Туркистон подшосини – хоқон, Эронун Турон подшосини – шаҳоншоҳ атайдилар. Биз ҳукм юргизган юрт ҳукмдори, яъниким шаҳоншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларига жорий этилмиш. Токим Эронзамину Ту-



ронзамин бизнинг илкимизда экан, Ҳиндистонни ҳам ўзимизга тобе этмоғимиз жоиздур...

Амир Темур кенжа ўғлининг сўзларини тинглар экан, бир зум сўнги пайтларда юрагини туну кун безовта қилган валиаҳд ташвишига берилди. Тўрт ўғлидан иккиси бевақт кўз юмди. Шоҳрух бунақа, Мироншоҳ бўлса, ўйламай иш қиладиганлар тоифасидан. Маст бўлиб, отдан йиқилиб калласи лат егандан буён унинг бетайин қилмишлари яна ошди. Суюкли келини Хонзодабегим яқинда эрининг зулмидан дод уриб, унга бош уриб келди. Мироншоҳнинг валиаҳд бўлиши мамлакатни вайрон бўлиши демакдир. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Нобакор ўғилни жазолашни кўнглига тугган соҳибқирон бу тадбирни Ҳиндистон юришидан кейинга қолдиришга мажбур эди.

Амир Темур секин Пирмуҳаммад Жаҳонгирга кўз қирини ташлади. Ҳа, бу набираси ҳавас қилгулик баҳодир бўлди. Ўзиям қуйиб қўйгандек бобосининг ўзи: қадди қомати барваста, елкадор, бошиям бобосиникидек, хумдек келади. Қоши-чи, қоши? Ариқ четидаги ажриқдек қалин, кўзлари қилич дамидек товланади. Феъл-атвориям бобосиники, на ёғийдан, на ўлимдан қўрқади. “Ёпирай, – дерди баъзан камдан-кам ҳайратланадиган соҳибқирон. – Мени тириклигимда Аллоҳ таоло яна қайтадан яратдимми?!” Набирасининг ёлғиз бир хислати унга маъқул келмасди. Кўпчилик бошини қовуштиришни билмайди. Мардлик одамлар дилини мафтун этса, оқибатбардорлик, фаросат юракларни абадий банди этишини ҳали англамайди.

Амир Темур ўғли Шоҳрух мирзодан кейин ўз мулоҳазасини айтишга бирон-бир амир шошилмаётганини кўриб, ҳушёр тортди. Сукут чўзилганидан тоқатсизланиб:

– Ҳўш, – деди у баланд овоз билан. Аммо амирлар жим ўтиравердилар. Соҳибқирон жаҳли чиқса-

ям, ичидагини юзига чиқармади. Индамай кутишни маъқул кўрди. Бу бахтичопганлар унинг неча йилдан буён Ҳинд мулкини забт этиш ҳақида орзу қилишидан яхши хабардор. Наҳотки, билиб ҳам билмасликка олсалар, жим ўтиришни маъқул кўрсалар? У ўзининг деярли барча юришларида қатнашган, садоқатларини неча марта жангу жадалда намоиш этган амирларга бир-бир тикилар, амирлар эса унга бош кўтариб қарашга мажол тополмасдилар. Охири у Амир Шоҳмаликка қаттиқ тикилиб тураверди. Унинг бу боқишини туйган амир секин бошини кўтаришга мажбур бўлди.

– Тақсиримнинг сўзлари йўқми? – деди соҳибқирон бўғиқ овоз билан.

Амир Шоҳмалик ўрнидан туришга мажбур бўлди. Амир Темур унга: “Ўтириб гапиравер” деб ишора қилгач, ўрнини эгаллади. Бироз тараддудланиб, кейин оҳиста арз қилди:

– Аълоҳазрат, сизнинг амрингиз биз учун вожибдур, ундан юз ўгириш тузингизни унутмоқдур. Биз бу тадбир хаёлини дилларимиздан, бамисли жавоҳир туйнукларидан ўтган ипдек шошилмай ўткардик, – у биз деганда амирлар Хожа Юсуф, Сарибуғо, Шайх Нуриддинларга ишора қилди. – Борингки, Ҳиндистонни олдик ҳам дейлик. Бироқ у мулкда турғун бўлиб қолсак наслимиз йўқолмағайму, авлодларимиз ўз асладан айри тушмағайму, бегона юртда тилларини унутмағайму?..

– Тақсир, – деб унинг гапини бўлди Амир Темур хотиржам. – Биз ул мулкда узоқ қолишни ўйлаганимиз йўқ. Қолаверса, шуни ёдда тутингким, дилда эътиқод бутун бўлса, асло наслимиз йўқолмағай, тилимиз унутилмағай... Эътиқод сусайса, тил эмас, имон ҳам унутилғай...

У хотиржам гапирар, аммо қошининг йиғилиб туриши, кўзидаги ўтнинг янада кучлироқ товлана бош-

лаганини пайқаган амирлар Соҳибқирон ичида қандай кучли тўфон ўйнаётганини сезиб туришарди.

– Кўпчиликда шубҳа бўлса, йўлга чиқмаган маъкул. Шубҳа нафақат ақлни, у дилдаги ўтниям ўчиради. Келингиз, Тангри таолога мурожаат қилайлик. Ҳинд мулкига юриш борасида истихора этайлик. – Амир Темур ёнида турган Қуръонни кўлига олди. – Тангри таоло нени буюрса, шунга амал қилғаймиз.

Даврадагилар ўша заҳот унинг таклифини маъкуллаб овоз бердилар. Соҳибқирон Қуръони каримни олдидаги шира устига кўйди, чуқур нафас олиб, бироз сукут сақлади-да, кўзини юмиб китобни очди. У аввал очилган саҳифадаги оятни ичида ўқиди, сўнг баланд овозда такрорлади:

“Эй, Расулulloҳ, кофирларга ва мунофиқларга қарши жаҳл қилғил”.

Амир Темур бир четда турган мавлоно Фахриддин қорига тикилди. Мавлоно Соҳибқирон истагини уқди, оҳиста ўрнидан туриб оят мазмунини изоҳлаб берди. Амирлар мавлононинг изоҳини эшитгач, бошларини эгиб, жимиб қолдилар.

– Хўш, – деди Амир Темур.

Аммо бу гал ҳам амирлар ўз фикрларини айтишга шошилмадилар. Буни кўрган соҳибқирон жаҳлини яширолмади.

– Тақсирларим, нечун жимсиз? Ё Аллоҳ таоло ҳукми сизга хуш келмадими?.. Мен сизни салтанатим устунлари деб билдим, ҳамиша иззатингизни унутмадим. Сиз эса унутдингиз... Сабаби недир? Сиз билмасангиз, мен яхши билурман. Турган сув сасийди, юрган одам яшаради. Агар сиз толиққан бўлсангиз, илгингизда мадор қолмоғон бўлса, лашкарни топширинг. Неча-неча бўз йигитлар бизгаям навбат етадиму, деб кутиб турғайлар. Аллоҳ гувоҳ, Ҳиндистонни сиз эмас, шул ўғлонлар албат забт этғай...

Соҳибқироннинг важоҳатини кўриб, айниқса, унинг сўнги сўзларини эшитган амирлар бирин-кетин ўринларидан туриб афв тиладилар. Амир Темур уларнинг сўзини хотиржам эшитиб деди:

– Сиз ила не-не жангу жадалларда бўлдим. Сиз менга, мен эса сизга суяндим... Ҳар қанча юрагимни қон қилдингиз, афв этдим. Бугун борингиз, эртагача ўйланғиз...

Эртаси давом этган қурултой аҳли бир овозда бўлажак юриш режасини маъқулладилар. Дили равшан тортган Амир Темур қўл кўтариб, зафару фатҳ фотиҳасини ўқиди.

Қурултойдан ярим ой ўтар-ўтмас, Соҳибқирон бошчилигидаги улкан қўшин Қашқадарё воҳасини тарк этиб, Термизга яқин ерда Жайхундан кечиб, Хуросон ҳудудига ўтди.

У бутун ёз давомида Андароб деган жойда бўлди. Саккиз юзинчи йил зулҳижжа ойининг бошида – 1398 йилнинг августида Амир Темур Панжшир дарёси ёқа-лаб Кобулга қараб йўналди. Шу ерда унга бўлажак юришда омад тилаган Олтин Ўрда элчиларини қабул қилди. Элчилар бир неча муддат ўтиб қайтишга рухсат сўрагандан кейин, уларнинг карвонини қўриқлаш учун бир гуруҳ аскар ажратди. У бу ишни элчиларни ўйлаб эмас, шу карвон билан дорилмулкка қайтиш лозим топилган Сароймулкхоним билан Шоҳрух мирзонинг ўғли, тўрт яшар набираси Муҳаммад Тарағай хавфсизлигини таъминлаш учун қилган эди.

Бундан ўн етти йил аввал қўлга киритилган Хуросон мулкининг бу қисми ҳамisha нотинч бўлиб келган. Ҳиндистон юришини мақсад қилган Соҳибқирон шу сабабдан ҳам қўшин ортини мустақамлаш ниятида Кобулни тарк этиб, Сулаймон тоғлари яқинида яшаган афғон қабилалари ва исёнкор қора кийимлилар – сиёхпўшлар номи билан машҳур исёнчиларни

тавбасига таянтириш, ўзининг кўнглини тинчлантириш билан машғул бўлди. Қолаверса, бу тадбир Ҳинд султонини чалғитишнинг йўли ҳам эди. Гўё ўзини Ҳиндистонни забт этиш учун эмас, мана шу бебош қабилаларни итоатга келтириш учун келган қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

У вақт етиши билан ўттиз минг аскарга раҳбар бўлмиш амирзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Сулаймон тоғини ошиб, Синд дарёсини тўхтамай кечиб ўтиб Мўлтон вилоятига, амирзода Муҳаммад Султон билан амирзода Рустам бошчилигидаги ўттиз минглик қўшинга эса Синд дарёси ёқалаб Кашмир тоғи этагидаги йўлдан юриб Лоҳур вилоятига босқин қилишга фармон берди. Ўзи бўлса қўшиннинг асосий қисми – ғул билан Бадахшон томонга йўналди ва тоғ ошиб Ҳиндистон сарҳадларига бостириб кирди. Ҳиндистон юриши ҳақида бошқа бир ҳикоямизда батафсил тўхталиш ниятимиз борлиги сабаб, биз асосий мақсадимиз – сизга сўзлаб бермоқчи афсонани келтириб чиқарган воқеаларга ўтишни маъқул кўрдик.

Амир Темур, юқорида айтганимиздек, қўшин ортини мустаҳкамлаш мақсадида афғон қабилалари томонидан вайрон этилган бир қатор қалъаларни қайта тиклатган ва уларда ўз одамларини қолдирган эди. Мана шу қалъаларнинг бири Ироб қалъаси эди. Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мўлтонга юриши олдидан ўзига содиқлик сўзини айтган Лашкаршоҳ афғонни мана шу қалъанинг кутволи қилиб тайинлаганди. Амир Темур қўшини Ҳиндистонга қараб йўлга чиқишидан фойдаланган каркас деб аталган афғон қабиласининг бошлиғи Мусо афғон келиб қалъани қўлга киритди ва кутвол Лашкаршоҳ афғонни қатл этди. Ўлдирилган оғасининг қасосини тилаган Малик Муҳаммад Соҳибқирон хузурига бош уриб борди. Амир Темур узоқни кўзлаб иш тутди: гўё бечора инининг ўтинчи-

га кулоқ солмаган бўлиб, уни қамаб қўйишни буюрди. Сўнг Мусо афғонга ҳузурига келишни талаб қилиб ёрлиқ юборди. Мусо афғон келган чопардан қон ўчи талаб қилиб борган Малик Муҳаммад қамоққа тушганини эшитиб, хотиржам тортди. Аммо Амир Темур қўшини қалъага қараб келаётганидан воқиф бўлгач, унга пешвоз чиқиб, қалъани пешкаш қилишни маъқул деб топди. Аммо у ўз аскарларидан бирига Амир Темур қалъага кириши билан ўқ узиб, уни ҳалок этишни буюрган эди. Аммо пасткаш ниятига етмади. Узилган ўқ хато кетди. Мусо афғон қилмишига яраша жазоланди, у қатл этилди.

Айнан мана шу воқеа йиллар ўтиб афсонага асос бўлганига шак-шубҳа йўқ. Лашкаршоҳ афғондан аввал қалъада Пирмуҳаммад Жаҳонгир тургани учунми, афсонада Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ҳикоя қилади. Набиранинг ўғилга айланиши эса фақат афсоналарда эмас, ҳатто тарихий китобларда учраб турадиган ҳолдир. Қолаверса, Пирмуҳаммад Жаҳонгир Амир Темурнинг кенжа ўғли Шохрух билан деярли тенгкур эди. Энди навбат афсонага...

## II

Дунёнинг тўрт тарафига кўз тиккан Соҳибқирон Амир Темур қўшини жангари афғон қабилалари билан бўлган оғир жангу жадалдан сўнг дарё ёқасида қўққайиб турган улкан қоя устидаги қалъани қўлга киритди. Қалъа жуда кичик, аммо баланд девор билан ўралгани учун ғоятда кучли истехком эди. Шунинг учун ҳам қалъанинг қўлга кириши қийин бўлди. Аниқроғи қийин бўлиши мумкин эди. Аммо кутилмаганда қалъа хиёнат туфайли унинг қўлига жуда осон ўтди.

Хиёнат қалъа жийбахона бошлиғи томонидан бўлди. У дастлаб мактуб қатиб боғланган ёй ўқини Соҳибқирон аскарлари томон учуриб, тун яримдан

оғанда мағриб томондаги дарвозани очажагини хабар қилди. Мунший хатни унга ўқиб берар экан, ҳукмдор ҳали афтини кўрмаган жийбахоначидан қаттиқ нафратланди. “Кўрнамак”, – деб ўйлади у мунший хиргоҳдан чиқиб кетгач. У узоқ ўйлади. Ҳукмдорлари берган туз ҳақини унутиб, вафодорлик ва садоқатни бир чеккага йиғиштириб, унинг олдига не-не одамлар бош уриб келмаган. Лекин у ҳар сафар бу хоинларни лаънатлаган. Туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб унинг қошига келган ҳар бир юзсизни ўзига ва салтанатига энг ёмон душман деб билган.

Зеро, улар ўз соҳибига вафодорлик қилмагач, унга қилармиди?

Аммо Соҳибқирон хиёнатдан фойдаланишдан юз ўгирмас, ундан усталик билан фойдаланарди. Ахир, қай бир саркарда ўз жангчиларининг бекордан-бекор қурбон бўлишидан сақлайдиган йўлдан фойдаланишни истамайди. Хиёнат инсон юрагини қурт каби кемирган фасоддан, мамлакатда лоқайдлик туфайли юзага чиққан парокандалиқдан, хуллас, ҳам устки таназзулдан туғилишини у яхши биларди. Шу сабабдан ҳам ҳар лаҳза ҳар бир сипоҳий, ҳар бир қўшин бошлиғи, ҳар бир амир боши устида унинг қаҳри айланиб туриши зарурлигини унутмас, уларни умид ва қўрқув ўртасида тутишни лозим кўрарди.

Агар жийбахоначи хиёнатга юз тутган экан, ундан фойдаланмоғи савоб, илло, уни бу ҳаром йўлдан қайтаришнинг иложи йўқ. Иложи – ўлим.

Қалъа тонгга яқин ғарбий дарвозанинг кутилмаганда очилиши туфайли унинг қўлига ўтгач, қарорини фармонга айлантириб, қалъа кутволи билан жийбахона бошлиғини ўлимга буюрди.

Бир-икки кун лашкарга дам бериб бўлгач, соҳибқирон қалъада ўғли бошлиқ қўшинни қолдириб, бошқа

шаҳарлару қалъаларни забт этиш қасдида шитоб билан отланиб, йўлга тушди.

Йўлга тушган қўшиндаги аскарларнинг сон-саногии йўқ эди. Уларнинг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл боссаям ҳали толиқмаган ва шамолдек учқур, қиличлари олмосдай ўткир, юракларига қўрқув тушмаган эди. Қўшин шундай шиддат билан борардики, гўё саратон маҳали қамишзорга тушган ўтдек тўхтовсиз эдилар. Бошларидаги симобий дубулғалар кунтиғида ялт-юлт товланар экан, ўша замонда яшаган муаррих таърифлагандек, “Қўшин кежим, зирҳ ва жавшанлар кўплигидан темир тоғи каби эди, гўё темир тоғи эриб кетиб, дарё бўлиб оқуб борар, бу қоим юз минг коинотни ютиб юборадиган улкан наҳангдек жилвагар эди”.

Бу қўшин ўтган йўллар чанги ҳафта ўтмасдан тўхтамас, бу темир оқим тўхтаб ҳордиқ олган ям-яшил ўланларда қайта ўт унмас. Ўт униши учун ёмғир асрлар давомида отлар туёғидан эзилиб ўлган тупроқни юмшатиши, қуёш юз йиллар мобайнида бу тақир майдонларга ўз меҳрини тинмай сочмоғи керак эди. Олис тоғлар қоялари устида пода ўтлатиб юрган афғон чўпонлари биёбон ўртасида тўсатдан пайдо бўлган симобранг дарёни кўриб, Аллоҳ таолонинг иродасидан ҳайратланиб, тасаннолар айтишарди.

Мана шу улкан қўшин тўхтаб Синд дарёси соҳилида ҳордиқ олаётган пайтда Амир Темурга куни кеча забт этилган қалъадан чопар келганини айтдилар. “Кирсин!” – деди Соҳибқирон дарёдан урилган салқин шабададан оҳиста тебраниб турган хиргоҳ пардаларига тикилганича. Амир Темур югуриб ичкарига кирган чопарни таниди. У шаҳзода ўғли хизматида юрган уйўғлонларнинг бири эди. Уйўғлон кира солиб, тизза чўкиб ва бошини эгиб, синиқ овоз билан сўзлади:



– Онҳазрат, шумхабар келтирганим учун бошимни олинг.

Унинг бу сўзини эшитган Амир Темурнинг бир мўйи ҳам қимирламади. У ҳузурига кирган сонсиз чопарлардан бу сўзни неча марта эшитган, санаса, саноқдан адашмоғи мумкин. Кўпинча бу сўз билан бошланган хабарлар унинг қулоғига етишга ҳам арзимас бир гап бўлиб чиқар, Соҳибқирон одамларнинг ваҳимага ўчлигидан ҳайрон қоларди. Бирдан ўйига: “Наҳотки, ўғлимга бир гап бўлган бўлса?” деган гап келди-да, сергак тортиди.

– Сенинг жонинг Аллоҳники, олдин сўйла, агар Аллоҳ олдида жавобгар бўлсанг, бошинг шаксиз кесилғай. Агар менга нисбатан айбли бўлсанг, ҳукми машойихлар айтурлар...

– Аввал бир қошиқ қонимдан кечинг, онҳазрат, – деди уйўғлон сапчадек кичик бошини кўтармай.

Амир Темурнинг ғазаби қайнади. “Нима бало, бу сакбачча, менинг иродамни синамоқчим?”

Бирдан дарёдан эсган шабада юзига урилди-ю, Аллоҳнинг бу неъматидан яна кўнглига хотиржамлик чўкди.

– Кечдим, гапир, – деди ҳорғин товуш билан Соҳибқирон.

Чопар ортиқ пайсалласа, айтадиган гапи ўзи билан рихлатга кетишини англади-ю, бошини сал кўтарди. Шунда ҳам ҳукмдорнинг юзига қарашга журъат қилолмай, гап бошлади:

– Улуғ Соҳибқирон, сиз қалъани тарк этгандан сўнг лаънати ёғийлар ногаҳон уни қамал айладилар. Неча кун жанг бўлди. Аммо кучимиз озлик, захирамиз носозлик қилиб мағлуб бўлдик. Ёғийлар қалъага биз билмаган яширин ерости йўлдан кириб олди. Қалъанинг қўлдан кетмоғи аён бўлгач, бемонанд шаҳзода мени сизнинг ҳузурингизга жўнатди. Неча ўлимдан

қолиб, минг ғавфо билан қалъадан чиқишга муваффақ бўлдим.

– Ўғлимга нима бўлди, у тирикми? – деб секин сўради Амир Темур. Унинг овозидаги совуқдан чопарнинг этлари жимирлаб кетди. Сўнгра зўрға овоз чиқарди:

– Билмайман, Соҳибқирон, билмайман, – унинг жағлари титрарди. – Мен қалъадан чиқиш саъй-ҳаракатини қилаётганимда, жанг жийбахона олдида бораётган, ўғлингиз жангнинг ўртасида эди.

Амир Темурнинг ичига ўт тушгандек бўлди. Секин атрофида турган ичкарилару номбардорларга разм солди. Бирор-бир кўз очиқдан-очиқ унга тикилиб турганини кўрмади. Аммо ҳамманинг юзида ташвиш аломати зоҳир эди. У бир дам ўйга ботиб турди-да, секин пичирлади:

– Ҳозирнинг ўзидаёқ кўшин йўлга отлансин. Ёғийлар муносиб жазолансунлар. Ўғлим тирикми, ўликми топилсин.

Назарида фармонини кўшинга етказишга жавобгар товачи сушт ҳаракат қилаётгандек туюлди. Бир ҳаракат билан ўрнидан ирғиб турди-ю, ғазаб билан бақирди:

– Бўғозмисан, онағар. Агар яна шундай пайсалласанг, қорнингни ёриб, қонингни оқизганим бўлсин.

Пак-пакана, қориндор товачи хиргоҳдан ўқдай отилиб чиқди. “Худо бир асради, Худо бир асради!” деган ўй чопиб бораётган товачининг миясини кемирарди.

Дам ўтмай темир тоғ эриб, улкан оқинга айланди ва кечагина ўтилган, ҳали чанг-тўзони босилмаган йўллардан илондек буралиб оқа бошлади. Энди бу кўшиннинг шиддати яна ҳам жадал, навкарлар дилида қасос ўти ёнар, отлар қамчи зарбидан аламзада йўртиб борар эдилар. Темир оқим бир неча кундан сўнгра душман қўлига ўтган қалъани уч томондан ўраб олди.

Тўртинчи томонда эса юксак қорли тоғлардан тушиб ҳали қўлга ўргатилмаган беасов тойдек ҳаприқиб, гувиллаб улкан дарё оқиб турарди. Агар ўша тоғлар томонда пода ўтлатиб юрган ўша афғон чўпони ҳозир қалъа томонга кўз ташлай олганида эди, улкан биёбон қаърида туғилган номаълум симобранг дарё улкан қояга – қалъага урилиб иккига бўлиниб асрлар давомида оқиб турган ўзларига таниш дарёга қўшилаётганига кўзлари тушарди. Агар улар эртаси ҳам ўша томонга қараганларида эди, кечаги бирдан пайдо бўлган симобранг дарё йўқлигини, улкан қоя атрофида эса улкан кўл пайдо бўлиб қолганини кўрган бўлардилар. Бу кўл кечаси олов комига айланиб, ундан таралган ёғду юксак тоғларнинг қорли чўққиларига урилиб, уларни нимқизил рангга бўяди. Бу қалъадан йироқ-йироқлардаги қишлоқларда ва шаҳарлар аҳолиси олислардан келаётган ер зириллашига ваҳима билан қулоқ солишар, аллақандай номаълум, шу сабабдан кўрқинчли ҳалокатлардан дарак берувчи ғаройиб манзарага – юксак тоғ чўққиларининг қори алвон рангга бўялиб товланишини кўриб даҳшатга тушардилар.

Энг кўрқинчлиси, номаълумлик эди. Номаълумлик уларни ўзлари асрлар давомида яшаган масканларини, молу мулкларини ташлаб ғарқ пишиб ётган тутлар ҳиди анқиб турган чорбоғлар оралаб ўтган йўллар орқали бу ваҳимадан беҳабар ва алдамчи фароғат оғушида ухлаётган ўлкаларга кетишга, бу номаълумликдан ёш келинчакларнинг кўксида сути қуриб, ҳали киндик яраси битмаган чақалоқлар йиғиси оталарни ярим кечалари туриб олисда тобора қизиллашиб товланаётган тоғларга нотинчлик билан узоқ боқишга мажбур қиларди. Ер зириллаши тўхтагани билан уларнинг юрагидаги зириллаш баттар авж оларди. Улар ўша тунни билан нимқизил рангга тов-

ланган тоғлар томондан бирор-бир хабар келармикан дея илонизли йўлларга интиқ боқиб кутишар; аммо намоз пайтидаги кентлар кўчасидек бу қадимий йўлларда бирор кишининг қораси кўринмасди. Номаълумлик томонга қараб бориб, у ёқдан бирор гап олиб келишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Ундан кўра улар кенг даштда душман лашкари билан юзма-юз туриб жанг қилишга рози эдилар. Аммо душман ўша номаълум томонда эди.

Ўша номаълумлик тарафда, кечалари нимқизил рангда товланган тоғлар томондан оқиб тушган дарё ёқасидаги қалъани Амир Темур кўшини исканжага олган эди. Соҳибқирон қалъанинг шарқий дарвозаси рўпарасида саркўб тиклашни буюрди. У қалъага таслим бўлишни талаб қилиб нишон жўнатмади. У саркўб тикланишини ва шарқ томондан оқиб келаётган темир оқимни мана шу саркўб пойида йиғилишини ҳам кутиб ўтирмади. Ўртада беомон жанг бошланди. Амир Темур ҳам худонинг бир бандаси каби, олисдаги қишлоқларда яшаган фуқароларга ўхшаб номаълумликдан кўрқарди. Аммо у номаълумлик қаршисида қўл қовуштириб ўтиришни ёқтирмасди. У ҳар қандай жумбоқ ечилгандан кейингина юраги фароғат топажагини яхши билар; бу жумбоқ, бу номаълумлик – фарзанднинг қисмати уни қийнаган сайин, у мана шу номаълумликни йўқ этувчи қуроли – кўшинларини жангга солди. Кўзларида ҳам қасос олови, ҳам ўғил ташвиши баравар акс этган Амир Темур тундаям аскарларига дам бермади. Ҳар ер-ҳар ерда ёқиб кўйилган гулханлар ёруғида қалъанинг тўрт дарвозаси ёнида беомон жанг давом этди. Юган-сувлоқларини чайнаб, оғзи кўпикланган безовта отларнинг кўрқинчли кишнаши, курагига ботган ёй ўқи оғришидан дунёни бузиб бақираётган жангчилар, палахмонлар отган тошлар гурсиллаб деворларга, дарвозаларга урилишидан та-

ралган бўғиқ товушлар, гуруҳ-гуруҳ жангчилар гоҳ олдинга, гоҳ орқага чопганларида зилзила пайтидагидек ернинг силкинишлари орасида аллақачонлар тикланган саркўб устидаги хиргоҳ ёнида турган Соҳибқироннинг: «Босинг! Босинг!» деган ҳайқириғи!..

Жанг авжига чиққан ярим тунда тиним билмай йўл босиб, кела солиб жанг бошлаган ҳукмдор кўзининг бир зумгагина юмилганини билмай қолди. Шу бир зум ичида у туш кўрди.

Осмону фалақдан қуялган қумуш шуъла оғушида бир аёл беланчак тебратарди. Беланчак иплари қаерга осилгани билинмасди. У аёлни таниди – у Тегина Моҳимбегим, онаси эди. Аммо бешиқда ўғли ётарди... “Ота, – деди ўғли жилмайиб. – Ота...” Бирдан ўғлининг товушини эшитди. “Онажон!..”

У бирдан уйғониб кетди-ю, саркўб пойида ётган ярадор жангчилардан бирининг бўғзидан чиққан ўлим олди ноласи уни уйғотиб юборганини билмади. “Ўғлим!” – шивирлади бирдан дили ёниб ўзидан-ўзи. Соҳибқирон кўзидан силқиб чиққан бир томчи ёшда гулхан ёруғи акс этгандек бўлди. У ўша заҳоти кўзларини энги билан артиб, ҳеч ким сезмадими, дегандек атрофига назар ташлади. Ҳаммининг хаёли жанг майдонида эди. Фақат унинг ҳамма юришларида қатнашган қари мунажжим осмонга безовта тикиларди. Қария Соҳибқироннинг ўзига тикилганини сезиб, ўгирилди. Амир Темур мунажжимни ёнига чорлаб, безовталиги сабабини суриштирмоқчи бўлди. Аммо хаёли бўлинди. Аскарлари саркўб қаршисидаги дарвозага ўт қўйган эдилар. Қорамой сепилган улкан нақшкор дарвоза ўтга маҳтал тургандек ловиллаб ёна бошлаганди. Олов пастдан тепага жадал ўрлаб, дарвоза устунларига урилиб уларни қорайтирарди. Аммо тўсатдан ҳаво бузилиб, кучли шамол кўзгалди, бир-икки томчи томгандек бўлди. Шунинг ўзи кифоя бўлди-ю, гулхан-

лар ўчди, ёнаётган дарвоза ҳам омон қолди. Бироқ бу жанг шиддатини сусайтирмади, муҳосара кучайгандан кучаяр, ҳар икки томон бир-бирини аяшни хаёлига ҳам келтирмасди.

Жанг авжига чиққан сайин Амир Темурнинг ғазаби кучаяр, атрофида турган номбардорлар соҳиби тахтнинг қаҳрини кўриб, нафасларини ичларига ютган ҳолда сукут сақлашарди. Фақат қалъа тарафдан келаётган сурон бу сукутни эшитишга йўл қўймасди. Темир оқим қалъа деворларига бўрон пайтида кутурган денгиз тўлқинларидек бориб урилар – сада кетидан ҳазора, ҳазора кетидан қўшин келарди. Манжаниқлару аррадалар қалъа деворларини бузиш учун тинмай ишлар, чўмоқлару харбаларнинг бир-бирига урилгандаги жаранглар тўхтамасди.

Тонг яқинлашиб, атроф ёриша бошлаган ғира-шираликда Амир Темур амри билан ясовулбоши қодирандозларни ишга солди, уларнинг ёйдан бехато ўқузишлари туфайли шаҳрбанд устидагилар тутдек тўкилдилар.

Охири сабри тугаган Соҳибқирон хиргоҳ айвонидаги ўрнини тарк этиб, бу ҳолдан ваҳимага тушган қурчилар ўровида пастга – қалъага яқинроқ боришга, бу билан аскарлари руҳини кўтаришга қарор қилди. У шиддат билан саркўбдан тушиб бораркан, захира ортилган аравалардан бирининг ёнида ўчиб қолган, аммо дарё томондан эсаётган салқин шамолдан қип-қизариб товланган гулхан чўғларига қўлларини тоблаб, исиниб турган бир чолга кўзи тушди. У чолни сезмай ўтиши мумкин эди. Аммо шунча шовқин-сурон орасида чолнинг минғирлаб куйлаган қўшиғи ноҳосдан унинг диққатини тортди:

*Вой, ўғлим-а, вой ўғлим,  
Йигитларнинг нобуди.*

Кўтарилмай қолди-я  
 Ўғилгинам тобути.  
 Моймананинг йигити,  
 Оёғида бор-бути.  
 Қўлдан-қўлга ўтмади  
 Ўғилгинам тобути.  
 Қора ерда ётарсан,  
 Кимса билмас аслингни,  
 Дўстларингни хор этдинг,  
 Ким олади қасдингни.  
 Вой, ўғлим-а, вой, ўғлим,  
 Йигитларнинг нобуди.  
 Қўлдан-қўлга ўтмади  
 Ўғилгинам тобути...

Амир Темур чолни таниди. У қалъани дастлабки қўлга олганда, ўз соҳиби, ўз сафдошларига хиёнат қилганлиги туфайли ўлимга буюрилган қалъа жийбахонаси бошлиғи бўлмиш йигитнинг отаси эди.

Ўшандаям жанг жуда даҳшатли бўлган бўлса-да, бугунгичалик бўлмаганди. Унда мухолифлар ўзаро илк марта тўқнашаётганлари учун ҳали бир-бирларидан кўрқишмас, дилларда фақат: «Кимнинг қўли баланд келаркан?» деган ҳадик бор эди, холос. Аммо қиличлар бир-бирига урилган илк дафъадаёқ бу ҳадик ўртадан йўқолиб, унинг ўрнини ёғийга нисбатан ғазаб ва нафрат эгаллаган эди. Тонгга яқин бошланган жанг кечгача давом этди ва эртаси куни қуёш энди қизариб чиқа бошлаган маҳалда чол ўғли – жийбахона бошлиғи хиёнати туфайли Турон хукмдорининг ғалабаси билан тугади. Аммо ғалаба унга татимади. Юборилган нишонидаги талабига бўйсунмиш ўрнига қаршилик кўрсатган қалъа кутволи билан унга қалъа дарвозасини очиб берган жийбахона бошлиғини қатл эттирди. Енгилган қўшин аскарларини эса қатл май-

донига олиб келиб, ўз бошлиқларининг шармандали ўлимини кўришга мажбур этди. Қатлдан сўнг бу аскарларни озод қилиб қўйиб юборди.

Қатл бошланиши олдидан асир аскарлар турган томондан дод-фарёд эшитилди. Амир Темур сукутни бузган бу ёқимсиз бақир-чақирни эшитиб, “Нима гап?” дегандек қурчилар бошлиғига ўқрайди. Хукмдорнинг норозилигини пайқаган қурчилар бошлиғи, девдек келбатига ярашмаган чаққонлик билан пастга отилди. Унинг шундай оғир гавдаси билан чаққон ҳаракати ўртасида боғлиқлик тополмаган хукмдор шовқин чиққан томонга тикилди. У мағлуб ёғий аскарлари ичидан қурчилар судраб олиб чиққан чолни кўрди. Чол икки қўлини омбирдек қисиб, майдон четига судраган қурчиларга дастлаб қаршилик кўрсатишга уринди-ю, аммо дам ўтмай, нафаси ўчиб, қўл-оёғи мажолсиз шалвираб тушди.

“У ким?” – деб сўради Амир Темур қурчилар бошлиғи қайтиб, ўз ўрнини эгаллагач. “Жийбахона бошлиғининг отаси экан”, – деди қурчибоши.

Соҳибқирон биринчи марта кунда олдида қўли боғлиқ турган, қалъани хиёнат туфайли унга олиб берган жийбахона бошлиғига тикилди. У ўғли тенги йигит эди.

Худди ўша лаҳза товачининг ишораси билан қатл бошланганидан хабар бериб ноғораларнинг гумбир-гумбири бошланди. Майдон ўртасидаги кунда қўйилган супада қўққайиб турган жаллод қиблага қараб тиловат ўгирди. Ботаётган куёшда унинг юзи қип-қизил тусда товланарди. Тиловатни тугатган жаллод ўрнидан турди ва кундага биринчи бўлиб кутвол бошини қўйди. Аммо кутвол бошини кундадан олиб, яна қад тиклашга уринди. Муштумининг зарби билан буқани ўлдиришга қодир забардаст жаллод бир силташ билан яна унинг гавдасини букиб, бошини



кундага қўйди, сўнг юксақдаги хиргоҳ пешайвонидаги тахтада ичкилару номбардорлар қуршовида турган ҳукмдорга тикилди. Аниқроғи, тикилгандек бўлди, зеро жаллод бошини кўтарди-ю, ўз соҳибига тик боқишга журъат қилолмади. Унинг қўлидаги ойболта ҳам қонга бўялмаган, аммо ғуруб шуъласи тушиб кип-қизариб товланарди.

Энди буёғи фақат Соҳибқироннинг иродасига, унинг ғазоби ёки раҳм-шафқатига боғлиқ эди. Аммо дунёнинг тўрт тарафини зир-зир титратган, Ғарбу Шарқ ҳукмдорларига ўзининг марҳаматини аямай, уларни фарзанди қаторига қўйиб, «ўғилларим» деб мурожаат қилишга кўниккан жаҳонгир бу лаҳза нималар ҳақида ўйлаётганини ҳеч ким билмасди.

Кутвол ҳам, жийбахона бошлиғи ҳам ўғли тенги йигитлар эди. Аммо кутвол мардоналик билан қалъани сақлашга уринган бўлса, жийбахона бошлиғи хиёнат билан уни мухолифга очиб бергани улар ўртасида бир улуғ жар ҳосил қилганини ўйлаган Соҳибқирон дунёнинг ғалати ишларини англашга уринарди. Мана, деярли тенгдош йигитлар. Балки улар бир кўчада ўйнаб улғайишган жўралардир, балки қилич чопқилашни бирга машқ қилишган сабоқдошлардир. Аммо улар ҳозир бир-бирига душман. Кутвол ўзини мағрур тутар, ўзини душманга сотган жийбахоначига қайрилиб ҳам қарамасди. Жийбахоначи бўлса, аллақачонлар тириклик нишонасини билдирмай мункайиб ётарди. Ўз қилмишини англаб пушаймон бўлганидан ажални аллақачонлар бўйнига олганиданми ёки ўз хиёнати боис марҳамат кутиб, унинг ўрнида ўлим топаётгани туфайли кўрқувданми унинг девор рангига кирган башараси маъносиз, унда на ғазаб, на илтижо намоён эди.

Ҳукмдор ўлим олдида ҳам ўзини хўрлашларига қаршилиқ кўрсатаётган кутволга қараб, иккиланган-

дек бўлди. Кейин бирдан сергак тортиб, ўғлига кўз қирини ташлади. У ўғлининг чеҳрасида ҳам иккиланиш аломатини сизди-ю, қарори қатъийлашди. “Иккиланиш, бу бўлажак мағлубиятдир”, – деб ўйлади Амир Темур. Агар у ҳозир иккиланганини ўғлига билдириб қўйса, ўғли салтанат ва ҳарбнинг ҳар бир ишида иккиланиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмасди. Унда салтанатда ором, душманларда қўрқув, дўстларда садоқат, ўғлида собитлик қолмайди. Илло, подшоҳ бир тадбир қилишни олдиндан қасд қилдими, ҳар қандай шароит ва вазиятга қарамай, ўша ишда қаттиқ турмоғи, то битирмагунча ундан қўл тортмагани маъқул. Агар бугун у иккиланса, эртага ўғли ҳам иккиланади, собитлиги синади, оқибатда мамлакат бўлинади. Иккиланган ҳукмдор, барибир, охир-оқибат адашади, сўнг уларга яқин турганлар ҳам адашадилар.

У бир пайтлар, энди салтанат изми илгига ўтган кунларда пири йўллаган мактубдаги муборак сўзларни эслади: «Мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда турулмайди». Хўш, ундан шафқат тилаш ўрнига ўлимни индамай кутаётган кутволни ўлдириш зулми, зулм эмасми?! “Зулм!” – деб ўзига жавоб берди Соҳибқирон. Аммо яна шу нарса маълумки, кутвол ёш бўлишига қарамай, зулм йўлига ўтган. Соҳибқирон қон тўкилишига йўл қўймаслик ниятида ўз нишонини юбориб таслим бўлишни таклиф қилганида, бу талабга ризолик билдириш ҳақида маслаҳат солган икки-уч юзбошини машваратнинг ўзидаёқ чопиб ташлаган. Лаънати жийбахоначи, аллақачонлар кўнглида хиёнат фитнасини бошлаган жийбахона бошлиғи ҳам ўша юзбошиларга қилич пешлаган. Нодон кутвол хавф-хатарни унга оқилона маслаҳат берган юзбошилардан эмас, мана шу ёнида туриб қилич пешлаган жийбахоначидан кутиш кераклигини билмаган. Оқибатда ўртада жанг содир бўлди, неча юз

аскар бекордан-бекор қурбон бўлди. Бу зулми, зулм эмасми?! “Зулм!” – деб ҳукм чиқарди буюк жаҳонгир. Қолаверса, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш мумкинми? У ҳолда яхшиликка нима билан жавоб қайтариш лозим. Йўқ, ёмонликка адолат, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармоқ керакдир. Аксинча бўлса, хатодир.

Амир Темур яна ўғлига кўз қирини ташлади. Унинг юзида ҳамон иккиланиш аломати зоҳирлигини сезди ва ўғли унга қайрилиб бир нима дейишга ҳозирланганини пайқаш билан кўзини олиб қочди. Йўқ, ўғли ҳозир нима демоқчилигини у эшитмаслиги керак. Зеро, ҳозирча бу икки иқлимни ичига олган чексиз ҳудудда ва шу ҳудуднинг марказига айланган ерда – у ўтирган маконда ҳар бир нарса, ҳар бир кимсанинг тақдири ёлғиз унинг иродасига, унинг қарорига боғлиқ. Шундай экан, кеча ёлғиз ўзи билган қарор, уни бошқаларнинг қулоғи эшитмаган бўлса-да, бугун амалга ошмоғи шарт.

Соҳибқирон юзида бир дақиқа пайдо бўлиб, ўша лаҳза ўчган маънони уққан товачи жаллодга “Бошла!” дегандек қўл силтади. Ўша лаҳза жаллоднинг қизил дамли ойболтаси кутвол боши устида ялт этди-ю, кесилган бош кундадан супага, супадан пастга думалаб кетди. Навбат жийбахона бошлиғига етди. Яна жаллод ойболтасини ерга тираб, бош эгиб изн кутди. Товачи ҳукмдор юзига тикилди. Аммо Амир Темур юзида ҳукм маъносини кўрмай, вужуди диққатга айланди.

Навбат жийбахона бошлиғига етди-ю, жаҳонгир дастлаб кутволни бошидан жудо этганига ўкинди. Аввал баттол хоинни ўлдириш керак эди. Илло, ўзини ёғийга сотган хиёнаткорнинг ўлимни кутвол кўриши керак эди. Жаҳонгирнинг бирдан ғазаби кўпчиб, товачига ўқрайди. Гап нимадалигини англолмаган бечора товачининг тиззалари бўшашиб, ранг-рўйи

кўпикдек оқариб кетди. Ҳа, кутвол бу лаънатининг ўлимини кўриши шарт эди... Шарт эди... Нега аввал шу нарсани ўйламади. Бу лаҳза ўз она юрти ҳифзида турган қалъани унга олиб берган жийбахона бошлиғи унинг назарида дунёдаги энг паст, энг манфур кимса эди.

Ўлимини кутиб юзтубан ётган жийбахоначининг танасига жон киргандек бўлди. Кутволнинг ўлимидан сўнг тамом бўлган хоин ҳукмдор ўйга ботган вақтни пайсаллаш, деб Соҳибқирон уни фақат кўрқитиш учун кунда ёнига олиб келтирганлигига, аслида, қилган иши учун, албатта, марҳамат топажагига ишона бошлаганди. У зўрға кўзларини очиб ҳукмдорга боқди. Мажол топиб ундан имдод тиламоқчи бўлди, аммо музлаб қолган лабларини қанчалик очишга уринмасин, очолмади, фақат қақраган, қонга тўлган бўғзидан нолага ўхшаш бир товуш чиқди. Кейин ҳукмдорнинг ўзига қаҳр билан нафратомуз қараб турганини аранг илғади-ю, мурда нуқси урган башарасини яна ерга босди.

Амир Темур ғазаб билан товачига бақирди:  
– Мочағар, нимани кутяпсан, бошламайсанми?

Товачининг ишораси билан жаллод бир силташ билан жийбахона бошлиғининг мажолсиз гавдасини ердан кўтарди-да, икки букди ва бошини кунда устига кўйди. Ўша заҳоти маҳкумнинг оғзидан кўпик оқиб туша бошлади. Жийбахона бошлиғининг боши ҳам кундадан пастга думалаши билан ҳамманинг қулоғи кўникиб қолган оғир ва кўрқинчли сукунат оғушида майдон четида боғлиқ турган отлар ёнида чалқанча ётган чолнинг юрагидан отилиб чиққан мунгли фарёд янгради. Аммо бу фарёд эгасига ҳеч ким журъат этиб қарай олмади. Ёлғиз Амир Темур ўрнидан туриб, қатл майдонини тарк этаётган одамлар оша чолга узоқ тикилди. «Зулм!» – деб ўйлади яна у. Шу ўй онгида ялт

этган заҳотиёқ, шарт орқасига ўгирилди. Ўшандан буён чолни учратмаган эди...

Сўниб бораётган гулхан чўғларини қўлидаги шох билан титаётган чолга кўз ташлаб, бир лаҳзагина тўхтаб қолган соҳибқирон қадамини тезлаштирди. Ортидан чолнинг қўшиғи етиб келарди:

*Вой, ўғлим-а, вой ўғлим,  
Йигитларнинг нобуди.  
Қўлдан қўлга ўтмади  
Ўғилгинам тобути...*

“Чол эсдан оғган!” – деб ўйлади Амир Темур, аммо олдида дурбош кўтариб бораётган қурчи “Воҳ” дея юзгубан йиқилганини кўрди-ю, ўша заҳоти чолни унутди. Қалъа томондан учиб келган тўқмор учи қурчининг кўксини тешиб, курагидан чиқиб турарди. Жаҳонгирнинг хавфсизлиги учун жавобгар ичкилар тезда уни туралар билан тўсиб олишди.

Туни билан давом этган жанг тонг ёришгач, баттар авж олди. Кечаси кўзғалган шамол ва бир-икки томчилаб ўтган ёмғир тиниб, осмон шундайям ярқирар эдики, бамисоли артилган шишадек беғубор эди. Осмонда бир ҳовуч булут ҳам кўринмасди. Ёз қуёши шундай меҳр билан одамларга, чечакларга, далаю даштларга, юксак тоғларга ўз нурини сочардики, бўлаётган воқеалар ўнгда эмас, тушда кўринаётгандек туюларди. Аммо ҳар икки тарафнинг жангчилари буни сезишмас, уларнинг кўзи бир-бирларидан узилмас, қўзлларидаги қиличу зулинлар товуши, кўларидаги ғазаб, дилларидаги қаҳр ғубори ҳам осмонни, ҳам қуёшни тўсиб олган эди. Толиққан отларнинг ҳам, одамларнинг ҳам ўнги тушга айланган. Улар бутун дунёни унутган, гўё ёлғиз ўлимгина уларга ҳордиқ олиш учун имкон берадигандек. Туни билан совутлар ва дубулғалар акс эт-

ган ой нури сўниб, қуёшдан тушган шуъла қип-қизариб оқаётган дарёда товлана бошлади. Унинг сувига қон қўшилди. У қалъа турган қоядан оқиб тушиб, олис тоғлар тарафдан далаларни яшнатиш, одамлар, гуллар, булбуллар чанқоғини қондириш учун оқиб тушаётган дарёга бориб қуйилар, кўм-кўк дарё бир-икки фарсанг давомида бу қонни ҳазм этолмай қийналар... ва охири қон рангини ичига ютиб, яна ўзининг азалий йўлидан олға талпинарди.

Ўлим топган жангчилар қийналмай жон беришар, ўлим уларга фароғатли уйқу бўлиб туюлар, улар «ўляпман» деб эмас, «уйқу босяпти», деган хаёлда кўз юмишарди. Очiq қолган кўзларда тип-тиниқ осмон билан баб-баравар кўпик сочаётган отлар, қилич пешлаган суворийлар, ҳар икки томондан учиб келаётган новаклару найзалар акс этарди. Бу уруш чизган сурат эди.

Тонгдан ўтиб қалъадагиларнинг заифлашгани сезилди. Зеро, улар ўзлари учун ўлимдан бошқа йўл йўқлигини англаб, матонат билан жанг қилишар, бироқ эриган Темур тоғи оқими шиддат билан тўхташни билмай, қалъа деворларига урилар, ҳар урилганда яна ҳам баландлашарди. Охири бу оқим деворлардан ошиб, қалъа ичини тўлдирди.

Жанг тугади. Амир Темурга душман қўшинлари бутунлай тор-мор қилинганини айтишди. Соҳибқирон бу хабарни эшитар экан, бошқа нарсани ўйларди. У бетоқат эди. У ўзи кутган гапни эшитишни интиқ кутар, аммо ўзи очикдан-очик сўрашга юраги бетламасди. “Демак, ўғлим...” Амир Темур кўкси зирқираб оғриди. У қурчилар бошлиғига тикилиб: “Ўғлимни топинг!” деб буюрди. Аммо қидиришлар бекор кетди. Ўғлининг на тириги, на ўлиги топилди. Амир Темур бу ҳақда хабар берган яқинларига дарғазаб тикилар, уларни қайта-қайта қидиришга мажбур қиларди.

Жаҳонгир ўғлини жасур ва ўктам қилиб тарбиялаган эди. Қилич тутган қўли бақувват бўлсин деб кеча-кундуз машқ қилдирди, юраги кўрқувни билмасин деб шер юрагини едирди, фаросатли бўлсин деб китобга ошна қилди. Йигирмага чиққан ўғли ўн йилдан буён соҳибқирон юришларида қатнашган, қилич чопқилашда чиниққан тажрибали жангчилар – баҳодирлар билан бир сафда туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Амир Темур ичида фарзандини қанчалик суймасин, ҳалигача унинг бошини силаб эркаламаган. Эркалаш дилни бузади деб ҳисобларди. Ўғли ҳам шу пайтгача отасига бирор марта кулиб боқмаган, ҳамisha кўзларида олов чақнаб турарди. Бу олов ўша жанг кўрган баҳодирлар кўзларидаги оловдек совуқ порламасди. Бу олов ўтли ва ёш эди. Наҳотки шундай ўғли душман қўлида хор бўлган бўлса? Наҳотки?! Йўқ, у ўзини хор қилишларига йўл қўймайди. У ёғий қўлида хор бўлишдан ўлимни афзал кўрадиган йигит. Зеро, у ўғлини қалъада қолдириб кетар экан, хайрлашиш олдидан, шундай деганди: “Салтанатга даъвогарчилик қилган ҳар бир киши салтанат шаъни ва мартабасига лойиқ иш тутиши зарур. Мудом ёдингда бўлсинким, бу йўлда жангга кириб ё зафар қучиб ғолиб бўлғайсан, ё ўлдирилғайсан. Ўлимини бўйнига олган кишигина бу йўлдан юрмоғи мумкин”.

Амир Темур раҳматли отаси, барлосларнинг улуғ амирларидан бири бўлмиш Муҳаммад Тарағай уни қандай тарбиялаган бўлса, ўғлини ўша руҳда: бе-шафқатлик, мардлик ва фаросатлилик, фақат шундан кейингина оқибатлилик руҳида вояга етказди. Оқибат, отасининг назарида, ёлғиз меҳр-шафқатдан, шу билан бирга диловарлигу қаттиққўлликдан туғилмоғи даркор. У оқибатнинг инкори бўлмиш хиёнатни ёмон кўрарди. Кўрқоқликни кечирса кечирар. Аммо хиёнатчига раҳмдиллик қилишни ўйламас, ҳатто бун-

дай қилишни гуноҳ деб биларди. Агар Амир Темур дунёнинг тўрт томонидаги энг бой ўлкаларни забт этиб, уларнинг подшоҳларини ўзига тобе этган бўлса, бу шарафга шу диловарлиги ва оқибатдорлиги, хиёнатга йўл қўймагани сабабли эришди.

Амир Темур ўғлида уч хислат мужассам бўлишини истарди. Энг аввало, инсонпарварлик, сўнг тежамкорлик ва ниҳоят босиқлик. Инсонпарвар одамгина довюрак бўлмоғи мумкин. Тежамкор бўлган одамгина сахий бўлиши мумкин. Босиқ одамгина ҳукмдор бўлиши мумкин. Кимки жасур бўлса-ю, инсонпарвар бўлмаса, тежамкор бўлмаса-ю, сахийлик қилса, доно бўлса-ю, босиқлик қилмаса, ундай одам ўзи бош-қош ишниям, ўзиниям ҳалок этади. Кимки, душмани билан олишгандаям инсонпарварликни унутмаса, у, албатта, енгади. Аллоҳ таоло ҳамиша унга мадад беради, инсонпарварлик унга паноҳ бўлади.

У ўғлига мамлакат адолат, уруш эса диловарлик ва айёрлик билан бошқарилишини, мамлакатда татъқиқ қанча кўп бўлса, авом шунча қашшоқланиши мумкинлиги, илло, эркинлик ва адолат бўлса, авом, демак, мамлакат бой бўлишини, қонун ва буйруқлар қанчалик кўпайса, адолатсизлик, ўғрилик ва бебошлик шунчалар кўпайиши мумкинлигини уқтирди. “Ўғлим, – деб айтарди раҳматлик отаси, – узоқни кўролмаган ҳукмдор яқинидаги балоларга гирифтор бўлади. Аммо яқинни кўриб иш тутган ҳукмдор ҳам хато йўлдадир”. Амир Темур отасининг бу гапини ўғлига айтар экан, ўзидан қўшиб ушбуни уқтирган эди: “Подшоҳлар хулқи бамисоли шамол, авомники майсадир. Шамол қай тарафга эсса, майса ҳам ўша томонга эгилади. Аммо подшоҳ ҳеч қачон ўз қудратининг асо си мана шу авом эканини унутмаслиги керак”.

Амир Темур тутаб ёнаётган, вайрона қалъага кирмай дарёга яқин ялангликда чодир тиктирди.



Соҳибқирон ўзининг содиқ жангчилари либосидан даярли фарқ қилмайдиган жанговар либосида, Дамашқни олганда кўлга киритган олтин чироқдан осилган шоҳчодирда, қундуз бўркили бошини эгган кўйи ўғлидан дарак кутарди. У камдан-кам ёлғиз қолар, шу боисдан ҳар гал шу аҳволга тушганда дилини аллақандай англаб бўлмас оғриқ қиса бошларди. Ҳозир ҳам шу оғриқ уйғонди-ю, соҳибқирон чуқур оҳ тортди. У оғриқ сабабини билмас, бу эса оғриқни йўқотиш чорасини топишга имкон бермасди. Туни билан кечган жанг туфайли уйкудан, ҳордиқдан қолган жаҳонгир онгида қуюқ ва ҳорғин бир зулмат пайдо бўлган, оғриқ эса мана шу зулумот ичида ёниб турган чироқдек пирпираб, гоҳ товланиб турарди. Тўсатдан ташқарида шовқин-сурон кўтарилди-ю, сергак тортди. Аммо ўзини тутиб, бу шовқин-суронлардан хаёлан узоқлашиш учун кўзини юмди. Ўша заҳоти кечаги туши ўнгида ялт этиб намоён бўлди. Кумуш шуъла оғушида беланчак чайқаларди. Бу сафар онаси йўқ эди. Беланчак ҳам бўм-бўш эди. “Ўғлим, ўғлоним...” – дея пичирлади Амир Темур. Аммо ташқаридаги шовқин тобора унга яқинлашиб келар, ортиқ ундан қочиб бўлмасди...

Шу пайт шошилиб ичкарига номбардорлардан бири кирди. Унинг юзида қўрқув бор эди. У гапни қандай бошлашни билмай Соҳибқирон қаршисига келиб тиз чўкди. Амир Темур нега номбардорлару амирлар ҳар галгидек расм-русумга биноан ўз муносабатларидан келиб чиққан тартибда кириб келмаганлари ҳақида ўйлади-ю, ҳузуридаги номбардор кўпчилик айтишга қўрққан гапни унга етказишни бўйнига олиб кирганини англади.

– Сўйла, – деди соҳибқирон.

– Онҳазрат, – деди номбардор, – бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

– Кечдим, сўйла, – деди Амир Темур.

– Онҳазрат, ўғлингизнинг на тириги, на ўлиги топилди. Қалъани элақдан ўтказдик, аммо... – номбардор жим қолди. Ўртада жимлик чўқди. Бу жимлик чўзилган сайин номбардорнинг қўрқуви ошиб борар, бу қўрқув юрагидан қон томирлари орқали вужудига тарқалиб, аъзои баданини шол этгандай бўларди.

– Шовқин-суроннинг сабаби недир? – деди бошини кўтармай Амир Темур.

Қўрқув дарёсига чўкиб бораётган номбардор бирдан хушёр тортиб, бор иродасини йиғиб, тақдир инъом қилган хасга ёпишди:

– Қатл этилган жийбахона бошлиғининг отаси сизнинг хузурингизга кираман деб шовқин кўтарди. Қурчилар уни қўл-оёғини боғлаб, дарёга ташламоқчи бўлдилару бу ишни ихтиёрингизсиз қилишга журъат тополмай тўхтадилар.

“Мана ким ўғлимга нима бўлганини менга айтиб беради?” – деган ногаҳоний ўйдан ўрnidан туриб кетган Амир Темурнинг вазоҳатини кўриб номбардор ҳаёт билан видолашиш муддати етганини тушунди. Аммо Соҳибқирон унга яқинлашиб, ёқасидан ушлаб даст кўтарди-ю, қахрли кўзларини тикиб, бақирди:

– Тезроқ чолни хузуримга олиб кириг!

Боягина қўрқувдан қўл-оёғи бўшашган номбардор ҳукмдор ёқасини бўшатиши билан шоҳчодирдан ўқдай отилиб чиқди. Зум ўтмай, чолни олиб кирдилар. Чол ҳозиргина арқон сиқувидан бўшаган қўлларини уқалаб, қаршисида ўтирган соҳибқиронга, кўзларини яширмай, очикдан-очик разм соларди. Улар бир-бирига узоқ тикилдилар. Аллақачон ўз ўринларини эгаллаган номбардорлару амирлар “бу ёғи нима бўларкин?” дегандай воқеалар давомини кутардилар.

– Сўйла, кимсан? – деб биринчи оғиз очди ниҳоят Амир Темур.

– Бандаман, – деди чол унга тик боққанча.

- Кимнинг бандаси? – деб сўради яна Амир Темур.
- Ҳукмдоримнинг, – деди чол.
- Ҳукмдоринг ким?
- Аллоҳ таоло! – деди чол.

Амир Темур чолнинг жавобига ичида таҳсин ўқиди. Бир лаҳзалик бу савол-жавоб уни анча тинчлантирган эди.

- Эй Аллоҳ бандаси, – дея гап бошлади яна Амир Темур, – менинг кимлигимни биласанми?

- Биламан. Сен ҳам Аллоҳ бандасисан! – деди чол.
- Иншооллоҳ, Худонинг бандаси Амир Темурман, – деди Соҳибқирон.

- Амир Темурлигингни яхши биламан.

Атрофдагиларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб, ҳукмдор билан чол мусоҳабасини тинглашарди.

- Аллоҳнинг мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматига эришган Амир Темурман, – деди соҳибқирон ҳар бир сўзига алоҳида урғу бериб.

- Ҳар бир банданинг дунёга келишининг ўзи Аллоҳ мўъжизаси, Худованди каримнинг марҳаматидир, – деди чол.

Амир Темур «рост айтдинг» дегандек бош силкиб, чолнинг сўзини маъқуллади. Аммо ўша заҳоти ёдига ўғли тушди-ю, лаблари маҳкам қисилди.

- Ўғлимга нима бўлганини биласанми? – деб секин сўради Соҳибқирон. Аммо унинг овозини сукунат қучган шоҳчодирда ўтирган ҳамма эшитди.

- Кеча қалъада бир йигитни қатл этдилар. Унинг кўз-қоши сеникига ўхшарди. Ўша йигит ўғлингми? – деди чол саволга савол билан.

- Сен айтган йигит ўғлимми, ўғлим эмасми, мен ҳали билмайман. У тирикми, ўликми, бундан ҳам беҳабарман, – деди Амир Темур.

- Йигит тахминан йигирма ёшда эди, – деди чол.

– Ҳа, ўғлим йигирмага чиққан эди, – деди Соҳибқирон.

– Уни сенинг келишинг арафасида тонгда қатл этишди, – деди чол.

– Ўша йигитни қандай ўлдиришди, сўйлаб бер, – деди Амир Темур.

– Уни қалъа ўртасидаги майдонда қатл этишди. Ўша сен менинг ўғлимни қатл этган супада... – Чол бу гапни айтиб тўхтади. Амир Темур бирдан ёлғизликда қийнаб, кўпчилик орасида уни тарк этадиган оғриқ яна дилида уйғонганини сезди. Бу сафар оғриқ ҳар сафаргидан кучлироқ эди. У бор иродасини тўплаб, дилидаги азоб юзида зоҳир бўлмаслик йўлини тутди. Чолдан бошқа бирор киши жаҳонни кўрқувда тутган инсон дилида қандай азоб уйғонганлигини сезмади.

– Тонг маҳали эди, – деб ниҳоят гапини давом этди чол. – Машриқдан чиққан куюш чарақлаб турса-да, ҳали мағриб томондаги ой ботиб улгурмаган эди.

– Уни қандай ўлдирдилар? – дея тоқатсизланди Амир Темур.

– Аввал ўнг қўлини елкаси оша чопдилар...

– Инградими? – деб сўради Амир Темур.

– Йўқ, оҳ деган товуш ҳам чиқармади.

– Менинг ўғлим экан! – деди ҳаяжонланган Амир Темур.

– Кейин... кейин чап қўлини чопдилар, – деди чол.

– Инградими?

– Йўқ, миқ этмай чидади.

– Менинг ўғлим экан! – деди Амир Темур.

– Сўнг йигитнинг ўнг оёғини чопдилар, – деди чол, ўша даҳшатли қатл манзарасини кўз ўнгига келтириш ниятида кўзини юмганча.

– Инградими?

– Йўқ. Чидади, кўзидан бир томчи ёш, бўғзидан бир ун ҳам чиқмади.

- Менинг ўғлим экан у! – деди Амир Темур.
- Кейин бечоранинг чап оёғини чопдилар, – деб ҳикоясини давом этди чол ҳамон кўзини очмай.
- Инградими? – деб сўради соҳибқирон.
- Йўқ, инграмади.
- Менинг ўғлим экан ўша йигит! Менинг ўғлим!  
– деди Амир Темур кўзидаги алам ўрнини ғурур эгаллаб. – Кейин-чи, кейин?..
- Кейинми?.. – деди чол маҳзун кўзларини очиб, соҳибқиронга тикилар экан, – кейин йигитнинг кўксини тарс ёрдилар-да, юрагини узиб олдилар!
- Инградими? – деди Амир Темур.
- Йўқ, инграмади. Фақат... – чолнинг товуши ҳажондан бўғилгандек бўлди. – Фақат юрагини узиб олганлари билан, «Оҳ!» деб юборди, – деди чол кўзларидан оққан ёшларни гулхан қорайтирган енги билан артар экан.
- Йўқ, у менинг ўғлим эмас экан! – деб юборди чолнинг сўнги сўзини эшитиб ўрнидан туриб кетган Амир Темур.
- Даврадагилар Соҳибқирон сўзини эшитиб, бир қалқиб кетдилар. Амир Темур уларнинг ҳар бирининг кўзига тикилмоқчи бўлгандек, даврадагиларга бир бошдан тикилди ва ўзига боқиб турган чолга навбат етганда яна такрорлади:
- Йўқ, у йигит менинг ўғлим эмас! – Шу гапни айтиши билан соҳибқироннинг кўз ўнгини бир зум кумуш ёғду тўсди. Кумуш ёғду аро чайқалган беланчакни кўрди. Бироқ беланчак бўм-бўш эди. “Ўғлим!” – дея товушсиз ўртанди жаҳонгир...
- Соҳибқирон қалъани бузиб ташлашни, чолга бўлса нима тиласа ўшани бериб, ўзи хоҳлаган манзилига етказиб қўйишни буюрди. Ўша заҳоти унинг амри бажо келтирилди. Темир тоғи эриб, яна қалъа томонга оқди ва бирпасда қалъадан ном-нишон қолмади.

Эртаси куни бу симобий оқим дарё ёқалаб мағриб томонга оқди. Номаълумликдан саросимада қолиб оромни унутган олисдаги шаҳару қишлоқлар бу темир оқим уларнинг қай бирлари томон бурилишини билмай, ваҳима билан кутардилар. Номаълумлик сарҳади камайган сайин бу темир оқим уларга шунчалик яқинроқ келарди. Бу темир оқим четлаб ўтган қишлоқлару кентларда бирпасда талваса ўрнини фароғат, қўрқув ўрнини хотиржамлик эгалларди. Келинчаклар йиғиштирилган беланчакларини яна дарахтга илардилар, яна алла айтиб болаларини ухлатиб, далада ҳосил йиғиш билан овора эрлари учун овқат тайёрлашга уринишар, айрим уддабуронлари шу орада ўсма эзиб, қошларига суриш учун ҳам вақт топардилар.

Чол эса соҳибқирондан ҳеч нима сўрамади. У деворлари бузилиб, ер билан текисланган қалъа атрофини тарк этмади. Бир неча кундан сўнг Амир Темур тўсатдан чолни эслаб, суриштирди. Унга чолнинг қалъа ёнида қолганини айтдилар. Соҳибқирон кўшиндан бир гуруҳ ажратиб, чолни ўз ҳузурига олиб келишларини буюрди. Гуруҳ бир неча кун йўл босиб, манзилга етиб келдилару чор-атрофни қидириб чолни тополмадилар. Жангчилар чол дарё соҳилида янги пайдо бўлган қабрда кўмилганидан беҳабар эдилар. Уни кўмган подачилар эса шарқдаги тоғ қояларидан пастга олиб тушган подаларини ҳайдаб аллақачонлар олислаб кетган, улар чолнинг Амир Темур ва унинг ўғли ҳақидаги маҳзун ҳикоясини аллақачонлар афсона қилиб айтиб борардилар...

Афсона мана шу ерда яқунланади.

Вассалом.

## Назар ЭШОНҚУЛ



### ШАМОЛНИ ТУТИБ БЎЛМАЙДИ

Юз йилдан бери терсоталикларнинг ғурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳқум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли бульдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан кўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоталиклар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниқсиз ва мавҳум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунғайган алфозда ўтирардилар.

Байна момо тириклигида, гарчи бу аёлларни, эрининг полвонлик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ётган, полвонниг ўлимидан сўнг ҳеч қачон чироқ ёнмаган, туйнуги шуваб ташланган ана у хужра каби қоронғу мусибат тўла уйи ичкарасига киритмаган бўлса-да, улар қаҳр ва ғазабини ситам билан ичига ютиб келган бу кампирни ҳурмат ва эҳтиром билан эслашарди. Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлардан

эди ва Райим полвоннинг отаси Шукур оқсоқол бундан бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиш мақсадида Терсота сойининг октобрўя-сига қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурганди. Райим полвон эса отасининг ишини давом эттирди: уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни, қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла, уйнинг олдига тошдан баланд супача, от кириб чиқадиган узун, устундор айвон қурди. Байна момо эллик йилга яқин ёлғизлик даврини ана шу айвондаги устунларга суяниб ўтказди: у эри ва ўғлининг жудолик азоби қийнаган пайтлар шу устунларни кучганча йиғларди. Кейинчалик кўз ёшлари ҳам тугаб қолгач, ҳаётида гўё суянчиғи ва орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигини одамлардан яшириш учун ёки энди йиллар силсиласига дош беролмай путурдан кетаётган уйни буткул вайрон бўлишдан асраб қолмоқчидек, елкасини устунга суяган ҳолатда хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб, кўзларини юмганча ғамгину мустағриқ ўтирарди.

Райим полвоннинг ўлиmidан кейин туғилган ва у ҳақда кейинчалик буткул эсларидан чиқиб кетган чўпчакларнигина эшитиб улғайган авлод уйларини равоқли ва пишиқ ғиштдан қура бошлагач, бир пайтлар Терсотанинг кўрки ва ғурури бўлиб турган бу уй бирдан кўримсиз қиёфага кирди ва энди Байна момо каби уй ҳам қишлоқдаги уйлар олдида ёлғизланиб қолганди: фақат бири-бирини босиб-туртиб кириб келаётган шошқалоқ йиллар бу авлоднинг саркаш қалбига қандайдир олис хотирани ёқиб қўйиш учун беҳуда уриниб, уй деворларига маҳзун битиклар ёзар, бекаси билан бирга бу макон ҳам аллақачон ўзининг олдинги қудрати ва виқорини йўқотиб бўлган, унут ва ташландиқ масканга айланганди. Терсоталиклар энди аэропланлар ҳақида гаплашишарди. Улар за-



моннинг алғов-далғовларига ғарқ бўлган, ҳаётларида юз бераётган янгиликларни ҳазм қилиб улгурмасди. Йиллар билан бирга ҳамма нарса ўзгарар, фақат Байна момогина уни сезмас, гўё унинг учун вақт ўша ҳолича қотиб қолгандай, уни ҳамон ўша эллик йил олдинги – эри ва ўғлининг ўлигини аскарлар тепкилаб ўтишган устун олдидан топиш мумкин эди.

Миршаб ва аскарлар уйнинг ҳар бурчагидан ёпирилиб келишганда Байна момо эрининг мурдаси устида турарди. Райим полвонни қўлга туширолмайд юрган Замон отбоқар уни уйдан чиқаётганда отиб ўлдириган, энди полвон ростдан ҳам ўлганми, йўқми миршаблар билан пусиб-пойлаб, айвонга яқинлашиб келарди. Бироқ шу пайт яна ўқ овози жаранглади ва Райим полвондан кўз узмай келаётган аскар оёғини кучоқлаганча бақириб йиқилди. Байна момо меҳмонхона эшигидан чиқаверишда отасини отиб ташлашганини кўргач, уйга югуриб кириб кетган, қўлига отасининг милтиғини тутиб турган ўғлини кўрди – ўғлининг кўзларида ҳам эриники каби ғазаб, телбалик ёнарди. Байна момо ўғлини огоҳлантиришга улгурмади. Бирданига бир неча ўқ овози унинг қулоғини битириб қўйди ва ўғли отасининг устига юзтубан йиқилди – йиқиларкан, энди сабза урган мўйлови титраб кетди, онасига бир зум кўрқув ва хижолат аралаш тикилди. Замон отбоқар югуриб келиб, унинг бошига тепди ва милтиқни бир четга улоқтирди. Қишлоқда аскарлардан бошқа ҳеч ким кўринмас, одамлар гўё сувга чўккандай ғойиб бўлган, фақат деразаларга тортилган қора пардалар бу мудҳиш жиноятга лоқайд ва бефарқ боқиб турарди. Байна момо терсоталикларни кечира олмади – кўкраги илма-тешик бўлган ўғлига қарата Замон отбоқар яна бир неча бор ўқ узаркан, у мадад излаб, уйларнинг туйнукларини ёпиб турган қора пардаларга бир-бир кўз тикди, бироқ у ердан совуқ сукутдан бошқа ҳеч нарса кўринмас, зулматга чўккан туйнуклар бу мисли

кўрилмаган қотилликни жимгина томоша қилиб турарди. Миршаблар Райим полвон ва ўғлининг ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, отларига миниб жўнаркан, Замон отбоқар эри ва ўғли мурдаси устида чўкка тушган Байна момонинг елкаси оша қамчи туширди:

– Энди хору зорликда ўлиб кетасан, – хириллади у. – Молингни топшир, деганда эринг қўлига милтиқ ушлаб биз билан сичқон-мушук ўйнади. Мана, энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

Миршаблар Райим полвоннинг кўрадаги подасию отларини ҳайдаб кетишди. Замон отбоқар отларни қувиб кетаркан, бирйўла отаси билан унинг қасосини олиши мумкин бўлган ўғлини ҳам отиб ташлаганидан хурсанд эди – у шу кетиши билан қишлоқнинг кўп нарсасини ҳайдаб кетди – энди қишлоқ бирдан минораси қулаган шаҳардек ғариб ва нотавон кўринарди. Ўн беш йиллардан сўнг Замон отбоқар қишлоққа қайтиб келганда қишлоқдан файз кетиб, одамлар яна ҳам ожиз ва хуркак бўлиб қолгандилар. У Райим полвондан сўнг ташландиқ ҳолатга келиб қолган сой бўйидаги боғга кенг қилиб уй қурди: у боғда уй қуриш учун ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмади. Энди у ўзи бу қишлоққа олиб келган замон ҳавосидан яйраётган қишлоқдошларини кўриш учун отда изидан бир тўда ов итларини эргаштириб айланиб юраркан, қоя остида елкасига ўтин кўтариб келаётган Байна момога дуч келди. Байна момо қариб қолган, аммо ҳали ҳам кўзлари худди ўн беш йил аввалгидек қаҳрли ва нафрат тўла эди.

– Сен менга бундай қарама, – Замон отбоқар қамчисини ҳавода силкитар экан. – Эринг бу ерда бўлмаса, бошқа ерда барибир ўлган бўларди. Сен эса хавотир олма, ўлсанг итларим кўмади. – Шундай деб у бўрибосарларни кўрсатди. Аммо у Байна момони бу сафар урмади. Байна момо ҳам унга бир оғиз ортиқча гапирмади. Умуман эри ва ўғлининг ўлиmidан сўнг камгап ва одамови бўлиб қолганди. У Шукур оқсоқол ўз феъ-

лига яраша кенг-кенг қилиб қурган хоналарда худди бир нарчасини йўқотган каби мақсадсиз кезиб юрарди: у энди бу алғов дунёда ёлғиз ва қаровсиз қолганди: лекин ўзининг ожизлигини ҳеч қачон билдирмас, ўзидан кўнгил сўраганларни ёмон кўрар, гўё ҳаёти ҳеч ким қиё боқа олмайдиган дахлсиз салтанатдек у ёққа бирон кишини, ҳатто сўзи билан ҳам киришга йўл қўймасди. Эрта баҳордан то кеч кузгача саҳармардондан олдига беш-олти қўй-қўзи, эчки-улоқ ҳайдаганча дарё бўйидаги юлғунзорга тушиб кетар, у ердан қуриган шох-шабба териб, қоронғу тушганда уйига қайтар, бир йилда икки-уч марта тегирмонга буғдой кўтариб борарди. Унинг буғдой кўтариб юришидан ори келган Олломурод тегирмончи Байна момони инсофга чақирди:

– Сиз бундай овора бўлиб юрманг, – деди у. – Бирон эркакдан бериб юборсангиз, тортиб, ўзим уйингизга олиб бориб ташлайман.

– Бу қишлоқда эркак йўқ, – деди Байна момо зарда билан, сўнг елкасидаги буғдойни тегирмонга кираве-ришда туширди. Гапираётганда овози титраб кетди. Тегирмончи тилини тишлаб қолди. Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни кулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир пайтлар Райим полвоннинг ма-лайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйгани учун қишлоқдошларини кечиролмас, уларга бўлган нафрати сусайиш ўрнига, йиллар ўтиб, ота-бола ўлдирилган оқшомдан узоқлашган сайин кўпроқ ўрни ва қадри би-линаётган, ўзини ҳаётнинг барча қувончидан бирйўла маҳрум этган, ёлғизликнинг кўр мусибати аро тобора авжланиб, Байна момонинг кексалиги билан бирга инжиқ ва йўриқсиз бўлиб борарди. У баъзида қишлоқ-дошларини очиқ масҳара қиларди: «Э, сенмисан, Са-

лом кўса, хотинингнинг иштонини кийиб юрибсанми дейман», «Ҳаким отчопармисан, бунча урғочи байталга ўхшаб қийшанглайсанг?..» «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат ҳезалак туғади». Бу масхара ва нафрат йиллар ўтиши билан Байна момони қишлоқдан бутунлай ажратиб қўйди. Энди у ёлғиз ва кимсасиз қолди. Уни ойлаб биров йўқламас, фақат эрталаб эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб бораётганидан, кечқурунлари қишлоқни тутган қайнаётган сут ҳидидан ҳали унинг тирик эканини билишарди. Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут яловидай уйининг олдидаги – орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар қўпориб ташлашга кучлари етмагач, ковлаб олишга мажбур бўлган – баланд толга осиб, офтобда қуритарди. Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тикқанча хотирасига исиниб жон сақларди. Ражаб кўса қариндошлиги қўзиб, бир неча йил олдин ғамлаб берган ўтини омборхона ортида кўса келтириб, тахлаган жойда тахи бузилмай турарди – уни Байна момо қазо қилганда маъракага яратишди ва барча терсоталиклар Райим полвон тириклигида

ҳамманинг маслаҳатгўйи бўлган, уйи ҳамиша меҳмонлар ва полвонваччалар билан тўлиб-тошадиган бу аёлнинг бунчалик нафрати ва тавқи лаънатига сазовор нима гуноҳ қилишганини бир умр билолмай ўтишди. Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай, бу уйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонлик яқтакларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига ташла-ниб турадиган уйининг шаппатгайига осиб кўярди: яқтаклар ҳам бора-бора йиллар ҳовурига ҳамда ҳар ойда қайта ювадиган нафрат тўла чангалларга дош беролмади: Замон қассоб ўлимидан бир кун олдин яқтаклар торда увада-увада бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб кўядиган лахтакка ўхшаб қолганди.

Замон отбоқарнинг ўлими ҳам Байна момонинг қалбини юмшата олмади: унинг ўлими тўғрисидаги хабарни келтиришганда Байна момо ўз хужрасида келинлик сандиғи ёнида чўкка тушганча мусибату ғамга кўмилиб ўтирарди: унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди. Хужрага бош суққан Розия момо унга Замон отбоқарнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказди. Барча аёллар ҳозир қувончдан ҳаммани бир-бир кучиб чиқади деб ўйлашганди. Аммо Байна момо хабарни оқсуяқлардек хотиржам қабул қилди: у бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан остонадаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади – ҳайкалдай, гўё тошдай қотиб ўтираверди. Фақат унинг бармоқлари қалтираб турар, хонага қон ҳидидай нохуш ҳид ўтириб қолганди. Аёллар ундан жавоб кутиб узоқ ўтиришди. Орадан анча вақт ўтгач, Байна момо уларга ўгирилиб ҳам қарамай, гўё уларни кўришдан ижирғангандай ва жиркангандек алфозда: «Боринглар, ўликларингга йиғланглар», деди. Унинг қаҳр тўла товуши кўпдан буён одам қадами етмаган хужралар ичига сингиб кетди: у ердан йигирма уч

Йиллик чангу ғубор гўё зардали овоздан қалтираб кетгандек жойларидан бир қимиллаб қўйди, сўнг яна хужраларга бу хонадон бошига тушган ғам-андухдай абадий чўкди. Шундай дея Байна момо мусибат ва ғам адо қилган бу аёлнинг йилдан-йилга кичрайиб, қариб бораётганидан ва юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишига келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги билан юзини аёллардан тўсиб олди; шу билан у терсоталиклар ва одамлар билан ўрнатилажак барча мулоқотлар эшигини тақа-тақ ёпди ва фақат ўзигагина маълум, бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёсига кириб кетди.

Байна момо сўнгги нафасигача ўз нафратига содиқ қолди. Замон отбоқарнинг ўлимидан сўнг ҳам қишлоқдошлари билан илакишиб кетолмади. Умрининг охирида бу ўжар кампир барибир ўзлариникига кўчиб бормаслигини сезгач, синглиси билан куёвининг ўзлари кўчиб келишди: аммо бу пайтда Байна момо бутунлай оёқдан қолган, фақат кун узоғи кўзини шифтга тикканча чўзилиб ётишга ярарди. Байна момони эри ва ўғлининг қабри ёнига қўйишди: эллик йил аввалги қабрни осонгина топишди; қабр деярли ҳар ҳафта тозалаб турилганидан бошқа қабрлардан яққол ажралиб турар ва ундан мискин бир андух анқирди. Унинг Райим полвондан сўнг деярли янгиланмаган, ҳатто уларга ҳам мусибат ва ёлғизлик ҳиди ўтириб қолган кўйлақларини халқ лапарларини йиғиш учун келиб, қуриб кетишган ва ўша талаба қизлардан сўнг бирон марта фойдаланилмаган торга узоқ жанглардан сўнг мағлуб бўлган қўшиннинг ўзларига ўлжа қолган туғларини осиб қўйишгандек ва қишлоқдошларидан эллик йил нафрат қилган аёл устидан ниҳоят ғалаба қилишгандек бир-бир осиб чиқишди. Талаба қизлар ўшанда Замон отбоқарникига йиғилган, пишириқ-ми-

ширикни бошлашган аёллар қий-чув қилишаётган оқшомда келишганди. Уларнинг келиши билан Замон отбоқарникида бошланган тўй ташвишлари қўшилиб кетди. Бироқ қизлар қишлоқ иримларини назарига ҳам илишмади. Байна момоникига кела-солиб, кир ювишга тушдилар – улар ичкўйлак, рўмол, яна Байна момога ғалати кўринган шимларини шундоқ ҳаммага кўз-кўз бўладиган жойга бемалол осиб қўйишди – улар Мели ўқитувчининг «қишлоқдаги энг кекса аёл» деган бир оғиз гапи билан Байна момоникига келиб ўрнашиб олишган, афтидан, ҳали-бери кетишмоқчига ўхшамасди. Байна момо улар билан очилиб гаплашмади ҳам. У кечқурун эчкиларни соғаркан, қизлар ҳайратдан қий-чув қилиб юбордилар: уларнинг биронтаси ҳам эчки соғишни кўрмаганди. Қизларнинг бир-иккитаси Байна момога яқинроқ келиб, унинг эчки елинига бориб келаётган қоқсуяк қўлларига қарадилар: миршабларнинг ҳафсаласини пир қилган, худди унинг девори каби йиллар уқалай-уқалай жимитдек қилиб қўйган гавдасини сал олдинга эгиб турганидан унинг ўзи ҳам қари ва озғин эчкига ўхшаб қолганди.

– Агар ўғлингиз бўлганида мен сизга жон-жон деб келин бўлардим, – деди қизлардан шаддодроғи Байна момонинг эчки соғишидан завқи келиб.

Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар кўрқиб кетишди: кўз олдиларида Байна момонинг бутун танаси бирдан тутаб жўнагандай туюлди. Қизлар дуд ҳидини аниқ сезишди. Байна момо ўрнидан турди-да, кўлидаги кадини супага қўйиб, ичкари кириб кетди ва шу киргани билан эртасига эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб кетмагунча қайтиб чиқмади. Чошгоҳ пайти эчкиларини ҳайдаб кетар экан, қизларга бир оғиз ҳам гапирмади. У худди ойпарастга ўхшаб кетиб борар, эчкилари юлғунзорга эмас, Пўлат чолнинг бедапоясига қараб кетаётганини ҳам сезмай юлғунзор тарафга йўл олганди. Пўлат

чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда шарпадай кириб келди ва уйга кириб кетиб, то миршаблар сўраб келмагунча уйдан чиқмади. Қизлар бир ҳафта унинг оғзини пойлаб овора бўлишгач, бирон нарсага эришолмай қайтиб кетишди. Улар уй олдида пайдо бўлишлари билан унинг таназулга юз тутгани бирдан билиниб қолди. Улар навқирон ва гўзал эдилар, уйдан ва Байна момодан чиркинлик ва мусибат ҳиди келар, навқиронлик олдида бирдан уй ҳам, Байна момо ҳам кексайиб қолгандай эди. Улар бу уйга ўрнашиб қолган ёлғизлик ва мусибатни чўчитиб, сўнг қувиб юборишмоқчидай тинмай хохлашардилар. Талаба қизларнинг очиқ-сочиқлиги ва лорсиллаган таналарини кўз-кўз қилиш учун кийиб олган тор шиму кўйлаклари, калта сочлари-ю ғалати, оппоқ пайпоқлари ҳам табиатан текин томошани яхши кўрадиган терсоталикларнинг эътиборини тортолмади: уларнинг шаҳар атири уфуриб турган ноз ва таманнолари сирли тарзда ўлдирилган отбоқарнинг азаси орасида кўзга ташланмай қолди. Узоқ вақт фарзандсизлик азобини тортган отбоқарни қирқдан ошиб дунёга келган уч ўғлига бирваракайига дабдабали тўй қилиш учун казо-казоларни шахсан ўзи айтиб келиш мақсадида шаҳар тушиб кетгандан икки кундан сўнг эрталаб дарё бўйидаги юлғунзор ичидан чавақланган ҳолда топиб олишганда аллақачон тўй қозонлари қурилиб, узоқ манзиллардан баъзи меҳмонлар кела бошлаган эди. Узоқ йиллар ўзларига суянчиқ бўлиб келган отбоқарнинг ўлими худди душманларидан ўзларини асраб турган қўрғонлари қулагандек терсоталикларни бирдан мунғайтириб қўйди – улар қарийб йигирма беш йил раҳнамо ва пешволари бўлиб келган одамнинг ўлимидан қаттиқ қайғуга тушдилар. Эртасига етиб келган миршаблар қишлоқдаги ҳар бир эркак билан гаплашиб чиқишди, сўнг улар



Байна момоникига йўл олдилар – улар йигирма уч йил муқаддам отбоқар туфайли эри ва ўғлидан ажралган аёлни тўсатдан эслаб қолишганди. Бироқ улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган, ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб турган кичкина, жимитдай, сочлари оппоқ бўлиб қолган кампирни кўришгач, негадир ботинишолмади – улар қаршиларидаги рамақижон кампир билан девдай Замон отбоқарни қиёслашиб, ўз шубҳаларидан уялиб кетишди, чоғи, индамай изига қайтдилар. Улар, гарчи Байна момони сўроқ қилганларида ҳам ҳеч нарсага эриша олмасдилар – у кейинги йилларда бир оғиз ҳам гапирмаган, сўзлар ва уларнинг маъноси унинг хотирасидан чиқиб кетгандай ёки ўз моҳиятини йўқотгандай, ўз қайғу ва азоби билан кунларни зўрға енгиб яшаётган эди. Замон отбоқар итдай ўлим топганди. Жасаднинг шу туриши аввал ўзи, кейин тепаси қулаб тушган улкан минорни эслатарди – кийимлар пора-пора йиртилган, аврати узиб ташланган, ўнта бармоқнинг ҳаммаси кесиб олинганди... Барибир бармоқни излаб топишолмади. Жасадни бармоқсиз кўмишга тўғри келди: бутун қишлоқ нақ қиёмат майдонга айланганди: аёллар уввос солиб йиғлашар экан, энди сочлари қордай оппоқ, деярли арвоҳга айланган, қишлоқдошларининг хотирасидан ҳам чиқиб кетган Байна момо том устида Райим полвонни итдай отиб ташлашларидан бир неча дақиқа олдин отини эгарлаш учун олиб чиқаётиб, ўққа дучор бўлган, йиллар пора-пора қилиб ташлаган жабдуқ устига чўкка тушганча тўй деб келиб, аза устидан чиқаётган меҳмонларни, тўй бераман деб, энди аза бераётган қишлоқдошларини кузатиб, худди қутлуғ бир вазифани ўтаб, энди дунёда армони қолмагандек, йиллар ғижимлаб ташлаган юзида бир жунунваш ифода қотиб қолган ҳолда терсоталиклар ҳаётига йигирма уч йил соя солган тош ҳайкал каби қилт этмасдан ўтирарди.

Ниҳоят бу кампирнинг ҳам ситамгар китоби ўқиб бўлинди – у лайлатулқадр кутилаётган оқшом ёғоч ва кўп йиллик андуҳлар ҳиди ўтириб қолган, содиқ кўшиндай эллик йилнинг бирон куни ҳам тарк этилмаган ғамнок ва аламли салтанати – келинлик тўшагида жимгина жони узилди – фақат ўлиши олдидан синг-лисини чақириб йигирма йилдан буён очилмаган, олтмиш етти йил олдин тераклилик Кўр Сафар уста ясаган, ярим вайрона сандиққа имо қилди ва бир сўз демай тўшакка бош қўйиб жимгина жон берди. Уни эртасига тушга яқин чиқаришди. Удумга кўра азага Ўранинг барча қишлоғидан одамлар терилиб келишди – амир замонларини кўрган, нариги асрнинг сўнгги ёдгори бўлган қишлоқдошларини сўнгги йўлга кузатиш учун барча кексаю ёш йиғилди. Йиғилганлар орасида Райим полвон билан ўғлини ҳимоя қилолмай, Байна момонинг бир умрлик нафратига дучор бўлган, ўша пайтда навқирон, энди шарти кетиб, парти қолган чоллар ҳам бор эди. Улар орадан эллик йил ўтгач, бу унут ва музтар гўшага биринчи бор қадам қўйишган ва тобут ортидан гуноҳкорона бўйин эгиб боришарди.

Мурдани ювиш олдидан сандиқни очишди. Аввал ўлимликка аталган кийим-кечакларни, кафанни олишди, сўнг дастаси қорайиб қолган қамчи, сопига гавҳар ўрнатилган ханжар, эркак кишининг тер ҳиди келиб турган калапўши, кўкракка тақадиган зеби-гардон, кампирнинг қўлида ҳеч қачон кўринмаган келинлик билагузуги, этаги каштали, ёқасига тасма урилган кенг кўйлак, ангишвона ва сарғайиб кетган Қуръонни олишди. Энг охирида сандиқдан боғичини чирк боғлаган, каптарнинг юрагидек кичкина, матоси зар сим билан тикилган, кўп йиллик қон қотиб қолган тумор ва тиғи занглаган қайчи, кўп йил турганидан бўғин-бўғин бўлиб, фақат суякнинг ўзи қолган, у ҳам қорамтир тус олиб, нақ кукунга айланиш арафасига келган, чорсининг йиртиғига палапартиш ўраб ташланган ўнта одам бармоғи ҳам топилди...

Абдуқаям ЙЎЛДОШЕВ



## БИЗ ЎТГАН ЙЎЛЛАР

...1991 йилнинг кўклами.

Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайтлар.

Шундай кунларнинг бирида Ўзбековулдаги ягона озиқ-овқат дўконига “талон” бўйича тарқатиладиганига нисбатан уч қоп ун ортиқча олиб келинганлиги ҳақидаги хабар қишлоққа яшин тезлигида тарқалди.

Аста намозшом бостириб келаётган бўлишига қарамасдан бирпасда дўкон олдига тумонат одам тўпланди. Сотувчи Хидирбой бирдан ердан қайнаб чиққандай пайдо бўлиб қолган бунча овулдошларини кўриб, шошиб қолса-да, атай қовоғини уйганча, ўшшайиб тураверди. Тўғри, кейинги пайтларда, яъни “талон тизими”га ўтилганидан бери аҳвол шу, яъни дўконга ун келса бас, ҳаммаёқни одам босиб кетади. Ҳатто фуқаролар йиғини раиси Одил чўлоқ ҳам уларни бошқаролмай қолади. Шўрлик раис ҳар қанча бақириб-чақирмасин, томоғи қирилиб кетгунча қичқирмасин, барибир овулнинг эркаклари ва аёллари ун учун маҳаллама-маҳалла келишни ёки навбатда туришни хаёлларига ҳам келтирмай, бари бирдай мўъжазгина дўконга ёпирилиб киришга уриниб қолишарди. Гўё шундай қилишмаса, ун тугаб қоладигандай, етмай қоладигандай. Ҳолбуки, раиснинг елиб-югуришлари, саъй-ҳаракатлари билан ҳар бир оилага белгиланган миқдорда ун олиб келинарди.

Ишқилиб, одамлар бақир-чақир қилишар, бир-бирлари билан неча мароталаб уришиб ҳам олишар, жон-жаҳдлари билан ичкарига туртилиб-интилавериб, бир-бирларини тирсаклари билан туртиб, гоҳида эса ошкор итариб ташлаб сотувчини ҳам, раисни ҳам баттар хуноб қилишарди. Ора-сира ун олиш учун “очиритсиз” кирган бечоранинг бошига эса мислсиз қарғишлару сўқинишлар дўлдай ёғиларди.

Ниҳоят, бир ой учун белгиланган ун олиб бўлингандан кейингина одамлар сал енгил тортишар ва гўёки катта ишни бажариб қўйган қахрамонлардай кўкракларини керганларича уй-уйларига тарқалишарди.

Шундан кейингина Хидирбой норози бўлиб пўн-ғиллаганча полга, ерга тўкилиб қолган ун қолдиқларини супуриб-сидиришга тушарди.

Охири яхши тугаган нарса барибир яхши-да. Овулнинг эркаклари ва аёллари ҳам ҳар бир оилага белгиланган тўрт кило ун учун ҳар қанча ёқа бўғишмасин, барибир савдо тугаб, ўз мақсадларига етганларидан кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишарди. Балки шу сабабдир, навбат талаш авжга чиққан маҳаллари ора-сира асосан эркаклар орасидан ҳазил гаплар ҳам эшитилиб қоларди: “Ҳой, Мамарайим, хотинлар орасига ўтиб кетдингми... Туғиб қўядиганлар ҳам, чақалоқларнинг ҳақиқий оталари ҳам бенавбат киритилсин... Ҳой, сен қаёққа, эри демадик, чақалоқнинг отаси дедик...”

Баъзида қишлоқчасига сал қалтисроқ айтиладиган ҳазил гаплар ҳам янграр, ҳар қанча асабий кайфиятда бўлишмасин, бунақа пайтлари навбатда турганларнинг аксарияти беихтиёр жилмайиб қўйишдан ўзини тийиб туrolмасди.

Бироқ бугун йиғилганларнинг авзойи бузуқ эди.

Зеро, дўкон ёнига келганларнинг ҳар бири ортиқча уч қоп унни олишга ўзини ҳақли деб билиб, шунга ўзини тайёрлаб келган, бошқаларнинг ҳам худди шундай (ноҳақларча, албатта!) фикрда эканини тусмол қилгани боис, элбурутдан жангга ҳозирланиб, айнан ўзининг ҳақ эканлигини жон-жаҳди билан исботлаб ташлаш тадоригида эди.

Одил раис ҳурпайиб турган эркак-аёлларга бир кўз ташлашдаёқ гап нимадалигини англади. Аммо ҳозирча индамай туришга, то талабгорлар бу масалани кўтармагунча ўзини ҳеч нарса билмагандай тутишга қарор қилди.

Биринчи бўлиб қадди букчайиб, “дол” аломати касб этган, ирғай ҳассасига суянган Олия момо дўкон пештоқи ёнидаги ўзига хос саҳнага айланган майдончага чиқди ва дабдурустдан мақсадга ўтди-қўйди:

– Мусулмонлар, барингнинг хабаринг бор, келаси ойда бир эмас, икки неварам уйланадиган. Ўзларинг инсоф билан айтинглар: ҳўкимат бераётган тўрт кило ун билан тўй ўтказиб бўладими? Шундай экан, ўша уннинг ҳеч бўлмаса эчки қопи биздики бўлиши керак. Гапим туврима?

Ёши саксонга яқинлашиб қолган, ўзбековулчасига айтганда, “Тўридан гўри яқин” кампирга бир нарса деб эътироз билдириш мушкулдек эди гўё.

Аммо “Мол аччиғи – жон аччиғи” деганлари чин экан. Олия момо гапини тугатар-тугатмас одамларнинг орқароғида қолгани боис ҳадеб бўйнини чўзиб қўяётган шаддодгина жувон Каромат хола бобиллаб берди:

– Нима, бизни ёш бола бияпсизми, момо? Ҳали тўртта кўрпа қавилмасдан туриб тўйни гапирасиз! Шу кетиши бўлса орқаси оғир келинингиз августга бориб тўйга тайёр бўлсаям катта гап. Унгача янги буғдой пишади, ҳаммаёқ “Сен же, мен же” бўлиб кетади. Ун мана бизга керак. Энг камида икки қопи...

Аммо вақтида овул фаолларидан бўлиб, не-не эркакларни гап билан ўтириб-турғазган Олия момо салга бўш келиб ўтирадиган кампирлар тоифасидан эмасди. Ҳозир ҳам нурсиз кўзларини Каромат хола томон тикканча, шартта унинг гапини бўлди:

– Кароматмисан? Яшшамагур, сенга менинг келинимнинг орқасини ўлчашдан бошқа ташвиш йўқми-ди? Бор, ишингни қил, лекин бу унга кўз олайтирма. Молбозор уч-тўрт кун перашкаси қолса қолар...

Энди Каромат хола чийиллиб юборди:

– Мен айримларга ўхшаб ғарлик қилмайман, момо, ўғирлик қилмайман. Мен ҳалол ишлаб, пешона терим эвазига пул топаман...

– Кимга ишора қиляпсан, тилиннга куйдирги чиққур!

– Гап эгасини топади, момо!..

Ва ҳоказо.

Агар қўйиб берилса, аёллар ўртасида даҳанаки жанг олови янада гуриллаб кетишини, орага ўн-ўн беш йиллик гиналар ҳам тушишини тушунди шекилли, басавлат Карим оқсоқол шопмўйловини силаганча “саҳна”га кўтариларкан, қаттиқ томоқ қириб қўйди.

– Бу ерда ортиқча гапнинг ҳеч кимга кераги йўқ, – деди оқсоқол ишонч билан. – Хўш, уч қоп ортиқча келган экан... демак, биттаси сельсоветимиз раиси Одил акага. Ҳар қалай, жўжабирдай жон, буёғи энди ўзбекчилик, меҳмон келари бор... Майли, қолган икки қопини биз ола қоламиз. Пули нақд...

Оқсоқолнинг гапига тўй-маъракаларда биров эътироз билдиролмасди. Аммо ҳозир...

– Йўғ-э! – деди аллақандай аламли оҳангда ўн йиллик шляпасини бошига қўндириб олган, ўзиям неча-неча ёз қуёш тифида юраверганидан мўридай қорайиб кетган, озғингина Камол сувчи. – Нима, биз олсак насияга оламизми? Мана, бизникиям нақд. – Шун-

дан кейин чўнтагига уриб-уриб қўйган Камол сувчи сотувчига ўгирилиб, маънодор кўз қисди: – Арава тай-ёр, ука, орттираверинг. Ҳеч ўйланманг, у ёғини келишиб оламиз.

– Нимани келишиб оласиз, Камол ака? – чинқариб юборди ғазабдан кўкариб кетган Тожибой агроном. – Шапкасиними? Ё бир уруғданмиз деб, Хидирбойга орқа қиляпсанми? Айтиб қўяй, биздинг хотин ҳам сенларнинг уруғингдан. Лекин мен индамай турибман-ку... бизга бир қопиям бўлади деб...

Гоҳ у гапираётганнинг, гоҳ бу гапираётганнинг оғзига анграйиб тикилиб турган Марварид чеча ахийри индамай тураверса ун тўла қоплар эркаклар орасида ими-жимиди йўқ бўлиб кетишини тушунди чоғи, бир сакраб “сахна”га чиқиб олди ва ҳамон бўзрайиб турган агрономга қараб бош бармоғини иккала бармоғи орасига солиб кўрсатди:

– Мана сенга бир қопи!.. Бекорларнинг бештасини епсан! Нима, иккитагина болангни боқолмай қолдингми? Уялмайсанми оғзингни тўлдириб “Бир қопи бизники” дейишга?! Зақунлашсанг зақунлашаман, лекин билиб қўй, ун мана бизники! Мать-гиройники! – Шундай дея чеча ҳар эҳтимолга қарши нимчаси кўкрагига тақиб келган “Қаҳрамон она” медалини кўз-кўзлади. – Аввал ўнтасини туғдириб қўй, кейин талаб қиласан ҳаққингни! Бермаям кўр-чи менга! Керак бўлса райком бовога бораман, обком бовага бораман! Лекин ҳаққимни бировга бериб қўймайман!..

Медаль, ҳар қалай, ҳукумат берган сийлов. Ҳукумат эса ўз номи билан ҳукумат... Шуларни ўйлади шекилли, энди қақшатқич эътироз учун оғиз жуфтлаган Тожибой агроном ҳар эҳтимолга қарши индамай қўя қолди, аммо барибир бир қоп унда ҳаққи борлигини

яна бир бор кўрсатиб қўймоқчидай, чеккароқда турган ўғлига қараб сал ўнғайсизроқ тарзда кўз қисиб қўйди.

Аммо Тожибой муаллим бир нарсани назардан қочирган, яъни ортиқча ун қоп дардида йиғилганлар сафига аллақачон хотини ҳам келиб қўшилган экан. “Ётиб қолгунча отиб қол” қабилида чекка-чеккада иш тутишни маъкул кўрадиган Норой чеча ҳозир ҳам одамлар орасидан писиллатиб зарба берди:

– Қаторлаштириб туғиб ташлашни пишак ҳам биледи!

Сал нарсага ўт бўлиб ёниб кетадиган Марварид чеча ҳозир ҳам ранги қув ўчганча, лаблари пир-пир учиб таҳдид билан овоз келган томонга қаради:

– Ким у менинг болаларимни пишакбаччаларга менгзаган?

Аммо одамлар учун бу жанг натижаси эмас, кимлар ортиқча уч қоп уннинг эгаси бўлиши масаласи қизиқроқ эди. Шу сабабли улар аллақачон умидвор нигоҳларини Одил раис томон буришганлари боис Марварид чечанинг саволини тузук-қуруқ эшитишмади ҳам.

Бироқ томоқ қириб олган раис оғиз жуфтлашга улгурди, холос. Зеро, аллақачон саҳнага чиқиб олган Ибройим чўпон ҳеч эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда эълон қилди:

– Бошқасини билмадим, лекин бир қопи биздики! Баринг бу ерда ўтирасан тайёрига айёр бўлиб, бизга ўхшаганлар тоғ-тошда нима еб-нима ичиб юрганидан хабарларинг йўқ! Хуллас, бир қопи биздики, тамом-вассалом! Қолганини ўзларинг бўлишиб олаверинглар!..

Аммо одамлар ҳам анойи эмас. Шу сабабли ҳали гапини тугатиб улгурмаган чўпон бошига таъна тошлари дўлдек ёғилди:



– Пулини қуртдек санаб олгандан кейин юрасиз-да тоғда!.. Кўчадаги мой ейди... Қуйруқ мойи кўтаряпти мунди!.. Тандирнинг қуйруғини оппоққина нонга кўшиб егилари кеп қопти!.. Ортиқча жир битибти-да, жезда!..

Ва ҳоказо.

Бунчалик шиддатли ҳужумни кутмаган Ибройим чўпон сал довдираган алфозда саҳнани тарк этди.

Энди ўз даъвосини дoston қилиш навбати Холида опага етди. Кўп йил боғчада мудиралик қилиб, ниҳоят нафақага чиққан басавлат, ҳамон қош-кўзини бўяб юрадиган опа бениҳоя жиддият ила саҳнага кўтарилди ва оломонга бир қур кўз ташлагач, мана шундай салобат ила маълум қилди:

– Уч-тўртта чақирдим бор эди. Кейинга суравериб бетимда бет қолмади. Рухсат берсангизлар, халойиқ, бир қопини бизга ажратишса. Майли, бир қопини раис ола қолсин. Қолганини ўзларингиз адолат билан бўлишиб оларсизлар.

Шундай опанинг илтимос оҳангида гапириши айрим эркакларни ийтиб юборгандир, эҳтимол. Бироқ Олтиной эна бўш келмади. Эна юлқиниб олдинга ўтди ва саҳнада мунғайибгина турган опага қараб ўшқирди:

– Бунча ҳаммангнинг оғзингдан “раис” тушмай қолди. Сенларга кетмон дастани бошлиқ қилиб қўй-саям бўлди, эгилганларинг-эгилган. Раисга нима? Бир оғзининг ели! “Опкел” деса магазинчинг бир эмас, тўрт қопини уйига ташлаб қўяди. Ташимаям кўрсин-чи. Арбоб билан ҳазиллашиб бўладими. Шунинг учун, одамлар, ҳеч ўйланмасдан испискадан раисни чиқариб ташлаб, ўрнига мана мени ёзиб қўйинглар. Тўрт ой бўлди, уйда бир марта бешбармоқ қилиб ейишга зорман. Келинларга айтсам, ун ўлгир йўқ. Қачонгача қаттиқ нонни камириб, шилдир шўрва ичиб юраман. Шу умидда ҳўкиматга қирқ йил ишлаб берганмидим!

Ўроқ ўрдим, кетмон чопдим, пахта тердим... Аввал-ку, ёшман дердим, энди-чи, энди қариганимда кўрган куним шуми?!

Митти кўзлари ғилтиллаб ёшга тўлган Олтиной энанинг гапи сиёсий томонга бурилиб кетаётганини кўрган раис жон алпозда унинг гапини бўлди:

– Эна! Ўйланманг! Ҳукумат ҳеч қачон сиз сингари фидойи инсонларини унутмайди. Мана, яқинда ўзингиздек фидойи ўғлингизни медалга тавсия этмоқчимиз.

Кейинги пайтлари винодан бош кўтармай қолган тракторчи тўнғичи Раззоқ ҳақидаги эслатма юрагига ўқдай қадалган Олтиной эна раис томон ўқрайиб қаради-да:

– Темир тунукангни ўзинг пишириб е! Шусиз ҳам уйда бир ҳовучи ётибди! – деди дағаллик билан. – Мен сендан ун сўраяпман, ун! Милкимда битта тиш қолмаган. Бешбармоқ егим келяпти деб айтдим-ку сенга!..

Раиснинг бахтига кампирнинг сўнги сўзларини оломоннинг шовқин-сурони босиб кетди:

– Инсоф борми ўзи, Олтиной эна?! Биз нон учун ун сўрасак, сиз уялмай бешбармоқ деб ўтирибсиз... Нонни чойга ивитиб кўйсангиз, юмшайди-қолади... Тўқликка шўхлик қилманг-да энди..

Мунғайиб қолган Олтиной эна саҳнани тарк этганидан кейин бирдан бу жойга чиқувчи талабгорлар кўпайиб қолишди. Улар энди бир-бирларини итариб-туртиб олдинга интилишар ва зўр бериб ўзларининг ҳақликларини исботлашга ҳаракат қилишарди:

– Мен!.. Мен!.. Сен тўхтаб тур, номард!.. Аввал мен... мен...

Борлиқ шовқин-суронга, бақир-чақирга тўлди. “Саҳна” чеккасида турган, оломоннинг важоҳатидан ранги оқариб, ваҳимага тушиб қолган раис беихтиёр бир қадам ортга чекиниб, дўкон деворига тақалиб қолди.

Энди раис учун чекинишга бошқа йўл йўқ эди.

Оғзидан кўпик сачраётган, кўзлари олайиб кетган, мушт қилиб тугилган қўлларини юқорига кўтарган одамлар оқими бақир-чақир қилганларича раис томон силжиб келарди.

Худди шу лаҳзада...

– Халойиқ! – дея хитоб қилди гулдураган овозда Райим жарчи. – Бир нарсани унутибмиз-ку!

Оломон бир лаҳзага тўхтади. Бундан фойдаланган раис шартта бўш қолган оралиқдан лип этиб ўтиб кетди ва ўзини хавфсиз жойга олди.

Райим жарчи гапида давом этди:

– Ариқ қазишга кетганлар эсдан чиқибди-ку! Эшитиб қолишса, биздан ўпкалашлари аниқ!

Оломон “оҳ” тортиб юборди. Гап шундаки, катта ариқдан Ўзбековулга сув келадиган кичик ариқ ҳар йили бўтана сув оқиши оқибатида бир-икки қулоч лойқага тўлиб қоларди. Овул аҳли кўклам чоғи ҳашар уюштириб, ариқни шу лойқадан тозалашарди. Ана шунда тозаланган ариқдан сув ўйноқлаб келиб, далалардаги буғдойга ҳам, пахтага ҳам, томорқага ҳам етарди. Бу йил ҳам овулнинг ўн беш эркаги кетмонларини кўтариб кеча тонгдан ариқ тозалашга кетишган. Бу кўпи билан уч кун давом этади.

Марварид чеча бетини чангаллади:

– Жуда уят бўлибди-ку...

Бирдан оломон ҳовуридан тушди. Тўғри-да, овулнинг ўн беш эркаги далада, ариқ тозалаб юришсаю, булар бу ерда уларсиз уч қоп ортиқча унни бўлиб ўтиришса... Яхши эмас, яхши эмас...

Жаҳл, ғазаб, эътироз ва даъволар олови бирдан пасайди.

Фурсатдан фойдаланган раис ташаббусни қўлига олди ва эълон қилди:

– Ҳозироқ ўзим одам юбораман! Худо хоҳласа, улар эртага эрталаб етиб келишади. Мажлисимизни ана ўшандан кейин давом эттирамиз.

Одамлар бу таклифга рози бўлишди.

\* \* \*

Ариқ қазишга кетганлар эртасига эрталаб эмас, пешинга яқин етиб келишди.

Уларнинг йўлига илҳақ кўз тикиб ўтирганлар дарҳол дўкон томон оқиб кела бошлади.

Ҳаммаси бошидан бошланди: бақир-чақир, эътироз, даъво, илтимос, пўписа, писанда... Бу гал шовқин кечагидан кўра қаттиқроқ эди – ҳар қалай, ўн бешта эркакнинг қўшилганлиги сезилиб турарди. Бунинг устига, қизиқ томони шундаки, уларнинг ҳар бирига ҳам ҳеч бўлмаса бир қопдан ун керак бўлиб турган экан-да...

Ҳали айтиб ўтилганидай, овулда бир неча уруғ вакиллари истиқомат қилишарди. “Раис фалон уруғдан, барибир ўзиникиларга ён босади” деган қарорга келган бир неча ўзбековуллик кечаси “Адолатсизликдан, таниш-билишчиликдан дод!” деган мазмунда каттагина бир шикоят мактубини юмалоқ-ёстиқ қилиб ёзиб ташлаб, тонг саҳардан “юқори” идорага ўз вакиллари юбориб ҳам улгуришган экан денг...

Хуллас, бақир-чақир, талашиш-тортишиш авжига чиққан, эркакларнинг сўкинишларига аёлларнинг қарғанишлари қўшилган, издиҳом гоҳ дўкон эшигига яқинлашиб, гоҳ узоқлашаётган палла қоп-қора “Волга-31” машинасида “юқори идора”нинг қора костюмшим кийган, қора бўйинбоғ таққан масъул ходими воқеа жойига етиб келди!

Масъул ходимни кўриб қолган Одил раиснинг бўлари бўлди!

Аммо масъул ходим чопқиллаб келган раиснинг гапини эшитиб ҳам ўтирмади. У гердайиб дўкон ёнига борди ва бўйинбоғли амалдорни кўрган заҳоти бирдан дами чиққан пуфакдай пучмайиб, писиб қолган оломонга ўшшайиб назар солди ва саломларга алик ҳам олиб ўтирмасдан:

– Короче, гап бундай, – деди. – Кеча адашиб, овуллари рингизга уч қоп унни ортиқча ортиб юборишибди. Демак, бошқа бир жойга шунча ун кам берилган. Мен нормадан ортиқча унни олиб кетгани келдим. Қани, машинанинг багажнигига жойланглар-чи лишний унни.

Амалдор келганидан кейин бирдан жонланиб қолган Одил раис бир ишора қилган эди, Хидирбойга қўшилиб яна уч-тўрт киши шоша-пиша дўконга киришди ва шундай шошқинлик ила уч қоп унни олиб чиқиб, қора “Волга”нинг юкхонасига жойлаштиришди.

Ҳамон ўшшайиб турган амалдор раиснинг жон ҳалпида айтаётган “Бир пиёла чой” борасидаги таклифини ҳам эшитиб ўтирмасдан, виқор билан бориб машинанинг орқа ўриндиғига жойлашиб олди.

“Волга” қуюқ чанг кўтарганча катта йўл томон олиб кетди.

Оломон ҳамон сукутда эди.

Ахийри чўнтагидан рўмолчасини олиб, терлаб кетган бўйнини артган Одил раис халойиққа қараб анчайин баланд овозда дўқ урди:

– Бўлди, тарқалинглар! Ҳаммамиз чарчадик. Унни исписка билан кечкурун, ишдан кейин тарқатамиз.

Оломон яна чурқ этмади.

Уф тортиб қўйган раис оқсоқланганча уйига қараб йўл олди.

Хидирбой шоша-пиша дўконни кулфлади.

Шундан кейингина ҳаммаси тугаганини, яъни ортиқча уч қоп ун номаълум томонга олиб кетилганини англаган одамлар бирин-кетин тарқала бошлашди...

\* \* \*

Шундан-шунга бекорга келганлари алам қилган эканми, ўн беш эркакнинг биронтаси қайтиб ариқ қазишга бормади. Улар ётиб олиб винохўрликка берилишди ва куну тун ўша уч қоп ун ҳақидаги хабарни “юқори”га ким етказгани ҳақида тахмин қилишга ўтишди. Бу мавзу аёллар оғзида ҳам сақичга айланди. Аммо “Мен ёзган эдим!” ёки “Мен хабар берган эдим!” дейдиган мард топилмади...

Хуллас, ўша йили ариқ қазилмай қолиб кетди. На-тижада сув озгинагина майдондаги кузги буғдойга ҳам, ғўзага ҳам етмай қолди.

Вақти келиб ўша озгина майдондаги янги буғдой пишди. Аммо Каромат хола башорат қилганчалик ҳаммаёқ “сен же, мен же” бўлиб кетмади – қониб сув ичмаган ғалланинг ҳосилдорлиги паст эди... Ўзбековул аҳли яна умид кўзини ҳукумат берадиган “талон”-га тикди...

Аммо... онг-шуурда, тафаккурда, қалбларда недир ўзгаришлар, эврилишлар юз бермоқда эди. Ва тез орада Ўзбековул осмонида чақинлар чақди...

\* \* \*

Орадан шунча йиллар ўтиб кетди.

Марварид чечанинг йили ўтказилаётган экан, шунга чақириб қолишди.

Ўзбековулга бордим.

Қишлоқ энига ҳам, бўйига ҳам кенгайибди. Кенг, равон йўллар бўйида шундай уйлар қурилибдики, қаср дейсиз.

Каромат холанинг биз тенги ўғли Нодир билан анча гурунглашиб ўтирдик.

Нодир каттагина фермер хўжалиги раиси экан. Минг гектарга яқин ғалласи, пахтасидан ташқари ик-

кита тегирмони, нон цехи, биофабрикаси, чорвачилик комплекси бор экан. Шу кунлари компьютер ўқув маркази очиш ташвишида юрган экан.

Гап орасида беихтиёр ўша оғир тўқсонинчи йиллар бошини, Ўзбековулни жунбишга келтирган уч қоп ун можаросини эсладик.

Нодир маза қилиб кулиб олди.

– Э, жўра, у замонлар ўтиб кетди. Одамлар аллақачон текин балиқ сўрашдан кўра, балиқ ушлаш йўлини ўрганиш керак эканлигини билиб олишган...

Рости, шу куни Ўзбековулда юз берган ўзгаришларни кўриб, ҳам роса ҳайратландим, ҳам қувондим. Балки шу ёқимли туйғулар таъсиридадир, уч қоп ун воқеаси худди ўтмиш замонлардан қолган бир эртақдек туюлиб кетди...

## Собир ЎНАР



### БИР ЎЛАРМАН ЧАВАНДОЗ

Эй жўралар-эй, эй ёронларим-эй, бир гапнинг гали келди, гапнинг гали келдима ўзи, айтинглари. Биродарим ҳақида айтиб берайин, бировингиз биласиз уни, бировингиз билмайсиз. Билмаганингизга қизиқ, билмаганларга айтайин – бош гурунги бўлмасам қайтайин. Ўзим орқаси ер искамас жайдари табилчи бўлсам – танобчиюмас, табилчи, хулласи, ёзувчиюммасман-да – гапга чечанамасман, ёзувчилигим бўлганда-ку, ўзим билардим-а, ҳа майли, Худойимнинг берганига шукур.

Жўрамнинг оти Давлатбой, баданида яроқли жой йўқ, яроқлиси қовурғасими – дўхтир нақ учовини санаб туриб кесиби ташлаган. Соғ бўлса кесармиди, кўп қарида синдирган, кейин дўхтир опташлаган. Гап қовурғадами, мен айтайин, сиз ишонаверинг, тағинам ўзингиз биласиз-ку-я, ярим гавдасини кесиби ташла-сангизам бу ўларман ҳеч бало кўрмагандай юраве-ради, сизга гарантия берайин, оёғини жодига қўйиб қирқинг, вой демас. Индаллоси гап, жўрамнинг гавдаси тиккайиб қолган, мен қаридим, қаддим букилди, унинг эгилмаганига сабаб – ўнг эгнидаги суяги синиқ, опташлаганми, олишмаганми, унисини билмадим-у, аммо тиккайиб қолганининг маънисини шу. Энгашса томири тортишиб оғрийди.



Мақтамайман, мақтагулиги йўғ-у, барибир қурмағурнинг ёшлигида девими, бир балоси борийди, ҳайрон қолар эдим унинг полвонлигига: эшгиртиб қўйсанг тоғни кемирар эди, дарёни симирар эди, қиёмат эди; полвонлиги бир сари, бардошига балли дер эдим. Айримингиз биласиз офатининг чавандозлигини, эна сути овзидан кетмай от чопар эди; кўпкарининг энасини эмдирар эди; синиғининг бари шу кўпкарининг касри; тағи айтайин, танасида яроғи бор жой кам, шунинг учун қип-қизил тентак шекилли, бу, деб ўйлаб қолар эдим баъзан. Бир гал қаҳратон қишда Гарашага тўйга кетяпмиз, менинг остимда чўбир, унинг остида бўз, гапдан гап чиқиб уни мақтаб юбора қолибман, совуққа ўлгудай чидамли деб, бу гўрсўхта ўзидан кетиб пўстин билан телпакни ечиб тагига, эгарга тўшаб олди денг.

Ҳов, бир касрни қиларсан, ўларсан манов аёзда дейман, қаёқда кулоқ солса, қайтанга камзулиниям ечяпти. Шу гапнинг нари-бериси, ҳай-ҳайлашимизга қарамай бир фасилда чиппа майкачанг бўлди-қолди. Эгарда тўрғайдай ўтириб кетаётир. Шерикларимизам дод деб ялинади, менам. Мазақ учун аҳён-аҳёнда пишқириб кўяди. Совуқни-ку, гапирмайин – одамнинг суягидан ўтиб кетади. Мен пўстин кийганман, шунинг устидан еб бораётир чимиллаб. Қошнинг устига қиров кўнади, терласа мўйлабинг музлайди. Жон-поним чиқиб, «бор-э», дедим, менга деса ўлмайсанми, хоҳласанг лунгингниям еч дедим, бепарво ҳайдайвердим, анави бизни калака қилиб мускулларини ўйнатиб кўяди ҳар замон. Совқотяптими, деб разм соламан, бурни қизарган, лекин ишонсангиз, бадани ҳечқурса товуқники сингари бўртмайдиям, ё пирим, дейман, тавба қиламан. Аввал ачинишиб турган эдик, тўйхонага етавергач, номусимиз келди: бало-да энди, аёз, бўрон уриб турса-ю, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, даб-

дурустдан майкачанг кириб борсанг. Яна тўйга! Унику тентак-пентак деб ўйлар, ёнида борган бизни ким деб ўйлайди одамлар. Отининг жиловидан ушлаб, жўражон, укажон, акажон, деб ялинавердик, ўзингни ўйламасангам бизга ичинг ачисин. Жонимизга ора кирди, сал эриди чамаси, майли, деб кийимларини бирин-кетин кийиб олди. Агар ақлинг бўлса уни ёнида мақтама, ўлдинг мақтасанг. Кўпкариниям ўзи гурсиллатиб чопа қолади, хуллас, эшгиртманг, эшгиртсангиз бирон аъзоси мажақ бўлиб кетгани биланам иши бўлмайди, ишонмасангиз ҳозир кўринг бориб: тиззасининг кўзи жойида турмай қолган – гоҳ пастга, гоҳ юқорига силжиб кетади, шунда юролмай қолади, войвойлайди, ўзи улай-булай қўли билан ирғаб-ирғаб ўрнига солади-да, кейин қаққайиб сўфидай кетиб турган кунни. Ўша тўй кунни кўпкарида бу хуни-муни Кўлибой полвонга илашди денг. Кўлибойнинг оти зўр, отида нам ўзи зўр. Давлатбой нима унинг олдида, сапчадай отиб юборади керак бўлса. Улоқнинг бир путига тирмашиб кетяпти, шуйтиб майдонни нақ тўрт марта айланиб чиқди-ёв; уям бу чакамик экан деб, қўяқолмади, буям камкучман демади, чўзилишиб, ўзлариниям қийнаб, отлариниям қийнаб юрди-да қўйди; одам бори тонг қотган, Кўлибойга куч бермаган бу ўларман ким бўлди деб. Минг қилсаям кучли – кучли-да, зўрға пеш бўб бўладими, Кўлибой улоқни тақимига ўхшатиб босиб, гавдасини ёнга олиб бир силтаган эди, икки от нақ қўшмоқ бўлиб қолди. Эгарқош эгарқошга тегиб қарсиллади, Давлатбойимиз эгардан учиб кетди; энди гупчак бўлиб ерга тушади-ёв, бир қиёматни қилади-ёв, деб турсак, йўқ, шу бўз отнинг нақ ёлида қолиб кетди. Оёқ узангидан чиқмаган экан, гавда ерга шалвираб кетган, оёқ ёлда. Шу аҳволдаям бир майдон айланди-да, охири қўйиб юборар десак, барибир қўймади-е, отнинг айили узилиб эгар-пегари билан учиб

бориб Кўлибойнинг отига қапишиб қолди; оломон «қўй!» деб қичқиради, чувлайди, бу қўймайди. Одамлар Кўлибой энди бу шўрликни улоқ-пулоқ билан қўшиб чортоққа гупчак қилиб ташлар экан-да, деб туришган эди. Чакамик бўлса шилимдай ёпишиб чортоққа етмай олиб қолди. Тўрт ё беш қулочлар қолган эди, узоқ эмасди; улоқни узиб тушиб, ўзи яёв сомонга судраб олиб бориб ташлади. Раис ҳам бардошингга балли сенинг деб соврин – юз эллик сўмни қўлига тутди, курғур яна ўжарлик қилди, – мардлиги бор-да ўзи, – юз элликни халқнинг кўз ўнгида Кўлибойнинг қўлига тутқазди. Раҳмат айтди. Қайтангга Кулибой полвон изза бўлиб қолди.

Шуйтиб кўп томошаларни кўрсатиб келганмиз Гарашада. Кейин катта чавандоз бўлиб танилиб кетди. Кичкина ўғли Санжар унинг ўзига тортган. Худди қуйиб қўйгандай. Кеча мачитнинг берисидаги бўзлоқда ўзидан барзангироқ бир бола билан курашяпти. Ҳалиги бола буни дустаман олиб тушди, елкасини ерга теккизаман, деб ҳай уринди, терлаб-пишиб, кўкариб кетди, охири бўлмади. Санжар устига салмоғини солиб босиб турган болани бир типирлаб кўтариб туриб кетса бўладими! Ай, сенингам баданингда боракан дедим.

Давлатбой билан тўққиз-ўнинчи синфларни райсентрда, Қўшработда битирганмиз. Қўрғонтепадан, нақ ўттиз чақиримдан нонни белга тугиб қатнаймиз; нима қилайлик, бу ерда ўрта мактаб йўқ. Унинг эшаги бор, жуда илдам. Лекин кичкина, орқаси чўнтоқ, мингашиб ёлчимайсан, икки қадамдан кейин тушиб қоласан. Икковимиз алмашиб миниб борамиз.

Энди борган кезларимиз. Ўзимизни панароққа олиб юрамиз. Бошингни сал кўтарсанг, сентрликлар популдириғингни пасайтириб қўйишади. Дўкайлари бор ўзларининг, ҳар қайсисининг мушти менинг бошимдай келади камида, ғиринг десанг каллангни

олиб ташлайди. Бир куни улар бизни чақириб, тўққизинчи синфда ўқийдиган месний болани кўрсатиб, «курашасан бировинг шу билан», деди. Мен энди, ай-ёрроқман, дарров Давлатбойни рўпара қилдим. Давлатбой олишиб, охири йикди. Дўкайлар кейин нариги тўққизинчи синфнинг зўрини чақириб, «шу билан курашасанми?» деди Давлатбойга. Буюм киприк қоқмай «ҳа» деб юборди. Унисиниям йикди. Чарчаб қолди. Ҳалиги кураштираётган бола айтдики, шу мактабнинг ишонган шепа мен бўламан, отим палончи, энди мен билан чиқ, йиқсанг, ўрнимга сен шепсан, тан бераман, қўлни ташла, деди. Давлатбойга қарасам, қўлига бир тупуриб ишқалади-да, «бўпти, кел», деб юборди. Мен бориб ҳалиги шепнинг оёғига йиқилдим. «Жон жўра, жон жўражон, шеп ўзингсан, агар курашсанг бунга ўлдириб қўясан, ўзи етим бола, сенинг шеплигингни тан олади», деб ялинавердим. Шеп Давлатбойга қараб: «Шунақами?» деди. Давлатбой менга термулиб туриб: «Ҳа», деди-да ёнига тупуриб юборди. «Тан бердингми, курашмай-а?» деб қайта сўради бола. Мен Давлатбойга жовдираб тикилдим. «Тан бердим», деди у ноилоҳ. Давлатбойни шунда, бир мартагина сўзидан қайтаролганман, ўшандаям қайтиб келаётганимизда одам қаторига қўшмай бўралатиб сўккан. Аммо мен ундан ақллироқ эдим, бирдан-бир тўғри йўлни танлаган эдим. Аниқ ишонардимки, агар Давлатбой унияменгса, дўкайларнинг бизга хусумати ошиб, охири бир кун уриб ўлдириб қўярди. Енгмасанг ўлмайсан, ишқилиб, мусофирчиликда омон-эсон битириб кетайлик, деб тайинладим.

Ўқишдан қайтаётганда икки чақирим йўл юрмай Давлатбойга эшагингни бер, биродар, ўладиган бўлдим, деб ялинардим, у ростакамига ишонарди, туша солиб, «ма, мин, менинг оёғим умуман оғримайди», дерди. Эшаги ҳалиги айтганимдай жуда йўрға, мин-

санг роҳат қилар эдинг, ҳеч тушгинг келмасди. «Мана шу қирдан ошайлик, кейин сен мианасан», дердим мен ҳам инсоф билан. У ишонарди. Калтабақай бўлгани учун қирга секин кўтариларди. Мен атайлаб эшакни ниқтаброқ ҳайдаб, ундан ўзиб чиқардим-да, ошувдан ўтгач, энишга қараб қўшоёқ оттириб чоптирардим. Халалаб чоптираверардим. Давлатбой у қирдан кўринганда мен бу қирдан ошаётган бўлардим. Жўрам қораси кўрингандан муштини ўқталиб сўкина кетарди, етиб олсам бурда-бурдангни чиқараман, дерди. Мен унинг жаҳлигаям ишонмасдим, тўхтамай кетаверардим. Кейин у ялинишга тушарди: «Ҳой, Амрилло, секинроқ ҳайда, етиб олай, мингашиб кетамиз, тўхтагин!» Ишонармидим мен бу гапга – эшакка хала босганча кейинги қирдан ҳам ошиб кетардим. Шу пайтлари сезардим: орқамдан Давлатбой югуриб келяпти, етиб олса аямай урса керак, лекин хайриятки эшак дидни олади – жуда илдам. Мен қишлоққа етиб келганда Давлатбойнинг қораси ҳали-вери кўринмаган бўларди. Уйнинг туши – тўғрайига келганда эшакдан ирғиб тушиб, ипини йиғиштириб бўйнига боғлардим-да, орқасига халачўп билан бир уриб уйига ҳайдаб юборардим. Билардимки, эшак, албатта, уйини топиб айвонига кириб боради.

Эртаси тонг саҳар тагин қишлоқнинг оёғидаги зардоли остида Давлатбойни кутиб турардим. Менга кўзи тушиши биланоқ у узоқдан дағдаға қилиб, сўкиниб келар, уриб ўлдираман дерди нукул. Мен ўзимни бечораликка солардим: «Жон Давлатбойжон, ўзинг биласан, сендан бошқа кимим бор, бошқа ишонадиган одамим йўқ-ку, ўзинг билиб туриб қийнайсан-а. Майли, ўл десанг ўлайин, лекин буйтиб ҳаром ўлдирма». Шўрликнинг дарров авомлиги тутарди. То менинг олдимга келгунча жаҳлидан тушиб, раҳми келиб, бошқа қиёфага кириб қолар эди, чинакам ачинар эди менга. Эшакдан тушиб мени миндиарди. Одам кўп яёв юрса

бақувват бўлади, деб қўярди. Бориб етгунча алмашиб миниб кетардик. Қайтаётганда эса... яна худди кечаги ҳол такрорланарди; эрталаб ҳам ўша аҳвол – ҳар кунгидай ўларманлик қилиб «кечиргин» деб ялиниб туриб олардим. Давлатбой кеча қандай кечирган бўлса, бугун ҳам шундай кечириб юбораверар эди. Жуда хайрон қолар эдим. Баъзан ўзимни ҳам койиб қўяр эдим. Начора, ишонувчан, авом бўлса ўзидан кўрсин деб қўл силтаб кетаверардим. Шундай қилиб нақ икки йилни ўтказдим. Икки йил ҳар куни уришиб, ҳар куни ярашдик. Кейин мен ўқишга кирдим, ҳисобчи бўлдим; ҳозир кўриб турганингиздай табелчиман. Давлатбой эса ўша кезлариёқ ўқишга парво қилмади, ўзини кўпкарига урди. Даромадниям кўпкаридан орттирди, касофатниям; лекин оч яшамасди – ҳар маҳал дастурхони обод бўлди. Бир қисим ўғиллариниям уйлантирди. Энди икковимиз эллик учга кирибмиз. Кеча кичик ўғлининг олишаётганига қараб, бундан қирқ йил бурungi Давлатбойни кўргандай бўлдим, кейин қурмағурнинг ўзи эсимга тушди; тип-тикка бўлиб қолган қомати, юриб кетаётганда бирдан тиззасининг косаси тойиб кетиб оёғи қотиб қолиши, бечора вой-войлаб ўтирасолиб, ишқалаб-ишқалаб бир амаллаб кўзни ўрнига солиши, сўнг ҳеч бало кўрмагандай кетавериши кўз олдимга келди. Нега зарил экан, дейман-у, тагин маъюс тортиб ўйлаб қоламан. Нега бунақа одам, а?! Тавба, нега бунақа ўзи?!

Бир нарсага бугун ҳам имоним комил: агар Давлатбойни ҳозир бориб ҳам эшгиртсам билган амалини қилади. Эсли-хушли бўлгани билан гупуртирсам агар, ниманидир қайириб, ниманидир синдириб, ишқилиб ўзининг хуморини ёзади. Ҳа, ҳозир ҳам кучи кўп унинг.

Мен эса... Мен бутунлай бошқа одам, Давлатбойнинг тескарисиман. Бир соат ҳам ундай мард, ундай паҳлавон бўлолмайман, ўзимни қаттиқ авайлайман.

Давлатбойнинг эса қариб-қартайишини ҳеч тасаввур қилолмайман. Нафасимни ел учирсин-у, кучи тошиб, қутурибми ё бир жойдан тушиб кетибми... жон топширса керак деб ўйлайман.

Кечиринглар, жўралар, жўраларамас, ёронлар, гапимнинг охири мунглироқ бўлиб кетди. Кеча жўрамнинг кичкинаси Санжарчани кўриб бир ўйчан тортган здим-да, Давлатбойнинг бир-иккита қизиқ ҳангомалари эсимга тушиб кетди, холос. Ҳар хил одам бор экан-да ер юзида; яшайвераркан, ҳаммаси меники тўғри деб. Ҳай, майли, биродарларим, ҳаммамиз ўтиб кетамиз дунёдан!..

## Луқмон БЎРИХОН



### ЎТИРИК

Муюлишдан чиқиб келган оппоқ “Ласетти” қас-собхона биқинида жонсарак турган, олача чопон, кўк саллали, жиккак жусса қария ёнида тўхтади.

– Йўл бўлсин, отахон? – деб сўради олд ўриндиқда ўтирган хумкалла, қош-қабоғи солиқ, қоп-қора одам.

Қария серсавлат уловга ҳуркинкираб яқинлашди.

– Жалпоқтошга.

– Ўтиринг, Чалпактепагача етиб оласиз.

– Маъқул, улим, барака топинг, – деди қария машинанинг орқа эшигига қўл чўзаркан, – нариёғи яқин, бир амалларман.

– Тезроқ қимирланг, бува, – деб қўйди ҳайдовчи норизо оҳангда.

Орқа ўриндиққа ястаниб олган қуюқ сочлари ораста, силлиқ киши илқис сурилиб қарияга жой берган бўлди.

– Келинг, отагинам.

Қария жойлаша-жойлаша машинадаги ҳар уч киши ҳам кулранг “комуфляжка” кийимда эканлигини пайқади.

“Аскарларми дейман” – хаёлидан ўтди унинг.

– Ота, тортинманг, – деди орқа ўриндиқдаги ҳамроҳ узун-қисқа салом-алиқдан сўнг, – Чалпактепа-



гача, э-ҳе-е, яна қирқ километр, йўл нобоб, қулай жойлашиб ўтиринг.

– Раҳмат, улим, раҳмат.

Туман маркази, гавжум кўчалар, серҳашам уйлар ҳаш-паш дегунча ортда қолди. “Ласетти” дала-дашт йўлига чиқиб олди. Ўнгу сўлда экин майдонлари, ариқ-зовурлар, яккам-дуккам уйлар кўзга ташланади.

– Ҳалиги ерда нима қилиб тургандингиз, бува? – деб сўради ҳайдовчи пешойнадан қарияга кўз ташлаб.

– Улашнингма, Жобирнингма Дамаси кеп қолармикан деб кутиб тургандим. Шу иккови Жалпоқтошдан қатнайди-да.

– Марказга нега келгандингиз? Бозорга тушдингизми? – яна сўради ҳайдовчи.

– Э-э, бозор қаёқда, болам, – деб қария сийрак соқолини ўйчан силаб қўйди, – са-ал ташвиш билан ҳокимликка келгандим.

Унинг ёнидаги ҳамроҳ чолга ажабланиб кўз ташлади.

– Ҳокимликка дейсизми?

– Ҳа, ҳоким қабулига келгандим. Бизнинг Жалпоқтош тап-тақир дашт. Овулимизга, ҳечқурса, битта қудуқ керак. Қўни-қўшни мени илтимос билан жўнатишди. Ҳокимга учрашиб, арзимизни етказинг дейишди. Шуйтиб марказга келиб эдим.

– Ҳокимга учрашдингизми? – яна сўради ён ҳамроҳ.

– Ҳа, – ўйчан бош ирғади қария, – кирдим, кўрдим.

– Қандай одам экан ҳоким?

– Оппоқ, келишган, бўйинбоғли одам экан.

Ён ҳамроҳ пихиллаб кулиб юборди. Ҳайдовчи ҳам илжайган кўйи пешойнадан қараб қўйди.

– Эй, – деб пўнғилади хумкалла, – ғийбат қилишга ҳокимдан бошқа одам қуриб қолганми санларга.

Қария, булар сўзларимга ишонмади, деган хаёлда шоша-пиша айтганларини исботлашга киришди.

– Чин, яхши одам экан. Мени кулиб кутиб олди, чой қуйиб берди.

– Ҳатто, чой ҳам қуйиб бердимиз? – ён ҳамроҳ қарияга худди ҳайратлангандек тикилди.

– Ҳа. Бўсагагача кузатиб ҳам қўйди.

– Арзингизни тингладимиз?

– Ҳа, ҳал қилиб берамиз деб айтди.

– Сизни алдаб-сулдаб чиқариб юборган, – деди ён ҳамроҳ бош чайқаб. – У илтимосингизни бажармайди.

– Нега бажармайди? – ажабланиб унга тикилди қария, – ана, Президентимиз халққа қайиш, ёрдам бер деб ҳар куни айтиб турибди-ку. Пошшанинг ишонган вакили бўлгандан кейин бажаради-да.

– Сиз ҳоким Президентнинг ишонган вакили деб ўйлайсизми?

– Ҳа-да, ишонганидан унга амал берган-да. Биров бир нимани ишониб топширгандан кейин бажариш керак, эсам, лафзсизлик бўлади, улим. Бу катта гуноҳ.

– Демак, – яна завқ билан кулди ён ҳамроҳ, – сиз ҳам ҳамқишлоқларнинг ишончини қозониб, ишни дўндириб қайтпасиз-да.

Қария кафтлари билан юзини силаган бўлиб кўзини яширди.

– Ҳа, энди... қўлдан келганича...

Машина сап-сарик, тап-тақир дашт қўйнида уза-либ кетган, эгри-бугри, паст-баланд йўл бўйлаб оҳишта елиб борарди. Ур-калтақдан шишиб кетган бадандай қир-тепаликлар бирин-кетин ортда қола бошлади.

– Узр, улим, – деди ён ҳамроҳига юзланиб қария, – сизларга йўл бўлсин? Чўпонларнинг отарига борасизларма?

Ён ҳамроҳ узун бир ҳомуза тортиб олгач:

– Шўрсойда ишлаётган геологларни кўрганмисиз? – деди.

– Анови буровойчиларни айтяпсизми? Ер ковлагичларни? Ҳа, кўрганман.

– Мен ўшаларнинг бошлиғи бўламан. Ишга кетяпман.

Қария беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

– Сизни менга Худо етказди, улим. Худди сиз керак эдингиз менга?

– Ия, нега?! Тинчликми? – деди ён ҳамроҳ чинакамига ажабланиб.

Ҳайдовчи ҳам пешойнадан қизиқсиниб қараб қўйди.

– Ҳа, сиз керак эдингиз, – деди қария қувончдан кўзлари порлаб.

– Хизмат борми?

– Ҳа. Бизнинг қишлоққа қудуқ ковлатиб беринг, илтимос.

– Ия, гапингиз қизиқ бўлди-ю, ҳозиргина идорага кириб чиқдим, ҳоким муаммони ҳал қилиб беради деб айтдингиз-ку?!

Қария худди ичи оғриётгандай юзларини буриштирди.

– Туврасини айтайми сизга?

– Туврасини айтинг.

– Боя, – деди қария минг бир хижолат ичида, – салпал ўтирик сургандим.

– Ўтирик?! Ўтирик сургандим? Нима деганингиз бу?

– Ёлғон гапиргандим демоқчилар, – изоҳ берган бўлди ҳайдовчи.

Ён ҳамроҳ илжайди.

– Ҳа-а, шунақами ҳали... жа-а... қув кўринасиз-а, отахон.

– Шундай бўп қолди-да, улим. Гапнинг тувраси, ҳокимликнинг иморатини кўрган пайтим тиззам қалтираб кетди. Ахир бу ерда чакана одамлар ўтирмайди-да, туврама?

– Тувра.

– Шуйтиб, ана кейин... ўйладим, ҳоким давлатнинг одами, зарил-зарил ишлари кўп, биздайчакинлар билан шуғулланишга вақтиям, ҳафсаласи ҳам йўқ, майда-чуйда илтимос билан у кишининг бошини қотирмайлик деб... ана кейин... эшикнинг олдида туриб-туриб изимга қайтдим.

– Ия, ғалати-ю, отахон, ҳамқишлоқларнинг илтимоси нима бўлди, ҳали ўзингиз айтгандай, ишонч масаласи нима бўлди?

– Гапни охиригача эшитинг, улим... ана кейин... қишлоққа бориб, ҳокимга учрашдим, шанба куни кел, маблағ бераман, шу пулга қудуқ қаздириб оласизлар, деб айтди дейман.

– Нега айнан шанба куни? – сўради ён ҳамроҳ тобора қизиқиши ортиб.

– Ана кейин... шанба куни беш-олти қўй ҳайдаб бозорга тушаман, сотаман, пулини овулга олиб бораман, мана, ҳоким сўзида турди, маблағ бериб юборди, дейман, буровойчилар билан гаплашиб, шу пулга қудуқ қовлатамиз, деб маслаҳат соламан.

Пешойнадан қараб-қараб қўяётган ҳайдовчи таажжубланиб сўради:

– Ўзингизнинг ҳисобингиздан қудуқ қовлатмоқчимисиз?

– Ҳа, энди-и, улим, мол кетса, кетар, лекин одамларнинг ишончи ўлмасин, уйдан шу ишни бўйинга олиб чиққанман, ўртада лафз бор, харажат қиламан-да. Бошланишига шу пул етар, қолганига ҳам Худо пошшадир.

– Харажатни сиз қиласиз, югур-югур ҳам сизнинг бўйингизда, иззат-обрў ҳокимга экан-да, – деди ён ҳамроҳ қарияга синовчан кўз ташлаб.

– Ҳа, энди-и, – деб жилмайди қария, – у киши ҳам шу эл учун куйиб-пишиб юрибди, қайишганимиз маъқул-да.

– Сиз жа-а ғалати фикрлар экансиз, отахон.

– Улим, – қария яна ён ҳамроҳнинг қўлини кафтига олди, – илтимос, ёрдам беринг, харажатга тайёрман, айтганингизни бераман, юзимни ёруғ қилинг.

Ён ҳамроҳ яйраб кулди.

– Отахон, сизнинг юзингиз ҳамиша ёруғ. Сиз ўтирик сурганингиз йўқ. Сиз чиндан ҳам ҳокимга учрашдингиз, илтимосни етказдингиз.

– Йўғ-а, қайтиб?

– Ана, – ён ҳамроҳ олд ўриндиқда ўтириб, гўё дала-даштни кузатиб кетаётган хумкалла, қоп-қора кишига ишора қилди, – сиз айтган оппоқ, келишган ҳоким шу ерда...

Ҳайдовчи баралла кулиб юборди.

Ҳоким ҳам мийиғида илжайиб ортга ўгирилди.

– Нега куласанлар? Отахон ўтирик сурмайди, кўнгли оппоқ, нияти тоза одамлар булар, шунинг учун кўзларига ҳамма оппоқ, келишган кўринади.

Машина салони яна қаҳқаҳалардан ларзага келди.

– Эй, сен, майнавозчи, – деди ҳоким ҳайдовчига юзланиб, – тувра Жалпоқтошга ҳайда. Отахон ҳокимни ҳам, қудуқ ковловчини ҳам олдига солиб келганини ҳамма кўрсин.

– Хўп.

Оппоқ, келишган машина тап-тақир адирлар қўйнига оппоқ, келишган хаёлдай сингиб кетди.

## Баҳодир ҚОБУЛ



### ТАНОВАР

#### *1-дафтар*

Иссиқ-совуқнинг даммини, тўртта ёмғирнинг намини, бир парча булутнинг ғамини кўтаролмай, бўлар-бўлмасга ҳовлиқиб, ҳишмаланиб, оғзи кўпириб келадиган довдир сел Аймоқ қалъасида Македония подшоси Файлақуснинг ўғли Искандардан қолган манжаниқнинг бутини айириб қўйнига солгандаям, Чингизхон Сартюзи қўрғонига узунасига экиб кетган учи айри сихнайзаларни тун қоронғусида занг-панги билан кураклари орасига қарсиллатиб қадагандаям, Қутайба Новқа Ота чиннихонаси кўксини чил-чил қилиб, исқотига тортилган чироқ синиқларини сидириб, куппа-кундуз кўзларига қуйгандаям бунчалик хўрланмаганди...

Ойқору Шунқор тоғларининг қишин-ёзин қиличдай ялтираб турадиган қорларининг оёқ учларидан бошлаб ўрмалайдиган булоқлар жилғага, саноғига биров етмаган жилғалар сойларга, Каттасойу Жум-жумсойлар Санглоғу Кўкжарга бўй берадилар. Кўкжару Санглоқ Сангзорга дўнишини, шаҳар кўрган Сангзор ранги синиб, кучоқ етмас бели қилдай бўлиб, бир аҳволда Қили отини олишини, кейин Арнасой, Тузкон, Айдаркўл оралаб Сирдарёга, Сирдарёдан булутга

кўчишини, булут осмонларни айланиб-айланиб қор бўлишини, яна келиб Ойқору Шунқорга тўдаланиши, тоғларга сингиши, арчазорларни яйратиши, булоқ бўлиб кўз очиши, жилға бўлиб тил чиқариб чулдираши, Санглоқда тошлар билан қучоқлашиб қўшиқ айтиши, Кўжарда қизларга қўшилиб, бўрвакларига ёпишиб чопиши, Санзорга келиб этакларини йиғиштириб, эрта-индин келин бўладиган бўйсиралардек малоҳат билан юришини, азалий ҳаёти шундай кечгани, ўйин-кулги билан ўтганини туш кўргандай бўлади. Ёр Яйлоқ ўтакасини ёриб келган тулпорлар хилват қирғоқда лабига лаб босишини, не бир баҳодирлар юзларини ювиб, одам зотига айтмаган тушларини у билан сирлашганини ёдга олганда юраги ўйнаб, димоғи чоғ бўлади. Қучоғига қайноқ тўшини урган яланғоч-яйдоқ айғирларнинг елкасига осилиб, суйкаланиб, бўйниларидан эркаланиб ошганлари, ёлларини ялаб-юлқаб тушганларини қўмсайди. Бир вақтлар Бобуршоҳ бирров кўнган, ўша даврлар отдоши бўлган, ҳозирда “Сукунат кўрғони” атоғлиқ тепалик уғруғига уғруқ қароси кўринармикан, деганча кўз тикиб ўтади.

Юраги тўхтаб қолай-тўхтаб қолай деганда қулоғи остида эшитилган кишнов хаёлман деганни хаёлини қочиради. Кишнов эгаси кўмилдуруғи – кўкрагига тақилган зийнатидан тортиб ўстами – тўқаю эгар қошигача олтиндан, сувлуғу узангиси кумушдан, айили ипақдан, тўқими бир юрт баҳоли, юганига тўрт улус эл бош берган тўриқ юзини юзига босганидан кейин юлдузли осмон қутб юлдузи атрофида айланиши қонидасига сўзсиз буйсунгандай бошқа тулпорлар ҳам иссиқ нафасларини бегона қилмаганини эслар экан тилидан, кўнглидан Художон тушмайди. Яна шундай кунларга етказишини тилайди.

Ҳадди сиғмаса-да, ахён-ахёнда, йўли ўнг келиб Туркқишлоқ оралаган селова севишганлар яширин-

ган, пана топган, масти-мустағриқ ризқ терган, машо-йихлар булутдай, қароқчилар қуюндек ўтган, жаҳон-гирлар чонғи – от устида тезкор кенгаш чақирган, девоналар давра солган, парилар парда осган, лўлилар қапа тиккан, шаҳидлар чироқ ёққан, оёғи Каттасойда, боши Авлиё Отага етган Жаркўча шавкату савобини бўйнига мунчоқ қилганча, гарду гуноҳини ювиб Каттасойга солади. Каттасой Жаркўча оёғини ювганидан ўзида йўқ талтаяди. Хурсандлигини кўкси қалқиб ён-теваракка билдирган бўлади. Ўқотар ялангига, Ўртабаланд қирига, Дунётепага. Ёқалаган сариқтол, жийда, ёнғоқларга кўз-кўзлаган бўлади. Жийдалар шундоқ ҳам очилмаган кўзларини баттар юмиб, кўрмасликка оладилар. Сариқтол кўринганга сарғайганча елкаси қисилиб, ким нима деса оғзига қарайди. Ундан гап чиққандаям биров елкалаб, ўтин қилмаган. Кетмондастаям. Ушлови йўқ. Қадимий ёнғоқ яшинлар билан олишаверганидан, чақмоқ уравериб каллакланган, баҳайбат чандиқлари узоқдан кўриниб турадиган муштига иягини тираганча ҳаммасини кўрганлигини шамолга қўшилиб бошини хиёл ҳам қилганча билдирган бўлади.

Най нағмани тош билан ўйнаган тўлқинлардан, карнай доврўқ солмоқни шарраклардан, доира зарб сеҳрини томчилардан, танбур нола тортмакни доманага юзини ургандаги сасдан, ғижжак оҳ урмакни ҳансираган ҳарсанг тошларнинг ўзаро гурунғидан илиб олганини билмаганга олиб, кулиб-кулиб хотирлайди. Не бир ёвнинг йўлига пишқириб чиққанча ғов бўлган кунларни ўпкаси тўлиб тиниқ эслайди. Удамали бўйлаб Балхга етиб, қуюқ жийдазор оралаганда бирдан шўхлиги тутати. Ёш демай, ёши ўтган демай мажнунтоллар сочини тортқилаб, юлқилаб ўйнайди. Нуширавон, Кўчмаариқ, Мулкиушр ёқалаб ўйноқлай-



ди. Совуқбулоқ билан учрашганда сунбулалар йўлдан уради. Сунбул исига бурканиб, сунбулга қўшилиб сунбулланади. Бир исга, бир ҳисга чайқалиб эшилади. Ўтган-қайтганнинг хаёлини олади. Қилиғи ўзига ёқиб қолади. Кейин яна қўшиқ айтиб, ўйнаб-ўйнаб энади. Шамол энди бунақа шўхликлар ярашмаслигини, мавриди эмаслигини қир ташлаб билдирган бўларди.

Новқа Ота сувини ичганда ич-ичи бошқача бўлиб кетади. Ер қолиб, осмонда учишни илғаб олади. Хаёллари тезлашгани баробар, эсиям тиниқлашади. За-рафшон қаватига киргандан кейин Туятортар кучи билан дунёга сиғмайди. Бундай кучга тенг турган, икки кифтини танг тўлдириб суворий макон қилган, лашкарқўним бўлган кунларни эс-эс эслайди. Бир нарсасини йўқотиб қўйган-у, нимасини йўқотганини ўзиям билмайдиган бўйқиздек орқасига қараб-қараб келганча, Чолкўндига етганда ихтиёр-беихтиёр гапга кўнади. Сокин тортади. Шундай бўлиш кераклигини ўзиям сезади.

## **2-дафтар**

Эгасиз уйнинг эшигига дайди ит ҳам чот кўтарармиш...

Эга – эга, эга бўлмаса, нега?

Устма-уст бўлаётган талотўп, ур-йиқит, ушла-ушла, қува-кув, қама-қамалардан юрак олдирилиб, кўрадан қочирилган, қочган, улоққан, беэга ҳайдов қўйлар кўзпана сойлар, арнаю ўнгирлар, шамол етмас камарларда битта-иккита бўлиб йиғилдилар.

Ҳаворда қолганларга эгаси ўлгандай тўқими осилиб, нўхтаси узилиб, айили судралган, афтидан эскидан чўпон эшаги ва эшак етовидаги озиб-тўзиб кетган ит келиб қўшилди. Жонлиқлар эшакни қора тортдилар. Ҳайдов бўлганлар чўпон-чўлиқли сурувдек кўринди...

Қасд кун экан, ой оғиш оқшомида жондор дориди. Дўлталар давра олишди. Қашқирлар тўдани тўрт тарафдан ўраб келди. Бир бошига кўш қашқир келган жонлиқнинг кунига тўзим берсин. Жондорлар аввалига жонлиқларни ҳуркитиб, қувалаб ўйнади. Кейин базм бошланди. Энасининг ортидан зориллаб эргашган кўзининг йўлидан бир эмас, икки бўри чиқди. Бошқаси довдираб, йўлини йўқотиб, оёқ остида ўрмалашган тусоқ човини шарт узиб шеригининг олдида ташлади. Кучини қаерга кўйишини билмаганлар сутдан ажраб, кўкнинг таъмини билиб, диркиллаб қолган тўхлиларни эрмакка ёнбошига олиб ўтакасини ёрди. Кўпни кўрганлар кўзларга кўз қадаб жон суғурди. Оз бўлса-да, ҳидини олганлар дағ-дағ қалтираётган жонлиқларни панжалари остида ушлаб, кўрқувдан юраги ёрилишини баҳузур томоша қилдилар. Қон тўлиб ёрилган юрак ширин бўлармиш.

Кўрққанидан вовуллашнинг унутган, қоча-қочнинг ваҳимасида кўйларнинг ўртасига кириб, ўмгагини ердан кўтаролмай қолган итни бўрилар аввалига ё тош, ё кесак деб ўйлашди. Итлигини билиб ёппасига ташланишди. Жон чиқар титроғида кўзлари жовдираб, аввалига ялтоқланиб, жон умидида ғингшиши-ю, лаҳзада бўлари бўлганлигини англаб, итлиги кўзиб, эсига туши кечиккан бириллаши бўғзидан аримай ичаклари талош бўлди.

Қашқир шовурини сезган эчки борки, турган жойида тўрт оёқда сакрашга тушади. Бу қилиқ жондорларга аввалига бироз қизиқ туюлса-да, қизиқнинг қизиғи қон оқизиш, қонли лаб-лунжларни тилни бир қариб чиқариб, тамшаниб-тамшаниб ялаш эканлигини унутмадилар. Серсоқоллар зўр келганда жонҳолатда бақирилса-да, товуш чиқмаслигини шунда ё билдилар, ё билмадилар.

Эшак зоти борки, бўрини кўрса, бўри мени кўрма-син, деб қулоқларини тушириб, кўзларини беркитади. Қош-кўздан тўдабоши, дўлтабўрилиги билиниб тургани кўзини беркитиб турган жонворга яқинлашди. Бошқалар иш ўргамчи шогирддек қараб турдилар. Дўлта хотиржам, каштасини келтириб аввал бўйнини, кейин навбатма-навбат орқа оёқларини керди. Арзимас хас-хус, чанг-чунг илашгандай силтаб-силтаб қоққан бўлди. Ов бунақа бўлади, дегандай совуқ бо-сиқлик билан бир ҳамлада жонлиқнинг кекирдагига тиш босди. Ақлни қулоқдан олган бошнинг оғир дам-сар уриб хўрсинишини ҳеч ким эшитмади. Чиройли ва қоп-қора кўзлардан оқаётган эгасизлик ёшларининг сўнгги бор йилтиллашидек кўргуликдан бўзарганча авзойи бузуқ келган Жавзо оғи ўзига тинч, элга но-тинч бўлиб беланчак осди.

### **3-дафтар**

Икки бошли калхат сурати туширилган хос вагон-ни етаклаган паровоз бир нарсадан қуруқ қолгандек ҳансираб, Самарқанддан саҳар мардонлаб ҳаллосла-ганча Жиззах сари йўлга чиқди. Атрофни аччиқ-сас-сиқ ҳид босди. Хайрлашаётган кўкламнинг намтоб ҳавосига ўралашган қора тутун ичра поезд юрар йў-лини тусмоллаб борарди. Яна сон текканидан ўзида йўқ хурсанд, истеъфодаги полковник, суд ҳайъати раиси Александр Николаевич Соколов вагон-ресто-ранда. Игна ютган итдай ориқ поручик-прокурор ва ҳуқуқ илмидан беҳабар юзлаб аскарлар орасидан тан-лаб олинган тўрт нафар зобит – ҳайъат аъзолари ра-иснинг қош-қовоғига қарайдилар. Ҳайъат базми жам-шид устида. Қурдагилар Жиззахга юборилган. Шаҳар-ни тозалаш буюрилган.

Анчадан буён ишсиз юрган, қозонга қоровуллик қилиб қолган полковник яна қўл остига одам берган-

ликлари, униям эсга олиб қолганликларини шу вақт-гача сездирмай келган бўлса-да, ичига икки томчи киргач жиловини бўш қўйди. Қўлидан ҳали кўп иш келишини, келгандаям катта ва довруқли ишлар келишини унутмаганликларини ҳар бир аъзога қайта-қайта уқтирди. Ҳазрати Олийларига таҳсинлар ўқиди.

Ҳар бир станцияга бу ер энди кимга тегишли эканлигини билдирувчи қашқа отлар қўйилган. Ер бетидан қадим отлар сургун қилинган.

Большая Михайловка станциясида сувхонасини сувга тўлдириб ҳаяллаган поезд яна йўлга тушди. Милютинскийда ўтинхонасига ўтин ғамлайди.

– Мени шахсан суд ҳайъатига бошчилик этиш учун таклиф қилдилар, – деди худди бошқалар буни билмайдигандек. – Судда бу итларни чивиндек эзиб ташлайман. Жиззахнинг ҳар бир дарахтига буларнинг ҳаром жасадини осиб қўяман...

Полковник шундай деганча, елкасида зўрға илиниб турган, беўхшов қизариб кетган бошини аранг кўтариб, рестораннынг у бошидан бу бошига қараган, кўзи ўтмаса-да, қора-қуроларни тусмоллаб тикилган бўлди. Ўрнидан турганди, тиззалари илкисдан букилди. Кўзойнаги отилди. Тик турганча, ичмоқчи бўлганини оғзига олиб боролмай, ёнбошга ағанади. Шунда поручик жонига ора тушди. Суяб қолди. Прокурор бош бўлди. Аъзолар раисни кўтарганча хос вагонга олиб жўнадилар.

Куропаткино разъездидан шитоб билан ўтган поезд Ломакино станцияси томон елдек учиб борар, Қароқчитоғ ортда қолган, Ғўбдин этаклари босиб ўтилаётган, ҳадемай Милютинск станцияси қўнғироғи овози эшитилади. Поезднинг тўсатдан тўхтаётганлигини билдирган, боласини йўқотган аёлдай чинқирғи ва вагонларнинг орқама-кетин бир-бирларига қарсиллаб урилиши йўловчиларнинг ҳушини учирди.

Темир изнинг адир тирсагидаги бурилиш ортида, йўл устидаги кўзга қадалган талотўп поезд ҳайдовчисию бошлиғиниям шошириб, гангитиб қўйган, шундан шошилинч дастакларини босишган, йўл сон-саноксиз жутга тўлган, узоқдан худди бир қишлоқ одамни қатор қилиб, текис отиб ташлагандек тасаввур уйғотарди. Унинг наздида Оқпошшо аскарларини кўзғолончилар йўлга олиб чиқиб ўлдиргандек туюлган, кўзғолон иштирокчиларини суд қилувчи ҳайъатнинг шу поездда бораётганидан хабар топганлар интиқом учун поездни тўхтатмоқда эдилар. Яна Жиззах кўзғолони олдидан эгасиз авом темир йўллар бузилса, аскар келолмайди, деганча Тошкентдан келадиган Кауфман йўналишидаги Урсатовск ва Обручево станциялари изини бузганлари ёдига тушганди.

Поезд тўхтагач, бир муддат ҳеч ким тушмади. Деразаю туйнуклардан ҳарбий ҳийла ишлатилган, деган фикрда обдан кузатилди. Тирик жон қимирлагани сезилмагач, қўриқчи аскарлар ҳарбий интизом билан икки-иккитадан тушишди. Милтиқларини дуч келган томонга нуқиб-нуқиб душман қидиришди. Топилмади. Кейин сўкиниб-сўкиниб, жутларни судраб четга олишди. Поручик қўриқчи аскарлардан хушёрликни оширишни, “туземец”лардан ҳар нарсани кутиш мумкинлигини бир қўлида тўппонча кўтарганча поезд зинасида туриб, ярим танасини чиқарганча бот-бот такрорларди.

#### **4-дафтар**

Ҳийиннинг зўри ё бозорда, ё мозорда бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Катта, зўр ҳийинларнинг сопи ҳамиша ўздан чиқарилган. Ҳали Жиззах Ўрдасида қирғин бўлмасдан олдин, Ўрданинг шундоқ биқинидаги бозорнинг икки қоровули “Отасидан қолган мулк”ни бўлиша олмай жанжаллашганди. Бозорнинг

кирди-чиқдидан топадиган бир парча қаттиқ нон кўп кўринди. Худо урган шундай ношукурлик кунларнинг бирида ур калтак, сур калтак бошланди. Қоровуллар жанжал нимадан бошланганиниям, нимага Ўрда ўт ичида қолганиниям билишмади. Бозорда кунда ўн уриш, юз жанжал. Шулардан бири бўлса керак, дейишганди. Кейин билишдики, Ўрдадаги жанг катта жанглардан. Бозор кўрганлар бундай кунларда бировни ўйламайдилар. Бошни бирор панага тикқан маъкул. Сассиқ бўлсаям. Тирик қолса бўлди. Бошқанинг кўзи оқиб тушсаям киприги қилт этмайдиган бозор кўрган қоровуллар жангга ўзларича аралашдилар. Тўғрироғи, бирови олдинроқ ҳаракат қилди. Пайтдан фойдаланди. Занг босган ва тўппончалиги қолмаган темирни адоватдаги қоровулнинг ҳовличасига кўмди. Фалончиям кўзғолонга аралашган, қатнашган, ҳовлисининг пистон жойида тўппончаси бор, деб маъмурларга чақув етказган. Солдатлар келган, кўрсатилган жойни ковлашган, тўппончани топишган. Кўшиб ҳовлининг эгасиниям олиб кетишган.

Шаҳарга адоғсиз дабдабаю асъаса билан кириб келган суд ҳайъати бошламасига шу ишни кўриши, кўзини пишитиши, дийдани қотириши, Оқ пошшо одамларининг гапини икки қиладиганларнинг кўзини мошдай очиб қўйиши керак эди. Ҳайъат кўрадиган ишларнинг айбдорлари кўча, раста, бозорлардан тутиб келинган, оддий тирикчилик кўйида кўймаланиб юрган кишилар бўлиб, чақувга учраб охранка агентларига пора беролмай қамалган, баъзи бир бойлар ҳукуматга садоқатларини кўрсатиш учун ушлаб берилган камбағаллар, бемаврид бу масканда макон топганлар эди.

“Ўта муҳим жиноятчи”ни солдатлар қуршовида олиб кирдилар. Оқловчининг қорасиям кўринмади. Суд бошланди. Тўқиллатиб стол устига қўйилган бир энлик занг босган темирнинг тўппонча эканлиги-

ни фақат уни кўтариб юрганларгина илғашди. Сўров бошланди.

– Тўппонча сеникими?

Собиқ қоровул тўппонча деган нарсани иккинчи бор яқиндан кўраётганидан кўрқиб кетди. Бир марта уйдан ушлаб кетишаётганда қўлига бериб қўйишганди. Қўни-қўшни ўртасидан қўл боғлиқ, бўйинда тўппонча билан солдатлар олдига тушганди ўшанда. Солдатларнинг биқинидаги тўппончаларга қарашга юрак бўлмаган. Ранг дам оқарди, дам кўкарди.

– Тўппонча меники эмас.

– Бу душманлик ва тухматдан бошқа нарса эмас, – ўшқирди прокурор.

Банди яна нимадир демоқчи бўлганди, тақиқлашди. Бўғзига келган сўз ҳолини ўзгартириб, бўғилганидан ёш бўлиб тирқиради. Аъзойи баданини қуюқ қора тер босди. Кейин тўппончани ундоғига-бундоғига айлантириб кўришди. Бир зобитни чақириб, унинг ишлаш-ишламаслигини текшириб кўришни буюрдилар. Зобит шошиб қолди. Тўппончанинг ишламаслигига ақли етмайдиганлар қандай суд ўтказаетганига ҳайрон бўлиб раисга қараганди, захриолуд башарага, заҳар чакиллаб томиб турган, топшириқни бажариш ҳирси уфуриб турган турққа дуч келиб, ҳайрон хаёлиям эхонасидан чиқиб кетди. Орадан бир соатдан ортиқ вақт ўтди. Ҳайъат бетоқатланди. Яна бир зобитни гап нимадалигини билишга жўнатдилар. Сукунат.

Тўппончанинг овози чиқмаётганлигидан бандининг бетига қон югургандек бўлди. Тетикланди. Қани энди шу ҳолатда бўлсаям умрини ўтказаверса. Шунда, шунда бирдан осмону ерни ларзага солиб ўқ овози эшитилди. Назарида, худди тўп оғзига уни боғлаб отишгандек ҳуши қолмади. Ташқарида, қаердадир, қандайдир қуролдан отилган дайди ўқ бехато келиб шакар томирига урилгандек, тик бўйи йиқилди.

Ҳайъат аъзолари масала ҳал, дегандек, бир-бирларига ройиш бериб қарадилар. Раис икки соатдан буён ниманингдир расмини солиб ўтирган, китоб деса китобга, супра деса супрага ўхшамайдиган бесўнақай икки бетли жилдни бир-бирига қарсиллатиб уриб, стол устидаги кумуш қўнғироқчани каштасини келтириб чалганча, суд якунланганини билдирди.

Стол устига жилднинг остига солинган икки бошли калхат эга чиқди.

### **5-дафтар**

Поездлар қоп-қора дудга ботиб, эрмакка совуқ шамол қувиб келади.

Граф Лев Николаевич Толстой: “Ғарбликлар бошқаларни ўлдирмоқ ва ўзларини ҳалок қилмоқ учун Шарққа қараб йўл олдилар. Сабаблар бир-бирига мос келиш қонунига кўра”, – деб ёзганда давр бир бўлса-да, макон бошқа эди. Бир даврнинг бўлак маконида сафар йўналиши ўзгача бўлди. Шимолликлар Жанубга қараб йўл олдилар.

Аввалига чучмал ҳаракат бўлиб туюлган, искабтопар олимлар ёрдамида ўлжанинг чўғи аниқланиб, сўлакни келтирадиган иштаҳа йўли очилиб, уруш ўчоғига ўтин қаланган, кейинги очиқ босқин яраларига пўстин кийдириш учун келтирилган пойинтар, бачкана сабаблар бир-бирига тўғри келмаса-да, келгандек кўринганини иташгани учунгина оқиям-сарифиям ўйлаб кўришни ўзига эп кўрмасди: Николайнинг тупроғи тилла Туркистон заминига ишқивозлиги ва бу ишқивозликнинг, биринчи навбатда, тийиқсиз генераллар, тажовузкор зобитлар, оч аскарларнинг кайфиятига мос келиши; ҳам Ғарб, ҳам Шарқ урушларида шарманда бўлган Россия армиясининг қуролисиз аҳолини эзишга ва айни вақтда бароқ кўппакдан кўрқар, суманги санқини қувар қудратини намойиш



этишга бўлган чегара билмас завқи; ақли танг қотиб, қиличи занг босган тор кўнгилли бекларнинг зарни кўрганда кўзини зарнигор касали бутунлай қоплашининг мутлоқ аниқлиги; тўрт овора бир бутундан кўра яримта-юримта бўлсаям азони бетаҳорат чақирилган номи айтилиб туришни ишташдек ҳаром хаёллар оғушининг устун келиши; қандайдир оломоннинг бундай саховатли ерларда яшашликка аллақачон ҳуқуқи бекор қилинганлигини гўллигига бориб англамаётганликларини англатиш ҳирси; серсув, унумдор ерларда мужиклар эгалик қилишларига шахсан Олий ҳазратнинг ўзи фатво берганлиги; шунинг учун, айттайлик, Жиззахдек геосиёсий, барча йўллар учрашадиган, қуруқ чўп ҳам гуллаб тилла туғадиган ерда, яна шаҳарда қанақадир сартлар – ўзбекларнинг яшашлари тўғри эмаслигини тушунмаётганликлари; қирғинга дин эмас, зулм ва зўравонлик сабаб бўлганлигини англашни истамаслик; ёмонўйликнинг сиёсатга айланганлиги; ҳукм юритишда мантиқнинг айният қонуни бузилган тимсоҳ софизми кундан-кунга саноксиз тишини қайраб, қон тепган кекирдагини кўрсатаётгани ва бу бузуқиликнинг тарафдорлари зўравонлар, амалдагилар эканлиги; малака ҳосил бўлиш эгри чизиқлари тўғридан-тўғри найзаларга, қиличларга айланганлиги; эгоизмнинг эгоцентризмга аллақачон ем бўлганлиги; уят ва ҳаёсизлик ҳиссидан маҳрумликнинг ҳукумат деб аталиши; яхлит рефлектор ҳаракатлар системасидаги қисмларнинг ўз ишини бирин-кетин бажаришдан иборат функционал қонуниятнинг бузилиши; ҳис-туйғулар уйғотувчи манбаларнинг тубанлашганлиги; босиб олмишларнинг босиб олинмишлардан савод ва одоб даражасининг пастлиги сезилганлиги ва бунақа савод анчадан буён савод саналмаслигини англамаётганликлари; Андижон қўзғалонида Британия, Жиззах қўзғалишида Туркиянинг

қўли бор, деб айюҳаннос солиниши ва охир-оқибатда бу гап-сўзларнинг пилта милтиқ сассиғидек жийғи чиққанлиги; баҳамжиҳат бўлиб, тинч-тотув яшашни хуш кўрадиган Туркистон аҳлини ўзини-ўзи ейдиган олаканалар маконига айлантириш истаги; ҳақиқатни билиш санъатининг мантиқий усуллар ва методик қоидалар системасининг худбинлик, ўзим бўларлик манфаатларига бўйсундирилиши каби миллион-миллионлаб сабаблари бор эди.

Шимолдан оч мужикларни, сури сургунга йўлиққан тўғрисўз илмиларни қамаганча елкалаб келган поездлар ҳайҳотдек вагонларни тиллаю тиллодан зиёд китобларга... юкка тўлдириб зўриққанча, ҳавони булғаганча келган ерига қайтади...

### **6-дафтар**

Раис қачондир, нимадандир, жуда қаттиқ кўрқиб, юзи шу ҳолатда қотиб қолганлиги, киприк қоқмаслиги, мудом бақрайиб туриши, томоқ қиришидан заҳар томиши билан ном чиқарган эди. Прокурор саводсизлигини эғнидаги ҳашамдор формаси бекитиб туради, деб ўйлайдиганлардан бўлиб, зобитларни нақшинкор хумларга ўхшатганлар хато қилмасди.

Сўроқ пайтида раис бандилардан бир-икки оғиз гап сўраган бўлиб, бошини аввал ўнг томонга, кейин чап томонга буриб, навбатни ҳайъат аъзоларига ҳавола этар, бироқ уларда ҳам гапириш истаги топилмасди. Аниғи, уларга гапириш ҳуқуқи берилмаганди. Рўйхатга белги, чизиқ чизиш билан овора эдилар. Прокурор ва ҳимоячининг гапларидан сўнг қўлларидаги қалам билан бандига ўтир ишорасини қилишар, сўроқ навбати бошқасига келарди. Шу зайилда бир кунда режага асосан юз одамнинг ишини кўриш вазифаси зиммаларига юкланганди. Саккиз соатдан юз одам иши.

8x60=480 минут. 480:100=4.8 м/секунд.

Ҳар бир одамга сал кам 5 минут. Айбдор аталмиш-ни суд залига олиб кириш ва олиб чиқиш, шахсини аниқлаш ва айблов хулосасини ўқиб бериш билан бирга, албатта. Савол-сўровнинг қаттиғи саводсизда бўлади. Гўштга етган итдай навбат прокурорга тегиши билан кўзойнаги ва сап-сарик қоши оралатиб аввал рўйхатга, кейин бандига бошдан-оёқ тикбўйин қараб, қурбақани авраётган илондек бўйнини беўхшов чўзиб-чўзиб, аввал ўнг бош бармоғини чап енгига, кейин чап бош бармоғини ўнг енгига тикиб, худди билакларига тегиб кетган енгларини ажратгандек ўйнашдан бўлган киборлар қилиғини қилиб, кўнгилни айнитар даражада қўсқи-қўлансиқ-палағда товуш билан ишини бошларди. Одатда, банди прокурорнинг саволига тушунмас, қайта сўрашга журъат қилолмас, қайта сўраш мумкинлигини ўйлаб кўрмаган ҳам ёки жавоб берса-да, прокурорнинг найранг тўрига ўз ихтиёри билан бўлмаса-да, қатъиятсизлиги, гўлу овсарлиги ортидан илиниб қолардики, гапираётган гапи ўзига зарар келтираётганлигини фаҳмламасди. У энди қаердан билсинки, бир “гап” учун наинки бир уй ё ўн уй, балки минглаб уйлар куйиб кетса, хонумонлар тутаса, нафақат бир шаҳар, балки бутун бошли бир мамлакат хароб бўлса...

Аммо таржимон прокурорнинг айёрлигини пайкаб қолиб, саволларга шарҳ бериб, авом тушунадиган тилга ўгира бошлайди. Шу тариқа уч-тўрт банди прокурор чангалидан қутилишга эришди.

Прокурор билди. Энди таржимоннинг кўзига қаттиқ тикилиб, саволларини дона-дона қилиб талаффуз қилар, лекин таржимон диққат қаратмас, ишига собит турарди...

Прокурор кўрдики, ов бароридан келмаяпти. Таржимонга ташланди.

– Сиз, Мирзо Абдухолиқзода, менимча, саволларимни нотўғри таржима қиляпсиз. Бир оғиз гапимни дoston қилиб етказишнинг нима зарури бор. Гапимга гап қўшмай, айнан таржима қилишингизни талаб қиламан!

– Прокурор жаноблари. Сиз адабий тилда гапиряпсиз, агар мен гапингизни айнан ва сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсам, қишлоқ одами сизга нима деб жавоб беради? Жавоб берган тақдирда ҳам саволга мувофиқ келмайди, англашилмовчилик юзага келади. Агар саволингизни очиқроқ, аниқроқ баён қилсангиз, менинг шарҳ бериб ўтиришимга ҳожат қолмасди.

– Бу ёғи сизнинг ишингиз эмас! Вазифангиз айнан таржима қилиш, тушундингизми? Сиз менга йўл кўрсатманг! Мен ўз ишимни яхши биламан.

– Кечирасиз, жаноб прокурор, менинг вазифам саволингизни бандига тушунтириб бериш, токи у саволга тушуниб жавоб берсин, зеро, бу ерда инсоннинг тақдири, ҳаёт-мамоти ҳақида гап кетяпти.

– Такрор айтаман, саволимга илова қилманг, мен нима десам, айнан таржима қилинг, сизни бу ерга таржима қилиш учун олиб келганлар, адвокатлик учун эмас, – деганча қаҳр билан столга мушт солди.

Ҳайъат, бандию соқчилар, текинидан қуруқ қолгандек йиғилган томошабинлар бир чўчиб тушди.

Таржимон суд раисига мурожаат этди:

– Раис жаноблари, мени ҳарбий суд мажлиси таржимонлигидан озод қилишингизни сўрайман. Мен прокурор талабини бажара олмайман ва виждоним олдида гуноҳкор бўлишни истамайман.

Суд танаффус эълон қилади. Кейин маслаҳатхонасига прокурорни чорлади.

– Александр Николаевич, таржимоннинг хатти-ҳаракати жонимга тегди.

– Бу ерда ҳиссиётга берилмаслик керак, азизим Василий Петрович. Маълумотингиз, шарманда унво-нингиз вазифангизга тўғри келмаслиги важдан Тошкентда озмунча одам билан сану манга бориб сизни сўрамаганмидим. Мана, кўриб турибмиз, тажрибангиз ҳам ҳаминқадар...

– Александр Николаевич, ўзингиз биласиз, бунча одамни айбдор деб топиш учун начальник охр-канинг бир протоколи камлик қилади. Биргина гувоҳимиз бор. Лекин унинг “танайман” дейиши ҳам асоссизга ўхшайпти. Шунинг учун мен юристча гаплар билан уларнинг бошини гангитиб, ўз тилидан ил-тирмоқчи бўляпман. Таржимон эса ишимга халал беряпти, агар у халақит бермаганда қанчасини тумшуғидан илтирардим. Бунинг ўрнига русчани яхши гапира олмайдиган чаласавод таржимон топганимиз-да яхши бўларди.

– Василий Петрович, жуда соддасиз-да, нима, Тошкент қароридан хабарингиз йўқми? “Бу итларнинг ҳеч бирига омонлик йўқ”, деган гапни эшитмаганмисиз?

– Қандай хабарим бўлмасин. Юристлик маҳоратингни ишга сол, деган эдингиз, шунга амал қилиб...

– Яхши, тайинлаганимдек, чалкаш саволлар билан чалғитинг, гапга олинг. Прокурор деган номингиз бор. Русчани тушунмайдиган маҳаллийларга эътибор қаратмайман. Сиз ҳам шундоқ қилинг, бироқ русчани биладиган адвокатлар ва томошабинлар чатоқ. Улар қанақа одамлигини билиб бўлмайди, демакки, ишониб ҳам. Мабодо масала қандай ҳал бўлаётганининг исини олсалар ҳукумат шаънига бўлмағур овозалар тарқатадилар. Албатта, ҳукумат бундайлардан кўрқмайди, лекин ҳарбий судимизнинг нозик жиҳатлари бор. Тушунгандирсиз? Қанчалик оғир бўлмасин, ҳозир чиқиб, таржимондан кечирим сўрайсиз. Бу шахсий иш эмас, умум иши. Улуғ Россияга, Ҳазрати олийларига

фойда келтириш учун шахсийнинг баҳридан ўтиш керак. Шу ишингиз билан очилган пардани ёпган бўласиз, – деди дўлтабўридай ёвуз босиқлик билан. Кейин қўшиб қўйди. – Бу ерни ҳозирча Туркистон дейдилар. Асосий мақсад Туркистон деган сўздан қўрқитиш, бездириш, тондириш. Ҳатто бу ҳақда ўйлашдан қўрқишга эришишимиз керак. Топшириқ шундай. Тушлик 1.00 да бошланади. 2.00 да ҳамма суд залида бўлсин. Тартиб қанақа бўлишини буларга ўргатиш керак. Вақтимиз қисқа. Ҳамма ишга.

### **7-дафтар**

Юлдузлар, минглаб юлдузлар тартиб билан Ғарбдан Шарққа айланади. Ер шари миллионлаб жондору жонлиқлар бошини елкалаб, ўз ўқи атрофида Шарқдан Ғарбга томон ўгрилади. Бир танасига бир бош берилган одам қаёққа юришини билмай, кўринганга қўшилишиб жўнайди.

Аввалига йигирма мингдан зиёд эркак зотини сўроқ-сўровсиз ўққа дучор қилган, кейин ўқ ҳам ҳайф деб ҳисобланиб, совун суртилган дорларга тортилган шаҳар ва шаҳар атрофи бўри талаган қўрадек ҳувиллаб қолди. Кундуз куни қидириб, қари чол ва норасида гўдаклардан ўзга эркак зоти топилмас бўлди. Қочгандан қирилган кўп бўлди. Эгасиз экинзорлар одам бўйи ғалласини кўтаролмай ер билан битта бўлиб ётар, ишлашга қурби етганларнинг илингани ўлдирилган, қочолгани бедарак, ушлангани турмада, суд бўлгани Сибир, “омади чопгани” мардикорликка олиниб, учи-қуйруғи йўқ ўрмонзорларнинг гадой топмас, борса келмас хилватларига жўнатилган эди. Шаҳарни ушланган жойидан вагонларга урилган дайди-дуйди, оч-яланғоч, соч-соқоли битлаб, изма-из етиб келаётган мужикларга бўшатиш лозим.

Жиззах шаҳри, Боғдон ва Сангзор вулусларида қариялару ёши қайтганлар, аёллару болалардан бўлак кўзғалонда иштирок этганлигини гумон қилиш мумкин бўлган ҳеч бир зот қолмади. Эгасизларга кўзғалон иштирокчиларини зудлик билан тутиб беришлари ҳақида буйруқ берилди. Мабодо уч кунда буйруқ бажарилмайдиган бўлса, аҳоли уй-жойидан мосуво бўлиб, чўлу биёбонга бадарға этилиши олдиндан тузилган режага асосан маълум қилинди.

1916 йил 7 август. Соат ўн икки. Фармон ўқиб берилди. Унга кўра эгасиз эл биёбонга сургун қилинган. Кун қизигандан қизиган. Саллотлар ва отлиқ казаклар қиличу найзаларини яланғочлаб, милтиқларини ўқталиб, нотапонларни тўрт томонга ҳайдаб шаҳар четидаги дала – Учтепага тўпладилар. Оч саллотлар аҳолининг охириги бурда нонини қўлидан юлқиб, шу жойнинг ўзида кавш қайтарар, бир бурда қотган нони бор одам гуноҳкор саналган кун эди.

Эгасидан ихлоси қайтган итдек бўйни эгилган ҳардамхаёл улус отлиқлар олдиға тушди. Номигагина кўйлак-иштон вазифасини бажарадиган латта-путтага ёпинганлар гирёну нолон даштга қараб судралди. Учтепа ортидан бошлангучи Бадбахтдалага юзланган гўдаклар, аёллар ва кексаларнинг оху воҳи оламини бузди. Ташналик азобидан лаблари гезариб судралаётган минглаб қари-қартанг, аёлу гўдакларни осмондан офтоб, ерда тош куйдиради. Олдинда гиёҳ ҳам унмайдиган, ўз оти ўзи билан Бадбахтдала. Орқада милтиқ ва қилич ўйнатган саллоту отлиқ. Бир бошга қўшотлиқ мирзо тиғ кўтарган. Мадорсиз, йиқилганни қўндоқ ва тепкининг зўри ўзига келтириб қўяр, отлигининг оғзидан “собаки” тушмас, соллоти “сукина дети” деганча бет-кўзинг демасди.

Асад ойи димиққанча ярми сенга, ярми менга дегандек қиличини тик кўтариб чиқди.

### **8-дафтар**

Поездлар жанубдан шимолга сургун этилганларни, шимолдан жанубга янги ер эгаларини пешма-пеш ташийди. Шимолга кетаётган вагонлардан чаккиллаб қон, заҳардек ялтираб зардоб томади. Зардоблар темир изларни тешиб юборгудек бўлади. Поездларнинг қилиғи шамолга ёқмайди. Уни таг-туғи билан азот кўтариб ургиси, айниқса энг бошида келаётган, қора тутуни билан дунёни булғаётган қозонқоринни ёмон кўради. Ичи дардга тўлиб кетади. Дарди чанг-тўзон бўлиб осмонга ўрлайди. Тентираб тўрт томонга чопади. Дардларини дарё тушунади. Дарёнинг дарди шамолникидан зиёд эканлигини сарғайган икки бети – доманаси билдиради. Дарё дарё бўлиб бунчалик хўрланмаганди. Хушини эсхонасидан чиқарган нарса Каттатоғнинг қадим арчаларининг ғорат этилиши, Ўсмаёт Ота, Новқа Ота, Боғмозор Ота мазоротлари устигача ястаниб келган арчазорнинг бир бошидан кесилиб юзига отилиши эди.

Неча бир босқинда арчалар элни асраганди. Пана бўлганди. Бир туп тизза бўйи арчани биров кесолмасди. Бир арчада қирқ йигитнинг ризқи бўлади, деганча эл арчани асрар, арча тоғни безар, шодликлар булоқ бўлиб, қўшиғи дарёга оқарди. Каттатоғнинг бир шохидан энган сувга Самарқанду Бухоро, бир шохига кунчиқиш бетдагилар тирикчилиги қараб қолган. Поездман дегани шақилдоқ илондек билтанглаб келди-ю, ҳамманинг ранги ўчди. “Эга, эга бўлмаса нега”, деган гаплар шу вақтларники дейишади. Дарё ўз онаси, ўз болаларини оқизиб кетаётганидан, қутқара олмайганидан, қутқаришга кучи етмаслигидан қирғоқларга бош уриб югуради. Дард оғир, кўргулик зил келади. Балалиғ босинқиратади. Аламини кимдан олишга, ҳасратини кимга айтишга ақли етмай қўлига илинганни олиб чопади. Қирғоқлар этагини тош-



га тўлдириб ортидан эргашади. Минг йиллар олдин икки тоғни муросага келтириб, орадан йўл очганига пушаймон бўлай дейди-ю, шаштидан қайтади. Шамол бир дарё бетида, бир қирғоқларда ялангоёқ изиллайди. Кўз кўрган еридан ажраган, камига етти бўлакка нимталанган, йўрғақдек ғўлаланган арчанинг дарди бу дунёга сиғмайди. Ғўлалар сув юзида, пўртаналарда айланишар экан, бир-бирига бош қўйишиб, гоҳ гирдобда, сув ўрада уймаланиб қолишади, гоҳ шарракларда юракларини ҳовучлаб, кўзларини чирт юмиб олишади. Ҳали дарёдан чангақда томоғидан тортиб чиқарилиб, сергитиб, қуритилиб, поездларнинг ўчоғига ўтин бўларлариям бор. Ўшанда уларнинг оҳини биров эшитмайди. Эшитган тушунмайди. Тушунган тескари қарайди.

Зорланган Сангзор бўлади. Зорлангандан Сангзор зорланади.

Шундай кунларнинг бирида темир йўлнинг икки чеккасини, сассиқ шпаллар орасини ёриб қизғалдоқлар бош чиқаради. Бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаган қизғалдоқлар. Худди вагонлардан чакиллаб томган қонларнинг изсиз йўқолиб кетмаганлигини таъкидлагандек, қад ростлайдилар. Шаҳидлар чироғидек, йўқ, бошидек қип-қизил бўлади. Шамол уларни танийди. Кела-сола юзларини силайди. Сувсаб қолган бўлса керак, деб шошганча булутни қувиб, олдига солиб келади. Қизғалдоқзор тўйинган бўлади. Тоғлар кўзларини ишқалаб ҳайратдан ёқа ушлолмай қоладилар. Уларга қўшилгиси келади. Тошлар такбир айтадилар. Тухумбошлар тошча бўлмайдилар. Шунда иккитоғдан ўзига ёқа ясаб олган Темир Қопқанинг Илонўти тарафидан келган паровознинг ҳаммаёқни жийитиб ўтиши бузади. Кўзи ачиб, нафаси тиқилган дара ёқа тутамлаганча данг қотади. Қизғалдоқзор тик туриб қарши олади. Қўрқмайди. Бу бошлар темир из-

ларга қўйилиш учун яратилмаганлигини билдириб қўймоқчи бўлади. Хаёл қилади. Хаёлида борлиқ алвондан-алвон эмиш. Ҳатто Бадбахт далаям. Шамолга айтмоқчи бўлганди, Яланғоч кўрсатгич бармоғини лабига босди. Қизғалдоқзор тушунган бўлди, елкаларига парчинланган изларни шамолга қўшилиб бир силтаб олади. Кўпни кўрган шамол яна ўнг эсишидан умидвор бўлади. Ҳуриллаб, ям-яшил арчаларни, аламларни қадимгидек пирпиратгиси келади. Яланғоч оёқларини сувга солиб, бир қўлини Танги, бир кафтини Чонғи қирларига тираганча тек қотади. Бир кўнгли дарадаги ғорга кир, дейди. Бошқаси қўли бойлиқ бўлмаган бир ўзи қолганини иддао қилади. Дунёларни тентираб-тентираб, айланиб-айланиб келаркан, йўлма-йўл саболар сочини маҳкам ўриб юпатади, шаббода кўнглини ёритади, муштипардек ҳилпиллабгина турган елпин кўнглини кўтаради, гармселни ҳовурдан туширади, сурон солишга силласи етмай қолган тўзонларга тўзим тилайди, довулга айланмоқ орзусидагиларга қувват бўлади, камонларга ўқ бўлиш ғайрати билан ўсаётган новдаларни, хивичларни силаб-сийпаб ўтади, елкасига кун, кўксига эпкин тегишига илҳақ мустаринларга нигоҳ ташлаганча, кўпга қўшилганлар оҳидек улиб, шерболадек кулиб, дарёнинг дардидан дамма-дам дарак олгани қайтиб келаверади.

Катта айрилиқлар ва улуғ топишишлар ҳақидаги қўшиқ ёлғиз айтилмаслигини сағаналардаги ёзиқлар эслатади. Куйиниям.

Хур шаббода, ҳуриллаган шамол, ҳурлик олиб келадиган шамол йўлига кўз тиккан Ой улуғ армон куйига эш бўлади. Ўзини ўн иккига бўлиб улуғ армонлар қўшиғини, улуғ армонлар ушалиши қумсови қўшиғини айтиб, ўзи айланиб, ўзи ўргилиб, ўроғини эл бошидан авайлабгина сирмайди, серпайди..

*Сунбула-ё, сунбула...*

*Бу дунёда бормикан-а, юрак-бағри бутуни,*

*Бу дунёда бор бўлса, юрак-бағри бутуни,*

*Қоғоздан ўчоқ қилай-а, гулдан қилай ўтинни.*

*Сунбула-ё, сунбула...*

Янги ой – Сунбула элга тинч, ўзига нотинч бўлганча, қоши икки ёққа осилиб, аҳли асрорга сир улашиб ёсин тортади. Катта юлдузлар азалий ўринларида итоат билдириб, хурмат ва сукут билан бўйин эгадилар. Йўқолган юлдузлар ўрни ўпирилиб тушган эгасиз очиқ гўрдек мунғаяди. Чархи фалак, оғма фалак отига ярашиғ йўлида давом этади. Юлдузларнинг ўтиш йўлидаги тўғри кўтарилиш ҳисобини топиш ҳамманиям қўлидан келавермайди. Чўмич юлдуз тўнкариғлиқ қозонда юлдуз шопириб тураверади...

Миррих гўддайганча, ҳеч кимни мирламай юрт кезади. Қараган, юзланган томонидаги яшнаган нарсаларни қийратмай қўймайди. Зухрага қараган, Зухра қараган жонлар ором олади. Орзу юлдузи – Аторуд кимга яқинлашса орзу-тилакларга кўмилиб, орзулари орзуларга уланиб, улаб яшайди. Қути ўчмайди. Етти қароқчи тутқич бермай кўчгани-кўчган”...

Эгалик итларнинг хуришиям дадил-дадил чиқади.

Эгасини кўрганда, албатта. Эга, эга бўлмаса, нега?

Эркалик эгалик уйга ярашармиш...



## МЕН, ОНАМ ВА ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИ

Онам билан Ўрта Ер денгизи соҳилидамиз.

Поёни кўринмас яшилтоб сувлар тинмай долғала-  
нади. Чағалайлар чийиллаб учишади. Узоқларда оппоқ  
яхта кўпикли из қолдириб сузиб бормоқда.

Чап томонимизда сув қаъридан бош кўтарган ки-  
чик тоғлар кўзга ташланади. Устида сийрак арчалар  
ўсган, ораларида оқиш қоялар кўриниб турибди. Бу ер-  
ларнинг ҳавоси тоза, чанг йўқ, балки намлик кўплиги  
туфайлимикин? Қизғиш йўлкалар йилтирайди, бахти-  
ёр сайёҳлар тўда-тўда кезишади. Биронтасининг юзи-  
да ташвиш кўрмайсиз.

Бошига қизил қалпоқча кийган йигитча патнисда  
чай опкелади.

– Sorry, do you want a cup of tea or maybe drink some?

– Ҳа, яхшимисиз, болам, – дейди онам. Кейин савол  
назари билан менга қарайди:

– Чой-шарбат ичасизми деб сўраяпти.

– Қанақа чой экан?

– Аччиқ, қора.

– Сўра-чи, кўк чойи йўқмикин?

Куламан. Бу ердагилар унақасини ичишмайди.

– Ростданми? – ҳайрон бўлади онам.

Ўтган-кетганлар она-болага қизиқсиниб тикили-  
шади.

Ўтирибмиз икковлон, тош устида.

– Роса чуқур бўлса кераг-а? – дейди онам, сув шовуллашига, оқ чағалайларга маҳлиё бўлиб. – Қара-я, қанақа экан денгиз деганлари?

– Ҳа, жуда чуқур.

– Тавба, худойим шунча сувни яратибди-ю ичиб бўлмайдиган қилиб қўйганини кўр!

Бу маконларга уни қўярда-қўймай олиб келганман. Шу гўзалликларни, шу оромни жуда илинганман. Кўрса завқланади, қалби қувнайди деганман. Саҳролару тоғ-тошлар оша уча-уча, ниҳоят, манзилимизга қўндик. Улкан аэропорт, одам қайнайди, ҳар турли кишилар оломони бир лаҳза бўлсин тинмайди. Тизилишиб кетган ялтир-юлтир дўконлар, охири кўринмас ўзию-пар зиналар...

– Your attention, please! Flyght Air France number five five two to Paris is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two one<sup>1</sup>.

Бегона тиллардаги мана шу шовқин-сурон аро онам ҳар ёнга аланглайди.

– Роса сув ичким келди-я. Боядан бери излайман, бирор жойда кўрмадим?

– Бу ерларда сиз билган шарқираб оқиб ётган сувлар йўқ-да, – дейман кулиб. – Сотиб олиш керак.

– Йўғ-э? – ҳайрон бўлади онам. – Сувни-я?

– Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир...

Бориб сув опкеламан. Одамлар сувни тўғридан-тўғри идиш оғзидан ичишаверади. Онам эса ўйланиб туриб “Пиёласи йўқмикин” деб атрофига аланглайди.

– Шундоқ ичаверинг, қаранг, ҳамма шунақа қил-япти.

– Э йўқ, қўйсанг-чи, уят бўлади.

---

<sup>1</sup> Диққат қилингиз! 552-рейс билан учувчи “Эйр Франс” Париж учоғига чиқиш эълон қилинади. Йўловчилар 221-учиш йўлагидан самолётга чиқишлари мумкин.

Қайтиб бориб, қоғоз финжон олиб келиб, қўйиб узатаман.

– Бу ернинг суви ичишга ярамайди, – деб тушунтираман. – Шу сабабли тозаланганини ичишади.

– Вой, бечоралар...

Бир соатча вақт ўтгач, ўз учоғимизга чиқамизу кўзлаган манзилимизга етиб келамиз.

Бу – денгизнинг шимолий соҳили. Субтропик иқлимнинг нам ҳавоси бетга уради. Қайдандир шабада шўр исини олиб келади. Биз отини билмайдиган анвойи дарахтлар барқ урган, ҳар тараф озода, топ-тоза.

Сайёҳларни кутиб олиш хизмати аллақачон шай турган экан, тез орада сароймонанд муҳташам масканга етиб келамиз. Олтинкори нақшлар кўзни қамаштиради. Тўхташимиз билан хизматчилар чопиб келиб, юklarимизни олишади.

– Вой, қўйинг, болам, – дейди онаизор, бўҳчасини олган йигитчага. – Енгилгина-ку, ўзим оборавераман. Сиз овора бўлманг.

Йигитча ҳайрон бўлиб қарайди, кейин аравасини филдиратиб бир дунё юк билан кутиб турган бошқа кишилар ёнига кетади.

– Одобли бола экан, таълим берган ота-онасига раҳмат, – дейди онам.

– Она, буларни вазифаси шу.

– Вазифаси шу бўлсаям-да, – дейди она. – Кулиб туришини қара. Хўмрайса нима қилардинг?

Икковлон “Оилавий” дейилган бир хонага жойлашамиз.

Бунақа хоналарга бир эшикдан кирилади, аммо ичкарасида ёнма-ён иккита хонаси бўлади. Ҳар тараф ораста, сочиқлар оққуш шаклида ўраб-тахлаб қўйилибди. Ётоқларни кўздан кечираман.

– Ҳой бола, – дейди онам. – Кап-катта бўлсанг ҳам эсинг кирмапти-я? Еч оёғингдагини!

Қарасам, ўзи оёқяланг бўлиб олибди.

– Бу ерда бўлаверади, она, – дейман. – Ҳар куни икки мартадан тозаланади.

– Бекор айтибсан, – дейди онам. – Тозалашар экан деб оёқ ости қилаверасанми? Ўша фаррошлар ҳам бировни боласи, меҳнатини қадрламайсанми?

– Хўп-хўп, – дейман кулиб.

\* \* \*

Саҳарлаб онам мени уйғотади.

Эҳ-ҳе, қанчалар соғинганман шу сасни, шу уйғотишни. Жилмайиб уйқудан кўз очиш саодати қанақа бўлишини билсайдингиз! Онангиз койиб уйғотишининг фароғатини туйсайдингиз!

– Ҳой бола, тур! Мусича кукулаяпти, кун ёйилиб кетди.

Мусича? Бу ерда мусича бор эканми?

Ростдан ҳам қайдандир – баҳайбат япроқли пальмалар, тўп-тўп шамшодгуллар орасидан ўша қадрдон сас эшитиляпти. Кўз ўнгимга айвонимиз, тоб ташлаган устунлар, михга илиб қўйилган чўпсават, хас-чўп ташиб кукулаган қушлар, барқ уриб гуллаган бодом келади.

Онам хушҳол, жилмайиб турибди.

Ўзимча ҳазиллашаман, онаизор эса қувнаб кулади. Бундай қувнашини кўп йиллардан бери энди кўрмоқдаман.

Мен университетга кирганимда шунақа қувнаган эди. Қизим туғилганида ҳам... Баъзан байрамларда, ҳайитларда кўйлак олиб берсам шунақа суюнарди.

Мана, узоқ эллардамизу аммо кўзида ўша, ўзим яхши кўрадиган севинч учкунлари.

Юради, аланглайди. Теваракка разм солади.

Арчалардаги олмахонлар шохдан-шоҳга чопишади. Онам уларни кўриб, боладай суюнади. Олмагонлар одамлардан ҳайиқишмайди, биттаси олд панжаларида

бужурини тутиб, кичкина қора кўзларини бизга тикиб турибди.

– Вой, айланай, – дейди онам. – Мунчоқ кўзчаларини қара! Ҳай, жонивор келақол, ўргилай сендан!

...Овқат маҳали ресторанга кирамиз.

– Вой-бўй, – дейди онам, у ердаги неъматларни кўриб.

Ҳақиқатан ҳам, дунё миқёсидаги кўнгилочар масканларнинг мижозларга хизмат тизими беҳисоб егуликларни қалаштириб ташлаган. Тўртта ресторанда одам ғужғон. Кишилар қўлларида товоқчалари билан айлашиб, кўнгиллари тусаган нарсани олишяпти. Таомларни саноғига етолмайсиз. Бир томонда тўп-тўп ширинликлару мевалар, турли халқларнинг тансиқ таомлари, итальянларнинг ҳар хил пиццасидан японларнинг “суши” сигага бор. Олавер, дейди замонавий маркетинг. Истаганингча завқлан, лаззатлан! Биз фақат сенинг ороминг учун хизмат қиламиз! Нарироқда анча-мунча киши қовурилаётган тухумга навбатга туришибди. Булар – эрталаблари қуймоқ еб ўрганган кишилар. Баъзилари бола-чақаси, оиласи билан келган, калта шим кийган чол-кампирларгача бор. Аммо онаси билан келган ўғил кўринмайди.

Онам озгина овқат олди. Бориб, гилос шарбати опкелиб бердим.

– Шу холосми? – дедим кам еганини кўриб. – Мўлкўл-ку, тўйиб еб олмайсизми?

– Кўйсанг-чи, – деди онам. – Қорним озгина нарсага тўяди. Исроф бўлмасин...

\* \* \*

Теваракни айланамиз. Пальмалар типпа-тик бўй чўзган, хитой атиргуллари бутадай бўлиб ўсиб кетган. Ҳавода чучмал ис бор. Дарахтлар орасидаги ғалати чирилдоқлар қаттиқ овоз чиқариб чириллашади.



– Мунча бақирмаса? – деб сўрайди онам. – Ўзимизнинг чирилдоқларми шулар?

– Йўқ, бошқача, – дейман. – Бор-йўғи икки кун яшайди. Жуда қаттиқ чириллаб, бақира-бақира ёрилиб кетади.

– Э тавба, ўзимизникилар эслироқ экан-да, – деб кулиб юборади.

Оқшом кўнган.

– Тавба, кечалариям бир бошқача-я, – дейди онам. – Худо кечаниям ҳар турли қилиб яратиб қўйганини кўрмайсанми?

– Нимаси бошқача экан?

– Билмадим. Чиройлию аммо бошқача-да... Одамлари-чи? Биров билан бировни иши йўғ-а...

Тунги кафелар атрофида оломон зич. Кайфу сафо масканларида ҳавога мушаклар отилади. Салдан кейин ёнгинамизда бир нима қаттиқ гумбурлайди: мусиқий кўнгилихушлик бошланади. “Оборайми?” деб сўрайман онаизордан.

– Йўқ, – дейди онам. – Ундан кўра юр, денгизга бо-рамиз...

Сарин кечада она-бола қўл ушлашиб, соҳил томон кетамиз.

Чароғон чироқлар ёғдусида қорамтир тўлқинлар йилтирайди. Кечки шамол турган, уни “бриз” дейдилар. Соҳил тинч, ҳеч ким йўқ. Сал нарироқда, пальмалар остида севишган жуфт кўзга ташланади.

Онам ўйчан.

– Она, нималарни ўйлаяпсиз?

Индамайди.

Ҳавога булут чиқади. Биз билгандай эмас, паға-паға, қорамтир-кулранг. Уни денгиз ичкарисидан шамол суриб келади. Шамол сувни ҳам, булутларни ҳам бирдай суради.

Денгиз долғалана бошлайди.

– Балиқлари ҳам бўлса керак?

– Ҳа, албатта.

– Бўлади-да, – дейди онам. – Ҳовлимизни этак томондаги кичкина ариқча бор-ку, баҳорда қарасанг, ўшани сувидаям минглаб майда балиқ милтиллаб сузиб юрарди. Шундай катта денгизда бўлмасинми?

Яна термилади.

– Она, бир жойингиз оғримаяптими?

– Йўқ, болам.

– Нимага бошқача бўлиб қолдингиз?

– Ўзим...

Икковлон жим қоламиз.

“Онам... ўзгариб қолибди-ку?” деб ўйлайман билдирмасдан разм солиб.

Қаддини тик тутиб, мағрур юришлари ўша-ўша, бироқ... аввалги шиддати сезилмайди. Секинроқ, авайлаброқ қадам босади. Мен олдин кўрмаган, пайқаманган кўп хавотирлар бор бу қиёфада.

Шу маҳалгача онам ҳали тетик, ўзини олдирмаган деб ўйлар эканман. Бир оз юрса тинкаси қуриётгани, оғзи қуруқшаб “Сув йўқмикин” дейишлари, салдан кейин ўтиргани жой излаб аланглашлари... Қўлини кўзларига соябон қилиб узоқ-узоқларга қийналиб термилишлари... кексалик деган бир куз фасли онамнинг умр боғига етиб келганини кўрсата бошлабди.

Ҳа, онам ўзгарибди. Менга боладай итоат қилиши-чи? Бошқа йўлакка қараб кетаверса “У ёққа борманг” десам, “Хўп” деб ортига қайтишлари, қайга борсам эргашишлари, худди боламдай итоаткор бўлса-да, бу ҳам етмагандай, чиройли манзаралару хуштаъм егуликларни илинишлари... бир завқимни келтирса, бир хавотиримни оширади. Ҳар дийдор онда ёнида бўлиб, шуларни сезмаганимни қаранг.

Қуш товуши яна хаёлимни бўлади.

“Тавба”, дейди онам.

– Ўзимизда Зухра ая деган бир хотин бор, – дейди кейин. – Тошкентга келаётганида томоғига нон увоғи тиқилиб қолибди. Сув ичсаям кетмасмиш, йўталсаям чиқмасмиш. Тошкентга етиб келиб, энди дўхтирга оборамиз деб туришса, ўғли елкасига бир урган экан, отилиб чиқиб кетибди дегин. Бир мусича нон увоғини шундоқ чўқибдию пир этиб учиб кетибди. Худойим ўша қушчани ризқини шунча жойдан томоғимнинг ичида олиб келди-я, битта мусичани ризқи деб жоним қанча қийналганини айтмайсизми, дейди. Биз ҳам эл-юртдан узилиб шунча олисга келганимизнинг бир ҳикмати бордир, йўлимизни бежиз шу ёққа бурмагандир?

\* \* \*

Онам ҳардамхаёл, қошларини чимириб-чимириб, бир нималарни ўйлапти.

Тик қадли шамшодларга, улкан чинни атиргулларга термилади, ям-яшил барқут япроқларини силаб кўрадию хаёли ўзида эмас.

Тағин денгиз бўйига чиқамиз, ўша ердаги тахта ўриндиқлардан бирига ўтирамиз.

– Яна нималарни ўйлаяпсиз, она?

Тириш юзларига, ўзим яхши кўрадиган ғадир-будир қўлларига тўйиб-тўйиб қарайман. Онам узоқларга тикилади, ўйларини билиб бўлмайди.

Бир маҳал кўзидан ёши дув этиб оқиб кетади.

– Она? Нима бўлди?

– Билмасам, – дейди ўзини тўхтатолмай. – Ўпкам тўлиб кетди, жон болам.

Теваракка термилади, рўмолининг учи билан мижжаларини артадию ҳеч ўзини босолмайди.

– Нима бўлди, ахир?

– Энанг... – дейди ёш боладай ҳиқиллаб. – Келишимизда дунёда шунақа чиройли жойлар бор, сизга илиндим девдинг-ку? Мен ҳам энангга илиниб кетяпман...

Елкалари силкиниб-силкиниб, ўпкаси тўлиб-тўлиб йиғлайди. Не қиларимни билмайман.

Бир гапиради, бир ўксинади.

– Болам-чақам деб сира тинмасди бояқиш. Исиқлардаю совуқларда жонини жабборга бериб ури-нарди. Далаларда ишларди, етмаганига сигирга емиш бўлсин деб тутқатор ораларида ўт ўриб, ўшанча жойдан бошига қўйиб кўтариб ҳам келарди. Шом қўниб-қўнмай овқатга уриниб кетарди, эрталаблари аллақачон сут соғиб, ҳовлини супуриб, ўчоқда чой қайнатиб ул-гурган бўларди. Шу жойларга қараганим сайин эсимга энанг келяпти...

Денгиз шовуллайди, тўлқинлари кўпиклиниб оёқлари остига бош уради-да, ортига қайтади.

– Меҳнатлар, заҳматлар, қанчадан қанча қийин-ма-шаққатли кунлар, ўйласам, ичим тўлиб кетяпти. Отанг, сингилларинг, қўни-қўшниларим... бари кўз олдимга келиб туришибди. Болажон, бу жойлар ниҳоятда ажойиб экан... Умрим бино бўлиб кўрганим дастурхон-да бир бурда нон-чой, нонпалов, ёвғон бўлди. Етти пуштим етти ухлаб тушига кирмаган жойларга опкеб қўйдинг-у... Мана, эртага тонг ҳам отади. Шу чиройли сувлар адоғидан куёш чиқиб келади...

Ўксинишларини кўриб, меҳр билан бағримга боса-ман, уммонларнинг эркин шамоли юлқилаётган рўмоли-ни тузатаман. Муштдайгина, ёш боладай бўлиб бир нима-ларни гапираётган онаизоримни юпатомай ҳалакман.

– Жон болам, кетайлик ўзимизни юртларга, – дей-ди она. – Сен сира хафа бўлма, аммо мен бунақа жой-ларда юролмас эканман.

\* \* \*

Саҳарлаб яна соҳилга чиқамиз.

– Вой, тўлқинланишини! – деди онам, соҳилга шовуллаб урилаётган катта-катта долғаларга боқиб.

Кейин худди одамдай ҳол-аҳвол сўрайди. – Ҳай, яхши ётиб турдингми сен ҳам?

Онаизорнинг кайфияти яхши.

– Денгиздан ҳам ҳол-аҳвол сўрайдими?

– Сўрамайдими? Шу бечораям худойимни махлуғи...

Тўлқинлар келиб, яна оёғига бош уришади.

Онам денгизга қарата шундай дейди:

– Бўпти, биз кетяпмиз. Яхши қол.

Қирмизи йўлаклардан бораётсак, онаизор бирдан нига тўхтади. Дарахт шохида бир нимани кўриб, жилмаяди. Қарасам – олмахон! Кўлида хануз бужури, мунчоқ кўзларини тикиб турибди.

– Сен ҳам боргин биз томонларга, хўпми? – дейди онам олмахонга.

Юқларимизни тартибга келтираман. Ҳа, онаизорнинг кайфияти яхши, ҳужжатларни тўғрилагунимча бўҳчасини тиззасига қўйиб, шоҳлар саройидан қолишмайдиган ором ўриндиқларининг бир четида ўтирибди.

Бепоён денгиз соҳиллари шу тариқа ортда қолиб кетади.

Эҳ она, дейман. Қадимий шаҳарларни, сув устидаги манзилгоҳларни, ғор-қишлоқларни, шоҳ саройларинию кўҳна ибодатхоналарнинг улуғворлигини, бепоён уммонлардаги улкан юнусбалиқларни, кечалари ўзидан нур таратиб сузадиган денгиз ажойиботларини кўрсатаман деган эдим. Ҳақиқатан ҳам узоқ йиллар сира тиним билмадингиз, томорқалардаю далаларда жонингизни жабборга бериб меҳнат қилдингиз. Иссиқ қайта бошлаган ёз оқшомларида оила жамулжам, кўнглингиз қониқиш ила тўлиб-тўлиб овқатлар пиширдингиз, шунча болани вояга етказаман деб уриниб-тиришдингиз. Ажойиб елканли кемаларни, куй чаладиган қоятошларни кўрсатаман деган эдим-ку? Ҳа, дунё шунақа кенг, ажойиб, шуларга маҳлиё бўлиб, қалбингиз бир дам яйрайди, деган эдим...

Бўлмади-ку?

\* \* \*

... Аэропортга келамиз. Сафар қариди.

Нотаниш тиллардаги турли туман эълонлар орасидан бирданига иссиқ, қайноқ бир сўз янграйди:

– Your attention, please! Flyght Uzbekistan Airlines number two seven two to Tashkent is boarding now. Passangers are requested to proceed to gate number two two five<sup>1</sup>[2].

– Вой, Ўзбекистон дедими? – атрофига аланглаб сўради онам.

– Ҳа она. Тошкентга учадиганлар фалон жойга борсин, деяпти.

– Отингдан айланиб кетай, қулоғимга бирам иссиқ эшитилди-я, – дейди онам. – Юрақол, болам.

Онам менга хушҳол қараб турар, нигоҳида севинч балқирди. Ўша, мен университетга ўқишга кирганимдаги, қизалоғим туғилганидаги, янги кўйлак олиб берганимдаги севинч...

– Умрим бино бўлиб денгизни кўрмаган эдим, – дейди онам, ўйчан. – Қара-я, ниҳоятда бепоён, шовуллайдиган бўлар экан. Халқини шу боқар экан-да...

– Тавба, кимдир шунақа жойларга келиб маҳлиё бўлиб, маза қилиб дам олиб кетса, мени ўйлаганларимни қара, – деб хушҳол кулади. – Энди, шунақаман-да, болам. Эл-юртсиз денгизиям, тоғиям татирмиди?

– Мана, шунча кун юрдигу еганим ичимга тушмади. Худо яратиб қўйган шу мўъжизаларни бир ўзим кўраётганимдан иймандим. Сингилларинг, амма-холаларинг, тоғаю амакиларинг, тумонат халқ турибди у ёқда. Қўшни тўй бошлаб қўювди, тоғанг қиз чиқармоқчийди...

---

<sup>1</sup> Диққат қилингиз! “Ўзбекистон Ҳаво йўллари”нинг 272-рейс билан Тошкентга учадиган учоғига чиқиш эълон қилинади. Йўловчилар 225-учиш йўлагидан самолётга чиқишлари мумкин.

Кейин чиғаноқ парчасини кўрсатди.

– Шуни олволдим, – деди. – Сувда чиройли кўринади деддинг-ку? Обориб кўрсатай, қулоғига тутиб шовуллашиниям эшитишсин. Худо хоҳдаса, кейинги гал ҳаммамиз келамиз, ўшанда маза қилиб яйраймиз.

Нимаям дердим? Ўҳ-хў, шунча одамни олиб келиш осонми? Лекин онамнинг сўзлари қалбимга қувват бахш этди. Ҳа, албатта келамиз. Ахир, бир ўзим учун эмас, яқинларим, жигарларим учун тер тўкамани-ку? Шуларнинг қувнаши, яйрашини истайман-ку? Бир менгина эмас, юртда ҳеч ким ёлғиз ўзи учун уринмайди. Кўпчилик учун, рўзғорим, болам-чақам, отам-онам, қавму қариндошим деб заҳмат чекади-ку?

– Албатта келамиз, – дедим онаизорга. – Дунё гўзалликларини кўриш учун, ажойиботларни ҳайрат ила томоша қилиш учун, яқинларимиз, жигарларимиз, меҳрибонларимиз, бола-чақамиз билан келамиз.

– Ҳаммамиз биргалашиб-а? – сўради онаизор.

– Ҳаммамиз биргалашиб, ўзимизнинг одамлар билан!

– Ҳа-а, яхши бола бўлсан, – деб алқаб кўяди мени...

Текширувлардан ўтарканмиз, хизматчи қизлардан бири онамга қарай-қарай, ниҳоят ёнимизга келиб сўради:

– Sorry, where do you fly? Er-Riyadh? Paris? Jeddah?

– Кечирасиз, қаёққа кетяпсизлар, Ар-Риёдгами, Парижгами, Жиддагами деб сўраяпти, – деб тушунтирдим онамга.

– Уйга! – деб жавоб қилди онам менга бир қараб, ёйилиб жилмайиб. – Уйимизга-да, болам...

## Наби ЖАЛОЛИДДИН



### ВАТАН

«Эй-й!..» деди-да, кичкинагина хитойи телевизиорининг симини электрдан узиб, беозор зарда билан ташқарига йўналди: «Ватанди куни сенларга қомай ўлсин, дардингга урайлар!..» Остонадан ҳатлаб, мева-чевау экинларга тўла ҳовлисига беихтиёр тикилиб, туриб қолди. Сербарг мевали дарахтлар жимираб, ялтирайди – бу офтобнинг тафти баландлигидан далолат. Саратон авжида-да. Иссиқнинг ҳаттоки кўзга кўринаётганидан, сояда турганига қарамай, гўё кимдир юзига қайноқ сув сочиб юборгандай энтикиб кетди.

Хотинининг овқат қиламан, дейишига ҳам кўнмай, ҳали тушликда бир коса шакаробни нон билан паққос туширди-ю, устидан терлаб-терлаб қайноқ чой ичди. Сўнг кўнглининг кўчасига қайрилди – одатдагидек уйга кириб, телевизорни кўйди-да, тўшакка ёнбошлади. Шундай иссиқда эси бор одам кундузи бир мизғиб олади-да. Аслида-ку, жазираманинг дастидан эси кирмаган одамнинг ўзи қолмаган чиқар. Шу тариқа эси йўқ беор телевизор нималарнидир «сайрайверди», у эса аста-секин пинакка кетиб, охири тиррак қотди. Чамаси, икки соатча ухлади, яна ўша телевизорнинг овозидан уйғонди. Уйғонди-ю, мижжаларига ёпишган уйқуси ҳарсиллаган дунёнинг аллақаерига ўзини ур-



гунча ярим очиқ кўзларини оқ-қора тасвирга тикиб ётди. Шуури тиниқлашиб, тасвирдаги маъноларни англай бошлагач, ҳалиги гап -ғаши келиб, ўрнидан туриб кетди.

Хотиниям иссиқдан қочиб доимгидек рўпарадаги уйнинг айвонида ётгандир. Катта ўғли ўқишга кириш билан овора. Кичиги ҳойнаҳой чўмилгани жўнаворган. Ёлғизгина қизи эса, бировнинг хасми эмасми, эгасини топиб кетган. Қаранг-а, ҳайҳотдек ҳовлида хотини иккови қолибди-я. Ўшан-чун ўзбек дегани ўнталаб туғаверган-да. Чунки битта-иккита бола билан бағри тезда хувиллаб қолаверган. Каттаси бу йил ўқишга кирса кирди, бўлмаса, баҳорда уйлавори. Худо берса, бир-икки йилда неваралар кўриб, уйи яна тўполонга тўлади-да. Қизнинг боласи барибир бировники экан, келсаям бир-икки кунга келади. У мудом остонада тураркан, бағри хувиллаганиданми, беихтиёр хотинини ич-ичидан соғинаётганлигини пайқади ва айвон томон юрди. Ўртадаги уч-тўрт қадамлик офтобрўядан кўзларини юмиб ўтди -куйдирвораман дейди-я, жонивор.

Иссиқдан нафас ростлаш ниятида чалқанчасига ястаниб ётган хотини уйғоқмиди ёки унинг шарпасидан уйғониб кетдими, эрининг ҳурматидан, дарров оёқларини йиғиштириб, ёнбошлаб олди. У эса сўрининг четига ўтириб, олдидаги чойнақдан пиёлага совуқ чой қуйди ва бирваракай сипқорди: яхна чой ҳам, наздида, илиқдай туюлиб, чанқоғи босилмаганиданми, норози қиёфада тамшанди. Шу ҳолига:

– Ҳа бекорчи парий, ётибсими иш йўғлигидан маза қиле-эб? – дея хотинига тегишди.

– Ҳмм, шу иссиғдаям иш қилиб ўлиб қолайми энди? – деб қўйди хотини секингина ва уйқули кўзларини очиб-юмаркан, уйқусираётгандай сўради. – Нима деб гудранаётувдийз уйда?

– Ҳозиргиндами?.. – Эр бир қимирлаб олди, билинар-билинемас жилмайди. – Биласану, ўзимизи каналларди кўрсам жиним қуришиб кетади.

– Унақа бўса, кўрмай қўёвринг, дейману. Нима қилас асабийзи бузиб.

– Бошқа кўрадиган нарса бўмаганидан кейин кўрасан-да. Ҳозир ҳам бир қиз Ватан ҳақида ашула айтяпти-ю, ўзи ярим-яланғоч. Орқасини тўлдириб байрақ хилпираб турибди, дегин. Худди аши ўзи куйлаётган Ватан уялганидан байроқминан юз-кўзини тўсиб, «Авратийни бекит, қизим», деётгандай. – Нима бўлсаям ёшлигида китобни кўп ўқиган-да, анча-мунча чиройли гапни келиштиради. – Яхшиям телевизоримиз оқ-қора, рангли бўса, унақа ашулачиларди кепатаси вобше даҳшат кўринса керак.

– Ҳа, бияғи мустақиллик байрами яқинлашяпти. Унвонми, мукофотми олса керай-да. Ашинчун Ватан ҳақида айтатта, хўжайин, – деди хотини энди бошини ўнг қўлининг кафтига тираб.

– Унвон олса олиб ўлсин, оммале Ватан ҳақидаги ашула бунақа айтилметта, хотин. Нима, ҳозирги яшлар ашилардан ўрناق оладими? «Сен учун жонимни берай»миш. Сен жонийнимас... Ҳе, дардингга урай!..

– Оббо-оо!.. – хотин ўрнидан туриб ўтираркан, тушиб кетган рўмолини бошига илди. – Ватанпарварлигийзи биламану, омма шопур одамга ким қўйибдийкин-а бунақа гапларди, тавба. Нима бало, бугун сиёсатдан обқолдийз-а?..

Хотинининг ҳазил аралаш кесатиғи унинг ҳам «илҳомини» кўзгади.

– Ҳа, энди сиз културний одамсиз-да, боллар боғчасини ошпази бўсайиз. – Кейин зўраки қўл силтади.

– Эй-й, сен қорин бандаси Ватанди билармининг, дардингга урай!

– Шунақами?.. Мана, мени Ватаним, билдийзми! – Хотини қулочини кериб, аввал уйларига, сўнгра ҳовлисига ишора қилди ва эрини кўрсатиб, деди: – Мана, мени Ватаним, болларим мени Ватаним!.. Кенг (келинг), қўйинг, чой-пой дамлаб берайми?

Унинг меҳри товланиб, кулди:

– Барибир ўзинг зўрсан-да, хотин. Пақат шу ҳозирги яшларга ичим ачиганидан... Улар эргашадиган одамлар йўғ-да. Ҳалиги, ошнам Марип бору... Биласан, тарихни яхши билади. Аши тарихда қанча қаҳрамонларимиз бор, дерди. Ашиларни кино-пино қилиш керайми?.. Ашулачиларимизи аҳволи ҳалиги бўлса. Бунақада... – У жим қолди-да, хаёллари аллақаяққа учди.

– Чой ичассими-йўғми? – деди яна хотини таъкидлаб, мийиғида жилмайганча.

– Ичмийман. Чекка (янги берилган томорқа) ўтиб келаман, – дея ўрнидан турди.

– Шу иссиғда-я, дадаси?

– Зериктим, бир айланиб келай. Сен бугун ош қиларсан?

– Хўп, – хотини чойнақдаги яхнани охирги томчисигача қуйиб, ичди. – Майли, айланиб келинг, бўлмаса.

У айвондан тушиб, саҳн четида оқаётган ариқчада юз-қўлини ювди, хўл қўлларини бошию кўкракларигача ишқаб, ўзича салқинлади.

Шу пайт катакдаги товуқларнинг қақағлагани қулоғига урилди.

– Ўртоғларингга дон-пон бердингми? – деди ўтирган қўйи овозини баландлатиб.

Айвондан хотинининг овози эшитилди:

– Қорни тўқ, туққани учун бақиряпти.

У бошини силкитиб, кулди, сўнг уй ичида қолган дуррасини олиб, елкасига ташлади-да, кўча томон юрди.

Уларнинг кўчасида дов-дарахт мўл бўлиб, ёнидан анҳор ўтганлигидан, ҳийла салқин туюларди. Бироқ саратон жазирамаси бу ерда ҳам ўз ҳукмини ўтказарди. Чекигача анча юриши керак, шунинг учун тездагина терга ботмаслик ўйида қадамини оҳиста олди. Бораркан, хотинининг гапини эслади: ростданам ўзбек учун бола-чақаси-ю, уй-жойи Ватан-да. Хотини бало... Аммо бу бир жиҳати, агар кенгроқ ўйланса... Ватаннинг нима эканлигини тўла англамоқ учун уйдан чиқиш керакмикин? Нима бўлгандаям бояги ярим-яланғоч ашулачи айтаётган кўшиқ ёки ҳозирги аксарият кинолардаги оврўпачасига кийиниб, чала-чулпа ўзбекча сўзлаб, бемалол ўпишиб, қучоқлашаётган бизга ўхшамаган одамлар Ватан дегани эмас-да. Ватан балки яна нимадир, нималардир... У ошкора кулди: ростданам шопир одамга ким кўйибди бунақа гапларни. Ҳарбийда ҳайдовчилик ҳунарини ўрганди-ю, шу-шу юк машиналарига боғланиб қолди. Умрининг асосий қисмини колхоз машинасини миниб ўтказди. Ниҳоят, колхозлар барҳам топди, бу ёқда ўзининг ҳам қон босими ошадиган бўлиб, ногиронлик нафақасига чиқди. Мана, эндигина элликка кириб, пенсионерга айланди-қолди. Номи ғирт бекорчи-ю эшик-элига, мол-ҳолига қарайди, олти сотихли чекига ул-бул нараса экади, ҳар ҳолда қора қозонини қайнатиб, рўзғорини эплаб тебратади. Уёғини сўрасангиз, ёшлигида бадий китобни кўп ўқигани билан, аслида, ҳалигидай чиройли гапларни ҳадеб гапиравермайди ва ҳатто бугунгидек ўй-хаёлларидан ўзи ҳам ҳайратда. Лекин эсини танибдики, эл-юрт, Ватан дейиладими, халқми, ишқилиб, мана шунақа юклироқ нарсалар хусусида айтилган енгил-элпи гап-сўзларни ёқтирмайди. Хотини айтмоқчи, ватанпарварлиги ҳам рост, яъни, ҳалол-да. Мустақилликнинг ун ва нон танқис бўлган аввалги йилларида, болалар боғчасида ошпаз эмасми, хотини

гоҳо уйга бир-иккита булка нон олиб келиб қоларди. У эса бир индамади, икки индамади, учинчисида тузуккина сўкиб берди: «Болларни ҳақини еб, қандай сингдирасан», деди. Кейинроқ хотини энди мол-қўйи учун ортган овқатларни ташиб юрди. У бунга ҳам кўнмади, «Сут-қатиғини ичадиган ҳайвонингга ҳар хил шубҳали нарсаларни берма», дея ўдағайлади. Ана ўшанда хотини «Жа ватанпарварсиз-да, кошки буни биров билиб қўйсайкан», деганди. Шу-шу гоҳо эсига тушса, ватанпарварлигини писанда қилиб қўяди. Унинг эса билган фалсафаси шу: кимнингдир бунақа гапларга хуши йўқми, майли, асло бу борада гапирмасин, яъни ҳазил-мазахга айлантириб юбормасин. Ҳозирги кўйига бўлса кутилмаганда тушиб турибди-ю ё ҳалиги ярим-яланғоч ашулачининг турқи-таровати шунчалар таъсир қилдими?..

Бундан уч-тўрт йил муқаддам қишлоқда бир одам пайдо бўлиб қолди. Жиккаккина бу одам афт-ангоридан на ўзбекка ва на ўрисга ўхшамасди, ёши, чамаси, олтмиш билан етмишнинг ўртасида эди. Айтишларича, у асли шу ерлик бўлиб, ҳарбийлигида бир ўрис қизни яхши кўриб, Русиянинг аллақайси шаҳрида қолиб кетганмиш. Ҳозир уёқда бинойидек уй-жойи, бола-чақалари бормиш. Аммо ёши бир жойга етгач, бирдан бу томонларни ихтиёр этибди. Оиласи кўнмабди, лекин у ҳайё-хуйт, дебди-ю, жўнаворибди. Энди бу бор-йўғи бир гап-да, уёғини тағин Худо билади. Бу ёққа келса, уруғларининг катталари ўлиб кетишган, эмишки, ёшлари ғалати қариндошини қабул қилишмабди. Шундан кейин у қишлоқ ҳаммомининг қўлбола меҳмонхонасида ётиб юрди. Кимдир унга эскироқ чопон, дўппи кийдириб қўйди. Унинг оҳорсиз кийимларни кийиши ва ёки увада кўрпа-тўшакда ётиб юриши ночорлигидан эмас, эҳтимол соддаликдан эдики, шу билан ўзбек бўлишга уринарди. Балки аллақачон-

лар бой берган қандайдир азиз нарсасини қайтадан топишни истармиди. Ҳаммомнинг биқинида ўчоқ, қозонлари ҳам бўлиб, қўлбола меҳмонхона ҳар куни улфатлар билан гавжум эди. Оллоҳнинг эски чопону дўппини кийиб, «Шудгор қўриқчисига» ўхшаб қолган бу соддадил қули эса (аслида гўё энди унга тўн билан дўппи ҳам бегонадек эди) гоҳ чойнак, гоҳ товоқ кўтариб, хизматга киришиб кетарди. Бунни кўриб, оғзининг боғичи йўқлардан бирови, кайфчиликдами нима бало, унга «Милтиқли киши» деб лақаб қўйибди. (Шўро замонида шу номдаги машҳур, аммо жуда зерикарли фильм бўларди ва унинг қаҳрамони кинонинг бошидан охиригача елкасига узун милтиқни осволиб, чойнак кўтарганча у ёқдан-бу ёққа бориб-келаварарди).

Бир куни у ҳам «Милтиқли киши» билан гаплашиб қолди: икки пиёла «ҳасрат-дори»дан «уришгач», эҳтирослар кўнгиллардан тилларга кўча бошлади.

– Мени ҳечам у ёққа кетгим йўқ, – деди болаларникидек беғубору беозор кўзларида ёш айланиб «Милтиқли киши», ўзбекчада дудуқлангандай сўзларкан. – Тўғри, болларимни, хотинимни соғинаман. Но-о, шу ерда ўлишни, шу турпоққа кўмилишни истайман.

Тавба, негадир ўшанда бу ҳам йиғлаб юборганди.

Орадан беш-олти ой ўтиб, «Милтиқли киши» бирдан ғойиб бўлиб қолди.

Айтишларича, болалари олиб кетишибди...

Эҳтимол, бояги «Яна нимадир» деганимиз унинг ҳеч йўқ ўлмоқ учун кераклигини англашимиздир? Бунни англаш учун наҳотки тарки Ватан этиш зарур бўлса?.. Худо асрасин!..

У катта кўчага чиқиши билан юзига асфалтнинг тафти урилиб, жазираманинг қуввати икки ҳисса ортгандай туюлди. Бу қиздирилган тандирмонанд жойда бирозгина юришини ўйлаб, ичида ўзини овутган бўлди. Шу пайт рўпарасида келаётган Солига кўзи тушди.

Кар ва соқов, гоҳо-гоҳо қўлларини силтаб, нималаргадир ишора қилиб юрадиган бу одам, кўча-кўйдаги гапларга қараганда, ундан уч-тўрт ёш катта эди. Эҳтимол, у ўз исмини бирон марта эшитмагандир ва балки исми Соли эканлигини мутлақо билмас, лекин одамлар уни Соли деб аташаверади. Тўғри, қайсидир тили қичиганларнинг шундай чиройли исмининг ёнига гоҳо «жинни», «довдир» сўзларини қўшиб қўйишлари ҳам рост. Аммо Соли жинни эмасди, тўй-тўркинларда ўзича хизмат қилиб, идиш-аёқларни йиғиштириб, у ер-бу ерларда қолиб кетган нон бўлаклари ва бошқа егуликларни, кўпинча эса йўллар четидаги тамаки қолдиқларию қутилларини, хас-хашак, қўйингки, чиқинди дегулик неки бўлса, барини териб юарди. Тера-тера бир четга олиб бориб ташларди. Бу юмушини ҳар куни бажарарди. Ҳозир ҳам бошига ўнгиб кетган эски дўппи, эгнига кир-чир қўйлак ва шим кийган Соли унга яқинлашаркан, йўл четида ётган тамаки қутисини олиш учун энгашиди. У эса Солига тикилиб бораркан, беихтиёр кўнгли хил-хил эриди, Оллоҳнинг мана шу девона қули билан жуда-жуда сўрашгиси келиб кетди. Бироқ нега бундай бўлаётганлигини тушунмади.

– Ассалом алейким, Соли ака, – деди у сўрашиш учун икки қўлини узатиб.

Соли нимадир ямларди, юзида кинояли ним табассум зоҳир. Салом берувчининг овозини эшитмаган бўлса-да, узатилган қўлини кўриб, сўрашмоқчи эканлигини пайқади ва шошиб қўл чўзаркан, «қалайсан» дегандай бошини болаларча силкиб қўйди. Солининг рангпар юзи ниҳоятда серажин эди, бу ажинлар бағридаги қисик кўзлари эса... Улар бағоят маъноли боқарди ва соҳибининг буюк ақлу қалбини намойиш этаётгандек чақнаб, ёнарди. У бу нигоҳдан қаттиқ мутаассир бўлиб, бутун вужуди жимирлаб кетди. Соли эса юзини тиришга кўмиб, тиржайди-да, гўё нимадир

деди-ю, йўлига кетаверди. У бир лаҳза тўхтади ва шу туришида жудаям муҳим бўлган ненидир ҳис қилди, лекин шуури унинг не эканлигини англамади...

Мана, ниҳоят дала йўлига элтувчи тошлоқ кўчага бурилди. Бир томонида чуқур зовур, бир томонида эса паст-баланд қишлоқча уйлари бор бу кўчада боягидек куйдирувчи тафт сезилмасди. Болаликда кўпроқ шу кўчада ўйнашарди ва тарафма-тараф муштлашувлар ҳам асосан шу ерда бўлиб ўтарди. Энди қадрдонга айланиб, гавжумлашган бу кўча ўшанда хилватроқмиди. Айниқса, синфдоши Маъруф жуда уришқоқ эди, анча-мунча зўрнинг ҳам ичини тўкиб қўярди. Аммо ўзи ҳам чакки эмасди, паканароқ бўлгани билан ундаям битта ўғил боланинг шашти-ю қуввати бор эди. Бундайларни юраги дов дейишади. Ҳар ҳолда пакана ёки новчами, эр киши довьюрак бўлгани маъқул-да. Асқотади. Эсида, ҳарбий хизматни тугатгач, ҳам яхши ҳаётга ва ҳам ўрис қизларга ишқибоз бўлиб, ҳайдовчилик баҳона Русияда икки йилча қолиб кетди. Ишчилар ётоқхонасида уч киши ётишар, уларнинг бири армани эди. Бир куни бекорчиликда «Алибобо ва қирқ қароқчи» деган ўша машҳур фильм ҳақида гап чиқиб қолди. (Ўшанда бу фильм роса оғизга тушган пайтлар эди, кинотеатрларда тинимсиз қўйиларди). «Уни Ўзбекистон Ҳиндистон билан ҳамкорликда ишлаган», деди у оғзи қулоғида мақтаниб. Бунини эшитган армани шу қадар масхараомуз тиржайдики, унинг вужуд-вужудидан ўтиб кетди. Устига-устак «Эсинг жойидами, что за тупост», деб ҳам юборди. У ана шунисига чидолмади, армани бутун халқини ошқора ҳақоратлаётганлигини юракдан ҳис қилди. Шаҳд ўрнидан туриб, ўртадаги столни арманининг устига улоқтирди, нималардир дея сўкинди, ғазаб ва нафрати куч бериб, уни босиб олди. Учинчи ҳамроҳлари ажратишга тушди. Армани кечқурун ўз қавмдошларини бошлаб келди ва уч ки-



шилашиб бечора миллатпарастни роса дўппослашди. Аммо кейинроқ арманилар уни роса хурмат қиладиган, давраларига чорлайдиган бўлиб қолишди. Улар ё кино чиндан ҳам ўзбекларники эканлигини аниқлашган ва қилмишларидан уялишган, ёки унинг ўз миллати учун мардона турганидан таъсирланишганди. Демак, эр киши хурмат топмоғи учун нималарнидир деб уришиб ҳам туриши керак шекилли-да.

Маъруф остонаси тагидан оқиб ўтган ариқча ёқасидаги ажриқда ёлғиз салқинлаб ўтирарди. У ошнасининг кўчада майкачан ўтирганини кўриб, буни уят санаганидан (ҳаё фақат аёллар учун эмас-да) бироз ғашланса-да, уни ҳалитдан бери бир неча бор эслгани учун кўнгли эридим, жилмайиб, салом берди. Маъруф сал кўзғолиб, кўл узатди.

– Тўшак обчиқайми, ошна? – деб қўйди унинг ажриққа ўтираётганини кўриб, шунчаки мулозамат оҳангида.

– Раҳмат, тўшакда ўтирсангам қизиб кетасан ҳозир, – деркан, юзига фотиҳа тортди у. – Қалай, отпискага чиқволиб, маза қиб дам оляпсанми?

Маъруф ўқитувчи эди, тарихдан дарс берарди.

– Ҳа, энди... – деди у пешонаси тиришиб. – Дам қайда-я, ошна, ўзбейди дами нималигини биласану.

Шу пайтгача эътибор бермаган эканми, ҳозир тузукроқ сарасоф солгач, пайқадики, дўсти анча қарибди. Майкачан ўтиргани учун шимининг устида беўхшов осилган қорни сабаб жуссаси катта кўрингани билан тузуккина чўкибди ҳам. Сочлари оппоқ, пешонаси-ю кўзининг атрофини тириш босган, юзи салқиган, нигоҳи эса аввалгидек ўтли эмас, лоқайд боқади. Болалигида товонидан ўт чақнарди, ҳамма нарсада биринчи эди. «Атаман-атаман» ўйинини ўйнашганида нуқул Маъруф атаман бўларди. Болалар

уни кўпчиликлашиб «кўлга туширишарди»-да, дарахт ёки симёғочга ростакамига чирмаб боғлашарди. Энди ўйласа, у атайлаб кўлга тушиб берармиди, чунки, асир олинган атаманни қийнаш ва унинг қийноққа чидаши жуда завқли эди, ҳартугул одам ўз мардлигини намойиш қилиши учун бу росаям кўл келарди. Чамаси, ўшанда Маъруф қийноқларга чидаб, паролни айтмай туришдан ҳузурланарди шекилли. Аммо қийноқлар қарийб чинакамига бўларди – асирга сув сочиларди, лой отиларди, юмшоқ жойлари чимчиланарди.

– Ёғоч от минволиб, «Атаман-атаман» ўйнаганларимиз эсингдами, Марип? – деди у хотирага бериларкан, завқланиб.

– Эсимда, – деб кўйди Маъруф бошқа гапинг йўқмиди, дегандай писандсизларча.

– Унда биз ўхшагимиз келган одамлар кўпийдида-а? Ҳозиргиларни куни нуқул ғарнусха, баччанусха ашулачиларга қолди.

Маъруф бир кафт нос отиб, индамай ўтираверди.

– Менга қара, бир пайтлар қадимдаги зўр одамларимиз ҳақида жа кўп ривоятлар айтиб берардинг-а? – У дўстининг феълени яхши билгани учун гапига жавоб кутмасдан бидиллай бошлаганди, Маъруф кутилмаганда оғзида носи билан «си-си»лаб қолди:

– Су дейман биз пақат улуғ поссоларимиз ҳақида гапириб, уларни мақтаб, осирворяппиз секилли-да. Простой одамлардан чиққан зўрларимиз ҳақида гапирсак яхси бўлармиди? Чунки ёслар асиларга эргасатта. Масалан, ҳалиги Сироққа (Широққа) ўхсаган...

– Ўзимизи Дукчи Эшонга ўхшаган, дегин, – гапни илиб кетди у. – Нимага Дукчи Эшонни кўпам гипиришвормайди, а, Марип? Агар уни кино қилишсами... Зўр чиқарди-да. – У саволлари кўпайиб кетганлигига ҳам парво қилмасди. – Ҳалиги Широқ ўзи бўган одамми, Марип?

– Бир ривоятта энди, – деди Маъруф ҳамон лабла-  
рини қимтиб. – Ияғини яна тағин Худо билади.

– Халқини деб қулоғи минан бурнини кесишса-  
ям чидайди-я. – У худди ўзининг бурун-қулоғини ке-  
сишаётгандай ғалати бўлиб кетди. – Бизиям шунақа  
қилишса чидармикинмиз-а, Марип? – деб юборди  
болаларча соддалик билан. – Худо сақласину, мабодо  
уруш-пуруш бўлса, бизи халқам эплаб уришармикин?

Маъруф унга савдойига боққандай бир қараш қил-  
ди-да, носини туфлаб ташлагач, деди:

– Жа серсавол бўп қобсан, тинчлийми? Гапларинг  
ғалати-ғалати. – Кейин худди ўйларини ирғитмоқчи-  
дай бошини кескин силтади. – Бийил (бу йил) иккин-  
чи ўғлими уйлашим керак. Уйдаги мол-қўйларимди,  
терақларимди сотсам етармикин, деб турибпан. Би-  
яқда катта ўғлимга битта ватан қиб беришим керак.

У эса дўстининг гапини гўё эшитмагандай ғўлди-  
ради:

– Шу бизи ашулачилар... Унақа десанг, ҳаммами-  
зам Ватанимиз ҳалиям бировни қўлидадек мақтай-  
миз, куйлаймиз-да. «Сени бировга бермиймиз», «Сени  
жонимдан севаман», яна «Сендай Ватан қайда бор?»  
дейишадими-ей. Ҳаммаси армон. Ватан бунақа куй-  
ланмайди-да, а?

– Об-боо, роса бошти оғриттингу, бор, ишийни  
қил! – дея дўқ урди Маъруф. – Бор-бор!..

– Одам қуриб кетгандай сенга гапирдимми-я, –  
деди у ҳам дўстининг зўраки дўқига жавобан. – Бор-эй,  
дардингга урай сени! Мен бир чекдан хабар об ўтай.

Пича нарига етганда Маъруфнинг овози эшитил-  
ди:

– Ҳўй, ватанчи, қайтишда киргин, биттани ариқча-  
га ташаб қўйганман.

У «хўп» дегандай қўл силтаб, жилмайди. Юриб бо-  
раркан, яна хаёлга берилди: тавба, буларни тушуниш,

ҳис қилиш ёки ҳалигиндақа қийноқларга чидаш учун наҳотки бола бўлмоқ лозим? Ёки чинакамига севмоқ ва мард турмоққа болалардек соддалик, беғуборлик керакмикин?..

Томорқасига баҳорда сабзи сепишганди, роса бўлди жонивор. Яқинда йиғиштириб, бозорга «уришди-ю», ўрнига маккажўхори экишди. Ана, маккажўхорилар ҳам тил кўрсатиб қолибди. Ҳадемай, бу ерга уй куради ва катта ўғлини уйлаб, олиб чиқиб қўяди. Томорқа олишга олгану, лекин ҳали уй қуролмаганлар кўпчилик, атрофда яккам-дуккам кичкина-кичкина уйлар кўринади холос. Чор тарафга асосан терак экилган. Терак деганлари яхши нарса экан, ош-нон сўрамайди-ю, уч-тўрт йилда қўлга илингулик даромад келтиради... «Ие, маккажўхори экилган уяларни товуқ титибдими?» Ҳа, битта эгатдаги уялар қаторасига титкилаб ташланибди. Илдизидаги дони чўқилгану, янги унган ва энди илдизсиз қолган ниҳоллар сўлий бошлабди. Ҳойнаҳой, бу ҳамиша бировларнинг девор-тўсиқсиз томорқаларини овлаб юрадиган қўшни жувоннинг товуқлари бўлса керак. «Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўлади», дегани шу-да. Бир кўнгли бўралатиб сўккиси келди, лекин шайтонга ҳай берди. Ҳозир чақирса, барибир эри уйда йўқ, ўша товуқмижоз жувонга рўпара бўлади. Хотин киши билан пачакилашиб ўтирмагани маъқул, сири кетади. Яхшиси, уйга боргач, хотинига айтади. Товуқларига қўшиб бир адабини берсин...

Чекини астойдил кўздан кечиргач, ўт-ўлан босган ўйдим-чуқур йўлга ўтди ва ундан катта анҳор ёқасидаги дўнгликка кўтарилди. Бу ердан теварак-атроф яққол кўзга ташланарди. Шу туришида, наздида, дунё жуда кенг туюлиб кетди. Суви тип-тиниқ анҳор эса лим-лим оқади. У қирғоққа ўтириб, дурраси билан юзу бўйнидаги терни артди. Сўнг тағин Широқ ва

болалиқдаги «Атаман-атаман» ўйини ёдига тушди. Унинг кетидан ўрислару амриқоликлар ишлаган қадимги жангу жадаллар ҳақидаги киноларни эслади. Улар бунақа киноларни қотиришади, лак-лак лашкарлар қатнашган муҳорабаларни ҳам жуда ўхшатишадики, беихтиёр ишониб кетасан, киши. Ўзингни гўё ўша жангларда иштирок этаётгандек ҳис қиласан ва кўнглингда шиддат ёки мардликни соғинишга ўхшаган туйғуми пайдо бўлади. Эҳтирослироқ одам уларни кўрганида ўзини жуда-жуда мард фахмлаб, вужудида мислсиз қувват жунбушга келаётганлигини сеза бошлайди. У ёшлигидан шунақа киноларни яхши кўради. Айниқса, бош қаҳрамонларнинг асир тушишлари ва уларнинг беаёв қийноқларга чидашларидан ниҳоятда таъсирланади, мардлигидан ҳузурланади. Шундай пайтларда гоҳо ўзини ўша қаҳрамонларнинг ўрнига қўйиб кўради ва қийноқларга чидай олиш ёки олмаслигини хаёлан чамалайди. Айтса, биров ишониши қийин-ку, кўпинча бу чамалаши ўз фойдасига ҳал бўлади. Ҳозир ҳам Широқни эсларкан, хаёлан унинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди. Широқ улуғ бир подшоҳни лашкарига қўшиб алдаган. Энг қийини ҳам шу – у бировни алдолмайди, ёлғон гапиролмайди. Тагин ким билади, мабодо эл-юрти учун бўлса, балки... Бироқ қийноқларга чидайди. Мана, қулоқларини ҳам кесишди. Аввалига ҳатто сезмади. Кейинроқ сал-пал оғриди – бунга чидаш мумкин. Фақат бўйнидан кўкрагига оқиб тушаётган қонни кўрганда сесканиб кетди, озгина ваҳимага тушди. Кейин эса бурнини кесишди. Чидайди... «Чидайман!..» – деб юборди у овоз чиқариб. Ўз овозидан хаёли бўлингач, ён-верига бирров қараб кўяркан, жилмайди.

Анҳорнинг муздек сувида аввал кўлларини чиғаноғигача, сўнгра юзу бўйнини, кўкрагини ювди. Ҳозир у гўё танасидаги қонни юваётгандек эди...

Сал салқинлади, лекин анҳор бўйи офтобли бўлганидан нариги қирғоқдаги тутқатор остида бирпас ўтиргиси келди. Ўрнидан туриб, ўнгдаги кўприк сари юрди. Рўпарасида яна Соли кўринди: у ниманидир излаётгандек тимирскиланиб, атрофга тез-тез назар ташлаб келарди. «Ҳаммаёқни кезиб юраркан-да бу девона», деган гап ўтди хаёлидан. «Балки Соли биз билмаган ниманидир билар? Бу дардингга урай бало!..» У ихтиёрсиз тарзда Солига тикилди. Соли ҳам унга туйқус назар ташлади. Ана шунда ўртадаги анчагина масофага қарамай, яна унинг нигоҳини аниқ-тиниқ кўрди. Бу нигоҳ бағоят чуқур эди. Шу қадар чуқурки, унга кириш ва эҳтимол чўкиш мумкиндай туюларди... Улар кўприк олдида тўқнашдилар. Соли тагин «Қалайсан?» дегандай бош силкиб, ўтиб кетди.

Тутқаторнинг нарёғидаги этаги анча узоқларга чўзилган картага пахта экилганди. Дуркун ғўзалар тизза бўйи бўлиб қолган. У тут остига ўтириб, юз ва бўйнидаги намни артди. Энди офтобнинг тафти хийла қайтган, лекин ҳаво нони узиб олинган ва чўғи хиёл сўнган тандир каби дим эди. Унинг бағрида ажиб бир соғинч пайдо бўлди. Юрагининг ости сим-сим оқаётгандай, кўзларининг четига биров игна санчаётгандай эди. Эҳтимол, хотинини соғиндими? Қизиқ-а? Тавба! У кафти билан намчил бағрини сийпалади. Гўё йиғлагиси келарди-ю, аммо бу ҳолати ўзига жудаям хуш ёқарди. «Дардингга урай бунча ширин-а?...» Ё ош-наси Маъруфни соғиндими? Балки Солининг нигоҳи таъсир қилгандир? Йўқ, бағридаги нарсанинг омонлиги учун булар озлик қиларди... Яна хаёллари чувалашди: қайтишда Маъруф ариқчага солиб қўйган «ҳалигиндан» икки пиёла «уради». Ҳаво дим бўлса нима қипти? Кейин уйига бориб, хотинжони пиширган паловни «туширади». Таскин илинжидаги бу орзу-ўйлар ҳам камлик қилди... Ҳаловатсиз жовдираган кўзла-

ри ғужғон ғўзаларга тикилди. Шу пайт тизза бўйи бўлган ғўзалар ўса бошладилар, ўса-ўса худди қадимги жанглар акс этган кинолардаги сонсиз суворийларга айланардилар ва ўтиргани боис тобора ундан баландлаб борардилар. Бостириб келаётган тиш-тирноғича қуролланган лашкар ҳисобсиз эди. Унинг бағри ҳаприқди, кўксини эзғилаётган нарса шиддат билан бўғзига урилди. Бўғзи куйди-да, унда мислсиз бир наъра пайдо бўлди. Ҳайқиранган, чап қўли ёнбошини безовта пайпаслади ва кафти нимагадир урилди-да, уни маҳкам чангаллади. Сўнг бироз хотиржам тортди, кўксига ҳаво тўлиб, кўтарилди ва белида тутгани улкан қилични қиндан суғира ўрнидан туриб кетди. Шу он ўнг ёнидаги сербутоқ, эгри-бугри тут «Милтиқли киши»га айланди. Унинг қўлида чиндан ҳам каттакон милтиғи бор эди. Чап томонидаги тутлар ўрнида хотини ва Соли пайдо бўлди, орқароқда эса қорнини қаппайтириб Маъруф кўринди. Бошқа тутлар ҳам таниш-нотаниш одамларга айланарди. Ҳозир улар ҳамлага шайланган шер янглиғ рўпарадаги сон-саноқсиз лашкарга бас келмоққа қодирдай туришарди.

## Қўчқор НОРҚОБИЛ



### БАТАН НИМА?

Тавба қилдим, баъзида одамнинг хаёлидан ўтган воқеа содир бўлади. Шунинг учун ҳадеб ёмон хаёлларга боравермаслик керак. Катта энам раҳматли: “Ёмон хаёл қамални, яхши хаёл ҳамални чақиради...” дер эди.

Пойтахтдан минг чақирим нарида адабий учрашув бўларкан. Бир гуруҳ адиблар сафида мен ҳам борадиган бўлдим. Манзилни эшитиб юрагим шиғ этди: “Илҳомнинг онаси ҳам қатнашади. Онаси менадан Илҳомни сўнгги бор сен кўргансан... Айт, боламга нима бўлувди, болам сенга нима девди... деб сўроққа тутади”, деган ўй ўтди хаёлимдан. Ҳатто онаизорнинг қиёфаси ҳам кўз ўнгимда гавдаланди.

Орадан ўттиз йилга яқин вақт ўтяпти. Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани ҳақида гап кетса, тамом, Илҳомни эслайман. Мен ўша дамлар, айни қирчиллама ёшимда, ўша ерда Манғит деган шаҳарча борлигини илк бор Илҳомдан эшитганман...

Самолётдан тушяпману ҳамон алланечук хавотир юрагимни тимдалаяпти. Худди кимдир мени таъқиб этаётганга ўхшайди. Елкамга кимнингдир кўзлари қадалиб тургандай бўлади. Илҳомнинг нигоҳи қадалиб қолган елкамга. Мен уни аниқ-тиниқ кўраман... Ме-



нинг оёқ-қўлим қалтирагандай бўлади: оний лаҳзада. Чунки Илҳомни елкамга қўтариб олганман. Агар мен Илҳомни олиб кетмасам, Илҳом бу ерларда қолиб кетади. Агар Илҳом қолиб кетса уни душман олиб кетади, уни нимта-нимта қилишади... Чунки... биз...

Хаёл инсонда қандай пайдо бўлади? Буни билмайман. Хаёлни инсон тизгинлай олмайди, хаёл инсонга бўйсунмайди, шуни биламан. Аэропортда машинага ўтираётганимизда гуруҳ бошлиғимиз ажабланди:

– Бизни кутиб олгани шу ернинг ёшуллиларидан бири ҳам чиқибди. Нега сўрашмадингиз?

– А-а?!

– Эй-ей, нега паришонсиз? Тобингиз йўқми?

– Яхшиман. Бир гап, шу мен бошқа бирорта туманга борсам, бўлмасмикан?

– Мумкинмас. Рўйхат кетган. Ўзгармайди.

Майли, рўйхатинг ўзгармаса ўзгармай қўя қолсин...

Машина саҳрони қоқ ёриб ўтган йўлдан шамолни қайириб ўқдай учади. Бироқ саҳро жойидан қимир этмайди. Гўёки мен оёқ-қўлим боғлиқ, қисмат уловида ўзим хоҳламаган манзил сари ноилож ва ночор ҳолда кетиб бормоқдаман.

Тақдир улоқтирса одам боласи палахмон тошига айланади, ўзи истамаган жойга бориб тушаверади. Худди менинг, Илҳомнинг ёшлиги каби.

Хаёл яна менга, фақат менинг ўзимга томоша қўйиб беради – мен бу томошада ўзимни, Илҳомни кўраман.

...Тоғда жанг. Қиёмат қойим. Агар топтамоқчи бўлсанг ўзга юртнинг тоши ҳам, гиёҳи ҳам сенга қарши уруш очади – ўқ отади. Бировнинг юртига босқин қилган биз шўрликларга қарши ўша юртнинг ҳар бир майса, тоши, гилу қуми ўт очяпти – бошимизда ўқбўрон гувлайди. Кўз очолмаймиз. Харсанг панаси-

га бош уришдан ўзга чора йўқ. Биз тепаликка чиқолмадик. Тоғ йўл бермади. Тоғ бизни ўз этагидан худди қурт-қумурсқани силкиб, тўкиб ташлагани каби пастликка улоқтириб ташлади – биз чекиндик, жонимиз ҳалқумимизга тиқилиб, эмакляб-эмакляб қочдик, шармисор бўлиб қочдик. Взводнинг ярми тутдай тўкилди, взводнинг ярми қирилиб кетди. Қирилганнинг жони, қирилмаганнинг юзидан қони кетди. Тоғ адоғига етдик-етдик деганда асаби дош бермади чоғи, Илҳом ўрнидан даст туриб пастга қараб югура кетди. У ўзини текисликдаги бутазор ичига урмоқчи эди. Бир маҳал жойида таққа тўхтаб қолди, бир қўлини ҳаволатиб, ортга бир силтанди-да, бир он тек қотиб, кейин елкаси билан қулади. У ўқдан тез учаман деб ўйловди. Йўқ, у ўққа учди.

Мен юзтубан ҳолимда юзидан сўл қочган Илҳомни тортқилаб, судрай бошладим, у ихроқ азобида нималардир деб ғулдирарди. Юзига юзимни босиб, бошини силайвердим, нега бундай қилаётганимни билмайман, шундай қилсам юзимдан ҳарорат, жонимдан жон ўтади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Шундай қилсам, унга енгил бўлади, у тирик қолади, деб ўйлаган бўлсам керак-да. Эй-ей, менинг ғўргина ёшлигим-а...

Илҳом ўқчий бошлади. Қон сизаётган лаблари пирпирарди. Ичидан ожиз бир ингроқ отилди:

– Ўлигим... Ўлигим қолиб кетмасин... Олиб кет бу ердан.

Илҳомнинг сўнгги гапи шу бўлди. Жони узилди...

– Шоир, нега хаёл суриб қолдингиз? Нукусда қолмаганингизга хафасиз-а? – деди гуруҳбоши тиржайиб.

Мен нима ғамдаману, қўбизим нима дейди. У олис йўлда азоб тортди деб ўйлапти. Ичимдаги сабр тоши чил синади:

– Биз бу ерга нимага келдик, умуман Амударёга нега боряпмиз? – дейман томдан тараша тушгандай.

Гуруҳбоши эсанкираб қолади.

– Ватан, мустақиллик, келажак ҳақида гапиргани, халқ билан учрашгани, – дейди у авзойим бузуқлигидан энсаси қотиб.

– Ватан нима эканлигини мен ёшлигимда ҳис қилганман. Ватаннинг моҳиятини менга ўн саккиз ёшида жон бераётган дўстим ўргатган.

– Тушунмадим.

– Эҳтимол, тушунмаганингиз яхшидир. Тушунмайсиз...

– Бу нима деганингиз?

– Ўша раҳматли дўстим менга ўликлар ҳам ўз Ватанини соғинишини, ўликлар ҳам ўз танасини Ватан тупроғи билан қоришиб кетишини исташини, ўликлар ҳам Ватан танлашини ўргатиб кетган. “Жасадим бу ерларда қолиб кетмасин...” деб инграган аскар илтижосида инсон қалби изоҳлашга ожизлик қиладиган буюк бир туйғу бор... Биз ана шу туйғуни ҳис қилишимиз керак.

– Нега бундай деяпсиз?

– Менга Ватан моҳиятини ўргатган ўша ўғлон туғилиб ўсган тупроққа оёқ қўйяпмиз. Ҳозир биз ўша ўғлоннинг овулдошлари билан учрашамиз, дедим.

Учрашув жонли кечди. Адабиётни, шоиру адибни севган элнинг қарсақлари зални ларзага келтиради. Менинг юрагим безовта, кўнглимда бир титроқ, ҳадик... Залга аланглайман. Худога шукр, тадбир ниҳоя топди. Ўзимни енгил ҳис этиб ташқарига чиқдим. Йўл четидаги машиналарга ўтиряпмиз. Орқа эшикни очиб, энди ичкарилайман деб турувдим, костюмим баридан кимдир тортгандай бўлди. Юрагим шув этди. Ўгирилиб қарадим. Қаршимда озғин, новча, чўзиқ юзи ва тор пешонасини ажин босган, ботиқ ва тим қора кўзлари порлоқ, дурраси остидан чиқиб турган бир тутам кумуш сочи чехрасига ярашиқ, истарали, қирқ беш ёшлар чамасидаги аёлни кўрдим.

– Раҳмат сизга, – деди у. – Манавини олинг, – эгни-га мос ипакгул халат чўнтагидан конверт олиб узатди.

– Нима бу?

– Йўлда кўрарсиз...

У бурилиб кетди. Мен машина ўриндиғига чўқдим. Машина жилиши ҳамоно конвертни очдим. Титраб кетдим. Дўстим Илҳом иккаламизнинг жанг олдидан бирга тушган суратимиз қўлимни куйдирар, бу оташ бутун борлиғимни чулғаб олганди.

– Тўхтатинг. Тўхтат! Тўхтат машинани! – деб қичқирдим.

Мен катта йўлнинг қоқ ўртасида анчагача серрайиб қолдим. Сўнг оёқ-қўлим бўшашиб яна машинага ўтирдим.

Илҳом... менга баъзида айтар эди: “Омон-эсон борсак, синглим бизга гуртук қилиб беради. У гуртукни боплайди”, – дерди...

– Гуртук нима? – дердим.

– Хамир овқат. Курка гўшти солинади. Қорақалпоқларнинг “бешбармоғ”и, – дерди у.

– Синглинг неча ёшда? – дердим.

– Мендан икки ёш кичкина. Ўн олтига тўляпти, – дерди.

Сўнг менга қараб пўписа қиларди:

– Илжайма, нега илжаясан?

Йўл-йўлакай ўйлаб бордим: синглисининг исми нима эди? Исми нима эди? Нодирамиди? Назирамиди? Нигорамиди? Йўқ, Назира эди... Назира...

Кўзларимда ғилқиллаб ёш айланади. Машина саҳрони тарс ёриб ўтган йўлда учиб борарди...

Улуғбек ҲАМДАМ



## ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Профессор Ҳ. Бобобековга*

### 1

Баҳорда, атрофда ажиб бир уйғонишнинг ёқимли бўйлари уфура бошлаган тароватли бир айёмда, чўққи соқоли, ораста кийими ўзига чунон ярашган, қўл тегса, тилиб юборгудек қиррадор дўппи кийиб олган истараси иссиқ оқсоқол етти-саккиз ёшлар чамасидаги, ғайрати танасига сиғмай, қулай фурсат топдим дегунча ўзини ҳар ён уриб кўраётган чақмоқдек болакайнинг қўлидан маҳкам ушлаб олган кўйи мамлакатнинг бош шаҳрига келиб тушди. Отахон бошқа томонларга чалғимай, болажонни тўғри Хотира майдонига етаклади. Саккиз қиррали юлдуз ичра гуриллаб ёниб турган оловни айланиб ўтдилар-да, “Мотамсаро она” хайкали қошида бир муддат тўхтаб, эҳтиром кўрсатдилар. Сўнг бобо қўлидаги гулдастани тутқазиб имо қилганди, зеҳнли набира уни бирпасда она пойига тўшаб қайтди.

Кейин нақшинкор айвон томон юрдилар.

– Вуй, анави китобларни!.. – ҳайратини яширолмади болакай.

– Ҳа, ажойиб-а! – набирасининг завқига шерик бўлди бобо айвон деворларига ўрнатилган, олтинранг улкан китобларни авайлаб варақларкан. – “Ҳамдамов К. 1918–1943” – ўқиди бобо овоз чиқариб. Сўнг ўқиган жойига кўрсатгич бармоғини элтиб: – “Болам, бу киши менинг отам, сенинг эса катта бобонг бўлади”, – деди.

– Бобо, нега катта бобо бу ерда, китобнинг ичида? – сўради набира чандон қизиқиб.

– Чунки болам... – дабдурустдан нима дейишини билмай бир зум тараддудланди бобо, сўнг борини борича айтишга қарор қилди, – чунки у киши урушда ҳалок бўлган. Ватанимизга бостириб кирган душманга қарши жанг қилган...

– Бобо, яна гапириб беринг.

Бобо ўйга толди. Раҳматли онасининг айтишича, у киши Иккинчи Жаҳон урушида, қонли жанглардан бирида оёғининг остига келиб тушган бомбадан чилпарчин бўлиб ўлган экан. Аммо ҳозир негадир ўз отаси қисматини эмас, балки элининг узоқ тарихида юз берган бошқа бир воқеани ҳикоя қилиб бергиси келди. Назарида худди шу ҳикоя мағзида нафақат ўз падари бузруквори, балки ер юзидаги жамики Ватан қаҳрамонлари тақдири жо бўлган эди...

– Тавба, – деб қўйди у ҳикоясини бошлашдан олдин ўзига ўзи, ки тарих шундоқ кўз ўнгида такрорланаётган эди: ахир, гўё кечагина ўзига ҳам буни бобоси ҳикоя қилиб берганди-да. Яна қўшиб қўйгандики, “бу – Ватан ҳақида қўшиқ бўлади, ёдлаб олгин-да, вақти соати етганда уни болаларингу набираларингга айтиб бергин...”

## 2

Қор бирданига босди. Ҳеч кутилмаганда. Ҳали эрта эди, аммо... Ортидан қора совуқ келди. Нафас олсанг, бурун катакларингнинг гирди гўё бирлашиб

ёпишиб қолаётгандек, оёқ ва қўл бармоқларингнинг учи увишиб, ўзининг бор-йўқлигини сезмаётгандек бўлаверади. Ҳовузлардаги сув тарақлаб музлаган. Челак тугул, найза билан тешиб удда қилолмайсан: шундоқ ҳам суви кам қолган ҳовузлар тубигача яхга айланган. Бир қучоқ музни амаллаб олиб чиқсанг, уни эритиб-қайнатиб чой дамлаш учун на тезак ва на ўтин топилади. Дарахтларми?.. Бе-е, бор бўлса, дарахтлар ҳақида гапирилади-да! Қайда қопти дарахт дегани? Ҳаммаси ўтган йилги аёзда кесилиб, ўтинга ишлатилиб соб бўлган...

– ...шимоли-ғарбий дарвозалар бағоят заифлашиб қолди, ҳукмдорим! Таслим бўлишдан ўзга иложимиз йўқ! – ҳаяжону қўрқувдан дир-дир титраб келиб деди қалъабегини. – Шундай қилсак, зора аёлларимизу болаларимизга тегишмас... Ахир, ёғийнинг ваъдаси ҳам шундай эди-ку!?

– Қачон эди? Шунча қаршилик кўрсатдик. Аламлари бўғизларида. Жон аччиғида бутун халқни қиличдан ўтказишса, биздан, миллатдан нима қолади? – эътироз билдирди амирбоши.

– Ахир, айтинг, тузукроқ ўзга чорамиз борми?! Бўлса, бош устига! Барчамиз кўриб-билиб турибмиз, бир йилдан бери тиш-тирноғимиз билан қаршилик кўрсатамиз. Аскарларнинг катта қисми ҳалок бўлган, борининг ҳам шарти кетиб парти қолган: неча кундир сувсиз-нонсиз совуқда қотиб ўтирибди, у ёқда ўқ-дорисининг ҳам тағи кўриниб ётибди. Қўлимиздаги қиличу юракларимиздаги умиддан ўзга ҳеч вақомиз йўқ энди! Ўша умид билан Тангрига сиғинайлик-да, қиличларни ёғий оёғи остига ташлайлик, ҳукмдорим!..

Ҳукмдор қалъабегининг гапларига диққат билан қулоқ тутиб тураркан, ушбу оқил ва мард жангчи билан хаёлан баҳслашарди: ахир, қайси юз билан таслим бўлишади? Тарих кечирадими?.. Тарих?.. Қанақа тарих?

Таслим бўлмаса, яна нари борса, бир неча ҳафта ичида ҳаммаси патарат топади-ку! Бир йилдир дош бериб турган дарвозалар қулайди-да, ичкарига мўри малах-дек бостириб ёғий киради ва ваъдасини бекаму кўст адо этади: эркакларнинг уруғини қуритиб, қизу аёлни ўртада бебурд қилади, болаларни эса қул ва чўрига айлантиради. Сўнг унинг Ватани ҳам, унга қўшилиб элининг тарихи ҳам ер юзидан супурилиб кетмайдими?..

Бундай бўлмаслиги ҳам мумкин, агар... Агар у қалъабегии ўтиниби сўрагани каби иш тутса!.. “Шунда... шунда кўзи қонга тўлган душман қўлида қилич тутабилгич жамики эркакларни сўйса ҳам, аёллару ёш болаларимизнинг омон қолишига умид қилса бўлади. Шунда... шунда менинг халқим батамом қирилиб кетишдан сақланиб қолади ва қачонлардир яна ўзлигини тиклайди!.. Оҳ, тиклармикан!?”

Шундай дер эдию ҳукмдор алам билан лабини тишларди. Чунки бу эҳтимол ҳам мавжуд воқелик қаршисида ғоят ҳақир кўринарди. Шунчаларки, у дам кўзга илашар, дам эса йўқ. Шунинг учун ҳам у бисотидаги сўнгги чорани қўллаш ҳақида ўйлай бошлади. Сўнгги чора! Бас, у ҳаммасини ҳал қилади: ё ҳаёт, ё ўлим!..

Ҳукмдор уззукун шу ҳақда ўйлади. Сўнгги чорани қўллаш вақти келдимикан деб, бу борада хато қилиб қўймаслик устида узоқ ва жиддий бош қотирди. Ниҳоят, бир қарорга келди: аъёнларини тўплаб кўнглини дастурхон этди...

Эртаси кун ҳукмдор юрт кезмоқ учун ташқари чиқди. Элининг катта бир қисми сарой атрофида тўпланиб, унинг навбатдаги, – балки охиргидир, – фармонига бутун вужудлари қулоққа айланиб маҳтал туришарди. Уларнинг олдиларидан бир-бир босиб ўтаркан, ҳаммасининг дард тўла нигоҳларида очлик ва совуқдан, мусибат ва чарчоқдан, умидсизлик ва чорасизликдан дол бўлган қадларида битта, ҳа-ҳа, биттагина тилак-



ни кўрар, у ҳам бўлса, қалъабегининг айтганлари билан муштарак жаранглар: “Ҳаммамиз сенинг шонли туғинг остида шунча вақт аҳил яшадик, тирикликнинг аччиқ-ширинини бирга тотдик, ёв келганда бирдаму бир жон бўлиб курашдик, нимаики юртда содир бўлаётган экан, бари-барини кўриб-билиб турибмиз, сен ҳақиқий миллатсевар, ватанпарвар ҳукмдор экансан, лекин энди қўлингдан нимаям келарди, элга келган тўй экан, биз ҳам, сен ҳам имконимизда борини қилдик, энди сен биздан рози бўлмоғинг кераклигидек, биз ҳам сендан розимиз, дарвозаларни очайлик-да, тақдиримизнинг қолган қисмини пешона ёзиғимизга топширайлик!” – деяётгандек туюларди.

Юртнинг қамал қилинган бўлагини пою пиёда узоқ айланди ҳукмдор. Ҳар одимда мудофаа билан боғлиқ турли-туман ишлар жонсизроқ бўлса-да, давом этиб турарди. Аммо бир пайтлар гулистон бўлган мамлакат энди харобазорга дўнганди, бир пайтлар мағрур юрган ватандошнинг энди боши ҳам, қадди букик, нигоҳи синиқ эди... Юра-юра, илгари обод, энди эса барбод бўлган бир мавзе марказидан чиқиб қолди ҳукмдор. У ерда тўпланган тумонат одам нима-нидир бўлиша олмай, баҳслашиб-тортишиб турарди. Ҳукмдорни кўрганларнинг бир қисми бош эгиб таъзим қилди, аммо урушиб-талашаётганларнинг аксари қиё ҳам боқиб қўймади, аксинча, зўр бериб ўзларини тўданинг ўртасига урарди. Ҳукмдор синчиклаб разм солдию ўртада талаш бўлаётган бир бўлак зоғора нонни кўрди. Очликдан силласи қуриган одамлар ана ўша бир парча егулик илинжида бир-бирларининг юзу кўзларига охирги кучларини тўплаб мушт туширар, бир-бирларининг етти аждодини бўралаб сўқар ҳам эди. Туртиниб-суртилишлар натижасида нондан уқаланиб ерга тушган ушоқларни териб қор ва муз парчаларига қўшиб оғзига солиш илинжидагилар ҳам

ўшанча топиларди... Ҳукмдор аянч манзара қаршисида узоқ қололмади, ўзига ўзи: “Ҳа-а, уруш элни не кўйларга солиб кўйди!.. Аммо қай тадбирда хато қилдим мен?! Кўргиликнинг барига мен айбдор, ҳа, мен!..” деганча, юрагида гуриллаб ёнаётган олов билан дуч келган томонга боса кетди...

Кун оға бошлаганда эса темирчилик устахонасига келиб қолди. Аъёнларини эргаштириб устахонага бош суққан ҳам эдики, ичкаридаги тақир-туқир бирданига тинди. Усталар юзланиб, қўлларини кўксиларига кўйганча ҳукмдорга таъзим бажо келтирдилар ва шу кўйи ҳайкалдек қотдилар. Фақат четда бир киши орқа ўгириб олиб, бошини қуйи солган кўйи ўнг қўлидаги гурзидек катта болға билан чап қўлидаги, оловдан эндигина чиққан, позиллаб турган чўғ-қилични савалаб ишлов беришини кўймади: тақ-тақ-тақ... Кўрқиб кетган устабоши “ҳой!” дея сасланди. Бироқ уста ишга шу даражада берилиб кетгандики, ҳеч нимани пайқамасди. Бирданига ҳаммининг нафаси ичига тушди. Устабоши жонҳолатда чопиб бориб, устанинг елкасидан туртаркан, дўқ урди: “Таъзим қил!”

Уста ўгирилиб ҳукмдорини кўрди ва болғани кўйиб, қўлини кўксига олиб борди, бошини эгиб хурмат кўрсатди. Ҳукмдор унинг ўрта бўйию чайир билакларига, меҳнатдан қорайиб кетган чеҳрасига негадир кулимсираб тикилиб қолди. Уста бир муддат кутди, сўнг яна бутун қиёфаси билан ҳукмдорига эҳтиром кўрсатдию қўлига “гурзи”ни тутди: тақ-тақ-тақ! Устабошининг яна капалаги учди ва “Бас қил!” дея кескин буйруқ берди. Уста ишдан тўхтаб, “Нима гап?” дегандек ҳайрон қаради. “Эсингни едингми? Қаршингда ҳукмдор турибди, таъзим бажо айла, нодон!” Уста унга ҳайрон қаради ва хотиржам, аммо қатъий оҳангда: “Мен зиммамга тушган вазифани бажаряпман. Қолганлар ҳам ўз ишини сидқидилдан адо этганда эди, дарвоза-

ларимиз ортида лак-лак душман қўшини келиб турмас эди!" – деди. Наштардек ушбу жавобдан устабошининг эси оғиб қолаёзди: у яшин тезлигида нимадир демоқчи бўлдию ё ичидаги кўркувиг ва ё ҳаяжонига тикилиб тутилди. Балки айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган гапининг маънисига урилиб кетган бўлиши ҳам мумкин... Нима бўлгандаям, устабоши вазиятни тузатолмас ҳолларга тушиб гангиди. Шунда ҳукмдор унинг озурда жонига оро кирди: қўли билан "Ҳожати йўқ" дегандек имо қилди. Сўнг бир маромда ишлаб турган устага тикилиб турди-турди-да, унинг елкасига енгилгина шапатилаб қўйганча устахонанинг чиқиш томонига йўналди. Қолган усталарнинг бари куллуқ қилган кўйи уни кузатиб қолишди... Ҳукмдор устахонадан чиқиши билан эса ёппасига тақир-тукур бошланди. Аммо у уч-тўрт чақирим олислаб кетганда ҳам ортидан унинг қулоқларига фақат ўша устанинг болғасидан чиқаётган товушгина келиб турарди: тақ-тақ-тақ... Ва у негадир худди бир пайтлардаги, озод ва обод юртидаги темирчилик устахоналаридан келади-ган садони ёдига соларди...

...Эртаси кун азонда ҳукмдор сарой олдидаги баланд супага чиқиб келди. Неча замондир фармонни жарчи ўқиб халойиққа ошкор айлар эди. Энди саҳнада ҳукмдорнинг ўзи қад ростлаб турибди. Аммо бу гал "жарчи"нинг қўлида фармон битилган қоғоз йўқ эди. Ҳамишаги жарчи "Ҳукмдоримизнинг фармони олийлари эълон қилинади!" дея жар солиши билан бутун эл у ерга ёпирилди ва ўз ҳукмдорлари билан юзма-юз келди. Одатда, бундай манзарадан оғизлар очилиши керак эди-ю, бундай бўлмади, ки аҳвол изоҳларсиз ҳам кундек равшан эди...

"Эй, муқаддас тупроқ! Эй, шу тупроқ эгалари! Эй водийлар, эй воҳалар! Эй, бепоён ўлкамнинг боғу роғларию эй, дашту далалар ва чўлу биёбонлар! Эй,

юртимнинг осмонўпар тоғларию улардан тушиб келгувчи дарёю сойлари! Эй, сахий қуёш ва эй, кечалари бошларимиз узра порлаб тургувчи беминнат ою юлдузлар!.. Мен сизлардан мингдан-минг розиман! Фақат ўзим учун сиздан рози-ризолик тилашга тилим айланмайди. Чунки биламанки, бунга асло ҳаққим йўқ! Яхши ҳукмдор Ватанини ёвга топширмайди. Аксинча, уни ҳеч бир ёвнинг дасти етмайдиган баландликларга олиб чиқади ва мудом ўша ерда қолмоғини таъмин этади. Надоматлар бўлғайким, бу менинг илкимдан келмади!..” – Ҳукмдор бу аччиқ, аламли сўзларни ирод қилмоқчи эди, аммо айтолмади. Улар ҳукмдорнинг ботинида жарангларди. Мана, неча ойдир, кунда жаранглайди улар. Бас, бутун вужудини қоплаган титроққа бир зум енгилиб, кўзларини юмди... Киприкларида реза-реза ёш ҳалқаланди... У ўзини қўлга олишга тиришаётгани бутун қиёфасидан, айниқса, бўғриқиб бораётган юз-кўзидан, бўртиб чиқаётган бўйин томирларидан, дамбадам силкинишга тушаётган вужудидан шундоқ билиниб турарди...

– Мен... Мен кеча юрт кездим, – деди у ниҳоят, овоз чиқариб, – гулдек ўлкамнинг ёғийга таслим бўлишини ўйласам, ҳалигача тирноқларимнинг учигача титраб кетяпман!.. Ахир, бу сиз билан бизнинг юртимиз! Уни биз ўз қўлларимиз билан бунёд ва обод этдик. Бас, тупроқларимизда биздан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак! Эсланг, ҳаммамиз шу юрт қучоғида туғилдик, унинг кенгликларида дунёни танидик, ҳаёт деган тенгсиз неъмат билан юзлашдик, ота – ким, она – ким, дўсту ёр – ким, билдик. У – бизнинг ору номусимиз, бору йўғимиз! Бас, унинг бағрига ғайри кимсаларнинг киришига минбаъд рози бўлмаганмиз!.. Шундай деймиз-у, энди... – ҳукмдор кўзёшларини қулт этиб ютиб юборди, – энди кўрмайсизми, ёв манави деворларимизнинг, дарвозаларимизнинг шундоқ орти-

да тиш ва қилич қайраб турибди. Бизнинг эса егани нонимиз, ичгани сувимиз қолмади. Қуролу аслаҳамиз ҳам уларникидек эмас. Устига-устак, ҳолдан тойганмиз, жангчиларимизнинг кўпи очиқ жангларда ҳалок бўлган. Қолгани оч ва юпун... Жосусларимизнинг сўнгги маълумотларига қараганда, душман биздан ўн ҳисса зиёд. Ҳам қорни тўқ, ҳам қуроли соз. Шунча кўргулик етмагандек, эшик қоқмай қаҳратон қиш кириб келди. Худди ёғий каби қўққисдан босди у ҳам бизни. Ёғийни мамлакатга сўқмасак ҳам бу туришда қишдан омон чиқишимиз амримаҳол... Мен кеча мамлакат кездим, сиздан бир оғиз сўроқ сўрмай ҳолингизга қарадим. “Нима қилайлик?” деб юзу кўзингизга тиланчи каби мўлтираб боқдим. Биласизми, ҳаммаларингнинг нигоҳларингизда битта жавобни кўрдим. У ҳам бўлса, “Дарвозаларни очайлигу у ёғини тақдирга ҳавола этайлик!” деган...

Мен дунёга келиб сиздек мард, сиздек садоқатли халқни кўрмадим ҳам, эшитмадим ҳам. Сизлардан айримларингиз аллақачонлар мени, юртимизни, миллатимизни сотиб, душман тарафга қочиб ўтишингиз мумкин эди. Аммо буни қилмадингиз. Биронтангиз нону тузимизга хиёнат қилмадингиз, орқадан пичоқ урмадингиз. Мен, аввало, шунинг учун ҳам Яратганга шукроналар келтираман! Сизларга эса қуллуқ қиламан! Лекин энди вазият бошқача йўл тутишни тақозо қиляпти экан, бу ҳам қисматда бор кўринади. “Таслим бўлсак, душман ўз ваъдасида туриб, аёлларимиз ва болаларимиз ҳаётини сақлаб қолар...” демоқдасиз сиз. Наҳотки, бисотимизда фақат шугина бир умид қолган бўлса?!.. Биргина шу умид!.. Наҳотки, сизнинг айтадиган бошқа гапингиз, ўзга таклифингиз бўлмаса?!.. – хирқироқ овоз билан хитоб қилди ҳукмдор...

Халқдан эса садо чиқмади.

– Айтинг, шу чоққача фармонни мен бердим, энди бир гал сиз беринг. Ки, бу фармонга ватанимизнинг, сизларнинг, ҳаммамизнинг тақдиримиз боғлиқ! Эълон қилинг фармонни! – ҳайқирди ҳукмдор энди...

– Сўз айтмоққа рухсат беринг, ҳукмдорим! – одамлар орасидан кўримсизгина, шу ерда йиғилганларнинг кўпчилиги қатори уст-боши кир-чир, йиртиқ-ямоқ бир йигит чиқиб келди-да, ҳукмдорнинг қарши-сида тиз букди.

– Сўйла! – буюрди ҳукмдор.

– Мадомики, фармонни биздан кутаётган экансиз, менга жангда ҳалок бўлиш шарафини ато этинг! Ёвга таслим бўлиб қул бўлгандан кўра, душман қиличидан ўлиб, озод бўлишни афзал биламан!.. Мен жонимни таклиф қилиб келдим, ҳукмдорим!!! Ахир, Ватан қўлдан кетар экан, жонни нима қиламан!.. Мен Ватанимни бошқача яхши кўролмайман!..

Боягина атроф сув куйгандек жим эди, бирдан ғала-ғовур бошланди:

– Эсини еб қўйибди бу!..

– Битта ўзи лак-лак қўшинга қарши борадими?..

– Мусибат элтиб қўйган бунини...

– Рухсат берманг, ҳукмдорим! Йўқса, ҳаммамиз шу темирчининг касрига қоламиз! Душманнинг яна ғазабини келтиришининг нима ҳожати бор? Аслида, муносиб ёғийга муносиб тарзда таслим бўлиш ҳам бир шараф! Шунда ғолиб мағлубни афв этади... Бу шўринг қурмағур йигитча бизни ўша сўнгги имкондан ҳам маҳрум айламоқчи!..

...ундан – у, бундан – бу, дегандек, кўпдан кўп гап чиқди. Лекин уларнинг бари йигитнинг сўнгги истасига қарши жаранглади.

– Жим! – қўлини азот кўтарди ҳукмдор. Сўнг яқин келиб фуқарони елкасидан тутиб турғазди. – Сен кечаги темирчи йигит эмасмисан, мабодо?

– Ҳа, ҳукмдорим, ўшаман, – кўзларини ердан узмай жавоб берди темирчи.

– Отинг нима?

– Турон! – фахр билан деди йигит.

Ҳукмдор йигитни маҳкам бағрига босиб, қулоғига шивирлади:

– Агар ҳамма сендек жасур бўлиб, сендек фикр юритганда эди, остонамизда ҳозиргидан ўн ҳисса кучли ёв турганда ҳам, барибир енгиб чиққан бўлар эдик! Қани энди ҳамманинг кўксига сенинг юрагингдек юрак ура бошласа!.. – Ажабтовур манзарани кўриб, халойиқнинг нафаси ичига тушди, шовур эса тинди. – Майли, сенинг тилагингни қабул қиламан, жангчи! Тангри сенга, менга, бутун туронликларга мададкор бўлғай!.. – Сўнг ҳукмдор қалъабегии томон юзланиб ҳайқирди: – Дарвозани очинг!

Лекин жавобан на қалъабегии ва на аскарлар – ҳеч ким ҳаракатга келмади. Афтидан, улар нима бўлаётганини бирданига фаҳмлай олмай, довдираб туришарди.

– Дарвозани очинг, дедим, қалъабегии! – баланд оҳангда такрор ҳайқирди ҳукмдор.

Қалъабегии дарҳол ҳушини тўплаб, дарвозабонларга буйруқ берди. Зумда саройга энг ёвуқ дарвозанинг бир қаноти хиёл очилди. Кечаги кунга доғур темирчи, бугун эса жангчига дўнган йигит ҳукмдорнинг бағридан айрилдию дарвозадан шитоб чиқиб, тўғри душман ёққа йўналди. Ўн-ўн беш одим юргач эса белига тақилган қинни қўлига олди. Сал нарида эрталабдан янги ҳужумга тайёргарлик кўриб саф тортиб турган ёв қўшини аввалига анграйиб турди, сўнг биргина йигитнинг қилич суғуриб, қинини дуч келган томонга улоқтирганча жангга ҳозирлигини кўргач эса хоҳолаб кулиб юборди. Бу пайтда Турон эли баландлиги нақ бир терак бўйи, устида иккита арава бемалол ёнма-ён юроладиган қалин деворлар устига чиқиб олганча

воқеани кузатар эди. Ҳукмдорнинг эса бутун вужуди кўзга айланиб, лаблари тинимсиз пичирларди...

Йигит ёв кўшинига жуда яқин қолганда улар орасидан бир неча пиёда жангчи ажралиб чиқиб, қиличларини яланғочлади. Йигит улардан энг пешдагисига ҳамла қилди ва қиличининг бир Ҳимоси биланоқ душман бошини сапчадек узиб ташлади. Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчисини ҳам худди шундай осонлик билан саранжомлади. Ушбу манзара бир қарашда гўё ўтда ёнмасу сувда чўкмас, қилич чопмасу енгилмас қахрамонлар ҳақидаги эртақларни ёдга соларди, соларди-ю, аммо бу эртақ эмас, балки айна ҳақиқат эди. Чунки у ҳаммининг – минг-минглаб жангчию қалин деворлар устига чиқиб олган Турон элнинг шундоқ кўз ўнгида содир бўлаётганди... Алқисса, ёғийнинг ўндан зиёд аскарлари тишлаб қолди. Эндигина қаҳ-қаҳлаб турган улкан кўшиннинг кайфияти бузилгану йириб очилган кўзлари омонсиз жанг давом этаётган дўппидек майдонга михланганди. Йигит-чи, у жонини жабборга топшириб қўйганча қилич сермар, “Бир, икки, уч!” дегунча ўзига баъзан бир яримта келадиған давангир-давангир душман жангчиларини ерга қулатар, сўнг яна олдинга ташланарди. Бунга ортиқ чидаб туриш мумкин эмасди, ки майдон ёв жангчиларидан сачраған қону уларнинг жасадларига тўлиб бораётган эди. Шу пайт денг, бир жойда қоқилган қозикдек тек турган кўшин ҳаракатга келдию ундан ажралиб чиққан жангчиларнинг катта бир гуруҳи ҳалқа бўлиб йигитни ўраб олди. Йигит энди гоҳ у ёндан, гоҳ эса бу ёндан ҳамла қилаётган ёғийга қараб шердек ташланар, наъра тортарди. Ниҳоят, унинг қиличи навбатдаги душманнинг боши узра азот кўтарилганда чор томондан сиқиб келган ёв кўлидаги ўнларча узун найзалар жангчининг ёшгина баданини илма тешиқ қилиб тешиб ўтди... ва... ва йигитнинг вужуди ўша алфозда ҳайкалдек қотди...



...аммо худди шу аснода тарих ўз йўлини ўзгартирди... Чунки худди шу лаҳзада Турон элининг юрагида ухлаб ётган шер қаттиқ наъра тортганча ғафлат уйқусидан бош кўтарди...

...борлиқ дарвозалар бирданига лангиллаб очилди ва ҳайқириб, сурон солиб Турон жангчиларию оддий эл душманнинг устига ёпириб кела бошлади. Уларнинг орасида етти ёшдан етмишгача, эркакдан аёлгача бор эди. Соғми-касалми, бутунми-чўлоқми, карми-соқовми... ҳамма ўзини жанг майдонига отганди!.. Ва барчанинг кўз ўнгида эндигина Ватаннинг ору номуси дея бир ўзи бутун бошли душман қўшини қаршисига чиққан, чиқа олган жангчи йигит ва унинг душман билан бўлган тенгсиз олишуви сувратланиб қолганди. Бас, энди бу қўшин қаршисига чиқишга жазм қиладиган қўшин бутун ер юзини айланиб битирганинда ҳам топилмасди. Тополмасдинг ҳам! Гўё бу қўшин жангчиларининг ҳар бири эндигина йигирма чоғли душманни ер билан яксон қилган ўша жасур жангчи йигитга айланиб бўлганди... худди ҳукмдор орзу қилгандек...

Ҳа-я, сал бўлмаса, эсимдан чиқаёзибди: ҳукмдорнинг охирги чораси... У шу эдими ё бошқа, – буни ҳеч ким билмади. Ўшандаям, ҳозирам... Зеро, ғалабадан кейин буни ким ҳам сўраб-суриштирарди, дейсан...

### 3

– Жангда ким ғолиб бўлди, бобо?! – ҳикоя мағзини тушуниб қолганига қарамай, янада аниқлик киритмоқчи бўлиб сўради таъсирланиб кетган болакай.

– Албатта, туронликлар! Чунки улар сонда ўн ҳисса оз бўлса ҳам, амалда душмандан йигирма ҳисса кучли эдилар. Туронийгитнинг мардонавор ўлими уларнинг юрагини уйғотиб, ундан ўлим қўрқувини қувиб сол-

ганди. Уйғонган юракда гап кўп, болам. Юраги уйғоқ инсонни ҳам, бундай элни ҳам асло енгиб бўлмайди...

Бобо ҳикоясини тугатгандан сўнг узоқ муддат сукутга чўмди. Боланинг бўлса, нигоҳларида ҳайрат қотиб қолганди. У ҳаммасини тушунган каби савол беришни бас қилган, бир бобосига, бир она ҳайкалию бир унинг қаршисида – майдон ўртасида ёниб турган мангу гулханга ва бир катта боболарининг исмлари битилган зарҳал китобга маъноли-маъноли қарар, ўзича нималарнидир уқиб олмоқчи бўлар эди. Яна бирпас кутиб олгач, бобо боз тилга кирди: “Бу – Ватан ҳақида қўшиқ бўлади, болам. Ёдлаб олгину унутмагин. Кун келиб эса уни ҳикоя қилиб бериш гали сенга етади...”

Бобо ва набира кун бўйи майдон айланиб, савол-жавоб қилиб, суҳбатлашиб юришди-да, шом туша бошлагачгина бекат ёққа оҳиста одимлашди. Бу чоғ хув узоқда, уфқда қуёш ол рангларга чулғаниб ботаётган эди. “Қара, эртага кун янада мусаффо бўлади!” – деди бобо. Боланинг эса, нигоҳи бобоси ишора қилган томонга қадалган бўлса-да, кўз қорачиғида, ором олиш учун рангин шафақ – ёстиққа бош қўяётган бобоқуёш эмас, йўқ, балки Ватан шаъни, миллат ҳимояси учун сон-саноксиз ёвга қарши бир ўзи жанг майдонига кириб кетаётган ўша ёш ва баҳодир йигит суврати аксланар, лаблари эса “бобо, у менинг катта бобомнинг ҳам катта бобоси экан”, дея пичирларди...

Лола ЎРОҚОВА



## ЎҒИЛ БОЛА

– Самандар! Ҳей Самандар!

Кўча томондан кимдир баланд овозда чақирарди. Ошхонада онасининг ёнида куймалашиб юрган бола ўзининг исмини эшитиб, қулоғини динг қилди ва беихтиёр онасига қаради. Хадича опа ҳам сергак тортди.

– Чиқиб қара-чи, ким экан?

Самандар кўча томонга чошиб кетди. Дарвоза олдида улардан беш-олти ҳовли нарида яшайдиган Карим ака турарди.

– Ассалому алайкум. Келинг, амаки, – деди у. – Уйга кириг.

– Ваалайкум ассалом. Раҳмат, ўғлим. Қўшниларни тўйга айтиб юргандим, дарвозангиз олдидан ўтиб кетолмадим. Эртага эрталаб бизникига наҳорги ошга боринг, отангизни ўрни билинмасин, хўпми, бўтам.

Ўғлининг ортидан дарвозахонага келган Хадича опа қўшнисининг сўзларини жимгина эшитиб турарди. Карим ака жувонни кўриб, у билан саломлашди.

– Яхши юрибсизми, келин? Самандаржонни тўйга айтгани келдим. Албатта, юборинг, от ўрнини той боссин энди.

Хадича опа “хўп” ишорасини қилди-ю, ўпкаси тўлди. Йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб, ортига бу-

рилди. Барибир кўзидан ёш қуйилиб келаверди. Унга ҳозир битта гап кам, иккита гап ортиқча, йиғлагани йиғлаган. Беш ойдан бўён кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Эрининг ўлими юрак-бағрини адо қилди. Эл устида юрган кайвони одам тўсатдан юрагини чангаллаб жон берди. Дўхтир ҳам вақтида етиб келолмади. Ўшандан бери Хадича опанинг егани захар, кийгани кафан. Сал гапга йиғлайди. Кўз ёшидан болалари ҳам безиб қолди. Икки қизи-ку ҳали кичкина, кўп нарсанинг фарқига бормайди, бироқ Самандари анча хуш-ёр, онаси йиғласа қандай овутишни билмай эси кетади, ноилож ўзиям йиғлай бошлайди. Жуда эзилиб кетди бола фақир. Буни Хадича опа сезиб, бироз ўзини ўнглаб оляпти, жилла қурса болалари учун иродали бўлиши кераклигини англаган. Ҳозир ҳам кўнгли тўлганини ўғли сезмасин учун тез-тез юриб ошхонага кириб кетди.

Самандар эса тўйга айтилганидан ҳайрон: “Ахир катта одамларни тўйга айтишади-ку, мен ҳали кичкина бола бўлсам, ё нотўғри эшитдимми?”

Самандар хаёлчан онасининг ортидан ошхонага борди.

– Ая, Карим амаки мени тўйга айтдиларми?

– Ҳа, сени айтдилар, болам, – деди онаси.

– Мен тўйдан ош олиб келаманми? Товоқча бера-сизми?

– Йўқ, сени ошга эмас, тўйга айтиб кетдилар.

– Мен ҳали ёш боламан-ку.

– Тўғри, сен ёш боласан, лекин ҳовлимизни каттаси – эркагисан. Шунинг учун сени тўйга айтдилар. Бундан кейин отангга муносиб, янаям одобли, ақлли ўғил бўл. Ана шунда отангни руҳи шод бўлади.

Хадича опа ҳар қанча уринмасин, йиғлаб юборди. Самандар хомуш тортиб, онасининг пинжигга тиқилди, қўллари билан унинг кўз ёшларини артди. Онаси

Ўзини тутиб, жилмайганидан кейин кўнгли жойига тушиб, яна савол беришни бошлади:

– Руҳ нима, ая?

– Руҳми?.. Руҳ отангни осмондан сени кузатиб туриши. Яхши бола бўлсанг қувониши...

– Эртага тўйга боришимниям кўрадиларми?

– Кўрадилар! Ўғлим катта йигит бўлибди, деб се-  
винадилар.

– Ўзи эртага тўйга бораманми?

– Албатта, борасан. Айтилган жойга борадилар, йўқса, ҳурматсизлик бўлади. Ўзим сени чиройли кийинтириб, фасон қилиб қўяман. Одамлар: “Қаранг-а, Абдиғаффор аканинг ўғли катта йигит бўлиб қолибди. Бунча чиройли бўлмаса. Кийимлари бирам ярашибдики, одобини айтмайсизми?”, дейишсин. Хўпми?

– Хўп, ая.

Самандар яна ниманидир сўрамоқчи бўлиб онасига тикилди. Хадича опа буни сезиб, кутиб турди.

– Ая, Карим амаки мени сизлаб гапирдиларми?..

– Ҳа. Бу ҳурмат-да, болам. Сенга ва дадангга ҳурмат.

– Ёш болани ҳам сизлайдиларми? Бошқача эшитиларкан...

– Ҳурмат қилишса, бешикдаги чақалоқниям сизлашади.

Самандарни жўралари чақириб қолиб, она-боланинг суҳбати бўлинди. У кўчага чиқиб бироз ўйнаган бўлсаям, фикри-зикри эртанги тўйда эди.

– Карим ака мени наҳорги ошга айтдилар, – Бега-  
лига мақтанди у. – Сенам борасанми?

– Йўғ-э, дадамни айтдилар. Сен кичкина-ку, тўйга айтдиларми?

– Ҳа-да! Кичкина бўлсам ҳам айтдилар, албатта, боринг, дедилар. Дадамни ўрниларини билдирмаслигим керакмиш... Биласанми, Карим амаки мени сизлайдилар.

– Ростданми? Зўр-ку! Менга ҳеч нима демадилар, дадам билан гаплашдилар.

...Самандар кечки овқат пайти ҳам, овқатдан кейин ҳам фақат тўй ҳақида ўйлади. Ўтган кунни холаси олиб келган расмни китобни варақляпти-ю, хаёлида тўй. У ўзини катталар каби тўйга таклиф этилганига хурсанд. Тўйхонага қандай боришни, дарвозадан қандай киришни ўйлагани ўйлаган. Кечқурун уйкуси қочиб кетиб, алламаҳалда онасига яна сўз қотди:

– Ая, ҳали ухламадингизми?

– Йўқ, нима эди?

– Тўйга Бегали жўрам билан борсамми, сиз нима дейсиз?

Хадича опа ўғли бугунги чорловдан ўзини бошқача ҳис этаётганини сезганди, кўрдикки, ҳалиям ухламай, хаёл суриб ётибди.

– Менимча, ўзинг борганинг дуруст. Тўйга Бегали эмас, дадаси айтилган. Бегали билан борсанг, Карим амакинг: “Ўзини айтгандим, ўртоғини етаклаб келибди”, дейишлари мумкин.

– Унда ўзим бораман...

Самандар қачон ухлаб қолганини билмайди, уйғониб қараса, икки синглиси пишиллаб ухлаяпти, онаси жойида йўқ. У бет-қўлини ювиб, кўча супураётган онасининг ёнига борди.

– Турдингми, болам?

– Уйқум қочиб кетди, бирор иш қилишайми?

– Пақирчанг билан сув сепақол, бугун дарвозамиз олдидан тўйга қанча одам ўтади, супуриб-сидириб қўйсак яхши-да.

Самандар кичкина челакчада сув ташиб, супурилган жойга сепиб келаверди. Бир зумда кўчага файз кирди. Сўнг она-бола уйга кирдилар. Хадича опа Самандарнинг эғнига мактабга кияди, деб олган янги костюм-шимини, бошига дўпписини кийдирди.

– Мана, ҳақиқий йигит бўлдинг, – деди ўғлига фахр билан тикилиб. – Сени кўриб танимай қолишмаса деб кўрқаман...

Самандар кулди. Ойнага қараб у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди, қош-кўзларини учуриб, онасига эркалик ҳам қилди.

– Ўзимни ақлигимдан, – Хадича опа Самандарни бағрига босди. – Яхшиям, сен бор. Яхшиям, икки синглинг бор. Йўқса, мен адойи тамом бўлардим.

Самандар онасининг бағридан бўшаб, мўлтираб қараб турди. Она ўғлининг кўз қиридан нима демоқчилигини англаб, кулиб юборди.

– Борақол, болам, борақол. Қара, қанақа чиройли кўшиқ эшитиляпти. Насиб этса, катта бўлиб уйланганинда тўйингга ана шунақа ҳофизларни олиб келамиз.

– Эй, ая!..

Самандар уялиб кетди. Онасининг икки юзидан ўпиб, кўчага отилди ва тўйга бораётган одамлар оқимига қўшилди. Тўйхонага яқинлашаркан ўзини ғалати сезди ва атрофга олазарак боқиб тенгқур қидирди, аксига олиб бирорта бола кўринмади. Беихтиёр қадами секинлашди ва йўл четигаги тут панасига ўтиб, одамларни кузатди. Гуруҳ-гуруҳ тўйдан чиқиб келишяпти, гуруҳ-гуруҳ кириб боришяпти. Самандар бирпас қараб тургач, ўзича аҳд қилди: “Нима бўлса бўлди, мана шу одамларни ортидан кираман. Ахир мени тўйга Карим амакининг ўзлари айтдилар. Бормасам ҳурматсизлик бўлади. Онам ҳам айтилган жойга бориш керак, дедилар”.

Самандар тутнинг панасидан чиқиб, тўйхона томон юрди. Шинам кийиниб, катта кишилардай тўйга келаётган болага биринчи бўлиб Карим аканинг кўзи тушди ва беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

– Келинг, келинг, Самандарбек. Ичкарига киринг.

Карим акани кўриб “хуш келибсиз”га турган бошқалар ҳам ўринларидан туришди. Улар илк бор ёш болада ўзига хос салобатни кўришди ва кириб кетгунига қадар тавозе билан туришди. Ҳаммининг назарида Самандарнинг отаси – маҳалла оқсоқоли Абдуғаффор ака тирилиб келгандай туюлди.

Самандар қўлини кўксига қўйиб салом берди ва ичкарига кирди. Меҳмонлар орасидан бир кўриниб, бир кўринмай тартиб билан терилган стол-стуллар томон ўта бошлади. Шу пайт нимадир оёғини чимчилаб олгандай бўлди ва чўчиб тушди. Бир зум нима гаплигини тушунмай гангиб қолди, сўнг кўзи Карим аканинг ён қўшниси Амин чўлоққа тушди, у химчин кўтариб ёнида турарди.

– Сен, зумраша, катталар орасида нима қилиб юрибсан? Эрталабдан бўён эшикдан қувсам тешикдан кириб келасанлар, оёқ остида ўралашганларинг ўралашган. Бор, уйингга кет!

Самандарга еру осмон бир бўлиб, боши айланиб кетди.

– Амаки, амаки, мен... Ҳалиги ошга эмас, тўйга келганман... Мени Карим амакимнинг ўзлари таклиф қилганлар... Мен...

Амин чўлоқ унинг сўзларига қулоқ ҳам солмади. Одамлар орасидан туртиб-туртиб дарвоза томон ҳайдади. Самандар уят ва аламдан ер ёрилса, кириб кетгиси келди. Миясида: “Дарвозадан қандай чиқиб кетаман?” деган фикр маҳкам ўрнашиб олди. Амин чўлоқ эса бепарво, уни туртиб борарди.

Самандарнинг кўзлари ёшга тўлди. Дарвозага яқинлашганида нигоҳи бошқа бирор нигоҳ билан тўқнашишини истамай бошини ҳам қилиб олди. Аммо Карим ака уни кўриб қолди. Ҳозиргина тўйхонага кириб кетган боланинг зум ўтмай қайтиб чиқиши унга шубҳали туюлди.



– Самандар! Самандар! Нега кетяпсиз? Нима бўлди?

Самандар бошини кўтармади. Бир сўз демади. Индамасдан дарвозадан чиқиб кетди. Карим аканинг кўзи кўлига химчин кўтариб олган Амин чўлоққа тушди-ю, гап нимадалигини англади.

– Югур, Ражабали! Югур! Самандарни қайтар!

У ёнидаги йигитга буюрди. Ражабали югурди. Бироқ тўйхонадан чиқиб олган Самандар ўқдай учиб борарди. Унга етиб бўлмасди. Унга етиш амримаҳол эди.

Ражабали индамай ортига қайтди. Самандар уйига қараб эмас, кўчанинг нариги бетидаги жарлик томон елиб кетди. Жарликка тушиб, тўғри чашма бўйига борди. Унинг болалиги шу ерларда ўтяпти. Дўстлари билан ҳали қувлашмачоқ ўйнайди, ҳали бекинмачоқ. Баъзан нонни увоқ қилиб балиқларга ташлайди. Югуриб сув юзига чиқиб, увоқ талашган балиқларни кўриб завқланади. Баҳор келиши билан ким кўп ялпиз терар ўйнашади. Лабларини қип-қизил қилиб маймунжон териб ейишади.

Ҳозир эса ёнида ҳеч ким йўқ. Танҳо ўзи. Қизиқ, бир лаҳзада кап-катта кишилар унинг иззатини жойига қўйиб ўстириб юборишди. Яна бир лаҳзада ер билан битта қилишди. Самандарнинг ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди. Анчагача ўзига келолмай, ҳиқиллаб турди. Сўнг юз-қўлларини ювиб, балиқларни томоша қилди. Ердан кичкина тошчани олди-да, чашмага отди. Тошча сув юзидан ўзига йўл очиб, чашманинг тубига тушди. Балиқлар парво ҳам қилишмади.

Самандар чашманинг бўйидан кетгиси келмаса-да, онаси хавотирланишини ўйлаб ўрнидан қўзғалди. Жарлиқдан чиқиб, уйига кетди. Дарвозадан кираркан, кайфиятини кўтариб олиш учун жилмайиб қўйди. У шу кўринишда онасига рўпара келмоқчи эди.

Пешайвонда онаси, сингиллари ва қўшниси Салима ая нонушта қилишаётган экан.

Самандарнинг кўзи дастурхон устида бўғи чиқиб турган бир лаган паловга тушди. Ошнинг ёқимли ҳиди димоғини қитиқлади.

– Келдингми, ўғлим, – деди уни кўриши билан Хадича опа. – Карим аканинг хотини Гулбаҳор опа жуда фаросатли-да. Азадорлигимни билиб шундан шунга бир лаган ош юборибди. Гуручидан гўшти кўп. Барака топсин. Кел, ўғлим, гўштидан егин.

Самандар гап нимадалигини бир зумда сезди. Бироқ онасига сир бой бермади. Оғзидан сўлаги оқаётган бўлсаям уйга кираркан:

– Ая, ахир мен тўйдан келяпман-ку, – деди.

Карим аканинг хонадонидан ҳануз мумтоз наво-лар эшитилар, тўй давом этарди...

Абдуҳамид МУХТОРОВ



## ҲАЙДАРҚҮЛ ХАЁЛЛАРИ

Сувни яхши кўраман.

Фақат у тиниқ бўлса, бепоён бўлса, ўртасига сузиб бориб атрофга боққанингда фақат сув кўринса.

Юрагинг орзиқиб кетса. Яна озгина кўрқиб турсанг. Кейин эса...

Кейин эса қайиқда бежавотир ўтириб, яхшиси, чалқанча ётиб, қуёш нуридан юзингни бош кийиминг билан тўсиб хаёл сурсанг. Шунчаки хаёл...

Бошқа йўли ҳам бор. Бош кийим сени осмондан тўсмаслиги учун қуёш тиккага келгандамас, ё шарқ ёки ғарбда энгашиб турган пайтда унга терс ётиб осмонга тикилиш, эээ, тикилиш ҳам гапми, унга шўнғиб кетиш мумкин.

Фақат бу пайтда Ҳайдарқўлда шамол бўлмаслиги керак. Шамол турса осмонгамас, қўл тубига қўшиб қўя қолади, сени. Ҳа, шунақа.

Омадинг келиб, шамолсиз, бунинг устига булутсиз кунда Ҳайдарқўлга чиқиб қолсанг, чўмилишинг ҳам мумкин...

Атрофда ҳеч кимса йўқлиги учун тортинмай, кип-яланғоч бўлиб, қайиқдан думба отиб сувга калла солсанг. Шўнғиб чиққанингда эса қайиқнинг анча нарига кетиб қолганини кўриб, жон-жаҳдинг билан унга қараб қулочкашлаб сузсанг.

Ҳаа, унга етиш осон бўлмайди.

Қанча тез ҳаракат қилма, ортга кетаверасан. Вужудингни чулғаган ваҳмдан жонинг бўғзингга келади. Жисминг сув тубига ботиб, оёқ-қўлларинг оғирлашиб қолади...

“Ўлдим”, деб ўйлайсан, камига алам ҳам қилади.

Қайиқ қаердан топилади? Жасадингни топишармикан?

Топилмагани дуруст, ахир қип-яланғочсан-ку. Кўрганлар нима дейди?

“Битта аҳмоқ ўлгунча ичиб, бир-иккита қизлар билан кўлга бориб, чўмиламан, деб тир яланғоч бўлиб ечинибди-да, кўлнинг ўртасига бориб чўкиб кетибди”, дейишади.

Тўғри, экспертизада ичкилик ичмаганингни аниқлашлари мумкин. Бироқ Ҳайдарқўл атрофида яшайдиганларни бунга ишонтириб бўлсан. “Ичган, ичмаган бўлса, бир ўзи битта қайиқда кўлнинг ўртасида номаъқул еб юрганмикан”, дейишади.

Қизлар тўғрисида аниқ далил бўлмагани учун “опер”лар ҳеч кимга лом-мим демаса-да, кўл атрофидаги эл қўшиб-чатиб, қизиқ қилиб гапиришга устамасми, Боймирза буғалтернинг қилғилиғини шартта ўзгартириб, ўрнига сени қўйиб, чўкиб ўлишингдан бутун бошли қисса ясайди. Қанақа қисса деманг, аниғини билмайман, мен ҳам эшитганман. Қўшиб-чатмай айтсам-айтай, эшитинг.

Айтишларича, Боймирза буғалтир пахта қабул қилиш пунктида ишлаган кезларида тафтиш бўлибди. Олди-орқасини ўйламай директори билан катта-катта еб қўйгани учун тафтишдан қамалиб кетишига бир баҳя қолиб, ўлай-ўлай, деб зўрға “омон” чиқибди.

Одамларнинг айтишича, бир “Жип”нинг калитини бериб жон сақлаганмиш. Хуллас, Боймирза тафтиш-

чиларни “акажон-акажон” қилиб, амал-тақал кузатиб уйига келиб, айвонида ўтириб узоқ йиғлабди.

– Ай Худойжон, нега мени буйтиб яратдинг, – деб кўкрагига уриб бўзлабди. – Нега ҳамма нарсани ўлай-ўлай деб ушлаштирган жойимда узасан, – деб додлабди. – Муна мумсик директордан қисиб-қимтиб, тишимдинг қавагида йиққанганимни, элдан яшириб Элмурод тарашанинг уйига қўйиб, хотинимгаям кўрсатмаган “Жип”имди қўшқўллаб шу исковучларга тутқаздинг. Нега, эй, Худойжон, нега?!

Қўни-қўшнидан уялган аёли аввалига у-бу деб кўрибди. Лекин эри кўнадиган аҳволда эмас. Сўгин жаҳли чиқиб, Боймирзани чақалоқни кўтаргандай шартта чап қўлтиғига қисиб уйга кириб кетибди. Хахолка<sup>1</sup>ларга ўхшаган полвон хотин экан-да. Девордан мўралаган қўшнисининг айтишича, олиб киргунча ёш боланинг кетига ургандай Боймирзанинг кетига бир-икки шапалоқ ҳам тортиб юборганмиш...

Бироқ гап шапалоқдамас, эртасига бўлган гап-да...

Бировлар “Ўша куни хотинига кучи етмаган Боймирза Сарвар чечага “қўйивор”, деб ялинган, лекин у қўймаган. Шундан сўгин аламига чидолмаган эр шўрлик “Агар эртага тўшагимдан тирик турсам, ҳайдартўқайда иккита хипчабелнинг кетига шапатлаб ўйнатмасам итман”, деб қасам ичган”, дейди.

Бошқалари “Бўлмаган гап. Ўзи Боймирза бузуқ, айниган, аҳмоқ бола”, деса, ака-укалари, қариндош-уруғи, “У киши шантажнинг қурбони бўлди. Душманлари ичкизиб-ичкизиб эркакди жўштирадиган дори бериб, кўлга обориб бир-иккита “Қорақош”га рўпара қилган”, дейишади.

Аниғини Худо билади, эшитганимни айтдим.

Нима бўлгандаям Боймирза ўша куни ўзи айтган “хипчабеллар”ни олиб Хайдаркўлга жўнаган. Йўлда

<sup>1</sup> *Хахолка* – Украин аёлларини шундай ҳам аташади.

миршаббоши бўлган синфдоши Боймирзанинг қизлар билан кетаётганини кўриб қолган. Миршабмасми, ортидан пушиб бориб жингиллар орасида анча пайт кўриниш бермай кузатибди. (Шунча жойгача пушиб келишни қойиллатганини-чи. Миршаб-да, миршаб). Боймирза аввалига роса ичибди. Кейин чўмилибди. Сувдан чиқиб худди ҳайвондай тўрт оёқлаб “Қорақош”ларнинг олдига гижинглаб келибди. Улар бўлса “юввош-юввош”, деб унинг у ер-бу ерини силаганмиш. Боймирза эса осмонга қараб тумшуғини кўтариб чўзиб-чўзиб ис олибди. Кейин эса эшакка ўхшаб ҳанграб дуч келган томонга тўрт оёқлаб югуриб кетибди. Уларнинг олдига қайтиб яна искабди, искабди, искабди-да, бошқа томонга шаталоқ отибди. Майсаларни топтаб депсингандай бўлибди, эшакдай ағнабди, ер тепиб яна унга қараб турганларга талпинибди. Улар бўлса думалаб-думалаб кулармиш...

Хуллас шунақа ҳикояга мавзу бўлиш ҳеч гапмас.

Лекин нима қилай? Барибир сувни яхши кўраман.

Майли. Жуда ўртасига бориш ҳам шартмас. Учқулоч томонга бориб, Жетимтовдан ҳам кўлни томоша қилса бўлади. Қайтанга кўл бутун борлиғи билан кўринади. Сувга туташган уфққа термуласан.

Тоғ ҳам жуда баландмас. Эринмай пастга тушсанг, сув остида қолган қабрлар кўзга ташланади. Бундан ташқари, у ерда шох сингари ажраб кўлга кириб борган мўъжаз қояча бор. Қачонлардир киночилар бу қоя устига тошдан блиндаж қуришган. Томи йўғ-у, деворлари ҳали турибди. Ана шу деворга ўтириб Ҳайдаркўлнинг бепоён кенгликларига қарайсан. Лекин сув остида қолган мазорлар барибир таъбингни хира қилади. Бошқа томондан, бу ерларда қачондир, қачон ҳам эмас, ҳатто ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ҳам сув ўрнида бепоён яйлов бўлганига ишонгинг келмайди...

Қирғоқдаги балиқчилар кулбасига бориш мумкин. Ҳамсуҳбат топилганига хурсанд бўлиб меҳмон қилишади. Хоҳласанг, балиқ қовуртириш, хоҳласанг моторли қайиқда сайр қилиш, хоҳласанг, бир неча кун шу кулбада қолиб қорақушми, ёввойи ўрдакми, қирғовулми овлашинг мумкин. Зерикмаслигингга кафилман, ошна. Бу ердаги аҳолининг шеvasиям ажойиб. Оддий гапи ҳам одамни кулдиради.

Йигирма еттинчи қаватдаги меҳмонхона айвонидан мен томоша қилган денгиз чинакам мўъжиза эди. У ерда куёш денгиз узра қирғоқдан то уфққа қадар узундан-узоқ оловли йўл ҳосил қилиб, чувалишиб ботарди. Тонгда эса денгиздан келаётган мусаффо эпкиндан танинг ором оларди. Ўша кунларни ҳалигача яққол тасаввур қиламан, гоҳида тушимга ҳам кириб чиқади.

Шанхайда менга тинч океани шаҳардан саксон чақирим наридалигини айтишди. Ишбилармонлар билан режалаштирилган учрашувларни ўйлаб ўтирмасдан шартта қолдириб, океанга жўнаб кетдим.

Қирғоққа етиб бориб ҳафсалам пир бўлди. Негаки, сув қайтиб океан қирғоқдан сал кам ўн беш километр орқага кетган, қоп-қора лойга беланган чексиз текисликда бошига похол шляпа кийган сан-саноқсиз хитойлар тирикчилик ташвиши билан балчиқ устидан молюска териб юарди.

Яратган бандасининг ризқини ҳатто уммон тубидаги балчиққа ҳам сочиб қўйганига ажабланмай илож йўқ...

Кутганимни кўрмаганимдан лаб-лунжим шунчалик осилиб тушдики, хитойлик ҳамроҳларим ташвишланиб қолишди. Таржимоннинг бўлса жаҳли чиқди.

– Сизнинг инжиқлигингизга қарамай, ишларини бир четга суриб шу ерга олиб келишди. Ҳайратланмасангиз ҳам ҳайратлангандай бўлиб туринг бирпас.

Кулинг, уларга қараб хўмрайманг. Ахир океаннинг кетиб қолишига улар айбдормас. Кулинг деяпман, жин урсин сизни, – деди у.

“Жин урсин”, деган гап меники эди. Бу сўзни мен кўп ишлатаман. Икки кун мен билан юрдию унгаям ёқиб қолди шекилли, аввал бир-бир, кейин эса оғзини тўлдириб ишлата бошлади, жин урсин!

Ўзбекистонда уфқда ер кўринмайдиган сувнинг бири Орол, бири Ҳайдаркўл. Орол олис, жуда олис. Ҳайдаркўл эса бир қадам. Эринмаганга бир қадам. Шуйтиб, гоҳида сувни соғиниб Ҳайдаркўлга улоқиб кетаман. Шерик бўлиши шартмас.

Шерик ҳам ҳар хил.

Намоз акага ўхшаб ов деса яйраб кетадиган, кўлга чиққач амалдор бўлганига ҳам қарамай аравани тенг тортадиган, икки кун деса икки, уч кун деса уч кун миқ этмай юрадиган шерик ҳамишаям топилавермайди. Топилганининг ҳам вақти сенинг вақтингга тўғри келмайди.

Ҳайдаркўлнинг Омонкелди томонларида бир чўпонни учратдим.

Қумга ўтириб қолган машинамни чиқаролмай хуноб бўлиб турганимда қўй ҳайдаб келди. Кун куйдирар даражада иссиқ бўлса ҳам туя жунли чакмонга ўралиб олган, бошида қозоқи қалпоқ.

Салом бердим, алик олмади. Худди мени кўрмагандай тўғри келиб машина ғилдиракларига қаради. Кўлидаги ҳассаси билан уларни бир-бир туртиб кўрди. Сўнг қўлини пешонасига соябон қилиб йигирма-ўттиз метр наридаги йўлга қаради.

– Не ушин бул жерге келдинг, балам? – деди ниҳоят.

– Туяларни олдидан томоша қилмоқчи эдим, – дедим алам билан.

– Олар қайда? – деди у.

– Кетиб бўлди.



– Ахмақ экенсин, – деди чўпон.  
– Ҳаа, хаёлпарастлигам ўлсин, – деб ёзғирдим уни кувватлаб.

– Касибинг не? – сўроқлашда давом қилди чўпон.  
– Журналистман, – дедим.  
Чўпон ажабланди:  
– Бул не дегенинг?  
– Журналист-да, газетага мақола ёзади. Радиода гапиради, – дедим бироз ажабланиб.

Унинг чехраси ёришди.  
– Эээ, минандай сойлеген сенмисин? – деди қўйнидан кичиккина радиоприёмник олиб.

Агар Ҳайдарқўлдан анча нарида, Қизилкум саҳросининг чўпонлардан бошқа ҳеч ким яшамайдиган жойида турганимга кўзим етмаганда, у мени масхара қиляпти деб ўйлаган бўлардим.

– Ҳа, – дедим.  
Чўпон юзимга синовчан тикилиб приёмникни ёқди. Ундан вишиллаган товуш чиқди. Чўпон мурватларини бураб тўлқин қидирди. Бефойда.

– Созинг туври шиғар, сен минау жердесинғой, қайдан айтсин, – деди сўнгра.

Кулиб юбордим. Уям кулди. Кейин:  
– Минауни қой. Тамақ жеб, қимиз иш. Жигиттер келсе, шиғарип аламиз, жур, – деди.

Унга эргашишдан бошқа чорам ҳам йўқ эди. Машина эшикларини кулфладим. У норози тўнғиллади:

– Неден қўрқиб турсин. Машинаға ким киреди? Еш ким жоққой минау жерде. Албасти киремин деса – кулптин пайда жоқ.

Бирга-бирга гаплашиб кета бошладик. Унга Учкулоч томонда сув остида қолган мозорлар ҳақида гапирдим.

– Эситгенмин, – деди чўпон. – Минау жерде улкен қазақ авули болатин эди. Жастар қалаға қашип кетиб

тур. Бул жердеде сондай болған. Биздеде солай. Улкен улим ахмақ. Уш рет мал алиб, қўрасиға тикдим. Минг данаға жақиндаса – сатиб, Алматиға қашади. Мениде, анасинида тангдамайди. Бар ақшасини куритип, шир жаланғаш қайтип келеди. Ахмақ, билейтин жумисти қилсайши, диймин. Тингдамайди. Сен сияқти жақси соз сойлеп, ақша алса бир жол. Сен уақтинда туври сўйлейсин. “Одоб”, дейсин. Аулда болған ангимени тингда. Ўтеген ақсақал ористармен журип, арақ ишгени ушин халиқ они ағашға баулаб, аулдан қувған. Казир ишме дегенни қуип салатинмизов. Омир сондай экенғой...

Унинг гапларини тинглаб, Хусан Карвонлининг ичкилик ҳақида мақола ёзганию мисолни ўз қишлоқдошларидан келтириб сал кам олти ой қишлоғига бо-ролмайд юргани эсимга келди...

Нуротани айланиб Боғдон шаҳрига киргач, бозор ораладим. Бу ерга келган киши бозорга, албатта, кириши керак. Қўзиқорин, тотрон, равоч мўл.

Қўзиқорин сотиб турган йигит савол берди:

– Асли қаердансиз, меҳмон?

– Форишликман, – дедим, у ишонқирамади.

– Тилингиз ўхшамайди-ку?

– Бичоқлар томонданмас, туркманлар томонданман, – дедим эски ҳазилни эслаб.

Форишда Нурота тоғининг Самарқанд тарафидаги элни туркман, улар эса Боғдон атрофида яшовчиларни бичоқлар деб ҳазиллашади. Туркмани-ку тушунарли, бичоғи нима десангиз, айтай. Форишнинг асли ўғиз элати пичоқни – бичоқ дейди.

– Эээ, – деди йигит. – Фалакнинг гардишини қаранг. Илгари бу ерга туркман зоти келмасди. Энди Форишнинг салкам ярми туркман бўлиб кетди. Қораабдолданмисиз? Қораабдолнинг қаеридансиз?

– Болғалиданман.

– Ие-е-е Шакарвой мелисанинг қишлоғиданми, – деди у жонланиб. – Ў бизнинг ака бўлади.

Форишликларнинг кўпи Қораабдолдан Шакарвой милисани, Гарашадан Саъдулла Ҳакимни, Нарвондан Бастам Сайидқуловни танишади.

– Милиса бўлиб ишлаганда ичибми, жанжаллашибми қўлига тушган бўлсангиз керак-да, – дедим “тегишиб”.

Йигит қизариб кетди.

– Эээ, энди йигитчиликда бўлади-да. Яхши ёрдам қилган, барака топсин, ҳар кўрганымда бир чой қилиб бераман. Кими бўласиз Шакарвой аканинг?

– Қўшнимиз. Ростдан яхши милиса бўлган, ҳозир оқсоқол, – дедим.

Йигит Шакарвой акани ростдан ҳурмат қиларкан, қўзиқоринга пул олмади. Безрайиб кетиш ноқулай туюлиб машинадан битта китобимни олиб дастхат ёзиб совға қилдим...

Энди эса ёзишга анча-мунча гап йиғиб, Тошкентга қайтпаман.

Сайру саёҳатнинг бир гашти шуки, уйга қайтиб бола-чақангга, хотинингга, қўни-қўшнию ошна-оғайнингга қўшиб-чатиб лоф уриш мумкин. Оғзини ланг очиб эшитишади. Бусиз иложи йўқ...

Ахир Аҳмад оға айтган-ку: “Овчи бўлиш учун лофчи, лофчи бўлиш учун овчи бўлиш керак”, деб.

Аниқ биламан, бу сафар ҳақида Намоз ака эшитса яйраб кетади, Баҳодир... Баҳодир нимаям дейди?

Яна кўлга боришга аҳд қилади, кунини белгилайди...

Саксовул, жингил, қамиш оралаб сув кечадиган жойга дазмолланган костюм-шим кийиб, туфлида борадиган тоифа бўлса “Фақат ўзингиз боравермай, бизниям олиб боринг-да энди”, дейди.

Россияга савдога бориб бор-будидан айрилгач, бир амаллаб ярим тунда ёлғиз ўзи қишлоғига кириб келган, отасининг олдига сўппайиб киришга номус қилиб, “Шарманда қилма”, деб Худога ёлворган, дарвоза қашисида унсиз йиғлаган, кейин эса “Ўзингга таваккал”, деганча ҳеч кимга билдирмай (ҳатто хотинигаям) ими-жимиди яна Россияга қайтиб кетган Собирхон тоғадаги ҳамиятнинг миллиондан бири ҳам бўлмаган бу суллоҳлар айнан шундай дейди.

“Борайлик” ҳам демайди. “Олиб боринг”, дейди.

– Ҳамият катта гап, – дерди Абдулла бобо гоҳида.  
– Ҳамият катта гап!

Собирхон тоға айнан шу ҳамияти учун орадан бир-икки йил ўтгач, юзи ёруғ бўлиб Россиядан қайтган. Буларнинг юзи...

Нимагадир уларнинг юзини эслолмадим, узр.

Хуллас, Ҳайдарқўл атрофида шунақа гаплар. Сиз ҳам бир боринг...

Айтганча, Боймирза болғалиликмас. Форишда наммас “Қаердан”, деб сўраманг. Ҳамма жойда “хол қўйиб” юрган “мирзо”лар камми?..

## Олимжон ДАВЛАТОВ



*Камина ходимингиз Ҳазрат Навоий йўлида уч-тўрт ғазал ёзиб, “Навоийнинг янги ғазали” дея навоийшуносликка даъвогар бир-икки зотдан “мен нима дейман-у, кўбизим нима дейди” қабилдаги “шарҳ”лар ундирганимни ҳисобга олмасак, бадиий ижод билан умуман шуғулланмаганман. Лекин Хайриддин Султоннинг “фақат одамлардан эшитган ва бор ҳолида қоғозга туширган” ўттиз битта янги ҳикоя-ҳаётномадан иборат “Одамлардан тинглаб ҳикоя” китобини ўқиб, ҳолнома йўсинида бир ҳикоя қоралагим келди. Чиройли кўшиқни эшитаётганда беихтиёр кўшилишиб, хиргойига тушгани каби чуқур маъноларни содда, осон ва тушунарли тарзда ифодалаган бадиий асарни ўқиган одамда ижод ҳаваси уйғониши табиий бир ҳол. Ҳикояни номлашда ҳам таниқли адабимизга издошлик қилдик. Ёзиб бўлгач, бир хулосага келдим: ҳикоябоп кўрган-эшитганингиз агар бўлса, яхшиси, Хайриддин Султонга айтиб беринг. У киши нақлингизни ўзингиздан ҳам қизиқарлироқ, жонлироқ, таъсирчанроқ қилиб халққа етказди. Ўзим ҳам шундай ёза оламан деб, беҳудага овора бўлманг. Ишонмасангиз, “Ўттиз иккинчи ҳикоя”ни ўқинг.*

### ЎТТИЗ ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Ўрта мактабни тугатганимда мустақилликнинг икки йиллиги нишонланаётган бўлса-да, ҳали чеғаралар аниқ белгиланмаган, соат сайин қадрсизла-

наётган эски совет рубли муомалада эди. Қолаверса, қўшни республикалар билан барибир алоқаларимиз олдингидек сақланиб қолади, темир панжаралар буткул олиб ташланади, деган умидимиз ҳали сўнмаганди. Қўшни Тожикистонда биродарқушлик урушининг алангаси пасайиб, қонуний ҳукумат ўрнашгани, уйимиз олдидан автобуслар мунтазам қатнаб, бир ярим соатда Душанбега етказишини ҳисобга олган ҳолда, Тожикистон давлат университетининг шарқшунослик факультетига ўқишга киргандим. Ҳафтанинг охирида дарсдан кейин уйга келаман, бир кун уй ишларига ёрдамлашиб, душанба куни эрталаб автобус билан яна ўқишга қайтаман.

Қиш келди. Офтобшувоқ кунларнинг бирида синфдошлар билан қишлоқ кўчаларини айланиб юрардик. Йўлда катта аммамнинг кенжа ўғли – Бахшулло акани учратиб қолдик. Бахшулло ака – савдо ходими. Пули кўп сахийлардан. Биздан атиги тўққиз ёш катта бўлса ҳам, кўпчилик жиянлар у кишини каттагина қорни борлиги учун “Бой ота” деб ҳазиллашамиз.

– Ҳа, студент, қалайсан? – мен билан қуюқ сўрашди Бахшулло ака. Сўнг энгил-бошимга разм солиб, мамнунлик билан бош ирғади: – Дуруст. Студент дегани шунақа ихчам бўлиши керак. Менга қара, сен Душанбеда ўқийсан-а? Тўхтаб тур, сенга беворадиган бир нарсам бор.

Ҳаял ўтмасдан, газетага ўралган бир боғламни олиб чиқиб, қўлимга тутқазди:

– Бу – сенинг улушинг. Бир миллион. Сўм-купон чиққанда уйдаги пулларни алмаштириб қўйгандим. Янганг мендан яширинча “қора кунлари”га атаб, икита болишни “заправка” қилиб қўйган экан. Эсида нам чиққан экан, кеча ёрилди, – шундай деди-ю, қаҳқаҳ уриб кулди. – Эпласанг, Душанбега олиб бориб ишлат. У ерда ҳалиям “деревянный” амалда экан.

Ўзбекистонда қадрсиз қоғозга айланган, Тожикистонда амалда бўлган “деревянный” – совет пулларини уйга олиб келиб яшириб қўйдим. Отам Айний домланинг “Қизболани йўқчилик бузади, ўғилболани – тўқчилик” ҳикматига қаттиқ амал қиладиганлардан. Билиб қолса, “Оч қорнинг – тинч қулоғинг”, деб пулни олиб қўйиши ҳам мумкин.

Эртаси эрталаб “Бой ота” берган улушдан ташқари уйдагилардан бир сумка озиқ-овқат ҳамда йўлқирага етадиган пулни олиб, йўлга чиқдим. Автобуслар бешта жойда текшириларди, шунинг учун вокзалга бориб, “Душанбе – Конибодом” поездига бир амаллаб билетсиз чиқиб олдим. Иккинчи “полка”да увадаси чиққан яғир матраснинг тагига пулни тахлаб, четдан Тожикистонга олиб киришига рухсат берилган ўн беш минг рубл чўнтагимда, юрагим ҳовучимда – текширувчиларни кута бошладим.

Вагон менга ўхшаган билетсизлар билан тўла эди. Пахтаобод бекатидан “облава” бошланди. Талаба бўлмаган бўз йигитларни ушлаб, мажбурий равишда Тавилдарага – урушга юборишарди. Иккита зобит талабалик гувоҳномаси сохталаштирилган тўртта йигитни автомат қўндоғи билан уриб-уриб, Ҳисор бекатида тушириб кетишди. Шундан кейин менинг ҳам, бошқаларнинг ҳам жонига ором кирди.

Издихом орасида бошқа милиса ва “боевик”ларнинг кўзини шамғалат қилиб, вокзалдан чиқишим биланоқ сариқ “Волга”га ўтириб олдим.

– Гулистонга.

– Ўн минг.

– Ҳайданг.

– ...Шу билан каминанинг “олтин давр”и бошланди. Таксичи билан келишиб олдик: ҳар куни эрталаб келиб, университетга олиб боради. Тушлик ва кечки овқат кафе ва ошхоналарда, улфатлар даврасида ўтар-

ди. Бир такасалтанг талабанинг кўнгли нимани туса-са, ҳаммасини татиб кўрмоқчи эдим.

“Олтин давр” узоққа чўзилмади: кўшни хонадонда ижара турадиган талабалар пайшанба куни эрта-лаб кириб, телевизорда совет пули синиб, уч кундан сўнг Россия рубли муомалага чиқиши ҳақида ҳукумат қарори эълон қилингани, Сариосиё билан чегарадош бўлган Турсунзода туманида ҳукуматга қарши навбатдаги исён кўтарилгани сабабли, шаҳар қамалга олинганлигини хабар беришди.

Секин туриб, ошхонага ўтдим: уч кунлик базми жамшидлардан қишлоқдан келтирилган икки юз граммча шакар билан чорак банка пахта мойи қолган, холос. Бошқа ҳеч вақо йўқ...

Кўчага чиқдик. Транспорт ишламайди. Ҳаммаёқ берк. Ҳатто кўкат сотилмайди. Нон дўкони томон йўл олдик. Одам гавжум. Камида икки минг киши навбат пойлаб туришибди. Дўконнинг ёнидаги омонат кассаси олдида ҳам яна шунча одам пул топширишга тўпланган. Ҳар бир кишидан икки юз минг рубл қабул қилиб, паспортга муҳр босиб беришаркан. Қачон, қанча миқдорда қайтарилиши номаълум. Уям фақат шаҳарликларга...

Қапбайган чўнтаклар билан нон навбатида турдик. Россия рубли ҳам, сўм-купон ҳам, “деревянный” пули ҳам бор. Тахминан икки соатлардан кейин бортига “Хлеб” ёзилган шалоқ юк машинаси келди. Куттишдан чарчаган одамлар олдинга ҳаракат қилишга имкон бўлмаса-да, жойида депсина бошлади. Машина дўконнинг орқа томонига ўтди. Бақир-чақирлар остида нон сотила бошланди. Уруш ҳақидаги фильмларда нон навбатини кўрганмик, аммо бу лавҳаларнинг бирортаси очлик даҳшатини кўрсатолмаскан. Минглаб инсонлар бола-бақраси учун бир бурда нон сотиб олиш истагида бутун вужуди билан олдинга интилар-



ди. Қўллар қиш пайти яланғоч қолган кекса чинорлардек осмонга кўтарилган, ҳиссиз, катта-катта очилган кўзлар бир нуқтага – нон чиқаётган кичкинагина туйнукка қаратилган, мадорсиз оёқлар ўйдим-чуқур йўлкадаги ҳалқобларни ҳам, бемаъни уруш касофати-га қолган бегуноҳ ва бадбахт қавм ҳолига йиғлаётган осмоннинг қор аралаш ёмғирини ҳам ҳис этмасди. Бу даҳшатни ўз танасида яшаган одамгина билади...

Тахминан эллик-олтмишта нон сотилмади ҳамки, тўсатдан усти очиқ ҳарбий мошинлар шовқин солиб келиб, издиҳом олдида чийиллаб тўхташди. Бошдан-оёқ қуролланган, юзлари ниқоб билан тўсилган бақувват йигитлар мошинларнинг устидан сакраб тушишди. Биттаси одамлар устидан бир шиллик ўқ узди. Ҳаммаёқ жимжит бўлди. Ҳарбийлар тўрт томондан нон мошинини ўраб олишди. Биттаси орқа эшигини тарақлатиб ёпди.

– Ортимиздан ҳайда!

Эски машина бир-икки уринишдан сўнг ўт олиб, ҳарбийларнинг ортидан бемажол йўл олди. Ортидан очлик ва қаҳатчилик асирига айланган минглаб мазлум ва бенаво халқнинг аламли нигоҳлари кузатиб қолди.

– Ҳурматли ҳамшаҳарлар! – ҳиссиз бир овоз янгради. – Уч соатдан сўнг 33-микрорайоннинг дўконида нон сотилади.

Карахт бўлиб турган издиҳом жунбишга келиб, айтилган манзил томонга йўл олди. Иккита нон дўконининг ораси уч километр. Етиб боргунимизча нон навбатида турганлар бир замонлар “Озодий” ва “Шаҳидон” майдонларида иккига бўлинган адолатталаб митингчилардан ҳам кўп эди. Чиқмаган жондан умид, биз ҳам навбатга қўшилдик. Яна кутишлар, яна ўша аҳвол – нон келди, юз-юз элликта нон сотилди, қолганини ки-

йимидан қайси ҳарбий бўлинмага тааллуқли эканлигини билиб бўлмайдиган “боевик” лар олиб кетишди...

Соат тўртдан ошди. Кун қисқа. Ҳадемай, қоронғу тушади. Комендантлик соати бошланади. Мажбур уйга қайтдик.

Бир ярим қошиқдан шакар солиб, ширинчой ичиб ухладик. Иккинчи куни ҳам шу аҳволда ўтди. Уйга қайтиш жуда оғир бўлди. Уйдаги ҳарорат, ҳаловат ва айниқса, дастурхондаги бир бурда нонга етишмоқ умиди совуқ ҳавода саккиз соат давомида оёқда тикка ўтказган қорни оч одамга қанча қувват бериши мумкинлигини ўшанда ҳис қилганман... Аксига олиб, чироқ ҳам ўчган экан. Шакарни тилимиз тагига ташлаб, бирпас тамшаниб, кейин совуқ чой билан ютдик. Уйқу йўқ, мадор йўқ, чироқ йўқ, хона совуқ. Бир амаллаб тонг оттирдик.

Кун ёришди. Бошимни кўтариб, хонадошим – Суннатга саволомуз қарадим.

– Бугун кучим етмайди. Фойдаси йўқ...

– Ётиб ҳам бўлмаяпти.

– Рустилидан имтиҳоним бор. Ўшанга бормаймизми?

Кийиниб, Суннат таҳсил олаётган иқтисод факультети томон йўл олдик. Хайрият, бугундан автобуслар йўлга тушибди...

Рус тили ўқитувчиси ёши катта, озғин бир аёл экан. Талабаларнинг аҳволини кўриб, битта грамматик қоида мисоли билан ёддан айтишни вазифа қилиб берди. Топшириқ жуда оддий эди: “Обстоятельство времени обозначает время действия и отвечает на вопрос *когда?* Пример: Я встал рано утром”.

Бечора Суннат. Мактабни кумуш медал билан тугатган бўлса ҳам, икки соатда шу биргина қоида ёдлаб айтиб беролмади. Бошқа талабаларнинг аҳволи бундан баттар эди. Ўқитувчи сабр-тоқат билан уларнинг оёғини судраб, зўрға боришлари-ю, тутилиб-тутилиб жавоб беришларини эшитиб, ахийри “Ну ладно,

ребята, Бог с вами. Пройдут эти дни”, деб, ҳаммага “тўрт” баҳо қўйиб берди.

Кўчага чиқдик. Ихтиёрни оёққа бердик. Тўрт бекат пиёда юриб, тўқимачилик комбинати бекатида нафас ростлаб ўтирдик. Совуқ суяқларимиздан ўтди. Бир маҳал ичида деярли одами бўлмаган 17-рақамли автобус келди. Иккаламиз туриб, автобусга миндик.

- Суннат, бу автобус Гулистон томонига борадими?
- Йўқ, бу Россия колхози томонга боради.

Гулистон – биз ижарада турган мавзе бошқа томонда, Россия колхози бошқа томонда. Лекин негадир автобусга миндик. Сабабини ҳалигача билмайман.

Автобус деярли бўш бўлса-да, Суннат иккаламиз оёқда тик туриб борардик. Душанбе шаҳрида ёзилмаган бир қоида бор – олтмиш ёшли эркак ҳам невараси қатори бўлган қизга жой бериши шарт. Аёл киши тик турганда йигитнинг ўтириши иснод ҳисобланади. Шунинг учун, беш йил ўқишим давомида бирор марта автобусда ўтириб бормаганман, десам, муболаға бўлмас.

Шаҳарнинг баланд бинолари тугаб, қишлоқ манзаралари лип-лип этиб автобус ойнасидан ўтиб борарди. Ўз ҳолига қараб қурилган тартибсиз уйлар, дарахтлар, далалар...

Тўсатдан мўъжиза рўй берди: кичиккина бир дўкон олдида нон тушириляётганди. Энг қизиғи, навбатда ҳеч ким йўқ.

– Тўхта! Тўхта! Тўхта! – жонҳолатда бақирдик иккаламиз.

- Хўп, хўп, мунча ваҳима қиласизлар. Ҳозир, ҳозир...

Автобусдан югуриб тушиб, ортга қайтдик. Нон дўконида ўрта ёшли сотувчи нонларни тахлаб турарди.

- Ака, нонми бу?
- Ҳа, нон.
- Сотасизми?
- Ҳа.
- Қайси пулга?

– Эски пулнинг 10 сўмлигига, ёки янги – “российский” га.

– Неччи пул?

– 165 сўм.

Уч кундан бери кераксиз тошдек оғирлик қилаётган пулларимизга ҳам, ўзимизга ҳам жон кирди гўё. Шартта битта “буханка”ни олиб, иккига бўлдим-да, ярмини Суннатга бердим. Ушоқлари тўкилмасин деб, чап қўлимни оғзимнинг тагига тутдим. Нон жуда тез тугади. Сотувчи бизга қараб-қараб қўйди-да, индамади.

У пайтларда дўконларда пакет сотилмасди. Ҳамма ўзи билан тўрхалта ёки “корзинка” деб аталадиган қора дерматиндан тикилган қора сумка кўтариб юрарди. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ эди. “Табани” курткамизнинг белбоғини бўшроқ бойлаб, учтадан нонни ичидан териб, жойладик.

– Болалар, қаердансизлар? – сўради сотувчи.

– Ўзбекистондан. Сариосиёдан.

– Ооо, машхур Сариосиё... Бир илтимос бор: малол келмаса, еган нонларингиз менинг ҳисобимдан бўлсин.

Бир нарса бўғзимга тўлғаша бошлади. Уч кун очликка чидаб, ўзини хор қилмаган одам нонга етганда концлагер асирларидан ҳам баттар тутганимга ўзимдан нафратланиб кетдим. Маъносиз илжайиб турган Суннатга қарадим.

– Йўқ, кўнглингизга келмасин, илтимос, – шоша-пиша изоҳ беришга ўтди сотувчи. – Бу – Ўзбекистон нони. Каримов бобо биздаги аҳволни эшитиб, ёрдам юборибди. Фақат битта шарт қўйибди – олдин ўзбеклар яшайдиган жойларни таъминлайсан, дебди. Бу колхозда асосан фарғоначилар яшайди, биласизлар. Учинчи мошин келди бугун. Ҳамма ўзига тегишли нормасини олиб кетди.

... Бу воқеадан йигирма саккиз йил ўтди. Ҳалигача Ўзбекистонимнинг ўша яримта нони қарз бўлиб бўйнимда турибди. Қандай қайтараман, билмайман.

Холида БОЗОРОВА



## БОБОТУРКИЙ

Ғалати хабар эълон қилинди: Хитойда вирус тарқалган эмиш. Тождор эмиш. “Парранда гриппи”, “Чўчқа гриппи” ҳам шундай ваҳима билан эълон қилинганди. Йўқ. Буни ундай демадилар. Бундан “Испанка”, “Ибола”... шуларнинг “иси” келяпти. Э нима бўлса бўлар. Замонамиз тинч бўлсин. Ўзбек Боботуркий ўзбекларга хос соддалик ва кўнгил хотиржамлиги йўғрилган хаёллар билан ишга отланди. Ишхонада ҳам шу гап. Вирус ўзимизга – Ўзбекистонга ҳам келган эмиш. Боботуркийнинг институтда биринчи курсларга маърузаси бор эди. Мана неча йилдирки, тил ва адабиёт институтида фаолият юритади. Она тили – ўзбек тили фани юзасидан маърузалар ўқийди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий номида тил ва адабиёт институтининг очилганидан ўзбек сифатида ғурур ҳис қилади. Ўзининг жарангдор, ширали овози билан ўқиган маърузаларидан ҳузурланади. Мана ҳозир ҳам...

“Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёни энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили ёна худ туркчадир...”<sup>1</sup>

Маъруза одатдагича бир соат давом этди. Талабалар керакли ўринларни ёзиб бордилар, ўзаро суҳбатла-

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. “Тил ҳақида”.

шиб (пичирлашиб, албатта) турганлар, эътиборсизлар ҳам кўзга ташланди, бироқ Боботуркий нуронийларга хос босиқлик билан фикрларини баён этишига бу каби салбий ҳолатлар таъсир эта олмади. Маъруза якунида суҳбатга ўтилди. Талабалар саволлар беришди.

“Нега Фитрат қарийб ўн асрдан кейин шундай буюк Фирдавсий, Деҳлавий, Румий каби даҳоларга “тош отди?”

“Фитрат ҳақ бўлганида ҳам бу буюк даҳолар асарларини туркий тилда қайта ёза олмайдилар-ку?! Бунинг имкони йўқ-ку?! (Шу савол берилганида баъзи бирлар кулгидан ўзларини тия олмадилар).

“Нега энди ўзлари туркий қавм бўлсалар туркий тилда асар ёзишга мажбур эмаслар-ку?!”

Боботуркийни тер босди. Талабалардан эшитган бу каби бемаъни саволларданми ё танасига аллақачон ўрнашиб улгурган “мараз”нинг шиддатиданми ўзи ҳам англай олмай қолди. Ҳар қалай кекса одам. Томоғини аччиқ бир нарса куйдиргандай, оғзи куруқшагандай... Қизиқ, илгари сира бундай ожиз сезмаганди ўзини. Аъзойи бадани қақшаб, кучсизланиб қолди, танасида мадор қуриди, сув-сув тер остида қолди. Энди овозлар ҳам анча олислардан эшитила бошлади...

“Тит-тит-тит” деган бир маромда такрорланувчи товушдан ўзига келди. Устига гўё бир қоп ун юклангандай оғир ҳис қилди ўзини.

– Устоз, тузукмисиз? Сизни “Covid-19” да гумон қилиб, “Жонлантириш” бўлимига қабул қилдик. Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? – шу каби саволлар билан шифокор унинг кўзларини текшириб кўрди, иситмасини ўлчади. – Сатурация 61, – деди.

– Нафас... нафас... – Боботуркий шу сўзларни айтиб-айтмай яна оғирлашиб қолди.

Тўғри, у бундан олдин ҳам касал бўлиб турарди, иситмалаб ётиб қоларди. Бироқ Сўзсулув хонимнинг

ширин сўзларию меҳрибонликлари ортидан касаллик ундан тезда даф бўларди. Дарвоқе, Сўзсулув хоним! У ғалати аёл. У билан шаръий никоҳлари бор. Фарзандлари йўқ. Меҳрибон, дилкаш, эрқароқ, бироз жиззаки, аммо беқарор. Бир қарасанг, ўта замонавий, бир қарасанг, замондан ортда қолган, бир қарасанг, донишманд, бир қарасанг, тўпори, оми.

Ҳали уй, ҳали ишдаги кундалик ташвишлар инсонга бир нафас тўхтаб босиб ўтган йўлига назар солишга имкон бермайди. Бироқ бошинг ёстиққа тегганида ўтган умрнинг ҳар бир лаҳзасини сарҳисоб қиласан.

Боботуркий жуда оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Уни севганларидан кўра севмаганлари кўп бўлди, дўстларидан кўра душманлари кўп бўлди...

“...Аввал Меҳрбонуга уйланди. Жуда ширин турмуш қуришди. Ундан ўғли Қорлуқбек туғилди. Фарзанд ва неваралар кўргач, Меҳрбону Боботуркийга эътибор бермай қўйди. Ўғлининг орқасидан невараларини баҳона қилиб пойтахтга кетиб юборди. Ҳайҳотдай ҳовли хувиллаб қолди. “Мен онам ва болаларни олиб чет элга кетяпман”, деган хабарни олгач, қалби ҳам бўм-бўш бўлиб қолди. Бироқ асл фожиа кейин юз берди. Ҳануз шу ҳодиса юрагини яралайди – тиг юрагига санчилганча турибди!

Қорлуқбек оиласини олиб қишлоққа – ота уйига меҳмонга келди. Ҳовлига тумонат одам йиғилди. Қишлоқдагиларни ўғли миниб келган автомашина ҳам, хотинининг эгнидаги алламбало либослар ёки болаларининг юриш-туришидан ҳам кўра бир-бирлари билан тиллаша олмаганлари хуноб қилди. Ўғли ҳам, Меҳрбону, келин ва неваралар ўзбек тилини унутишган эди. Улар билан шу сабаб гаплаша олмадилар. Қишлоқ аҳли қандай тез тўпланган бўлишса, ўшандай тезлик билан ҳовлидан чиқиб кетишди. Бу билан улар гўё бу хонадон эшигини ўзларига абадий очилмайдиган қилиб ёпди.

Бу қандай бедодлик ахир?! Ўзбек ўзбек тилида гапирмаса?! Гапира олмаса?! Ўзбекни ўзбек тушунмаса?!

“Дада, ҳозир ҳеч ким ўзбек тилида гаплашмайди. Бу тил билан кўтарилиб бўлмайди!” “Шарақ” этган товуш отага кўтарила бошлаган овозни ўчирди. Балки ота-бола, эр-хотин, қариндошлик изларини ҳам ўчирди...”, “Ўзингни ўзагингни кесади”, деганлари шудир?..”

– Биз беморни йўқотяпмиз! Сатурацияси тушиб кетяпти. Иситмаси жуда баланд!

Ажаб, Боботуркий шифокорларни тепадан туриб кузата бошлади. Улар бемор устида, худди, она каби парвона эдилар. Ўзларига касал юқтириб олишларини ўйламас эдилар. Шунда бош шифокор қизиқ гап қилди. У:

– Бемор “Covid-19” юқтирмаган. Унинг таҳлилларида вирус таёқчалари аниқланмади, – деб реаниматолог врачга юзланди. – Сиз қандай фикрдасиз, Дўстов?

– Мен ҳам бунга шубҳа қилаётгандим. Беморда “Covid-19” даги ҳолатлар деярли кузатилмаяпти.

– Бу руҳий изтироб синдроми, – гапга аралашди яқиндагина тиббиёт фанлари докторлик диссертациясини ёқлаган ёшгина олим Ҳабибов. – Бундай ҳолларда беморни ҳаётга қайтаришнинг биргина йўли – уни яшашга ундашдир. Фақат биз унинг қандай бўлмасин, руҳиятига таъсир ўтказишимиз керак. Бемор ўтмишида кичик бир кўнгилсизликни ёдга олгудек бўлса, аҳволи оғирлашади. Фожиа юз бериши мумкин...

Боботуркий ўзининг чалажон танаси тепасида чархпалакдек айланди. Шу топда унинг яшагиси йўқ эди. Бир нафас ўзи босиб ўтган олис ўтмишини эслади. Яна хаёллари уни ўша дардли оламга бошлади...

“...Меҳрбону ҳам, ўғли Қорлуқбек ҳам кетиб қолишди...”



Вақт – ҳамма дардга даво. Орадан йиллар ўтди. Боботуркий ўзи билан ишлайдиган ёшгина адабий ходимга “Оғиз солди”. Кичкинагина “белгича” ҳам қилишиб, муносабатларидан яқинларини огоҳ этишди. Ширин орзулар, бахтиёр кунлар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Муҳаббат (хотини) Меҳрбонудан қолган барча яраю дардларга даво бўлгандир. Қипчоқбекнинг туғилиши эса ораларидаги муҳаббат, ҳурмат, ишонч ришталарини яна маҳкамроқ боғлади. Боботуркий бу даврда янада баракали ижод қилди. Она тили – ўзбек тили билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борди. Мактаблар очилди. Дарсликлар яратилди. Барчаси кўнгилдагидек, бироқ аллақандай ёқимсиз, танани жунжиктирувчи шамоллар эса бошлади. Муҳаббатхон ўшанда Ўзбек тили дарслиги устида ишлаётган эди. Боботуркий “иш”нинг хомаки нусхасини ўқиб кўрди. Ажиб атамалар унинг эътиборини тортди: “Эга состави”, “Кесим состави”, “Гап конструкцияси”... бу каби атамалар китоб саҳифасини гўё қизғалдоқдай безаб турарди. Ахир, тилимизда бу сўзларнинг асл ва гўзал намуналари бор-ку! Муҳаббатхон бунинг сабабини оғаларга нисбатан муҳаббат белгиси, деб баҳолади. Боботуркий ҳануз англай олмайди: ўз муҳаббати ошён қурган ўша хонадондан қандай чиқиб кетганини... қулоғида бақирриқлар, шанғиллашлар, аллақандай идишларнинг синган овозлари... Трамвай бекатига келганида, унинг кўнғироғи товушидан ўзига келди...

Аввал Меҳрдан, кейин Муҳаббатдан айрилган Боботуркий ҳаётдаги мақсадини ҳам, йўлини ҳам йўқотиб қўйди. Ичкиликка берилди. Қачонлардир келишган, барваста ўктам йигит бўлгани, ўз тили ва эътиқолида собит инсон бўлгани энди тарихга айланганди...”

– Адреналин! – қичқирди Дўстов. – Икки кубик ўтказинг. Пулс ...тушиб кетяпти! Электрошок...

Устига кўк гулли оқ мато ташлаб кўйилган, рангида ранг йўқ, бир аҳволда ётган Боботуркий... яна ўз ўтмишига қайтди. Уни яна ўз тарихи чорламоқда эди...

“...Ҳаёт эса Боботуркийни унутмади. Уни сўлиб бораётган чехраси, букилиб бораётган алп қомати хор бўлмаслигини истади: уни яна бир бор сийлади.

Эътиборхон. Ҳар қалай, у кутган, оқила, доно, гўзал ва мулоҳазали аёл эди. Ўғиллари Ўғузни ҳам чиройли тарбия қилишди. Боботуркий яна бир вақтлардаги каби ишга “шўнғиди”. У жуда қийналиб ишларди. Замон оғир эди. Ўғли, кўзининг оқу қораси, нурийдаси... қатағон қилинди. Эътиборхонни бу дард энгиб кўйди. Бир меҳрибон қўл уни тобора чўкиб бораётган елкаларидан тутмади... Боботуркий бировнинг ярасига малҳам бўлолмади, бўлолмасди, у ўз дардига даво изларди... Ана шундай синовли, машаққатли кунларнинг бирида у билан жуда узоқ йиллардан буён бирга ишлаган Сўзулув хонимга кўнгли сушт кетаётганини сезиб қолди. Ўзидаги бу туйғу олдида таслим бўлди. Тўғри, Сўзулув хоним таърифини келтирганимиз каби табиатан беқарор аёл, бироқ бироз барқарор ҳам. Сўзулув хоним шундай аёл эди: у ечилмаётган масалани осон ҳал қиларди, кўндиришни биларди. Шундай осон, жўн тушунтирадидики, рози бўлишдан ўзга чора қолмасди. Бир сафар у:

“Халқни қийнаб нима қиласиз? Ҳар ким хоҳлаган сўзини ўз таъбича қўллаверсин, – деб қолди. – Дейлик, ўтириладиган буюмни “стул”; ҳудуд маъносидаги сўзни “район”, “област”, “территория”; хабарларни ўқиб турадиган буюмни “газета”, “журнал” деб ишлатишнинг зарари йўқ. Қайтанга тилимиз бойийди. Шунча сўз кўшилади, ҳам халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди, бир-бирига ҳурматини оширади, – деб туриб олди. Боботуркий Сўзулув хонимни

ҳақ деб ўйлади ўшанда (ваҳоланки Муҳаббат, Меҳрбонулар билан ҳам оралари шу каби муаммолар замирида бузилганди). Тўғри-да, ёлғиз ўзининг қўлидан нима ҳам келарди. Стулни "курси", столни "миз", "газета"ни "жарида" сифатида қўлланаётганидан нима наф, барибир ҳам бу сўзлар ҳам туркийча бўлмаганидан кейин?! Аммо бунга эътибор берувчилар бўлди.

– Софлик бузилади, дадаси. Тилимизга нисбатан бундай муносабат унинг мавқеини пасайтиради. Тилимиз жуда бой ва гўзал. Эсланг, "сувинер", "айва", "Байкал", "Сибир", "утюг"... Бу сўзлар ўзимизники эди... Сиз қарши тулинг, курашинг! Пайти келганида ўзбеклар ўзбекчани тушунмайди. Ҳеч ким ўзбек тилида гапирмай қўяди...

Эътиборнинг бу гапига жавоб бўлиб унинг лўппи гўзал юзида қолган беш панжанинг излари бўлди.

Шу-шу Боботуркий Сўзулув хоним билан бирга. Бироз эркалиги бўлса ҳам, ҳар қалай, у ташлаб кетмади, ўзи ҳам уни ташлаб кетмади...

Сўзулув хоним уйни ўзича жиҳозлади. Унга кўпроқ чет эл буюмлари ёқар экан. Аллақайси мамлакатларда ишлаб чиқарилган буюмлардан олиб келтирди. Энди Ўзбек Боботуркий ҳам бошида дўппи эмас (у дўппини фақат таъзияларгагина кийиб борадиган бўлди), шляпа, кепка кияди. Хуллас, ўзгаришлар кўп. Аммо Боботуркийнинг кўнгли ярим, хувиллагандай, бўм-бўш, аллақандай... ўзи ўзига бегона. Бир томондан Меҳрбону, Муҳаббат, Эътиборларсиз Ўзбек Боботуркий – ҳеч ким, бошқа томондан юрагида аччиқ бир тугун... пажмурда қалб...

Авваллари уни барча танир, бутун Оврўпо салом берарди. Ҳозир эса ёнидаги кишининг гапини таржимасиз тушунмайди. Қайси куни тўртинчи қаватда яшайдиган қўшниси:

– Боб (уни шундай чақиришади), эшигимнинг кнопокасини босиб, звонит қиворинг, – деб қолса бўладими?

Ичидан зил кетса ҳам билдирмади. Бироз туриб гаплашишди қўшнисини билан коронавирус ҳақида.

– Э, коронавирусни лечится қилиб бўлмасакан. Дори топилмайди. Аптекада “шапка” билан сотяпти. Везде шу проблема...

Қулоқлари остида қўшнисининг шанғиллаган шу сўзлари акс-садо берганича уйига кирди. Сўзсулувхоним аллақандай шоу дастурни томоша қилиб ўтирган экан. Бошловчилар ўз шеваларида кўрсатувни олиб боряптилар...

– Сатурация тушиб кетяпти, доктор. Беморнинг юрак уриши пасаймоқда...

– Сатурация 51, – ташвиш билан шанғиллади яна кимдир.

Ўзбек Боботуркий буларнинг ҳаммасини тепадан кузатиб турар экан, унинг ҳаёти учун жон чекаётган шифокорларга раҳми келди. Қани, барча касб эгалари фидойи бўлсалар. Ўзи-чи?.. Наҳотки, ўзи ҳам фарзандларини шу тарзда аро йўлда ташлаб кетаверса?! Ёдига қалин ўртоғи Маҳмуд тушди. Маҳмуд:

– Ўзбекжон, сенинг гўзал қалбинг, алпдай қомадинг бор. Сен худди улоқда от чоптириб кетаётган чавандозга ўхшайсан! Зеро, сен минган от ҳам учқур! Мени Маҳмуд Кошғарий қилган ҳам сенсан, дўстим! – деганди.

Шошма, унга руҳий мадад берган яна бир буюк даҳо бор! Уни нутиб-да бўлмас! Ахир у-ку унинг гўё “ўлган жуссасига Масих анфоси билан жон кийдурган” зот! Навоий!!! Алишербек!!! Боботуркий шу онда, назарида, майда-чуйдаларга ўралашиб қолган аёлманд киши сингари хархаша қилаётган нотавонга ўхшатди ўзини.

У шу аҳволга тушиши керакмиди?!

Ахир, курашиши керак эмасми?!

Ўлим ва ҳаёт бўсағасида турган одам нимани ўйлайди? Яшашни, албатта. Ўзбек Боботуркий ҳаётини хатоларини тўғрилаб давом эттирмақчи бўлди. У, аввало, жондан севган азиз инсонлари Меҳрбону, Муҳаббат, Эътиборхонларни қайтармоғи керак. Ахир уларсиз ҳаёт йўқ унга. Уларсиз яшай олмади, яшай олмайди! Сўзулув хоним ҳам ёмон эмас. Ҳаммалари бир оила бўлиб яшайдилар: уч ўғил, ўттизга яқин набира-лар билан. Ният қилди: Оврўпога боради, бутун дунё кезади. Асл Ўзбек Боботуркий ким эканини кўрсатиб қўяди!

– Профессор, профессор! – шифокорнинг ҳаяжонли овози янгради. – Бемор ўзига келди. Унинг ҳамма кўрсаткичлари жойида. Ҳатто зўр, энг соғлом одамларникидай!..

Профессор эринмай Боботуркийни текшириб кўрди. Шогирди ҳақ эди. Беморда ҳеч бир касаллик аломати йўқ эди. Профессор:

– Отахон, Сиз соппа-соғсиз! Сиз билан мўъжиза юз берди!!! Сиз энди, Худо хоҳласа, абадий яшайсиз!!!

Ўзбек Боботуркий миннатдорлик билан жилмайиб қўйди.

## Бахтиёр НУРИДДИНОВ



### БОШПАНА

Ташқарида шаррос ёмғир ёғарди.

Дераза ортидан доимгидек Хонтоқнинг сўниқ, аммо жудаям фусункор манзараси кўзга ташланиб турибди. Аҳён-аҳён дарё бўйидаги теракзорнинг шамолда чайқалиб, шовуллаши қулоққа чалинади. Айвон шипидан шошқалоқлик билан чаккиллаб тушаётган томчиларнинг товуши гоҳ-гоҳ одамнинг хаёлларини бузиб, чалкаштириб ташлайди. Унга хос тарзда ора-орада ёмғирдан қочиб, уйнинг мўриси тагига беркинган бир жуфт мусичанинг беозоргина ғув-ғувлаши эшитилади. Томчиларнинг шитирлашини айтмаса, уй ичидаги сукунат мана шу онларнинг устидан буткул ҳукмронлик қилишга шай турарди. Аммо на ёмғир, на қушлар, на табиат бунга имкон беришни хоҳлашмасди.

Ҳаммаси бундан ҳам бошқача бўлиши мумкин эди. Бироқ диққатини ҳув боғ четидаги сарғиш курси ёнида тинимсиз айланаётган аёл кишининг шарпаси тортди. Соябон тагидан унинг ярим гавдасига мос ҳолдаги бежирим оёқларигина кўзга ташланарди. Эслаб кўрса, у охириги уч-тўрт кун ичида худди шу вақтда ана шу ерга келишни ҳеч қанда қилмасди. Аслида, бу уйни яқиндагина сотиб олганди. Ҳатто кўчиб ўтишга ҳам улгурганича йўқ. Базўр, амал-тақал таъмирдан чиқариб, эндигина жиҳозларни жойлаштирмоқчийди. Сотиб

олган уйи унчалик ҳашамдор ҳам эмас. Бунинг устига, шаҳарнинг энг чеккасида жойлашганди. Фақат тоза ҳаво, ойнадан кўриниб турадиган табиат манзараларини айтмаса, кичкина шаҳарчадаги икки қаватли бу уйнинг иноқ яшайдиган ўн-ўн беш чоғли қўшниларидан бошқа деярли мақтангулик ҳеч вақоси йўқ эди.

У ўша нотаниш кимсага анчагача тикилиб турди. Сўнг уни кузатишдан чарчади. Чунки аёл айнан бир хил ҳаракатларни такрорларди. Бироз у-бу юмушлар билан овуниб, чалғигандек бўлди. Ўзини ҳеч нарсага эътибор бермасликка ундаб кўрди. Аммо барибир уддалай олмади. Кўчадаги аёл сурати борган сари фикрини бўлиб, тобора ўзига жалб қиларди. Ноилож унга яна термилди. Бу сафар аёлнинг хатти-ҳаракатини узоқ томоша қилиб турди. Худди болалар ўйинчоғига ўхшарди – кимдир мурвватини бураб кетгану, тўхтатиш ёдидан кўтарилиб қолгандек гўё. Ҳақиқатан ҳам, бирон хатосиз бир жойда айланарди. Ўша ёмғир сувларига бўкиб, ўтириб бўлмас аҳволга келиб қолган сарғиш курси атрофида тинимсиз у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Шу топда унинг олдига югуриб чиқиб, ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлди. Хаёлидан ўтган бу фикрдан бир сесканиб тушди. Ахир бориб нима ҳам дерди. Уни танимаса, қандайлигини билмаса. Бирпасда шаштидан қайтди. Лекин унинг олдига чиқиш истаги бошини чирмовиқдек ўраб ташлаганди. Қани эди бу ўйлардан қутулолса. Яна бир неча бор ташқарига ошиқди. Бу сафар уни ёмғир тўхта-тиб қолди. Чунки унда соябон йўқ эди. (Эрталаб бу ёққа келаётганда ҳаво очиқ эди-да!) Энди ҳар бир нарсдан баҳона излашга тушди. Эшик тирқишидан кираётган изғирин этларини жимирлатворди. Шундагина аёлга астойдил ачинди. У кун бўйи ёмғир остида-ку ахир, деб ўйлади. Шу онда ўзининг бераҳм ва инсофсизлигидан нафратланиб кетди. Ич-ичидан ўзини койий бошлади: садқаи одам кет!.. Бу танбеҳ фикрларини бироз тийрак-лаштиргандек бўлди. Шашт билан ёмғирпўшини елка-

сига ташлади-ю, ташқарига отилди. Бироқ кеч эди. Бу пайт унинг ўзи ичкарига кириб келганди. Ҳа-ҳа, шундай бўлди. У қаршисида совуқдан дилдираб турарди.

– Киринг, – деди довдираб зўрға.

Беихтиёр унинг қўлидаги соябонидан ушлаб, ичкарига тортди. У шошиб қолганди. Талмовсираб нима қилаётганини билмасди ҳам.

– Нимага туриб қолдингиз?!.. – сўради яна худди эски қадрдонлардек.

Аёл индамади.

– Кун бўйи ёмғирда қолиб кетдингиз чоғи. Бировни кутяпсизми?.. – деди айбдор оҳангда.

У ийманибгина бошини сарак-сарак қилди. Бу унинг “Йўқ” дегани эди.

– Нима қилиб жалада юрибсиз унда? – сўради тааж-жубланиб.

Аёлнинг индамаслиги уни янада тетиклаштирарди.

– Биз бу уйда яшагандик, – деди дабдурустдан аёл ниҳоят чехраси ёришиб.

У ичкарига кирганидан хурсанд кўринарди.

Ташқарида нимадир қаттиқ гумбурлагандек бўлди. Хона бир ёришиб сўнди. Ҳойнаҳой Хонтоқ тарафда момақалдироқ чақмоқ чалиб, чақин чақнатди-ёв!..

Унинг назарида эса, осмон узилиб ерга тушганди гўё.

Аёлнинг оғзи ёпилмасди. Бояги торитинишдан асар ҳам қолмаганди. Худди уйдагидек эркин ҳис қиларди ўзини. У тинмай гапирар, шу аснода аста-секинлик билан ичкарига қараб, юриб борарди. Хаёллар гирдобиди:

– ...Оилам билан шу кичкина хоналарда ҳаётимнинг қанчадан-қанча яхши кунлари ўтган, – деганини илғай олганди, холос.

Шу дамда болалиги ёдига тушди. Ота-онаси билан бирга яшаган йилларини эслади. Ака-ука ҳар тонгда айвонда ёзиладиган дастурхон атрофида тўпланишар-



ди. Онаси нонушта тайёрлаб, дастурхонга тортгунига қадар хархаша қилишиб, дунёни бошига кўтаришарди. Еб, ичиб тўйганларидан кейин ҳаммалари ўз юмушлари билан кетишарди: бири ишга, бири ўқишга. Кичкина укасини бўлса боғчага ташлашарди. Кеч тушганда яна уйларида йиғилишарди. У кунлар энди ўтмиш, фақат таассуротларгина қолган.

Бир пайт аёлнинг овози бутунлай тинди. Айвонда тақа-тақ тўхтади-да, ўйчан туриб қолди. Ўзи атрофида айланиб юрган сарғиш курси томонга ғамгин тикилди. Ўшандаги совуқдан жунжикиб, кўчада қолган пайтлари эсига тушдими, беихтиёр кўзларига ёш қалқди. Уни юпатмоқчи бўлганди, шошқалоқлик билан:

– Болаларимни олиб кирсам майлими? – деб ялиниб сўради.

У нима қиларини билмай қолганди. Бир унга, бир кўчага қараб жовдирарди. Аёл яна ўша сувга бўкиб, шалаббо бўлган сарғиш курси томон боқди. У нигоҳлари билан аёлнинг болаларини қидира бошлади. Кўзлари ёмғир остида қолган дарахтлар-у, ўша дардисар курсидан бошқа нарсани илғамасди. Аммо аёл илтижо билан унинг розилигини кутиб турарди. У баттар довдиради. Чунки аёлнинг ёлвориб қарашлари эсанкиратиб қўйганди. Беихтиёр “майли” дегандек бошини қимирлатди. Аёл шу ондаёқ ташқарига ўқдек отилиб чиқиб кетди. У ҳаммасини айвондан кузатиб турди. Аёл катта дарахт танаси панасига яшириниб, шумшайиб олган болакайларни тортқилаб чиқарди. Уларнинг бири уч, иккинчиси беш ёшларда эди чамаси. Уст-бошлари ивиб чинор пўстлоғи рангига қоришиб кетгани сабаб, кўзга ташланмасди ҳам. Ҳаш-паш дегунча уччалови ичкарида пайдо бўлишди. Ҳатто қачон кирганларини-да пайқамай қолди. Катта ўғли кира солиб уйни гир айланиб ниманидир қидира кетди. Ниҳоят ётоқхонанинг бир бурчагида каравот оёқлари тагида қисилиб ётган айиқчасини топиб,

беғуборларча бағрига босди. Кичкина ўғли эса, пилди-раб тўғри ошхонага борди. У ердаги курсига чираниб юриб чиқди. Амаллаб ўрнашиб олгандан сўнг:

– Нон, – деди дастурхондаги ноз-неъматларга ишора қилиб.

Уни кўрган акаси чопқиллаб келиб укасига дакки берди.

– Булар сенгамас, – деди у босиқлик билан. Акаси ўзини катталардек тутарди. Укаси унинг гапларига парво ҳам қилмади.

– Қорним очди, – деди чинқириб йиғлаб. У шундагина ўзига келди. Хотини “Тамадди қиларсиз”, деб кўлига тутқизган егуликларни аллақачон унутиб юборганди. Шошиб бориб нондан ушатиб, болакайга узатди. Яна пишлоқ, қайнатилган гўштдан кесиб, ёнига қўйди. У тортинмай ҳаммасидан бирма-бир олиб ея бошлади. Акаси бурчакда тамшаниб, ютиниб турарди. Совуқда очқаганини шундоқ кўзларидан билса бўларди. Укасининг ёнидаги курсига уни ҳам ўтқизиб, дастурхонга таклиф қилди. Олдига у-бу егуликларни қўйиб ейишга ундади. Бола ийманибгина хусайни узумдан бир шингил олди-да, бирин-кетин доналарини узиб, секингина оғзига солди. Аёл деворга суянган кўйи диққат билан уларни кузатарди.

– Нимани кутяпсиз? Сиз ҳам келинг! – деди унга ҳам. Аёл қимтинибгина аста уларга қўшилди. Аммо ҳеч нимага қўл урмади.

– Олинг! – деди у яна қистаб. – Очиғи, ёлғиз томоғимдан ҳеч нарса ўтмаётганди. Яхши бўлди.

У бироз вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди. Аёл ҳам кичкина ўғлига танбеҳ берган киши бўлиб, ора-орада у-бу егуликлардан чимчилаб-чимчилаб еярди. Аммо болакай тўйганди. Ўзини курсига борича ташлаб, ялпайиб суянчиққа суянволди.

– Нимага бизни уйга кириб олдингиз? – дабдурустдан сўроққа тутди болакай жиддий. Унинг оғзидаги

луқмаси томоғига тиқилди. Чайналиб нима деярини билмай, нажот билан аёлга қаради. Онаси:

– Унақа беъмани гапларни гапирма. Амакинг уста. Уйимизни таъмирлаб берди, – деди ўғлига.

– Шунақа, – деб қўйди у ҳам болага мўлтиллаб.

Она-болаларни тиланчи деб ҳам ўйлади. Сўнг бўлаётган бари ишларга ўша ёмғирда ивиб, шалаббо бўлиб кетган сариқ курси айбдордек айвондан ташқарига кўз ташлаб қўйди. Унинг қарашларида яна бирон кимса бормикин, деган хавотир ҳам мужассам эди.

– Бошқа ҳеч ким йўқ, – деди аёл унинг хавотиромуз юзларига термилиб, хаёлидаги фикрларни ўқи-гандек. – Тиланчи ҳам эмасмиз.

Ҳижолатомуз оғиз жуфтлаган эди, гапиришга қўй-мади.

– Ҳозир кетамиз. Болаларим “Уйимизга борайлик”, деб иззиллашганди. Уларни кўрсатгани олиб келгандим, холос. Сизга раҳмат, – деди ва шошиб ўғилларини етаклаб, кетишга чоғланди.

Аёлнинг гапларидан ўзларининг қисматини уқди. Онасининг тақдири кимлардадир қайтарилаётгандек туюлди. Отасини узоқ сафарга кузатишгани кўз олди-га келди. (Бу онасининг юпанч сўзлари эканини катта бўлибгина тушунишганди.) Ўшанда ака-ука айюҳаннос солиб роса йиғлашганди. Шундан сўнг отасини бошқа кўришмади. Онаси билан яшаш учун қилмаган ишлари қолмади. Отасининг яқинлари деярли улардан юз ўгиришганди. Кейинчалик ўзлари яшаган уйдан ҳам қувиб солишди. Бир муддат кўчада қолишди. Аввалига у қариндошиникида, яна бир кун бошқасиникида яшаб юришди. Дарбадар ҳаёт жонларига теккач, ижарага кичкинагина хона олишди. Аҳён-аҳён онаси болаларини етаклаб бир вақтлар ўзлари бахтли ҳаёт кечирган қадрдон уйлари ёнига бошлаб келиб, тунда деразадан таралаётган шуълаларга термулиб ўтиришарди. Ўша

пайтларда онасининг кўнглидан ўтказган изтиробларни эндигина тушуниб турибди.

Бориб пойгакда уларни йўлини тўсди. Аллақачон қоронғи тушган эди. Айни шу дамда бошқалар сингари икки норасидасига қўшиб муштипар аёлни совуқда кўчага ҳайдаш учун виждони йўл бермади. Ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларида якка-ёлғиз қолган бу ожизанинг нима айби бор! Эндигина дунёнинг шафқатсиз ўйинлари-ю, раҳмсиз ҳукмига дуч келиб, умрнинг аччиқ таъмини тотаётган, худди ўзлари сингари онасининг ёлғиз умиди, суянчи бўлган манави икки болакайни-чи?..

У шоша-пиша кийимларини кийди.

– Сизлар қолинглар, – деди ўтинганнамо ва уй калитини эшикнинг оғзида қолдириб, чиқиб кетди. Шу топда тутқунликдан халос бўлган қушдек ҳис қилди ўзини. У унчалик бой бўлмаса-да, аввалгидек қашшоқ ҳам эмасди. Йўл-йўлакай бу ишини тўғрими-йўқми, деб ўйларди. Ўша лаънати сарғиш курси ёнига етиб борганда ортидан оёқ товуши эшитилди. Қайрилиб қарамоқчи бўлганда:

– Шошманг! – деган хитобдан вужуди титраб кетди. Бу гоҳ онасининг, гоҳ ўша аёлнинг овозига ўхшарди. Қулоқларига ишонмади. Аста у томонга ўгирилди. Аёл соябонини узатган кўйи рўпарасида турарди. Унинг нигоҳлари онаси каби меҳрибон ва мағрур эди. Шу алфозда соябонни қандай олганини ҳам билмади. Аёл уйга кириб борарди.

Кетмоқчи бўлганда соябон тутқичидан бир уюм қоғоз шитирлаб, ерга сочилди. Бу уйнинг хужжатлари эди. Ёмғирда ивиб, лойга қоришаётганди. Уларни қайтариб бермоқчи бўлди-ю, аммо орқасидан боришни истамади. Агар инсон қисмати мана шу қоғозларга битилган айқаш-уйқаш ёзувлар-у, сиёҳи қотган муҳрга боғланган бўлса, тупроққа қоришиб йўқ бўлиб кетсин бу матоҳлар, деб ўйлади.

У ҳушига келганда аёл шарпаси йўқлик сари сочилиб, аллақачон ғойиб бўлиб улгурганди. Уйнинг ёлғиз йўлаги билан остона пойида бераҳм дунёнинг қақшатқич зарбаларидан ўлакка ҳолга келган яланғоч хаёлларнинг жасади ётарди гўё. Унинг ортидан ичкарига киришга ошиқарди-ю, аммо юраги бунга дов бермасди. Қандайдир ваҳм худди ўргимчак тўри мисол оёқларини чирмаб ташлагандек эди. Қанчалик ҳаракат қилмасин қимирлашга ўзида куч тополмади. Фақат нигоҳларигина унинг изидан истаксиз судралди, холос. Бутун вужудида мажол йўқ эди. Шуурида эса хаёлларини таг-туғи билан қўпориб ташлаган бу уй ҳақидаги хотиралар ўрнашиб олганди. Яна ўша соябон тутган, ёмғир остида уззукун қолиб кетган муштипар онанинг суврати айланиб юрарди. Унинг бўлса, ўзи яқиндагина неча йиллар давомида йиғиб-териб не қўйларда яшаш учун сотиб олган кулбадеккина бошпанаси ва болалари билан у ерда кечирган бахтиёр ҳаёти ҳақидаги эзгин сўзлари ҳеч тинчлик бермасди.

Рўпарасида ўша қарашларини бузиб, чилпарчин қилиб ташлаган, беғубор болаликнинг қувончларига шерик уйнинг ўзи виқор тўкиб турарди. Ичкарида эса, икки норасида боласини бағрига босиб, эркалатиб, шоду хуррамлик гаштини сураётган бахтли она; ёмғирдан қочиб, уйнинг мўриси тагига беркиниб – пинжларига суқилишиб – бахтиёрлик сурурини тотаётган беозоргина бир жуфт мусича... Буларнинг бари чинмиди ёки тасавури маҳсулими, билмайди. Билгани энди унинг ўзи ўша сарғиш курси атрофида умидвор айланаётгани эди, холос.

Бироқ бир неча кун аввал мана шу уйдан бошпана сотиб олгани бор гап.

Гайрат САЙДУЛЛАЕВ



## ДАРАХТ

Кўзимни очдиму япроқлар орасидан сизиб тушаётган қуёш нурларини кўрдим. Кўз олдим жимирлаб қолди. Аввал япроқлар, сўнг дарахт тиниқлашди ва мен мана шу дарахт соясида ётганимни англадим. Руҳим сархуш, қувончим чексиз эди. Мени майсалар кўтариб турарди. Қулоғим остида майин, шитирлаган овоз руҳимга сеҳрли қўнғироқчаларнинг жаранги каби таъсир қилар эди. Теварагимда капалаклар учиб юрганини ҳис қилдим. Туновин амакиваччам икковимиз уларни ушлаймиз деб қанчалар овора бўлдик-а. Кулгим қистади: амакиваччам капалак кетидан қуваман деб сув оқаётган ариққа тушиб кетганди.

Юрагим ҳисларга кўмилиб турарди. Қўшиқ билмайдиган, тортинчоқ ва камгап бола (тоғам менга шундай дакки берарди!) шу маҳал овозимни баралла қўйиб қўшиқ айтгим келарди. Жиндаккина ўзимга ҳайрон бўлдим, жилмайиб қўйдим. Осмон тиниқ эди. Унда-мунда пахта толаларидек сочилган оппоқ булутларни айтмаса, осмонни биргина қуёшнинг ўзи эгаллаб турарди. Мен осмоннинг ҳақиқатан охири йўқ бўлса, (Отамнинг тушунтириши!) қандай қилиб кўк рангда кўринишини ҳечам англаб етолмасдим. Мен тушунмайдиган нарсалар кўп эди. Аммо ҳадеб сўрайвергим келмасди. Кўп эзмаланаверсам, катталарнинг тез жонига тегишимни билардим. Тўғрироғи, акам «Кўп ғалча бўлма!» деб уришиб ташлаганидан кейин

англаганман буни. Сирли нарса онгимда сирлилигича қолар, баъзан ўзим ўша тилсимларни ечишга тиришар эдим. Бу менда ғалати завқ уйғотарди. «Нега осмонга чиқиб бўлмайди?» ўйлардим мен.

«Чунки унинг дарахтникидек шоҳлари йўқ, ўзи эса жуда катта. Фақат учиб чиқса бўлади. Мен эса учолмайман». Бу жавобим ўзимга ҳам маъқул келганидан яна жилмайиб-жилмайиб қўярдим.

Кимдир томоқ қириб йўталди. Бошимни кўтариб қарадим. Ариқ ёнидаги йўлакчадан қари бир киши ўтиб кетарди. Қўлида ҳассасиям бор. Мени кўрмади. Ариқ эса дарахтдан йигирма метрча нарида эди. У киши яқинда қазо қилган бобомга ўхшаркан. Айтганча, мана шу дарахтниям ўша бобом эккан. Тирик бўлганида эди, ҳадемай пишадиган мевасини еган бўларди. Ўрикларини ўзим териб тушган, ўзим ювиб, ўзим қўлига берган бўлар эдим...

Мен мириқиб керишдим. Оёғимда ўрмалаётган қумурсқаларни тушириб ташладим. Қўлимни қўйлагим тагига тикиб бироз қашиндим. Қўйлагимнинг орқа томонига майса ранги униқиб қолибди. Энамдан яна койиш эшитадиган бўлдим-да. Қоқиўтнинг ҳали ҳам димоғимда турган ҳиди мени яна ётишга ундарди. Телевизор, кўчадаги ўйинлар, тоғамлар ва аммамларнинг эркалашлари нега тез жонимга тегади-ю, нега шу жойга ётиб, шу дарахтга чиқиб юрсам, ҳеч зерикмайман – бундан ажабланмас эдим. Ҳатто бу ҳақда ўйламасдим. Ҳар қалай, кўчадаги «чиллак» ўйини билан дарахтда, у шохдан бу шохга ўтиб юришим ўртасидаги тафовутни ҳис қилардим ва менга дарахтга чиқишлар қадрлироқ, қизиқарлироқ туюларди. Ҳар доимгидек, уйимиз томондан энамнинг овози эшитилди. Қаердалигимни биледи, овқат тайёр бўлиши билан чақиради. Баъзан койиб ҳам қўяди: «Ҳа, ер ютгур-а! Мунча шу дарахтга ёпишмасанг, мана, кўча бор-ку, болам?»

Ўрик дарахти ҳовлимиз тўрида салобат ташлаб турарди. Олдига йўнғичқазор ёқалаб борардим. Кўпинча амакиваччам иккимиз бўлардик. Бундай пайтда мен ошхонадан озгина туз олиб чиқар, у эса ҳали қотмаган отқулоқлардан териб келар эди. Биз дарахт тагида ястаниб олиб, отқулоқларни тузга теккизиб-теккизиб ер эдик. То тўйгунча отқулоқ чайнагач, қўлларимни ёстиқ қилганимча осмонга тикилиб ётардим. Дарахтнинг танаси, шохлари, майин шамолда қимирлаб турган барглари ва уларнинг орқасидаги мовийлик мени ҳаяжонга соларди. Бир куни отам уйимизни оҳаклаётганда «Битта хонамизни осмон рангга бўянг, ота!» деб бироз хархаша қилганман. Отам менга ҳайрон бўлиб қараган, сўнг энамга юзланиб: «Бу кичкинангга нима бўлган, ҳадеб бир осмон дейди, бир дарахт дейди?» деган эди. Ниятим ушалмади, барибир. Кейинчалик шуни эслаб кулиб қўядиган бўлдим.

Ишхонадаги столим устида биттагина сурат бор: фақат дарахт ва осмон акс этган. Бир сафар суратга узоқ тикилиб қолиб, бошлиғим кириб келганини ҳам сезмай қолибман...

Кейин дарахтга чиқар эдик. Амакиваччам ён тарафдаги йўғон шохга ўтириб олар, мен тирмашиб турган шохларга чиққиси келмасди. Мен доимо баланд шохларда юрардим. Ўрнашиб олгач, пастроқ шохда ўтирган амакиваччамга «ҳей, сен баландми, мен баланд? Мени қара, энг учига чиқдим, осмонга етаёздим» дердим. У менинг гапларимга кўпам эътибор бермас, қўлетгулик шохчалардан довуччаларни узарди-да, карсиллатиб ея бошларди. «Шунча дўнгга чиқиб нима қиласан, – дерди у, – яна ерга тушасан-ку? Барибир осмонга учиб кетолмайсан. Сенданам мен зўр ўтирибман. Тушиб кетсамам, унча оғримайди».

Ўша йили амакиваччам мактабга борди. Унинг мендан бир ёш катта эканлигини ўшанда билгандим. Отамга «мен ҳам мактабга бораман» деб йиғлаган-



ларим энди ғалати туюлади. «Келаси йил борасан, ўғлим, ҳали кичкинасан», деса ҳам уйда чинакамига жанжал кўтарган эдим.

Куз кириб, дарахт япроқлари сарғайиб қолди. Унинг олдига бормай қўйдим. Қишда ўлгудай зерикиб кетдим. Мен мактабга ошиқар эдим. Аммо... қўлимга дафтар-қалам олганимдан сўнг, назаримда, вақт жуда тез ўтди. Уч-тўрт йил дарахтга чиқиб тушиш, унинг тагида ётиш одатимни ташлолмадим. Амакиваччам фақат ўрик егани чиқарди, холос. Биз капалак ҳам тутмай қўйгандик. Отам менга уй ишларини буюрадиган бўлди. Нимадан-дир узоқлашиб бораётганимни ҳис қилардим. Бир томондан... тезроқ катта бўлгим келарди. Ахийри, қоқиўтнинг ҳиди ҳам у қадар жозибали туюлмай қолди.

Иш столимга ўтириб бир зум суратга тикилиб қоламан ва бирдан юрагимда алланималар уйғониб кетади. Юрагимда соф, қадрдон ҳислар мавжуради. Лаҳза ўтмай, яна қаёққадир йўқолади. Шаҳарлик ҳамкасб жўрамни амакиваччамга таништираётганимда ҳам юрагим бир ҳаприқиб кетганди. У эшакдан тушиб биз билан қўл бериб саломлашди. Биз эса галстукда эдик. «Ке, чой ичамиз... тўртта ҳангома», деб қўйдим. «Майли, кечкурун ўтарман, ҳозир буғдой ўргани кетаяпман», деди у.

Жўрамни меҳмон қилдим. Овқат еб бўлиб сигарет чеккани ташқарига чиққанимизда уни беихтиёр ҳовли тўрига бошладим. Энди йўнғичқазор ўрнига маккажўхори экилган эди. Жўрам нима учун бу томонга юрганимизни тушунмади. «Бирор нимани кўрсатмоқчимисиз?» деб сўради у. Қисқа жимликдан сўнг, «ҳа, шу... биласизми, шу ариқ илгари катга эди-да, ҳозир қаранг, ичи тўлиб, ўт босиб ётибди», дедим. Жўрам менга ажабсиниб қаради. Мен эса дилимдагини айтолмадим. Айтмоқчи бўлганим бошқа эди. «Дўстим, мана шу тўнка ўрнида бир пайтлар катта дарахт бўларди. Гўнг уюб қўйилган мана бу жойда бир пайтлар мен дарахтга, осмонга тикилиб ётар эдим», дегим келарди унга.

Анвар СҮЮНОВ



## ОТА УЙ

Ёмғирдан сўнг ярқираб чиққан куёш нурлари кўпчиган тупроқни қиздира бошлади. Тизза бўйи ўтлоқлар устида тебранаётган буғ ўрлаб кўм-кўк баҳор осмонига сингиб кетади. Пичанзорлар орасида бир маромда сайраётган муллатўрғайнинг чуғур-чуғури адир бўйлаб кезади. Ғўбдинтоғ этагидаги ёйилмаларда пода боқиб юрган болакайларнинг қий-чуви қушлар чуғур-чуғурига эш бўлиб, олис-олисларга учмоқда. Қибладан эсаётган намхуш шабада ёмғир аралаш тупроқ ҳидини узоқларга олиб кетяпти.

Сел йўлида ҳосил бўлган ўнгирда бир қўнғир тулки шабада эсаётган томонга тумшуқ чўзиб, кўксини елга тоблаб бирпас турди. У шамол йўналиши бўйлаб ҳид олмоқда гўё. Кейин сарак-сарак қадам ташлаб сал илгарироққа юрди. Соё бошида эса нам тортган шохшаббанинг бурқсиган тутуни кўринди. Олов эгаси тутун тагидаги қўрадан иккита усти куйган картошкани ҳалачўп билан думалатиб олди. Картошканинг пўсти чўғда куйиб, ёрилиб кетган. Ўша ёриқлар орасидан куюнки аралаш димоғёра ҳид таралди. Қўнғир тулкини ана шу таъм безовта қилгандир, эҳтимол. У қўнғирбошлар оралаб шу томонга йўл солди. Бироқ осмонда қандайдир ўлаксахўр қуш пайдо бўлдию тулки яна қўзиқулоқлар орасига уриб кетди.

Эгри-бугри сайхонлик этагидан чиқиб келаётган отлик шу томонга ўрлади. Гоҳ пасайиб, гоҳ тезлашиб турган ел бир маромда тебраниб келаётган жийроннинг думи ва ёлини чилтор қилларидек ўйнайди. Офтоб отнинг хурмо тусига оловранг жило беради. От бошини селкиллата-селкиллата сувлиғини ғижирлатиб қадам ташлайди, оғзидан чайналган ўт тутамлари тушади. У яна илкис энгашиб коврак ёки барра шувоқнинг бўлиқ жойидан узиб олади. Отлик шундай кезлари юганни силтаб тортади: “Чух, касофати мол”, деган товуши эшитилади унинг. Йилқи биқинга тушган тўмтоқ тепкидан тўрт-беш қадамга сергак тортиб, йўртиб кетади.

– Ҳорманг биродар, ош бўлсин, – деди отлик куймаланиб картошка тозалаётган кишига, – қўйлар овқат олдим-а?

– Саломалайкум, келинг қани, – деди у ўрнидан кўзғаларкан отликқа қўл чўзиб, – туз тотинг.

– Майли, раҳмат. Яқин беш-ўн кунда эллик чоғли сурувга кўзингиз тушмадими?

– Йўқчимисиз?

– Ҳа, шундай. Ҳафта бўлди, бир оқшом қўйлар ҳайиғиб кетибди.

Чўпон ва отлик анча вақтгача шу тахлит гаплашиб турди. Қибла шамоли кучайиб ёмғирнинг муздай тафтини уфура бошлади. Отлик чопонига ўраниброқ жиловни чўққининг ўсма тошлар оқиб тушган томонига бурди. От ўрловга кўтарила бошлади; мушакдор сонлари таранглашиб, илдам оёқ олиши ортда қолган чўпоннинг ҳавасини келтирди: “Отмисан, от! Тиллога алишсанг, ютқазмайсан, – деди ўзига-ўзи, – ҳее, бу дунёда йўқчи билан касалга қийин, икковиям қидириб яшайди”.

– Ҳой, ёдингиздан чиқмасин-а, орасида бешта олабел совлик ҳам бор! Шуниси эсингизда турсин...

Тасодиф хитобдан чўпон ўзига келди. Йўқчи чўққи бошида суюнчисини айтаётган эди. У отлиққа маъқул маъносида бош ирғаб, телпагини қўлига олиб кўксига урди. Отлиқ ҳам шундай қила-қила чўққи ортига эниб кетди.

\* \* \*

Мол одамнинг юрагининг мойидан бўлади. Оққи-ялик Берди чавандоз қўйларини йўқотдию ўзгарди-қолди: бир қарасанг жиззаки, арзимаган нарсага учиб-қўнадиган, бир қарасанг паришонхотир, дунё бифарқ телбадай. Баъзан яқинларининг арзимас гапига ҳам ниш отиб, кейин узоқ вақт ўзини-ўзи койийдиган одат чиқарди.

Ана шундай телбахаёл кунларининг бирида акаси Сайфи махсум эшик қоқди:

– Саломалайкум, келинг ака, – деб махсумнинг истиқболига чиқди чавандоз.

Акаси қўл бериб кўришди, лекин ҳеч сўз демади. Олдинма-кетин меҳмонхонага кирдилар. Полвоннинг хотини хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир-икки ҳовуч қанд-қурс, майиз қўйди.

– Яхшимисан, келин, болаларинг дурустми? – деди махсум гап оҳангини чўзиброқ.

– Раҳмат, бирнави. Чечамлар ҳам яхшими? – деди келин қисқагина қилиб.

– А, бу, бизнинг ука қўй йўқотган десам, ўзиниям йўқотиб қўйибди-ку, – махсум укасига қия қаради. – Мол топилади, жон топилмайди, жон!

Келини индамади. Овқат баҳонасида ташқарилади. Ака-ука ёлғиз қолиб ундан-бундан гап суришди. Бу орада бировнинг машина олгани, кимнингдир тўй қилгани, яна кимнингдир ўғли чет элга кетиб, пул жўнатаётганию отаси янги иморат кўтараётганлиги муҳокама бўлди.

– Энди-и, ука, мен ҳам бир омади гапни айтгани келувдим, – махсум дастурхон попугини ўйнаб давом этди. – Отамдан қолган “Волга”ни сотсак. Пулини иккига бўлардик, тенг ярми сеники, қолганини Самандар иккимиз бўлишамиз. Мана, сенинг ҳам боланг ўқишга ўтиб калланг қотиб турибди, мушкулинг осонлашарди.

Берди полвон ўйланиб қолди. Меҳмонхона деразасига шох ташлаб турган гужумнинг баргларига боқиб туриб отасини эслади. Ота-бола “Волга”ни олиб келган куни шу азамат гужум кўчатини ўтқазган эди. Яна унинг хотиридан армиядаги акасига хат жўнатганлари ҳам ўтди:

– Билмасам, отамнинг ёдгорлиги. Таъмирлаб ми-ниб юрсак, душман кўзи эди-да?

– Қанақа душманкўзи? Ким бизга душман кўзи билан қарарди, ука, – Сайфи махсум ликопчадаги парварданинг майдароғини оғзига солди. – Қизиқ гапирасан-эй, сен ҳам минганим эшак бўлсаям узангим тиллодан, дегичлар хилидансан-да.

– Шу улов юриб турса, ҳар кимга тўю таъзияга бо-риб кел, деб ялинмайсиз-да, – деди полвон акасига кўз ташлаб, – рўзғоримизнинг ободлиги.

– Ҳей, сени жин чалганми дейман, бу Даққи-юнусдан қолган арава қанақа ободлик бўлади? Бу-нинг – янгиси, зўри бўлса экан, ачинсанг. Чўнтагингда пулинг бўлса, кўча тўла мошина...

Ака-ука ўртасидаги даҳанаки жанг товуши то-бора баландлаб бораверди. Улар бири олиб-бири қўйиб, ўзиникини маъқуллаштишга уринарди. Мах-сум, мен – акаман, айтганимни қил деса, чавандоз эса, акадан жўяли маслаҳат чиқса айтганини қиламан-да, дерди. Шу пайт дераза устидаги гужум шохига уя қур-ган мусичалар потирлаб тепага кўтарилишди. Ва бир қанча вақт муаллақ учиб туришди. Сўнг ҳовли этаги-

даги бодом шохига қўнишди. Уяларида эса, икки полапоннинг боши гоҳ кўтарилиб-гоҳ тушиб турарди.

– Сотасан! Гап шу, – деди махсум лаби учиб, – керак бўлса, отниям бўлишамиз, уям отамдан қолган.

– Билганингизни қилинг, – Берди полвоннинг гап оҳанги тушди. – Хоҳласангиз икковиниям олиб кетинг, ҳеч қандай улуш керак эмас менга.

Ака-ука бир қанча вақт сўзсиз ўтирди. Берди полвон дераза пардаси устидаги қизил гардишли рамкага термулиб қолди. Унга уруш йилларида туширилган сарғиш сурат жойлаштирилган эди... Бир вақт махсумнинг кўзи илкис укасига, сўнг у қараб турган томонга тушди. Кейин дастурхонни кўздан кечирган бўлди. Кейин... ўтира олмади.

Улар ҳовли этагидаги дарвозагача сўзсиз бордилар.

– Чечамларни сўранг, – деди полвон синиқ оҳангда.

Сайфи махсум гап-сўзсиз муюлишдаги бурымга қараб лўкиллаб кетди.

\* \* \*

Нақрачда бир сурув беэга қўй юрганмиш, деган дарак тарқалдию Берди чавандознинг ичига бурга кирди. Хабарни эшитиб, эртаси куни саҳарда от эгарлади. Эгар устига қайсидир кўпкардан айирган гилам хуржунни ташлади. Унга иккита нон, бир-икки ҳовуч қанд-қурс ва халтага ўралган жойнамоз солди. Очиғи, полвон бу хабар ростми-ёлғонми билмайди. Унга қўшниси Абдурасул чилангар етказди бу гапни. Чилангар ҳам бировдан эшитибди. Аслида, йўқчи халқи шундай бўлади: арзимас даракдан умид кутади, элма-эл оғиз пойлайди, маъракама-маърака хабар тарқатади, йўқотган молининг белгисигача айтаверади. Илло, идорама-идора югуриб мелисаю

посбонни безовта қилмайди. Сабаби, эл оралаганни эл топади, Берди полвон эса шунча йилки эл оралаб юрибди.

Гира-шира тонг қоронғусида Ғўбдинтоғнинг пасткам адирларида бир отлиқ кетиб боради. Йилқи қулоқларини диккайтириб олган. Чигиртканинг шитирига ҳам сергак қараб қўяди. Ангаралар шахмат тахта-сидек майда бўлақларга бўлинган, оралиғи саккиз қаторлик қайрағоч тизмаси билан ихоталанган. От ана шу дарахтларга қулоқ диккайтириб, тикилиб-тикилиб боради. У ўша тарафларда хатар борлигини сезди. Бирпас ўтиб, от сезими рўёбини кўрсатди. Дарахтлар орасида санғиб юрган чўпон итлари доврўф кўтариб келаверди. Отлиқ эгарга мустаҳкамроқ ўтирди. Узанги арқонини бир-икки марта эшиб зичлаб жойлади. Юганни тортаётганда, итлар қуршовга олиб, асабга тега бошлади. От гоҳ йўртиб, гоҳ тисланиб йўлида давом этаверди. Улар шу кетишда дарахтзор ортидаги сурув устидан чиқишди. “Маҳ-маҳ Оқтирноқ, маҳ”, деган овоз келди сурувнинг у бошидан. Қўйлар “дурр” этиб ҳуркиб олди, кейин тинчиб қолишди. От қораси чўпоннинг ёнига етди.

– Ҳорманг! – деди отлиқ эгарқошни маҳкамроқ сиқиб. Итларингиз олғир экан. Сал бўлмаса отдан ағдараёзди.

– Э-э, сизмисиз, полвон ака!

Чўпон полвонни овозидан таниди, яқин келиб қўл узатди. Улар эски танишлардек сўрашишди. Чўпон ўшандан буён бегона қўй кўрмаганини айтиб, гап оҳангидан ҳамдардлигини билдирди. Суҳбат охирида Нақрачга борадиган йўлни тушунтириб, хайрлашди. От йўлида давом этди.

– Ҳой, полвон ака, тўхтанг, – деди чўпон ҳаллослаб унинг ортидан югуриб, – манови таёқни олинг, йўлда қопқир ити бор сурувлар кўп.

– Чўпон таёғини бировга бермайди, унда барака бўлади, – деди полвон унамайроқ.

Чўпон қистаб туриб олди. Берди полвон чўпонтаёқни олиб, қайта хўшлашиб, от бошини тоғ қўймичидаги қишлоққа бурди. Бирпас ўтиб чўпон унинг қорасини кўрмай қолди.

Кун чошгоҳдан ўтганда сувлар кечиб, ангарлар кезиб келаётган Берди чавандоз Нақрачга етди. Аввал қишлоқ бошидаги жилғада отини сувлатди. Хуржундан нон билан қанд-курс олиб, сув лабига белбоғ ёйди. У бир туюр нон ушатиб кумушдек товланиб оқаётган сувга ботирган ҳам эдики, орқадан кимнингдир томоқ қиргани эшитилди. Беихтиёр товуш келган томонга бурилди. Нишабликдан етмиш ёшлардаги оқсоқол бир киши эниб келарди.

– Ассалому алайкум, – деди чавандоз ростланиб олиб.

– Валайкум ассалом, – чол эҳтиёткорлик билан қияликдан тушиб кела-кела қўл узатди. – Бу дейман, чошгойини ариқ бўйида қилаётганингизга қараганда, меҳмонга ўхшайсиз. Қани, қаерлардан сўраймиз?

Чол полвон билан сўрашиб, одмигина белбоғ-дастурхон бошида оёқ узатди. Полвонни илгаридан танийдигандек қалин сўрашди. Аввалига ийманиброқ турган Берди чавандоз сал ўнғайсизликдан сўнг очилиброқ гап бошлади:

– Аслимиз Ғўбдинтоғдан, отим Берди. Олти ойлар бурун, кўкламнинг бошида бир кўтон қўй йўқотиб қўйганман. Мол аччиғи – жон аччиғи экан, кўча-қўйда, тўю маъракада дараклаб юраман. Биров ундай-бирова бундай хабар етказди, аммо излови келмадими, топилмади. Кеча бир қўшнимиз маъракадан Нақрачда безга қўй юрганмиш деган гапни топиб келди, эрта билан шу томонга от солдим. Юришимиз шу, бобо.



– Йўқчиман, денг?! – чол бир ушатим нон солди оғзига, кейин бир муддат нонни шимиб турди. – Қўйларингиз ичида бешта олабел совлиғиям бормиди?

Бу гап полвонга аканг армиядан келди ёки хотининг ўғил кўрди дегандагидек таъсир қилди. Ростигангиб қолди. Сўнг гап эгасига ҳайратланиб разм солди. Шу он қаршида ҳазрати Хизрни кўргандек бўлди. “Ҳа-ҳа, Хизр бобоям шунча бўлар-да бўлса! – деди ичида, – юзлари қалам билан чизгандай, ё, уста – Худо!”. Кейин унинг оқ иштон-кўйлагияю серсоқол юзига қайта қараб чиқди.

– Қўйларингизни йўқотганингизда орасида қанақа қўчқорлари бор эди?

Чавандоз сўровни эшитиб ўзига келди.

– Учта қўчқорим борийди, – деди каловланиб, – каттаси кўк, иккови қорабет, бировининг орқа туёқлари оқ.

Чол салмоқлаб гап бошлади:

– Тўрт ойлардан ўтиб қолди, қишлоғимизга беэга сурув келиб, ҳали унинг-ҳали бунинг экинига тушавериб безовта қила бошлади. Ҳамқишлоқлардан бир-иккиси қўйларни гумдон қилишнинг ҳам пайига тушган. Бир куни бизнинг махсарпояга оралаган сурувни невараларим ҳайдаб келиб қолишди. Бир бечоранинг ризқи қийилмасин, хабари чиқса ўзим етказиб берман, дея эга чиқдим. Ўшандан буён қўйларингиз бизникида. Ҳа, айтганча, узун сони неччов?

– Бир кам олтмишта эди, – деди полвон.

– Демак, қўйлар сизники, – деди чол ишончи комил бўлиб, – фақат, ҳозир қўйларингиз бир кам олтмишта эмас, олтмиш учта бўлган. Бу ерга келиб тўрттаси қўзилади.

Берди чавандоз ҳайратдан лол қотди. Нима деяри билмай қолди. Қарийб ярим соатлик вақт қандай ўтганини сезиб улгурмади.

– Ҳай, турдик энди, – деди чол тиззасига суяниб, – сизни уйга бошласам. Ҳали замон невараларим сурувни сувлагани туширади, шунда кўрасиз кўйларингизни.

Улар полвоннинг отини етаклаб, кунгай бетдаги ҳовлига боравердилар.

– Шунча пайт гап олиб ўзимни танитмабман-ку, – деди чол кенг саҳнли айвоннинг эшигини торта туриб, – қарилик қурсин. Мени бу ерда Раҳмонали тегирмончи дейишади, мулла Бердибой. Олти ўғил, уч қиз, ўттиз икки неварам бор. Қани, ичкарига кирайлик, сурув келгунча бафуржа гурунг қиламиз.

Улар меҳмонхонага кирдилар. Хонанинг ҳовли тарафида кўзлари йирик-йирик, устига оқ бўздан парда тортилган дераза жойлашган. Ўнг томондаги бурчакка иккита сандиқ қўйилиб, устига кўрпа-тўшак таҳланган.

Полвон билан Раҳмонали тегирмончи чамаси бир ош пиширим вақти гурунглашиб ўтирди. Бу орада дастурхон тузалиб, сергўшт қайнатма шўрва тортилди. Овқатга фотиҳа қилинган, шўриллатиб чой симираётган тегирмончи аввалроқ бошлаган гапини давом эттирди:

– Отадан учов етим қолдик. Онамизнинг чеҳрасини эса яхши эслолмайман. Лекин иккисиниям худо кўп кўрган экан, укам қовурчини қотмай бизларни ташлаб кетди. Акам уйланиб, бир болали бўлганда рихлат қилди, – чолнинг кўзларида йиллар ҳасратидан қолган кўз ёшлар билинар-билинемас қалқиб чиқди. – Манови, ёнимиздаги уй акамнинг ўғлиники. Ўзи шаҳарда, институтда дарс беради. Аввал уни ўқитдим, орқасидан ўзимнинг болаларимни. Барига тегирмончилик қилиб, кўй-мол сотиб шаҳардан уй олиб бердим. Кейин қишлоғимдан иморат кўтардим ҳар бирига атаб. Барибир, қайтадиган жойи шу ер-да!

Тегирмончининг мунг чўмган кўзларида аллақандай масрурлик зоҳир бўла бошлади.

– Кўзим очиқлигида жойли қилай дейман-да. Ўзлари кулиб юришади, шаҳарда уйимиз бор-ку, деб. Бари бир-бири билан аҳил, интифоқчилигини кўриб яшагим келади. Тортган азобларимга ачинмайман. Аслида, ўзбекники шу – болаларининг хузурини кўриш! Мол-дунё топилади. Мана, сиз ҳам олти ой бурун йўқотиб, бугун топиб турибсиз. Одамгарчилик ва иймонга қолганда йўқчи бўлмаслик керак. Шундай эмасми?

Шу вақт келиними ёки қизларидан бирими қўйлар сувлагани келганини айтиб кетди. Улар олдинма-кетин жилға охиридаги қўлмакка йўл олишди. Ҳай-ҳайлаб полвоннинг қўйларини сурувдан айирдилар.

– Энди-и, Раҳмон ака шунинг ичидан хоҳлаган олтовини айиринг, – деди полвон, – олти ой биров боқсаям энчи олади-да.

Тегирмончи кўнмади. Полвон ҳарчанд қистаса ҳам олмайман, деб қатъий туриб олди:

– Менга атаганларингизни болаларни ўқитишга харж қилинг, – деди Раҳмонали тегирмончи хайрлашаётган маҳали, – ўқимишли бўлганда эслаб юрасиз.

Кун пешинга қиялаб қолганда Берди чавандоз севинч ва аллақандай масрур туйғулар гирдобидида жилға бошидаги қирдан қўйларини ҳайдаб ошиб кетди.

\* \* \*

Сумбула кириб, сув тиниган бир кунда полвон акаси Сайфи махсум ва укаси Самандарни уйига чақирди. Бир қўчқорни бўғизлатиб, қўни-қўшниларни йиғиб худойи ўтказди. Узоқ қишлоқдан келган Зикрхон эшон хатм қилди. Ва, издиҳом охирида бир чақмоқ қўй гўшти, бир кийимлик сарпо олиб жўнади. Вақт хуфтондан ўтиб йиғилганлар ҳам тарқалишди.

– Сизлар қолингизлар, – деди полвон акаси билан укасига.

Учовлон холи меҳмонхонага қайтиб кирдилар. Полвон тахмондаги бўғчадан иккита белбоғ олиб хон-тахта устига қўйди. Уларда вазни беш килони оладиган нимадир бор эди.

– От билан машинани нархлатдим, – чавандоз уларга назар солди. – Икковининг қийматидан ҳар бирингизга ўнта совлиқнинг пулини атадим.

Самандар ҳайрон қолди. Нима гап деган маънода Сайфи махсумга нигоҳ ташлади. Махсум эътибор қилмасдан полвонга қарата деди:

– Ўзинг розимисан? Ҳарҳолда, отадан олтов бўлсанг ҳам уйингда ёлғизсан, деган бир гап бор эскиларда.

Гап нимадалигини тушуниб етган Самандар эса қизишиб кетди. Овозини баландлатиб суяктешар гаплар қилди. Бироқ...

– Ол, ука, ота уйида ҳамма фарзанднинг ҳақи бўлади, – деди полвон алланечук мунғайиб турган укасига қараб, – рўзгорингнинг бирор тешигини ямайсан.

Махсум белбоғни қўлтиқлаб қўзғалди. Икки ука унинг ортидан ташқарилади. Дарвозада қуюққина хайрлашишди. Полвон қанчалик қистамасин, менга унақа мерос керак эмас, дея укаси Самандар тез-тез юриб машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Берди чавандоз енгил тортди. Кузнинг этни жимирлатар ҳавосидан симириб-симириб нафас олди. Тоғ бошига қўниб турган милтироқ юлдузларга боқиб кўнгли алланечук бўлиб кетди. Шу кез унинг юзидаги табассумга мойил ифодани ой ёруғида бемалол кўрса бўлар эди. Яна укасининг қилиқларидан масрурлик туйди: “Келаси йил Самандар ўғилларини суннат қилади, той қўшаман”, – деди ўзига-ўзи.

Ошхонани тамбалаб келаётган хотинига:

– Ўғлингга айт, ўқишига бораверсин, – деди. – Кечикмабдими, пулини тўлашга? – деб қўшиб ҳам қўйди.

Ташқарида, гужум тагида ётган тўнғичи Бекбола суюниб кетди. Лекин кўрпадан бош чиқаргиси келмади. Тўшак орасидан уй томонга қия қараб қўйди. Сўнг ҳовли бурчагидаги қўтонга кўзи тушди. Кучур-кучур қилиб кавш қайтараётган қўйлар негадир унга яхши кўриниб кетди. Кейин ўқиш ҳақида ўй суриб ухлаб қолди.

Ҳовли бўйлаб уйқудаги олам сукунати кеза бошлади.

Нурилла ЧОРИ



## ТАШВИШИ ЙЎҚ ОДАМЛАР

Бозирган чавандоз доғда қолди...

Қизғалдоқнинг адоғидан кўндалангига Тагсарой оқади. Тагсаройнинг кунгай бети қари лалми (эл шундай атайди), қибласи сувот – таёқ суқсанг барг ёзади. Замони чархифалак бўлиб кетган бу кунда қози ҳам, миршаб ҳам, дўхтир ҳам тиш-тирноғи билан ерга тар-машган. Ерга етмаганлари молиниям, жониниям бозорга урган. Бозорга бор – бахтингни кўр. Бахтини ниманинг эвазига кўради, бунисини ўзлари билишмаса – биз билмаймиз!

Майдақадам моданинг устида ўз майлида тебраниб бораётган мана у жинқарча Бозирган чолнинг невараси. Хув-в, ана бу чайла эса Бозирганга, тўғрироғи, унинг кенжаси – Эшбой эшчига товин. Эшчининг эш чангаллаб косаси оқармаган чоғи рўзғорга томчи деб пиёз эккан. Экканда ҳам сидирғи экмаган, “Аччиқ бўлса, харидорини ўзи топади”, деб дамига ош пишадиган Жолпон хумга уруғ септирган. Аччиқ бўлишини билмадиг-у, аммо уруғнинг ярми куйиб кетган чиқади. Сийраккина кўклубди. Сийраклиги Эшчининг умидини янада жонлантирди: “Ҳали кўрасиз, чумчуқнинг калласидек эмас, муштдай-муштдай пиёз бўлади!”

Муборак ошёнидан судралиб чиққан чавандоз шу чайлани ўзига ватан тутган. Неча вақтдирки, неварани айтмаганда исми одам билан гаплашмайди. Кундузлари сояни итга бермайди. Кечалари эса киприк қоқмайди.

Ўғли келди. Ўтинди...

Келини келди. Ёлворди...

Қизи келди. Йиғлади...

Бозирган чол ўзини мисли қўлвор чоғлади. Мезон куёшида тобланиб, шамолига кўкрак кермоқчи бўлди.

Уйига қайтмади...

Кўкламдан мезоннинг адоғигача пайкалу қишлоқ орасида шу жинқарча сарсон, Майдақадам сарсон.

Чолнинг айтарга баҳонаси бор – пиёз мезонни емаса, шунча тоат-ибодат бир пул. Чириб кетади. Гап пиёзда ҳам, мезон шамолида ҳам эмас, ўғлининг зуваласи бўшлигию келиннинг бироз укувсизлигида!.. Бўлмаса қуш чўқимайдиган, жонлиққа эт битирмайдиган аччиқ пиёзнинг бошида нима бор, бу “иткасал”га!

Ўтган қишда Бозирган чол неварасига тўй бериш тараддудида эди. Оғзидаги тишидай сийраклашиб қолган узангидошларини бозорда кўрадимиз, мозорда кўрадимиз, дўқ уриб: “Неварамга тўй бераман! Кўпкарис катта бўлади! Отга қарашинг!..” дер, бу гапларига кўнгли тўлмай: “Улларни ҳам олиб келинг! Ота қадрдонларни топиштириб кетайлик! Тил топишса, оғанин бўлиб қолар. Топишмаса, укасининг қорнига!” дея қўшимча қиларди. Унинг бу гапларини қайта-қайта эшитиб безор бўлган чолларнинг айрими ўзини гарангликка солиб қолганди.

Чавандоз бир сафар ўзини гарангликка олган Ташман туянинг қулоғига:

– Бозирган ўзи битта тўй беради, катта, – дея қичқирди.

– Хў, боди. Кулоғимни тешдинг-ку! Сен неварамга тўй бераман деганингда, менинг тишим чиққани йўқ эди, – деб милкини кўрсатди Туя.

– Юким ерда қолди-ку, ошна! Шу йил қор тушсин, тўйни бошлайман, – деди Бозирган ошнасидадан ранжиб.

Чолнинг юрагини ҳаприқтириб келган қишнинг аввалида кампири унинг тонгдаю шомда, кундаю тунда тайинлаб келган калимасини канда қилди. Кўзигул Бозирганга маҳрам бўлиб, айтганини бажармаган бўлса, шу бўлар, яна билмадик. “Ортимда қоласан”, деганига қарамай, жонини Жабборга топширди-қўйди.

Неваранинг тўйи қолишга қолди. Аммо кўп ўтмай элни: “Бозирган чол уйланармиш”, деган гап оралади. Улус чавандознинг бошини икки қилишга кўпам шошмаган. Гўё Кўзигул кампирнинг кўкаришини сабр билан кутган, кўкламга илҳақ бўлгандек кўринади. Кун қизиган сари гап-сўзлар урчиб кетди...

Чавандоз уйланса уйланибди-да, шунга нима: осмон узилиб ерга тушармиди?! Кампири ўлиб уйланганлар Қизғалдоқда камми?! Биргина Ҳайит ланги учинчи хотини ҳам жувонмарг кетганидан кейин уйланмаган, уйланолмаган. Негаким, оғзига кучи етмаган икки-уч кампир жаназада ўтириб, ёмон бир матал тўқиган. Изига ўзлари тўқиган маталдан чўчиб, бундай бўлса: “Лангида хотин турмайди”, деб лаб тишлаган. Кампирлар лаб тишлагандан сўнг қайси аёл юрак бетлаб Лангининг ўнгиридан тутсин. Уйи синган аёл бордир, аммо жондан тўйгани, жонидан тўйгани йўқ!..

Яна Ҳалдав посон уйланганидан сўнг соқолини анбарлаб арига талангани-ю, Орол карга ўғиллари қолиб, қизи хотин топгани ҳам бор гап. Яна...

...Яна Эсонбой оқсоқол икки ўлиб, уч уйланган. Эсонбой оқсоқолнинг “ўлиб-тирилишлари” ва уйланиши Бозирган чолнинг кечмишига соя солмайдиган маҳшар қадар давом этадиган гурунг. Ундан кўра хо-



тинининг жойи совимай туриб уйланган Толмас морбоз эл ичра машхур, музофотда донгдор.

Толмас морбоз чўгирма телпак кийганича бор экан. Эл оғзига элак тутди. Дангалини айтсак: “Мисқол девдай йигитнинг умрини ўғирлади-я!”, “Мисқол тумса”, деганларнинг оғзига чўгирмаси билан урди. Мисқол ўғилли бўлиб, чилла тутди. Қолаверса, Морбознинг қулоғи том битганида, оғаларидан кўра Авазнинг: “Тўрт кунлик меҳмоним отам! Меҳмон бўлиб тўймаган, дунёю кўтирда ҳеч вақони кўрмаган, армонлари бағрин тиғлаган... отам-ов, отам!” деганлари элнинг эсидан чиққанича йўқ.

Гўяндаларнинг гурунг беришича, Аваз қўшиғини кўнгил учун айтмаган. Ҳар “отам-ов, отам!” деганида сабзи тишлаган. Билинги, отасини йўқлаётган Авазнинг уртида сабзи бўлган. Ундан ранжиган аканинг кўкайига шу гаплар келди: “Ўв-в энаси қисир! Энам отамнинг қўйнида йўқ эди. Мен отамнинг эсида йўқ эдим. Нега бунча зор қақшайсан?! Мисқол макрзаннинг арзандаси! Отам ўлган бўлсаям, сенинг бошингни силайдиган Макрзан бор-ку! Энамнинг қора босиб ўлганини билсанг, юрагинг ёрилиб ўлар экансан! Эй, садқайи эна кет!..”

Аммо тилига кўкайидаги эмас, кибри кўчиб, томоқ қириб, укасига юзланганча:

– Ҳў-в, Аваз! Отамиз-ку ёшини яшаб, ошини ошаб ўтди. Бу ёшда кўчганники тўй! – деди.

– Сизларга тўй бўлса, тўйдир. Бизга аза, – дея Морбоздек босиб тикилди Аваз.

– Авазбой, майли, сенга аза бўлса, азадир! Лекин: “Армонлари бағрин тиғлаган...” деб бўзлаганинг нимаси! Отамизни доғда қолди, деб ким айтди сен тирмизакка! – деб ториқди ака.

– Эртган кишига биров айтиши шартми! Отам ҳар оқшом арғамчиқопини томорқанинг этагига қоқарди.

Кейин менга най чалдириб, теваракка мордек тикиларди. Мен най чалардим. Отам эса “Мен оёқ узатар бўлсам, сенинг ҳолинг нима кечади, Хунхорнинг султони!” дерди, – деб ер тепди Аваз.

– Хўп, майлига, сен сари борайлик, Авазбой иним, султон иним! Очдан ўлдингми! Бизни номусга қўйма... Ё сабзи е, ё отам де! – деди ака қаҳрланиб.

– Сабзимниям жиябераман, отам-ов, отам, деябераман! – дея акасига тиззинглади Аваз.

Боланинг бетгачопарлигидан ғазабланган ака кулоқ-чаккасига қўйиб юбормоқчи бўлиб қўл чўзди-ю, титраб кетди. Акага тикилиб турган кўзлар уканики эмасди...

Кўрққанидан майит ётган уйга юзланди. Дафъатан қулоғида отанинг хеш-ақрабларига айтган сўнгги гапи янгради: “Авазқулнинг бурнини қонатманглар!”.

“Армонлари бағрин тиғлаган!..” деб бўзлашда давом этди Аваз. Аканинг меҳри ийиб, уканинг бошини силай-силаи, “Отам-ов, отам!” деб жўр бўлди. Ич-ичидан титраб, кўзларидан тирқираб ёш отилди. Чопонининг ўнгири билан улусдан юзини яширди ва Авазга деди: “Нима десанг ҳам сенга можна, Хунхорнинг султони!”

Чолни уйлантириш Қизғалдоқнинг эсида ҳам йўқ пайтда жинжаклилик: “Бозирган чавандоз соқолини боғлаб нон ёпармиш”, деб айтган экан.

– Чолнинг соқолини боғлаб нон ёпганини биринчи қизи эшитган. Келиб келинини қарғаган, сўнг ўғли эшитиб ҳайрон бўлган. Бозирганнинг ўзи эшитиб, “Шундай дейишибдими-я, қисталоқлар”, деб қаҳ-қаҳ отиб кулган ва индамай уч-тўрт кун ўғлининг оғзига қараган. Ўғли тиш ёрмагач, чол тўнини тескари кийиб олган, – деди билгичлар.

Чавандознинг нон ёпган-ёпмаганини ўғлиям, қизиям билмайди. Гапнинг ростини қайнота-келин ҳеч кимга айтмади.

Бозирганнинг назарида, атрофидагиларга бир бало бўлган. Худди у сағир қолгандек, ачиниб қарашади. Юпатиш учун нималарнидир ўйлаб топади. Ўғли ишдан кеч қайтса ҳам, унинг олдига киради, у ёқ-бу ёқдан гапирган бўлади. Ҳеч гап топмаса: “Экология ёмон, иқлим ўзгариб кетди, ҳозирги келинлар нозик”, деб дийдиё бошлайди. У туғилганда онаси азоб тортмагандек. Гўё отасига шулар қизиқдек.

Авваллари саломини эплаб беролмайдиган келини ҳам энди унга матал айтади. Ҳай-ҳай демаса, бозорга борганию бодини кўрганидан бошлайди. Бир гал шундай ҳам бўлганди:

– Эртага ис куни, – дейди келин қайнота ўтирган сандалнинг бир кунжагига ўзини уриб.

– Шундаймикан? – дейди чол санокдан адашгандек.

– Бозорга боргандим. Мой олдим, – дейди келин қойил қилгандек сандалга чуқурроқ кириб.

– Яхши-да, яхши-да, – дейди чол кумуш қошларини силаб.

– Бозор куйиб кетибди, – дейди келин бамайлихотир, – мой одамнинг хунига тенг!

Қайнота чуқур уҳ тортди. Тишни-тишга босгиси келди. Бундан сўнг яна шу тахлит суҳбатларга чидай олмаслигига кўзи етди. Сандалдан чиқиб ўтирди.

– Бозорда сенга бало борми?! Эшчи мой олиб келмай номаъкулнинг нонини ейдими? – деб товушини баландлатди қайнота.

Келин ўзини эшикка урди. Чол унинг ортидан: “Яна бозор борсанг, бил, қани, Бозирганнинг хунига қанча мой берар экан”, деб қолди.

Келинидан ранжиганиданми ё бошқа бир сабабданми, негадир хаёлига раҳматли кампири келди. Муштдек момо эди. Ўзини ўтга-чўққа уриб пилдирабгина юрарди...

Қўзигул кампирнинг ажойиб одатлари бор эди. Бундай одатлар... Фақат унга, фақат шу кампирга ярашарди. Чавандоз биров-яримдан дили хуфтон бўлса, бас, тилини ютиб қўяди – ҳеч кимга лаб жуфтламайди. Охири бир куни ичи пишиб, завжасига ёрилади. Агарки у дилозор мардум хеш-ақрабларидан бўлса, албатта келиб Бозирганнинг кўнглини оларди. Ёт бўлса-чи? Ёт бўлса ҳам, кампирнинг жавоби тайин эди. Чолни “кутирган туя қопганда” ҳам шундай бўлганди.

Ўшанда чол азбаройи гузарга Майдақадамга арқон олгани борганди. Нимага боргани ҳам ёдидан кўтарилиб, уйига қайтди. Майдақадамдан тушай деса арқон йўқ! Модани остонагача ниқтаб бориб:

– Гунафша, – деди чол.

Отанинг овозини эшитиб ташқарига чиққан ўғил худди бошидан мушт егандек гангиб қолди:

– Падарига лаънат, макимия! Сен уйда курк ёт. Мени кутирган туя қопсин, – деди ота.

Эшчи ҳам анойи эмас. Майдақадамни миниб кўздан панароққа кетмоқчи эди, аммо чол кўнмади, устомонлик қилди. Ўғлини тақимига босиб сўккиси келди:

– Энанг йигирган калавадан олиб чиқ, – деди баттар тутақиб.

Майдақадамни невара миниб турди. Кампир, ўғил ва келин ип пишитди. Чол пишиб келаётган ипни эшди. Агарда кампир: “Ақрабнинг муддаоиси ниш урмоқ, хоҳ дўст кўксига, хоҳ душман орқасига”, демаганида, ип пишигунга қадар Ташман Туяни ҳам, унга қўшиб ўғлини ҳам сўка-сўка Бозирганнинг ўпкаси пишарди.

Чол кампирнинг гапидан сўнг юмшади, нафас ростлади. Аввал арқонни қулочлади. Кейин икки-уч қатлаб, оёғи билан босиб тортиб кўрди. Пишиқ арқонни маҳсисининг кўнжига уриб:

– Бир тўй берайлик, кўпкарининг завқига нортуялар ҳам маст бўлсин! – деди.

Келин чолнинг бу итфеълини бугун кўргандек, лаб буриб нари кетди. Қирқ йилдан бери отанинг сўкишини эшитадиган ўғилга негадир шу тобда алам қилди.

– Соқолига оқ оралаб ҳам шу одатини ҳеч ташламади-да, момой?! – деди онасига.

– Энди, эски дард-да, болам, нима ҳам қилай...

– Мазаси йўқми?!

– Итказал-да.

– ...

Арқоннинг бир учини ўғлига бериб, тортса ҳам бўларди. Аммо бундай қилмайди. Негаки, ўғлига ишонмайди. Тўю катта-а кўпкари беришнинг сабаби ҳам асл шу ишонмаслигида! Кўнглидаги бир “аттанг”и борлигида! Чол кампирини ўзига қанчалик яқин тутмасин, бу “аттанг”ни унга билдирмайди. Бироқ... бироқ бу “аттанг” кўп йиллардан бери ич-этини ейди; ичига ҳам сиғмайди, бўзлатади! Кексарган сари авжига олади.

Бир гал ошнаси Эсонбойга (ҳа, айтганча, унда оқсоқол – оқсоқол бўлмаган, эл қатори Эсонбой эди): “Зотимдан кўкрак кериб даврага кирадиган чиқармикан?” деган. Ошна ўзини эшитмаганга олган. “Чиқмайди”, деб Бозирганнинг яна ўзи тирғалган. Эсонбой эса боз устига тиш ёрмаган. Чавандознинг марсингиси, йигитлик даврини эслаб мақтангиси келган, чоғи, бор гапни ўзи айтган.

– Бўз йигитлигимда “Чавандоз” деб ном кўтардим. Элнинг олдидан ўтдим. Кўп сулув қизларнинг кўнглига ғулу солдим.

– Ҳа, шундай бўлганмиди, – дейди ошнасининг гуппайганидан завқланган Эсонбой.

– Кексалар: “Тулпор – биядан, алп – энадан! Полвон, келиннинг дуркунгинасидан олинг”, деса, ўйин билибман! Кўзисига, Кўзигулига ошиқ бўлибман, – деган виқор билан Бозирган.

– Отиям Қўзигулмиди? – дейди ошнасининг баттар завқи келиб.

– Шундай. Ҳар замонда зоту палагимни ўйлаганда оти эсимга келмаса, ёдимдан ҳам кўтарилаёзган.

– Нега?

– Шу қаллиқ ўйинга борганимда эрмакламоқчи бўлиб отини сўрагандим, “Гунафша” деди кўзлари жавдираб. Олдинлари ҳар Гунафша деганимда шу кўзларини кўргим келарди. Кейин ўрганиб қолдим.

– Илгари бир подшонинг арзандаси ҳам бақанинг кўзига ошиқ бўлган экан, – деб ўзини тутолмай кулади Эсонбой.

– Бас, бўлди қил! – дейди кулгига чидай олмай Бозирган.

– Бўлмаса, нега шалвирайсан! Ойпарчасини олганимда ёзиғинг бошқача бўлиб қолармиди? Девникидек гавдангга, мешдек қорнингга Қўзининг эркалиги сиғмабди. Ойпарчанинг эркалигига ёрилиб ўлар экансан, чавандоз, – деди ошна.

Шундан буён Бозирган ошнаси Эсонбой (йўқ, энди эл таниган Эсонбой оқсоқол) бор давраларда елкасини қисиб ўтиради. Бу гурунг олис замонда қолиб кетганига ишонмайди. Оқсоқол гапирганда оғзига термилиб туради. Худди унинг қаллиқ ўйинга борганидан айтиб қоладигандек туюлади. Кулганида-ку, минг ўлиб-тирилади. Бўлмаса, оқсоқол оғзига маҳкам одам. Гурунг бергани кўрган-кечиргани ҳам кўп. Барибир, барибир чавандоз ошнасидан “айтиб қўймасмикан” деб чўчийди-кўрқади. Кўрқувки, “Ҳайит ланги ҳақидаги маталдек тус олса нима бўлади”, деб ўйлайди-да! Ланги ҳақидаги матални шу биргина Ланги билмаслигига фаросати етмайди.

Кампирни чиқарган куни ёмғир аралаш қор ёғди. Азада қари-қартангнинг кўпи қатнашмади. Қиш ўз оти билан қиш-да. Бир кун қор ёғса, икки кун қовоқ

солади. Кун йилт этса, Бозиргандан кўнгил сўровчилар келиб-кетиб туришади.

Чавандоз ўзини шу пайтгача қирқ йигитнинг бири чоғлаб, кексаликни бўйнига олмай келарди. Мана, кампири қайтиш қилганидан бери анча сезилиб қолди. Гарданини чўзиб гапирганди. Қиш ўчоғи тор келди. Бурнига сув кириб, маишати танг бўлиб қолди. Таҳорат олай деса, сув йўқ. Ўзининг айтишича, “Олло демоқ осон бўлмапти”. Бир куни аччиқ устига ях сувдан ишлатганди. Тиш оғриғини топди. Сандалнинг бир кунжагида “Ихлос”ни зикр этиб ётганди, кун юмшаган экан, жағини боғлаб ҳовлига чиқди. Қараса, обтова тарновдан тушаётган сув билан тўлиб турибди. Товани олиб, ўчоқ боши томон борди. Ўчоққа ўт қаланмаган. Аммо тандирда ўчаёзган чўғ – иссиқ кул бор экан. “Обтобани кўйсам, асрга тайёр бўлади”, деб ўйлади. Товани жойлаштиргунча, тандирда бир кулчанинг синга бўлиб пишиб турганини кўрди. “Оламан”, деганди, кулча кулга тушди. Кейин бағрини тандирга босиб узалди, кулчани олди. “Пуф-пуф” қилиб кулдан тозалаётганди, унинг қилаётган ишига “ҳангманг” бўлиб қараб турган икки кампирга кўзи тушди. Уларнинг тикилиб турганидан хижолат бўлди. Нима қиларини билмай, кулчани тандир устида қолдирди. Катта-катта қадам босиб тиллахомага қараб юрди. Келини чиқиб, кампирларга эгалик қилмагунча кўзга кўринмади.

Уйга кирди. “Шу кунда кампирларга зарурмикан”, деди ўзига-ўзи. Хеш-ақраблари орасида бундай қизаргани йўқ. Қуда-андаларининг ичидан излади, топмади. Бирини танимади, бирини эслади. Жинжаклидан, Ташман ошнасининг, шу ўзимиз билган Ташман туянинг синглиси. Дуркун қиз эди. Моядек кампир бўлибди.

Майдақадам қорни чизгандек, гурпиллаган тупроқни чизиб, чангитиб чайлага яқинлаган сари, тобора қишлоқдан узоқлашади. Невара олисдан чайлага термилиб келади. Бобо кўринмайди. Бола бундай пайт ўз билганича ўйин қилади. Эшакка тескари миниб савалайди. Чоптиргиси келади. Майдақадам лақабига муносиб қолаверади. Бола моданинг устида тик туради. Қўлларини лангар қилади. Бу ишидан ҳам кўнгли тўлмай, қўшиқ хиргойи қилади:

“Минган отинг бўз бўлса...”

Бобо бунинг барини билиб ётади. Ҳар куни унинг келишини интиқ кутади. Қўшиғини эшитиш учун то чайлага етгунча бош кўтармайди. Боланинг келиб бажарадиган биринчи иши бобога “узум” беради. Кейин уйида асал борми-йўқми, ҳисобга олмай, асал еганидан гапиради. Бобоям бўш келмайди. Тарвуз ё қовун сўйиб беради. Доимги гапини такрорлаб қўяди: “узум”дан Эшчига ҳам узат, тили ёрилсин!”

Чавандознинг “Эшбойга тил битса! Ота, уйланасизми, деб сўраса”, дея ўйлаб ўғлининг йўлига тикилганида саратон тунлари узун, тонглари олис бўлди. Ўғлини кута-кута ота қушуйқу бўлиб қолди. Мана, кўз юмса ухлайди, ютинса уйғонади. Ухлайди-уйғонади – уйғонади-ухлайди...

Қани, энди унга тил битса! Бозирганнинг уйланишга чоғи ҳам йўқ. Аммо шу одамларнинг гап-сўзи босилармиди?! Гап-сўзи босилмасаям майлига! Шу момоқиз жуссасидан домангир бўлиб кетмасмиди? Ҳеч бўлмаса, ҳеч бўлмас, “Остонам совчи кўрган”, деб ўзини овутармиди. Қани, энди Эшбой эшчи тиш ёрса! Бу гапни дамғирдалиқ қилмай, чавандоз айтса ҳам бўлади. Аммо Эшчи юрак бетлаб боролмайди, дея хавотирланади. Гап унинг ўзидан чиқса, бориши мумкин. Чумчуқ бўлса ҳам нари-ку!

– Қани, Эшчига тил битса!



Бола кечаги, олдинги кунги, йўқ, аввалги кунги бобо ўргатган: "Бедананинг ётар жойи хас бўлар, Мезон кирса торғил морлар маст бўлар" қўшиғини айтмади. Бобо: «Чол ўлса қозон-қозон ош бўлар, кампир ўлса, баланд тоғлар паст бўлар», деб давом эттирмади.

Неваранинг қўшиғи бугун ўзгача эди:

"...ўнг жилови соз бўлса!".

Бобо қўшиқни давом эттира олмади. Аммо олис йиллар ёдига тушди.

...Бола эди. Бобосининг бўз оти бўларди. Уни отаси ана шу бўз отга миндириб етаклаб юрарди. Бозирганинг отдан ҳеч тушгиси келмасди. Ўзи тушмагунча бобо ҳам туширмасди... Бозирган чол бола эди...

...Бозирган бола ширяланғоч бўз отнинг устида. От уни олиб қочяпти. У бўзнинг ёлидан маҳкам тутганча дод солиб боряпти. Чоллар томларнинг устида ўтирибди. Кампирлари кўчада урчиқ йигиряпти. Норғул-норғул йигитлар томга соялайди. Бозирган уларнинг жуссасидан қишлоқдошларига, хеш-ақрабларига ўхшатди. Аммо танимади-таниёлмади. Барчаси тинимсиз гапиради. Гапирганида уларнинг тили бир-бирига суворийнинг қиличидек тегади. Чарсиллайди, қайралади. Бирор мардумнинг юзи кўринмайди...

– Бува, – деди Майдақадамдан тушмай неvara. Бобо жим ётаверди. Бола такрор-такрор чақирди.

Бўз тиним билмай чопади. Бозирган от ёлидан янада маҳкам ушлайди. Қаршисидан бир гала бола кўринди. Ҳаммаси жинқарча – жинқарчанинг ўзгинаси! Улардан бири қўлоч ёзди, бўзнинг йўлини тусди.

Бола дафъатан онасининг: "Мезон ўтди. Шу ётиши бўлса, итказал буванг чайлада ўлиб қолади", деганини эслади. Чинқириб йиғлаб юборди. Ўзини чолнинг устига ташлади.

– Бува-а-а!

Улар ўпкасини боса олмасди.

Фозил ФАРҲОД



## СИНИҚ ТАНДИР

«Эҳтиёт бўлинг! Биринчи йўлга Тошкент–Санкт-Петербург йўналишидаги поезд қўйилмоқда...» Сухандон қизнинг уч тилда янграган бу овози темир йўл вокзалига яқинлашиб қолганимизни билдирарди.

Соат кечки тўққиздан ошган бўлса-да, вокзал олдиди одам тирбанд: ким қайдан келган, ким қайга кетяпти. Синглим таътилга кетётганди, уни уйга кузатиш учун чиққандим. Бироқ кузатувчиларни ичкарига киритишмаётган экан. Хавфсизлик учун бўлса керак-да! Афсус, энди перрондан туриб хайрлашишлар, рўмол силкитишлар фақат бадий асарларда қолади, шекилли.

– Қиз бола қандай кўтариб киради бу оғир сумкаларни? – назоратчиларга берган биринчи саволим шу бўлди.

– Камроқ олсин эди. Ўзи кўтарадиган қилиб, – тўнғиллади улардан бири. Гапириш оҳангидан менга ўхшаган қанчасига бу гапни уқтирган кўринарди.

Қоним қайнади. Ўзимни зўрға босдим.

У муаммони ечиш учун юкни аравага ортиш кераклигини айтди.

– Юз йилда бир келадиган аравагами? – мен ҳам бўш келмадим.

– ...

Ҳартугул, арава тезда келақолди. Юкларни ортиб, синглим билан хўшлашдим. Уни кузатарканман, хаёлимда шундай фикр жонланди: «Ҳақиқатда вокзалда, шаҳримизда маданият шаклланибди. Юкларни арава манзилига элтиб қўйса-я!»

Поезд жўнашига ҳали анча вақт бор. Барибир ичкарига киритишмайди. Ўтиргандан фойда йўқ. Нима қиламан энди? Хонамга қайтаман. Шу мақсадда автобус бекати томон борарканман, яна бир арава йўлимдан чиқди. Устига текис қилиб учга кесилган тандир ортилганди. Ёнимдан ўтиб кетаётган аравакашнинг ортидан қараб қолдим ва ичимда такрорладим: «Маданият шаклланибди! Юкларни аравалар олиб юрса-я!»

Жилмайиб, йўлимга қараб борарканман, анча ортда қолган аравакашнинг қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитилди. Беихтиёр ортга бурилдим. Бинойидек кетаётган бояги аравакаш асабий тарзда жавварди:

– Мени ишдан хайдалишимни хоҳлаяпсизми, опа?

– Ахир, ахир, ўзингиз айтдингиз-ку! Ичкарига олиб кириб қўяман, деб. Жон ука, опкириб қўйинг! – ялинарди тандирнинг эгаси – истаралигина аёл.

Журналистлигим эсимга тушди. Уларнинг гурунгини эшитиб ортга қайтдим. Ишнинг ниҳояси қандай бўлиши қизиқтирди. Текин томоша бўлса, автобусдан қолсам, метрода кетарман. Ҳарқалай, у соат ўн иккигача ишлайди. Автобусларга ўхшаб белгиланган вақтидан аввал кетиб қолмайди.

Суҳбат авжига чиқди:

– Тўғри, лекин мана булар туришибди-ку! – ўзини оқларди аравакаш. – Боя раҳбаримиздан ҳайфсан олганим ҳам етар. Юзингиздан ўтолмай ортгандим, опа! Тағин шу ҳол такрорланса, иш чатоқ! Мени тушуняпсизми?

– Нима қиламан энди? Бошқа аравани қаердан топаман? – йиғламсирарди аёл.

– Ўзим топиб бераман.

– Пули-чи?

– Менга пулингиз керакмас. Ишимдан ажралиб қолмасам бўлди. Яқиндагина қишлоқдан келганман. Ишга зўрға жойлашдим. Ахир ёш болаларим бор. Худо хайрингизни берсин, жон опа... – аравакаш ялина-ялина тандирни аравадан бир бурчакка туширди.

Тандир эгасининг бир ўғил, бир қизи бор эди. Уларнинг суҳбатидан сўнг ҳаммаси ойдинлашди: тандирни узоқ юртлардан бирига олиб кетишмоқчи экан. Чамамда у ердагилар тандир нонини яхши кўриб қолишган. Талабгорлар кўп бўлгани боис, улар ўша ердан тандирхона очиб, нон ёпиб сотишмоқчи шекилли.

«Қандай яхши, ҳам тадбиркорлик, ҳам ўзбек маданиятини чет элда тарғиб қилиш. Маданиятнинг ёйилишини қаранг, маданиятнинг!»

Хуллас, бор гап шу экан.

Сигарета чекиб, валдирашиб ўтиришган назоратчилардан иккитаси шовқинни эшитиб, эринибгина бери келишди.

«Энди ростдан ҳам иш чатоққа ўхшайди!»

Нима гаплигини билгач, улардан бири папиростутунини бор кучи билан ичига тортди-да, тандирга яқинлашиб, тутунни унга пуфлади ва изқуварлардай тандирни синчиклаб кўздан кечирди-да, ўгирилмасдан аёлга эшиттириб такрорлади: «Маданиятни тарғиб қилмоқчимиз денг, опа. Маданиятни четга олиб чиқмоқчимисиз ҳали? Миллатимиз маданиятини сотмоқчиман, денг?»

– Қанақасига... Ахир... – нима дейишини билмасди аёл.

– Мумкин эмас. Юрт тупроғини, маданиятини четга олиб чиқиш, – сигаретини тағин ичига тортди-да, тағин тандирга пуфлаб пинак бузмади назоратчи.

– Нега ука? Биз... биз... ёмон ниятда олиб кетаётганимиз йўқ-ку. Қурул яроғ, гиёҳванд модда бўлмаса...

– Ҳали шунақа денг? Кўрамиз, қанақа қилиб олиб кетаркансиз?

– Нималар деяпсиз, ука? Худо хайрингизни берсин, жон ука. Унақа деманг. Ахир биз яхши ният билан...

– Хўш, майли! Бунини ҳам қўя турайлик! Тандинингизнинг паспорти борми унда?

– Қанақа паспорт?

– Ҳужжат, опа! Ҳужжат! Ҳужжат бўлмаса, иложи йўқ! Бугун бутун дунёда ҳужжатсиз юришнинг имкони йўқ-ку! Давр талаби шундай. Хавфсизлик!

– ...

– Шунинг учун, опа, гап шу! – дея назоратчи сигаретини қолдиғигача тортиб-тортиб, ахлат қутиси рўпарасида турган бўлса-да, уни йўлакча четдаги гуллар устига чертиб юборди ва истехзоли тўнғиллади:

– Хих, маданиятни тарғиб қилармиш.

– Жон ука, гиргиттонингиз бўлай. Шугинани ўтказиб беринг. Паспорт бўлиши кераклигини билмаган эканман. Агар билганимда тўғриламасмидим, ука, – ялина бошлади аёл.

– Мумкин эмас, дедимми, мумкин эмас! Вақтида қилиш керак эди бундай муҳим ташкилий масалаларни.

Вокзал ичкарасидан сухандон қизнинг овози тагин янгради: «Диққат, диққат! Тошкент–Санкт–Петербург йўналишига йўловчиларнинг чиқиши эълон қилинади...»

– Ана, ана! Поездингизга йўловчилар чиқа бошлашди. Аттанг! Аттанг! – бошини сарак-сарак қилди назоратчи қутидан янги сигарет оларкан. – Бу ёғи неча пулдан тушди. – Папиросни тутатиб ичига чуқур-чуқур тортаркан бироз ўйланиб, аёлга юзланди. – Хўш-хўш! – Атрофга бир аланглаб олгач, аёлга юзини яқин-

лаштирди ва тутунни осмонга қараб пуфлаб, пичирлади, – Агар ўтказиб бердигам, дейлик. Бундан бизга нима наф?

– Фойда дейсизми? Ахир битта мусулмонга яхшилик қилардингиз-да!

– Тушунмади, шекилли! – деди назоратчи қиқирлаб шеригига юзланаркан. Индамас шерикка тил битди:

– Муллажирингдан гапиряпмиз, опа. Бўлмаса, ҳозир поездингиз к-е-т-и-б қолади!

Аёл хижолат бўлиб, каловланиб турганди поездга одам чиқарилиши такрор эълон қилинди.

– Ихим, ихим, – томоқ қирди сигарета чекаётган назорачи. – Кўрдингизми? Ҳозир поездингиз ж-ў-н-а-й-д-и, опа. Бўлинг тезроқ!

– Майли, укалар, жонларингиз омон бўлсин! Пул бўлса, пул-да! – муаммоси ечилишини билгач, баланд овозда гапириб юборди аёл.

– Секинроқ! «Қулоқ»лар эшитади, – дея чекаётган назоратчи атрофга аланглаб олди ва ҳамма йўловчилар келиш-кетиш ташвиши билан бандлигини кўргач, атрофга қарашини тўхтатмасдан гапида давом этди. – Маданиятимизни пулга сотишяпти, деб ўйлашмасин тагин.

Унга тескари томондаги ўриндиқда ўтирганим учунми, у мени пайқамади. Мени кўриб қолишидан чўчиб, портфелимдан журнал чиқардим-да, ўзимни ўқиётган кишига солдим: «Ана, энди янада хавфсиз!»

– Қанча сўрайсиз, ука? – аёл ҳам дангалига кўчди.

Журнал ортидан секин мўраладим. Назоратчи ялтонг-ялтонг қилиб боз атрофга қаради ва аёлнинг қулоғига яқинлашиб шивирлади:

– Юз!

Аёл назоратчиларнинг муддоага кўчганини кўриб, хурсанд бўлди-да, пул олиб келиш учун болаларининг

олдига шошди. Болалар шоша-пиша сумка ва чўнтакларидеги пулни чамалай бошлашди. Улардан роп-роса юз минг сўм чиқди. Аёл суюниб назоратчиларнинг олдига борди. Назоратчи бошини яна сарак-сарак қилди-да, қиёфасига жиддийлик ниқобини кийиб:

- Бўлмайди, бўлмайди, иложи йўқ!
- Ахир ўзингиз айтдингиз-ку юз, деб!
- Кўкидан, хоним!
- Нима?

– Гўллигини қара? – шеригига пичирлади тиржайган назоратчи. – Ҳозир ҳамма ҳисоб-китоб кўкида бўлишини ўша ёқларда ишлаб юриб наҳот билмасангиз? – бетамизлик қилди у аёлга бақрайиб. – Ахир сиз юрт маданиятини четга олиб чиқиб кетяпсиз-а! – деди-ю, энсасини қотириб ортга тисарилди.

– Бор пулимиз шу экан, ука. Тўғри тушунинг, вазиятнинг бундай бўлишини билмагандим. Шунинг учун ориқча пул олиб чиқмаганмиз.

– «Акалар»ни рози қилишим учун бу пулингиз уровоқ ҳам бўлмайди, – деди назоратчи йўловчилар орасидан уларга эътибор бераётганлари ҳам борми-йўқлигини ахтариб. – Яхшиси, тандирингизни бу ердан четроққа олинг! – Боя ҳалим бўлиб турган назоратчи бирдан тўнини тескари кийди. – Яхшиликча кетинг деяпман, опа. Ўз оёғингиз билан кетмасангиз акт тузаман. Менга пора тиқиштиряпти, дейман.

Аёлнинг боши ҳам бўлди. Иши битмаётганидан юраги эзилиб, кўзларида ёш қалқди. Бориб болаларини кучоқлади ва энди унга ҳеч ниманинг фарқи йўқдай назоратчиларга қараб қичқирди:

– Шу норасидаларнинг ризқини қийдингиз-а! Отаси вафот этгач, ўша ёқларга ишлагани кетгандим. Бўлмаса зарилмиди менга бегона юртларда юриш. Азбаройи болаларимнинг келажагини ўйлаб, аёл бошим билан шу ишларни қилдим. Ҳалол нон топиб еяпман,

болаларимга ҳам шуни ўргатяпман. Ахир мен ўғрилиқ ё жиноят қилиб пул топаётганим йўқ-ку! Тандирни эса улар бегона юртларда ўз юртини, маданиятини унутиб қўйишмасин, ота Ватанини эслаб юришсин, деб олиб кетаётгандим...

Аёл йиғлади. Ўтган-кетганлар боя унга ҳайрон қараб ўтишган бўлсалар, энди кўрганларнинг раҳми келарди. Ҳатто бир-икки кишининг кўзида ёш қалқди. Назоратчилар бу ҳолдан сергак тортиб, жойларига бориб туришди.

Аёл йиғидан тўхтади. Болаларини қучишни бас қилиб, тандир томон бораётганда бошидаги рўмоли сирғалиб ерга тушди. Ярми ҳаёт ташвишларидан эрта оқарган сочлари уни янада аянчли кўрсатди. Буни сезса-да, эътибор қилмай худди телба сингари тандирни қўли билан сийпалай бошлади. Сўнг бошини у ёнга-бу ёнга ташларди. Бу ҳолни кўпчилик кузатарди-ю, бироқ бирор киши олдига бориб, уни юпатишга ҳадди сиғмасди. Ҳатто болалари ҳам жим.

Ёмғир томчилай бошлади. Аёл ўзини тандирдан нари олди. Йўлакча четидаги гуллар экилган жойга борди ва тупроқдан нимадир қидирди. Қўлига илашган катта учта ғишт бўлагини олиб ўрнидан турди. Тандирни уч маротаба айланди. Ундан узоклашиб, қўлини осмонга қўтарди ва бир бўлак ғиштни тандирга қарата ирғитди. Мамоқалдироқ гумбурлади. Энтикиб қўйдим. Бир бўлак тандир чил-чил бўлди. Кузатаётганлар бундан сергакланишди. У яна қўлини кўкка кўтариб, иккинчи бўлак ғиштни тандирга қараб отди. Тагин чақмоқ чақди. Қўлимдаги журнал ерга тушиб кетди. Иккинчи бўлак тандир чил-чил бўлди.

Бу ҳолдан энди кўпчилик хабар топишган ва бояги беғам назоратчилар аёлга қараб кела бошладилар. Аёл учинчи маротаба қўлини осмонга қўтарди ва сўнгги ғишт бўлагини тандирга сермади. Ҳавода учиб келган



ғишт ғўё менинг кўкрагимга келиб тегди ва тандирга кўшилиб юрагим чил-чил бўлди.

Ёмғир шаррос қуйди. Аёл ерга ўтириб хўнгради. Болалари ҳам бир-бирининг пинжига тиқилишиб йиғлашга тушишди. Энди юраги сел бўлган муштипар ва ивиётган тандир тепасида анча одам йиғилишди. Назоратчилар нима учун аёлнинг олдига келганини эсидан чиқариб, нима қилишини билмай туриб қолишган, аёл эса азадаги хотинлардек хўнграб-хўнграб йиғларди. Беихтиёр менинг ҳам кўзларимда ёш қалқди. Ердаги журналимни олиб ўрнимдан қўзғалдим. Бу ҳолатни қандай қилиб қоғозга туширишни ўйлаб борарканман, боя учга кесилган тандир ўрнида асрлар силсиласидан ярим-ёрти шаклда бизгача етиб келган миллатимнинг маданияти ёмғирда эриб, йўлка четидаги ариққа томон оқаётгандай, оппоқ сочлари тўзиган аёл эса унга аза тутаётгандай эди...

Вокзалдан тобора узоқлашарканман, суҳандон қизнинг овози қулоғимга элас-элас эшитиларди: «Эҳтиёт бўлинг! Биринчи йўлдан Тошкент–Санкт–Петербург йўналишидаги поезд жўнаб кетмоқда...»

Санжар ТУРСУНОВ



## СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Бугун ҳарбий хизматга келганимга эллик икки кун бўлди. Адашмасам, бу – еттинчи мактубим. Ҳисоблаб кўрсам, сенга ҳар ҳафта битта мактуб битибман. Баъзан ўртоқларим:

– Қизиқсан-а, бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Нега энди мактуб ёзаверасан? Хат ёзиш урф эмаску... – дейишади.

Балки хат ёзиш урфмасдир, бироқ кимгадир дилидаги сирларни, дунё гўзаллигию чексизлигини сўзлаб бериш ҳам анъана-ку. Шундай эмасми? Ўртоқларим ҳазиллашади. Аслида уларнинг ўзлари ҳам бир неча марта мактуб битганига гувоҳ бўлганман.

Хатимни олдингми, деб сўрамоқчисан-а? Ишонасанми, йигирма марта ўқиганим эсимда... кейин... ёдлаб олдим. Шамолни соғинмадингми, деб сўрабсан? Соғиндим. Айниқса, сенинг сочларингни ўйнаган шамол бу ерда ҳам бор экан. Улар қулоғимга сирли ва юракни титратгувчи сасларингни олиб келади. Мен улардан сенга соғинчли саломлар юбордим.

Санобар! Биласанми, эсга олганда юракни жунбишга келтиргувчи исмлар бўлади. Сенинг исминг мен учун соф муҳаббат ва улғайишнинг иккинчи номидир. Биламан, бу гапларимга кўрсаткич бармоғинг

билан кулгичларингни ушлаганча куляпсан. Шунақа кулганинг менга жуда ёқади. Мен нимаки ёзган бўлсам, эринмасдан ўқигин. Негаки, юрагим нимани буюрса, шуни ёзмоқчиман. Мендан сал нарида туриб мактуб ёзадиган йигитнинг исми Аброр. Айтишича, мактабда математикадан бешга ўқиган экан. Унинг фикрича, дунёдаги ҳар бир калом ҳисоб-китобли. Кулгили-я. Энди тасаввур қилиб кўр. Сен кимгадир ширин гапирдингу ундан худди шундай муносабат кутсанг. Ёки яна кимгадир “Сиз зўр!”, деб айтсанг-у, у зўр бўлмаса-чи? Майли, менимча, Аброрнинг гапини бундай тушунмаслик керак. Унда қандай дейсанми? Қара, сен кимгадир яхшилик қилсанг, ўша сен яхшилик қилган одамдан қайтмаса-да, бошқа бир одамдан, албатта, қайтар экан.

Ишонасанми, кўп вақтим беҳуда ўтиб кетибди. Сен яхши биласан, қуёш терак бўйи кўтарилгандан кейин кўзимни аранг уйқудан очардим. Шунда ҳам онамнинг минг бир ялинишидан сўнг. Яна бир гап. Тегирмоннинг чап томонидаги сўқмоқда катта қоғозга “БМТ” деб ёзиб, тол соясида ўтирган Ашурмамат ака эсингдами? Ўша аканинг ишидан минг марта кулганмиз. Сен ҳам кулгандинг. Мактабдан келаётгандик, баҳор эди. Дарахтлар гуллаган, Ашурмамат ака ўша қоғози ёнида ухлаб қолганди. Сен ва бир неча дугонанг олманинг оппоқ гулини устига сепгандиларинг. Бечора бир қалқиб тушганди. Мен унинг нега бундай қилиб юрганини билардим. БМТ дегани: “Баққа мусор ташламанг” дегани эди. Негаки, одамлар тегирмон орқасидаги чиқиндиларини шу ерга ташлашарди-да. Ўша Ашурмамат ака кичкина одам бўлса-да, қалби жуда катта эканлигини армияга келиб тушундим. Бу ерда ҳамма томон озода, саришта. Яна бир нарсани тушундимки, одам тартибли бўлса, ҳамма иши, бутун ҳаёти тинч, осуда ва завқли ўтар экан. Бу ерда саҳар ту-

ришга ўрганиб қолдим. Бир нарсани унутмаслигингни истайман: эрта бир кун турмуш курсак, асқотади. Инсон инсон бўлиши учун, аввало, йўлини тоза тутмоғи керак экан. Йўл тоза бўлдим, қолгани ўз-ўзидан озода бўлиб кетавераркан. Мен йўл деганда умр йўлини назарда тутяпман.

Ҳар сафар озода биноларни, бир-биридан тартибли аскарларни кўрганимда Ашурмамат ака эсимга тушаверади. Агар уни кўриб қолсанг, менинг номимдан салом айт. Хавотир олма, иккимиз бир-биримизни яхши кўришимизни у киши билади. Ўзим айтиб берганман. Жаҳлинг чиқмасин, севиб қолган одам шодлигини ким биландир баҳам кўрмаса, юраги ёрилиб кетади, ахир!

Зўр одам бўлдингми, депсан. Биласанми, зўр одам бўлиш қийин экан. Лекин йўлимдан қайтмайман. Ҳайитой буви айтганди: болаликда қилинган орзу, келажакнинг кўзгусидир. Шу гапи ҳамиша юрагимда.

Эсингда бўлса керак, болалигимизда Яккатол боғининг йўлида ўтиргандик. Беш ё олти ёшда эдик. Ўша кунги суҳбат ҳамон қулоғим остида. Қалбимга ўша пайт биринчи марта оташ тушган экан. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб у катта гулханга айланди. Сени соғинганимда, ўша суҳбат эсимга тушади.

– Сенга самолётлардан хатлар юбораман.

– Ёзишни билмайсан-ку.

– Ўрганаман-да.

– Қачон?

– Самолётга минганимда.

– Самолётга қачон минасан?

– Ўн йилдан кейин...

– Ўн йил?

– Ҳа. Кеча-чи, дадам битта китоб ўқиб бердилар.

Бир паҳлавон иккита одамни елкасига миндириб девор устидан югураркан.

- Зўр одам бўлса кераг-а?
- Ҳа. Жудаям зўр одам экан.
- Усмон маълимдан ҳам зўрми?
- Ҳа. Мен катта бўлсам шундай одам бўламан.

Шу суҳбат юрагимга орзу уруғини қадади. Ўшанда биринчи бор зўр бўлишга сўз бердим. Бу сенинг олдинда, ўз олдимда, умуман, еру осмон, тоғу тошлар олдида биринчи сўз беришим эди.

Ўша кунги гапларинг қанчалик кулгили бўлма-син, мен учун ҳозир ҳам жиддий суҳбат эди. Усмон маълим... Жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ака-опаларимиздан эшитганимиз учунми, у бизга зўр бўлиб кўринган-да.

Мени соғиндингми, депсан. Уялган бўлсанг керак, шу жумлаларни устидан чизиб қўйибсан. Бир амаллаб ўқидим. Юрагимда какликлар сайрагандек бўлди. Ўзимни худди баланд тоғда ўтиргандек ҳис қилдим. Кимдир сени соғинса шунақа бўлса керак-да, чунки мендан тўрт ёш катта Умид ака ҳам гоҳида барча билан қайта-қайта кўришиб қолади. Шунда ҳазилкаш Жамшид:

- Янгадан хат келган бўлса керак, – дейди.

Ҳали уйланмаган. Менимча, хат севган қизидан келса керак.

Хурсанд одамнинг кулгиси ҳам бошқача бўларкан. Яйраб-яйраб куламиниз. Умид ака ҳам қорнини кучоқлаб кулади. Бунга ўз кўзинг билан кўрсайдинг...

Ҳа, соғиндингми, деб сўрабсан. Соғиндим. Жуда-жуда соғиндим.

Бу ерда ҳам қишлоғимизнинг шамоллари кезиб юраркан. Ҳа, ўша Бўзтепадаги шамол. Сени билмадим-у, мен ўша дамни эсласам, юрагимда отлар чопади: дукур-дукур.

Бўзтепа. Қишлоғимизнинг энг чиройли жойи. Сенга минг марта айтганман. Ўша тепаликдан қуёшнинг чиқишию ботиши кафтдек кўриниб туради. Агар

вақтинг бемалол бўлса, тонг отишини томоша қилиб яйрасанг. Кейин кун ботишига термулиб олис-олисларга қараб хаёлларга толсанг, юрагинг бир қулоч ўсади. Сен билан атиги бир марта боргандим. Улоқчанг йўқолиб қолган экан. Эсингда-я? Куляпсанми? Ўшани қидириб боргандик. Қуёш ботар пайт. Ўша лаҳза ҳаётимнинг дафтарига олтин ёзув билан битилган. Шамол сочларингни ўйнар, бошимиз устида қалдирғочлар учарди.

Икки кун олдин шоирлар келишди. Хабаринг бор, шеърлар ёзиб юрардим. Маза қилдим. Бир шоир шундай деди:

– Ватанни барча яхши кўради. Ҳисобчи ҳам, фермер ҳам, қурувчи ҳам, ер юзида қанча касб соҳиби бўлса ҳаммасининг қалбида ўз Ватани бор. У отасидек суянчиқ, онасидек меҳрибон, акасидек елкадош, укасидек эркароқ, опа-сингласидек мунис... Шундай экан, шоирлар ҳар доим Ватан ҳақида ёзиши керак. Уларга ёзиш имкони берилган. Улар шундай ёзишлари керакки, бошқа касб эгалари ҳам “И-е, менинг дилимдаги гап-ку”, десинлар.

Санобар, менинг ҳам қалбимда ўз Ватаним бор! Шунини топиб айтгани учун энтикиб кетдим. Яна бир шоир Ватан ҳақида шеър ўқиди. Битта ривоят ҳам айтиб берди. Жуда қойил қолдим... Нега дейсанми? Эшитсанг биласан.

Бир одам ўғлининг елкасига қўлини қўйиб:

– Ўғлим, ким зўр? – дебди.

– Мен зўрман! – дебди ўғил.

Ота яна сўрабди:

– Ўғлим, ким зўр?

– Мен зўрман! – дебди ўғил ўйлаб ўтирмай.

Ота ўғлининг жавобидан қониқмабдими, сал оғрингандек бўлиб, эшик томон равона бўлибди. Эшикка етгач, яна бир сўраб кўрай-чи дебди:

– Ўғлим ким зўр?

– Сиз зўрсиз, ота! – дебди ўғил.

– И-е, бу нима деганинг ўғлим. Икки марта сўраганимда мен зўрман дедим, энди...

– Ота, – дебди ўғил, кўзи ёшга тўлиб, – икки марта сўраганингизда қўлингиз елкамда эди. Учунчи марта эса елкамда ҳеч нарса йўқ эди. Фарзандни елкасида отасини қўли бўлса, зўр бўлади.

Шоир акамиз сўзининг сўнггида шундай деди:

– Сизу бизнинг ота-онамиз – шу Ватан. Менинг тилагим битта: ҳеч қачон Ватанимизнинг қўли елкамиздан тушмасин. Биз зўр бўлиб юрайлик.

Ахир, ўзинг яхши биласан-ку, мен доим зўр бўлишни орзу қилардим. Шу орзу мени бу ерга – юраги ботир йигитларнинг маскани бўлмиш ҳарбий хизматга олиб келди. Шу ният бутун ҳаётимни бошқариб боришини сен ҳаммадан яхши биласан-ку. Айни шу ривоятни эшитганимдан кейин қалбимда мен исмини билмайдиган туйғулар пайдо бўлди. Қадам олишларимда салобат сездим. Ҳар лаҳза елкамда кимнингдир қўли бордек улғаявердим. Одам улғайганини ўзи сезса ғалати бўларкан: худди дарахтдай гулласанг. Зўр-а. Ҳа, юрагим катталашиб бормоқда. Жуда катта, Бўзтепанинг тоғидан ҳам катта...

Момом ҳақида ҳам ёзиб, мени яна хурсанд қилдинг. Сен қизга ҳеч ақл битмади-да. Кап-катта қиз момонинг кўз ўнгида дарахтга чиқасанми? Мени ҳам дарахтга чиқар деб тўғри айтибди, момом.

Момом ҳақида сенга бир гап айтиб берайми? Сен ўшанда ундан ранжигандинг. Тўғри, кўп ранжигансан, мен охиргисини, хизматга кетишимдан бир кун олдинги воқеани айтяпман.

Момом оилада кенжа қиз бўлган. Энди уч ёшга кирганида катта акаси йигирма икки ёшга тўлган. Ўша акаси армияга кетиб, қайтмаган. Уни ўша ёқдан

урушга олиб кетишган. Момомнинг ота-онаси “Ана келади, мана келади”, деб боласининг дийдорини қиёматга қолдириб, бу дунёда ўтиб кетишган. Шу воқеа сабаб, билсанг керак, бирорта фарзандини қишлоқдан чиқармаган. Армияга боришига-ку, асло унамаган. Шунинг учун барча амакиларим бир маҳаллада яшашиди. Бири учувчи бўлишни орзу қилган экан. Ҳозир ҳам “Ўзим-ку, бўлмадим, лекин ўғлим, албатта, учувчи бўлади”, дейди. Қишлоғимизда Анзират деган бир кампир бўлган экан. Шу момонинг икки ўғли учувчи бўлади. Уруш пайти самолёти билан портлаб кетади, момо телба бўлиб қолган экан. Эри бир куни болаларинг келади, мана кўрасан деб уни овутармиш. Момо қачон деса, қачон мустақил бўлсак дер экан эри. Сен билан биз эслолмаймиз, айтишларича мустақиллик бўлган йилда осмонда ўзимизнинг байроғимиз нақши туширилган самолётлар ўтади. Шунда бобо: “Кампир, болаларинг қайтди”, дейди. Ўлим тўшагида ётган момо ўрнидан туриб осмонга қарайди. “Қани, болаларим, улар самолёт-ку”, дейди.

– Ўзимизнинг самолётимиз, – дейди бобо.

Момо бир оғиз гапирмайди. Шу кеча омонатини топширади.

Буни сен ҳам эшитгансан, эслатганим сабаб – шунга ўхшаш воқеалар момомни кўрқоқ қилиб қўйган. Ахир, узоқ йил қалбида сақланиб келаётган кўрқувдан қутулиш осон эмас-ку.

Момом менинг хизматга боришимга ҳам тиш-тирноғи билан қарши бўлди. Барча амакилариму амаларим орага тушиб, бир амаллаб кўндирдик. Аввалги хатингда момомни хурсанд бўлганини, ҳозир армия яхши экан деб алқаганини ёзгандинг. Энди яна момомдан хафа бўлишинг мумкинми? Йўқ, асло!

Шодини танийсан-а? Тошкентда ўқияпти-ку, ўша. Менга бир вақтлар бир гап айтганди. Сени яхши кўриб, севишимни айтолмай юрган кунларим.



– Севган одамнинг юрагида олов бўлади, Бобур жўра, – деди у. – У олов лаҳза сайин алангаланиб бора-веради. Агар вақтида айтилмаса, кулга айлантиради.

Шодининг шу гапидан кейин сенга яхши кўришимни айтгандим. Ўшанда ростдан ҳам юрагимдаги олов ўрнида гуллар пайдо бўлганди.

Сенга яна бир гап айтаман. Менинг юрагимда, бутун жисмимда ҳозир ҳам олов бор. Биласанми, бу олов қачон пайдо бўлди. Қасамёд қилган куним. Ҳа, ўша куни шапкални осмонга отарканман, худди юрагим осмонга чиқиб кетадигандек ҳаприқар, еру кўкда юраклар учиб юргандек туюлади. Ўша кунги оловга шоир аканинг ривояти яна мой сепди.

Аввало, сени менга учратган тақдиримга раҳмат. Сени дунёга келтирган ота-онангга раҳмат. Сен билан менинг киндик қонимиз тўкилган қишлоғимга раҳмат.

Сени тишинг тушган кундан бошлаб яхши кўраман. Ўша Яккатол боғидаги йўлда қилинган орзудан бошлаб яхши кўраман.

Аввал тоғни, қишлоқни, сени яхши кўрдим. Сен туфайли ҳаётни, дунёни, еру осмонни яхши кўрдим. Ҳамма яхши кўришларим йиғилиб-йиғилиб улкан муҳаббатга айланди.

Сени, мени, барчани кафтида кўтариб юрган она заминга, бошимизда қуёш нурию ёмғир, қорини сочган осмонга, шу замин, шу осмонга-да ватан бўлган Ўзбекистонни яхши кўраман.

Мен зўр одам бўлдим. Ҳа, елкамда Ўзбекистоннинг қўли турибди. Бу қўл елкамда экан, бу дунёда мендан зўр одам йўқ.

Санобар, бир гапимни унутма: одамнинг юраги ботир бўлса, у енгилмас экан. Менинг юрагим буюк Ватанни сева олган ботирга айланди.

## Нодирабегим ИБРОҲИМОВА



### БАТАНГА ҚАЙТИБ

Самолёт ўз вақтида ерга қўнди.

Билагидаги соатга қараб қўйган Дилмурод ним жилмайди. Вақт – ким учундир тенгсиз неъмат. Унинг бир лаҳзасини ҳам фойдали ишга, ҳеч йўқ фойдали ўй-хаёлларга бахшида қилиш ҳам мақсадингиз сари яқинлаштиради.

Дилмурод парвоз давомида кўзларини юмганча хаёлида пишиб келаётган режалар кетма-кетлигини тақсимлаб чиқди. Энг аввало, ватанининг ҳавосидан тўйиб симиради. Йўқ, унутмаган. Қуёшнинг заррин нурлари юзларини қитиқлашини тасаввур қилди. Баҳор қуёши мусаффо бўлади. Танингизга хуш ёқади... Ғайратингиз тўлиб-тошиб, яна мақсадингиз сари дидил одимлайсиз.

Аэропорт анча ўзгариб кетибди. Ривожланган мамлакатларники каби замонавий, шу билан бирга миллий руҳ ҳам сезилади. Ўзбекча сўзларни эшитиши билан қалби сурурга тўлди. Ўзи топа олишига кўз етса ҳам, аэропорт ходимидан сўрашга жазм қилди:

- Кечирасиз, яқин орада тамаддихона борми?
- Албатта, жаноб, – йигит унга манзилни батафсил тушунтирди. – Юртимизга хуш келибсиз, – деди гапи сўнгида.

Наҳотки, кўринишим ажнабийга ўхшаса, хаёлидан ўтказди Дилмурод. Ёки ўз тилида ғализ сўзлармикин? Йўқ. Ўзбек тилидаги адабиётларни овоз чиқариб ўқишни, айниқса, хориждаги ўзбек дўстлари билан учрашиб туришни канда қилмасди.

– Мен ўзбекман, – деди аллақандай ғурур билан.

Сўнг шошилмай аэропортдан чиқди, гарчи вақтининг қадрига етса-да, ҳозир шошилишни сира истамас эди. Ерни авайлаб босар, осмонга, қуёшга, оппоқ момиқдек булутларга қараб қўйишни унутмасди. Осмон ўзгармайди, ер ўзгармайди, деди ичида. Ҳамма нарса ўзгариши мумкин. Ҳатто инсонлар ҳам. Аммо аждодларимиздан қолган она замин ҳамон ўша. Тупроқ иси ўша, қуёш нурлари ўша... Қачон бўлса ҳам, қандай бўлса ҳам сени бағрига олади, итармайди.

Дилмурод айтилган тамаддихонага кириб келди. Очиққан бўлмаса-да, ачиққина кўк чой ичиб, седанали бўрсилдоқ нон егиси келарди. Болалигида шакар чойга тандир нон ботириб ейишлари кўз олдига келди. Хорижда ватанини соғинган пайтлари шундай тамадди қиларди ҳам, аммо таъми ўхшамасди. Ич-ичидан тошиб келаётган завқини яширолмай ҳаяжон билан буюртма қилди.

Патир иссиққина эди. Чойдан секин хўплади, йўқ, лаби куйишини ўйлаб эмас, таъмини янада яхшироқ туйиш учун. Нонни кўзларига суртди. Аскарлар каби бир четидан тишлади. Уни қизиқиш билан кузатиб турган хўранда ва хизматчиларга эътибор қилмади. Энди унга барибир, устидан кулишса ҳам майли! Ахир у ватанида! Бунди энди теран ҳис қилди. Анча вақт дераза ортидаги манзарага тикилиб хаёл сурди. Майли, бир дам бўлса-да ширин хаёллар... истаклар... орзулар.

Телефонини созлагач, қўнғироқ қилди.

– Мен келдим. Яхши, ўзингиз-чи? Айтилган жойда бўламан...

У телефонни ўчириб, ширин энтикди. Ниҳоят, қиз билан учрашади. Биринчи марта. Аеропортда кутиб олмоқчи эди, аммо дарсдан қолмасин деб Дилмурод кўнмади. Унга қачонлардир интернетда сирдош дўст топасан дейишса, ишонмаган бўларди. У меҳр кўзда деб ишонар ва виртуал муносабатлар самимий эмас деган хулосада эди. Лекин Дилобарнинг кўзларига кўз тушмаган бўлса-да, кўнгли кўнглига тушди. Бу дўстликми, ё бошқача туйғуми, ҳали йигит ўзи ҳам англамайди. Бунинг устига, қизнинг суратини ҳам кўрмаган. Ўзидан бир неча ёш кичиклигини, олийгоҳда ўқишини билади, шунингдек, ички олами ҳам ўзига жуда яқин, қандайдир оҳанрабои бор. Агар шу қиз бўлмаганда, балки, Дилмурод қайтмаган бўларди...

“Нега биз тарафларга келмайсиз? – деганди охириги мактубида қиз. – Ҳеч бўлмаса саёҳатга келинг”.

Дилмуроднинг ҳеч қачон қайтмайман деган қатъий аҳди бир оғиз сўз билан қуёшда қолган муз каби эриб кетишини ўйламаган эди. Ҳа, саёҳатга боради. Соғинч азоби тошдек оғирлашиб кетди. Бўшатмаса бўлмайди. Дилобар шунчаки баҳона бўлди, аслида, ўзи ҳам учишга шай турарди. Эртасигаёқ ҳамма ишларини ҳамкорига топширди-да, бир ҳафталик саёҳатга отланди. Энди фирма анча оёққа туриб олган, бир ҳафта усиз ҳам кун кўра оларди.

Дилмурод такси ушлаб, манзилни айтди. Бу ерни бежиз танламаганди. Болалиги ўтган жойлар. Ҳар бир қарич ери ёдида. Кўзини юмиб ҳам топа олган бўларди. Лекин... айтилган жойга тушгач, адашмадимми, дегандек атрофга яхшилаб қаради. Хотираларида турган эски пастак уйлар ўрнида кўп қаватли бинолар, дўконлар, офислар қад ростлаган, анҳор устидан эса замонавий кўприк қурилганди. Янги ўтқазилган баҳор гуллари зангори, сариқ, пушти рангларда товланади, баргларига иниб турган шабнам эса йилт-

йилт қилади. Эҳтимол, бошқа бирор давлатга саёҳатга борганида, манзарадан, албатта, баҳра олган бўларди. Лекин ҳозир эсанкираб қолди.

Йўлакдаги ўриндиққа ўтиргач, соатига қаради. Беш дақиқа аввал келибди. Қизлар барибир кечикиб келади. Унгача айтадиган сўзларини ўйлаб турса ҳам бўлади... Аммо бир дақиқа ўтмай унинг қаршисида бир қиз пайдо бўлди.

– Ассалому алайкум, Дилмурод ака. Хуш келиб-сиз...

Дарҳол овозидан таниди. Ҳарҳолда, улар телефонда суҳбат қуришарди. У доим Тошкентни таърифлаб дилини қитиқлар, йигит бўлса тадбиркорлик фаолияти ҳақда зерикарли маъруза ўқирди.

– Яхшимисиз, Дилобар? – йигит ўрнидан турди. Қўл узатиш-узатмасликка иккиланиб қолди. – Дарслар тугадими?

– Ҳа, – у кўзларига қўйилиб келаётган ёшларни секин артди.

– Тинчликми? – сўради ҳайрон бўлганини яширмай.

– Бунчалик тез етиб келасиз, деб ўйламовдим, – қизнинг овози титрарди. – Бу учрашувни узоқ кутгандим. Шунга...

Дилмурод ўнғайсизланиб, кўзларини олиб қочди. Қизлар билан қандай муомала қилишни билмасмиди ёки она тилида бемалол гапириб кетишга қийналдими, ўзи ҳам тушунмади.

– Ўтиринг, – деди ўриндиққа имо қилиб. – Бу ерлар ўзгариб кетибди. Болалигимда бутунлай бошқача эди.

– Сиз ҳали бутун шаҳарни томоша қилсангиз, сира кетгингиз келмай қолади, – қувноқ оҳангда гапирди уринди қиз.

– Эҳтимол.

Ўриндиққа ўтиришди. Иккиси ҳам анҳордаги оқ-кушларни томоша қила бошлашди.

– Ота-онангизни эслайсизми? – савол берди қиз.

Дилмурод суҳбатлари бу томонга бурилишини кутмаганди. Тўғри, қизга ўз ҳаётини сўзлаб берган, лекин била туриб унинг ўтмишини титкилаётгандек, ниш ураётгандек туюлди.

– Нега сўраяпсиз? – деди озроқ асабийлашиб.

– Қўшни қизни-чи? – саволга савол билан жавоб берди у.

Пешонаси терлади, Дилмурод дастрўмол излаб қўлини чўнтагига солди. Чўнтагида эмас экан. Янада асабийлашди. Ахир доим чўнтагида туриши керак эмасмиди?

– Аввал бирор меҳмонхонага жойлашганимдан сўнг кўришсак бўлар экан. Йўл чарчатди, чоғи.

– Дилмурод ака, менга қаранг, – Дилобар елкасига қўлини қўйди.

Гайришуурий равишда дастрўмол ҳақда ўйлашни тўхтатиб, йигит қаршисидаги инсонга боқди.

– Мен сизга бегона эмасман, – деди қиз.

– Биламан.

– Йўқ, сиз ўйлагандан ҳам яқинроқман.

– Пайқаяпман.

– Нималарни ҳис этияпсиз?

Дилмурод ўйчан ҳолда бир нуқтага тикилиб қолди. Ҳис этаётганлари шунчалик кўп эдики, тартибга келтиролмасди. Ҳаммаси ўз ўрнида, кетма-кетмаликда бўлишига ўрганган йигит яна беихтиёр соатига қаради.

– Тушлик вақти бўлибди. Балки бирор ерда ўтириб, бафуржа гаплашармиз, Дилобар.

– Ҳозир томоғимдан ҳеч нима ўтмайди, – қиз маҳзунлашди.

Дилмурод ортиқ чидай олмади.

– Тушунмаяпман, сизга нима бўлди? Биз ахир... сиз жуда қувноқ ва... бари бошқача бўлишини кутгандим.

– Дилмурод ака... – Дилобар кутилмаганда кўзига ёш олди. – Ўн беш йил, ниҳоят, учрашдик.

Дилмурод бир сўз демай, оғир ютинди. Бўғзига нимадир қадалиб унинг ҳам йиғлагиси келди.

– Мен... мени танимадингизми... – қиз йиғи аралаш пичирлади. – Қўшни қиз... Дилош дердингиз. Менга боғингиздан... гуллар узиб берардингиз.

Дилмуроднинг онгида нимадир чарақлаб кетди. Юраги гуп-гуп уриб, оламга жаранг сочди. Нима... нималар деяпти бу қиз?

– Қанақасига? – деди уни ўзидан нари қилиб. – Менинг ундай қўшним йўқ... тушуняпсизми, ҳеч кимим йўқ.

– Бор эди! Эслаб кўринг, бор эди-ку? Онангиз, дадангиз, бир синглингиз.

Дилмурод ўрнидан туриб яна асабий равишда чўнтагидан нимадир излай кетди.

– Илтимос, – қиз ҳам ҳаяжондан титрарди. – Эсланг...

Дилмурод хотиралар сандиғини очишни истамай, шаҳд билан йўл сумкасини қўлига олди.

– Мен ортга қайтаман. Кўнглим билан ўйнашишга ҳаққингиз йўқ эди.

Йигит шаҳдам юриб кетди. Шошиб қолган Дилобар ҳам ортидан чопди.

– Тўхтаг! Яна йўқолиб кетасизми? Сиз ҳам дадангизга ўхшаб бераҳммисиз?! Онангизнинг руҳини чирқиратиб...

Дилобар нишонга урганди. Йигит турган ерида қотиб қолди ва кутилмаганда ўзини ерга ташлаб, бошини қўллари орасига яшириб хўнграб йиғлаб юборди. Дилобар дарҳол унинг елкасини ушлади.

– Сизни топганимда кетманг, Дилмурод ака. Сўз берганман, топаман деб...

Дилмуроднинг кўзларига ниҳоят дўстрўмол тегди. Дилобар авайлаб гулли дастрўмолда унинг юзларини артарди.

– Дилош... синглимнинг қалин дугонаси эдинг...

– Ҳа, мен, менман ўша.

– Нега айтмадинг? Вақтлироқ?

Қиз маъюсланди.

– Келмайсиз, деб қўрқдим.

Дилмурод қаддини тутиб, катта йўлга имо қилди.

– Қўнимгоҳ топайлик.

– Меҳмонхона деманг фақат. Бизникига борамиз...

– Йўқ, йўқ, – йигит шошилиб унинг гапини бўлди.

– Мен ўйлаб олишим керак... чарчадим.

– Хўп, – қиз унинг ҳолатини тушунишга уринди.

Чиндан ҳам ўйлаб олишлари керак. Ҳали олдинда қанча саволлар турибди. Хотиралар, бир-биридан айри тақдирлар...

\* \* \*

Дилмурод онасининг чеҳрасини яхши эслайди. Кўзлари киртайиб, пушти лаблари нимтабассум қилишга урингандек турарди. Қонсиз ёноқлари, ўсма сурилган қошлари, эрта ажин тушган пешонаси кўз олдида турибди. Куш уйқу эди, Дилмурод кечалари кўзини очганида онасининг сергак ётганини кўрарди.

– Ухлайвер, болам, – дерди бошини силаб.

Дилмурод совуқ қотганча кўрпа билан бошини ўраб оларди. Ташқарида қор, совуқ, уй ундан ҳам совуққа ўхшарди. Онаси амаллаб ёққан ўтин аллақачон ўчиб бўлган. Тонг бўзариши билан яна ўтин олиб келади. Бироз исиниб нонушта қилишади. Ишқилиб, нон бормикин, деган хаёл Дилмуроднинг уйқусини қочирди. Бўлмаса яна кўшнидан сўрашга тўғри келади. Йўқ, бу сафар Дилмурод чиқмайди. Синфдоши Дилобардан



уялади. Ана, Нигора синглиси чиқсин. Кичкина бўлса нима бўпти, гапиришни ўрганволди-ку. Ҳар кун “ая, нанна”, деб пилдираб юради.

Дилмурод онасини кучоқлаб олди. Иссиқ тафтидан бадани илиди. Лекин синглиси ғингшиб қолди, онаси нариги тарафга ёнбошлади. Кўкрак тутди, шекилли, пишиллаб эма бошлади. Унинг қорни тўяди, ўйлади Дилмурод. Агар нон бўлмаса, нонушта қилмай қўявераман, деган қарорга келди. Мактабга борса, пистачи холаси бир нима беради. У Дилобарнинг ойиси. Хаҳ, ўзимнинг куёвимдан қанд ўргилсин, деб уялтирадию, аммо кўнжини бир нималарга тўлдиради.

Ювош сигирлари эса анчадан бери кўринмай қолди. Сутдан ҳам маҳрум бўлишди. Дилмурод онасидан сигир ҳақда сўровди, аёл индамади. Дилмурод ўзича фаҳм қилди: дадаси олиб кетган... Дадаси кўп нарса ни олиб кетади. Баъзан бир нималар олиб келади ҳам. Лекин келадиганидан кетадигани кўп. Ўзини уч-тўрт кунда бир кўради. Кейин мактабдан қайтишда кўча-кўйда ҳам кўп учратади. Мактабда менинг ота-онам деган иншо ёзишганида дадасининг қаерда ишлаши ҳақда кўп ўйлади. Онаси уй бекаси бўлсада, тикиш, тўқиш қилиб озроқ пул топарди. Дадаси ҳам пул олиб келиб туради. Кўйни пулга тўлиб келган кунлари зиёфат бўларди уйда. Ҳамма ошналари йиғилади, тонггача байрам қилишади. Лекин қаерда ишлашини билмади. Онаси доимгидек синиқ жилмайди.

Шу хаёллар билан кўзи илинган Дилмурод тонгда базўр ўрнидан туриб, ошхонага мўралади. Онаси нимадир пиширяпти. Оғилхона тарафда дадасининг қораси кўринди. Кўй етаклаб олган. Демак, дадаси бугун ишлаб келибди!

Дилмурод қувонганча онасини кучоқлаб олди. Аммо аёл хурсанд эмасди, кўз ёшларини дарҳол артиб, ўғлининг бошини силади ва титроқ овозда:

– Қовурдоқдан тез еб ол, – деди, – кейин мактаб-бингга шошил. Синглинг ухлаяптими?

– Ҳа. Дадамнинг ёнига борсам майлими? Энди қўй боқарканман-да. Баҳор келса, болалар билан ўтла-тишга обчиқаман.

– Майли...

Севинганча шаталоқ отиб оғилхонага чопди.

– Ассалому алайкум, дада.

Эркак ортига ўгирилиб ишшайди.

– Ҳа, ота ўғил. Кўрдингизми, сизга нима олиб келибман.

– Ҳа, – Дилмурод қизиқиш билан шохдор оқ қўйни кузатди. – Баҳайбат...

Эркак унинг елкасига уриб қўйди. Бола унинг тиртиқ тушган қоши, дўрдоқ лаблари ва қип-қизил лунжига қараб меҳри жўшиб кетди.

– Раҳмат, дадажон. Кеча овқат емагандик, сизни роса кутдик.

– Ана, келдим, истаган нарсангни олиб е, – у чўнтагидан пул чиқарди.

Дилмурод апил-тапил кийиниб мактабга йўл олди. Бу пулни Дилобарнинг ойисига беради. Ахир қарзлари кўпайиб кетган. Холаси ҳисобламаса ҳам, Дилмурод дафтарига ёзиб қўйган. Бу пул етади. Бувиси касал ётибди, Дилмурод берган пулга дори олишса, албатта, тузалиб кетади. Кейин яна кулчалар ёпиб беради.

Аммо пистачи қўшни пулни олмади, қайтиб боланинг чўнтагига солиб қўйди.

– Буни-чи, ўғлим, онанг қийналганда ўзига бера-сан. Асраб қўй. Ун оларсизлар...

Дилмуродга бу гап ҳам жўяли кўринди. Бир ҳафтадан сўнг дадаси келтирган нарсалар тугайди. У ўйланганча партасига ўтирди. Ёнига қаради, Дилобар ҳали келмапти. Уйқучи, ҳар куни кеч қолади. Бир неча

марта нон сўрагани учун шум қизча дарсларини ҳам қилдиртириб олган.

Дилмурод бугун бахтиёр эди. Бундай бахтли кунлар эса тансиқ эди.

\* \* \*

– Дилобар, – меҳмонхонага киришгач йигит қизга ўгирилди. – Сиз... сен боравер. Эртага кўришамиз.

Қиз унга хавотир билан назар ташлади.

– Кетиб қолмайсизми?..

– Йўқ, – Дилмурод қизнинг дастрўмолини кўрсатди. – Бу менда-ку, кетмайман.

Дилобар синиқ жилмайди. Худди онаси каби. Дилмуроднинг юраги яна симиллади. Оғир қадамлар ташлаб, хонаси томон йўл олди. Дилобар унинг ортидан қараб қолди. Сўнг автобус бекатига бориб анча вақт хаёл суриб қолди. Дилмуродни яхши эслайди. Уни охирги марта кўрганида ўн ёшларда эди, ҳам синфдоши, ҳам қўшниси эди. Доим унга эргашиб мактабга бориб қайтарди.

Бир куни қайсидир фанни тушунмай, Дилмуродникига чиқди. Хонтахтага ўтириб унга обдан масалани тушунтираётган пайтда Дилмуроднинг дадаси гандираклар уйга кириб келди. Кийимлари йиртилган, лабларидан қон оқарди. Дилмуроднинг онаси кўрқиб кетиб унга пешвоз чиқди, суяб уйга олиб кирди, шошиб сув олиб келди. Лекин дадаси уларни силтаб ўшқириб берди:

– Ҳамманг кет! Сенларни боқаман деб! Лаънатилар... – деди дағал товушда. Ҳеч бири жойидан қимир этмаганини кўриб баттар ғазабланди:

– Йўқол! Бўлмаса... – у аёлнинг ёқасига чанг солиб остонага итариб юборди. Дилобар кўрқиб кетди. Дилмурод дадасининг қўлларида ушлади, лекин уни мушукдек отиб юборди. Дадаси ҳеч нимани билмай улар-

ни дўппослай кетди. Аёл болаларини ва Дилобарни икки қанотига олган қушдек питирлаб кўчага отилди. Ўзларини Дилобарларнинг очиқ дарвозасига уришди. Икки аёл тонггача дардлашиб чиқишди. Дилмурод эса қизнинг юзига қаролмасди, ўзини ухлаганга солди.

\* \* \*

...Эзгин ҳолда уйга кириб келган Дилобарни кўриб онаси пешвоз чиқди:

– Келдингми, қизим. Дилмурод... у ҳам келдими?  
– шошганча остонага кўз ташлади. – Ё кўришолмадингми?

– Кўришдик, ойи. У меҳмонхонага жойлашди.

– Уйга олиб келмапсан-да. Ўзимча... дастурхон тузаб ўтирувдим.

Дилобар меҳмонхонага кириб камтаргина тузалган хонтахтага қаради. Онаси пазанда. Йўқдан бор қилади. Бўғирсоқ, кўк қатлама, холвайтар тайёрлабди. Дилмуродни бошқача яхши кўрарди, балки ўғли йўқлиги учундир. Ҳозиргача хотирлаб кўзига ёш олиб юрарди. Яқинда Дилобар уни интернетдан топганини айтганда, юраги нақ тўхтаб қолай деди. Тириклигини билгач, узоқ йиғлаб шукрона айтди.

– Ўзи соғ-саломатмикан? – онаси Дилобарнинг елкасини енгил силади. – Айтдингми ҳаммасини?

– Ҳали гаплашиб улгурмадик. Аммо қўшниси эканимни билди. Гарангсиб қолди. Эртага кўришамиз.

– Майли. Шунисига шукур. Раҳматли кўшнимнинг руҳи энди тинчийдиган бўлди. Айтганча, қабрига олиб боргин... Дуои фотиҳа қилиб қўйинглар.

– Хўп бўлади, – Дилобар ҳаяжонини яшириш учун ошхонага ўтди.

Юрагига кулоқ солди: нималар деб уряпти? Кимни деб? У ўша озгингина қўшни болакайни бугунги Дил-

муродга солиштириб кўрди. Гўё бошқа инсондек. Дилобар ҳам ўзгарганми, нега йигит тезда таниб олмади? Йўқ, нигоҳлар барибир ўзгармайди. Ҳа, ғамгин кўзлари ўша-ўша. Онаси вафот этганида қотиб қолган мунг сира кетмапти. Ўшанда Дилобарни кучиб роса ўкранди. Кейин... йўқолиб қолди. Бир кечадаёқ. Ўсмир йигитчани Кўйлик бозорида арава тортиб юрганини кўрдик, дейишди. Биров поездга илашиб четга чиқиб кетди, деди. Дадасининг эса иши бўлмади. Синглисига жабр бўлди. Пиёниста отанинг қўлида қолмасин деб уни етимхонага бериб юборишмоқчи эди. Аммо Дилобарнинг онаси уни-да ўз фарзандидек кўрарди. Турмуш ўртоғи билан келишиб, асраб олишни ихтиёр қилишди. Дилобар билан эгиз қизлардек улғайди. Нигорани ўтган йили турмушга узатишди. Акаси топилганини эшитса, армони қолмаса керак. Дилобар эса келган совчиларни рад этди. У... кимнидир кутарди.

Дилмурод қизнинг келишини кутиб ўтирмади: саҳарлаб қабристонга йўл босди. У қаерда бўлмасин, онасининг руҳига фотиҳа ўқиб юрди. Тўлиқиб кетса-да, қабрига келишга жазм қилмади. Уни нима ушлаб турарди? Бугун ўйлаб қараса, ўтмишни барибир ўзгартиролмас экан. Кетиб чакки қилганмиди? Синглиси учун ҳам қолиши керак эдими? Дарвоқе, у ҳозир қайларда экан? Дадаси-чи?..

Онасининг қабрини адашмай топиб келди. Қаровсиз қолган деб ўйлаб эди. Йўқ, гўё келишини сезгандек атрофи супирилиб, саришта қилиб қўйилган. У қўлини илиқ тупроққа теккизди. Кўп йиллардан бери йиғламаганди. Йиғламайман, деб аҳд қилганди. Аҳди бузилди. Бундан зарра афсусланмади ҳам, юрагидаги тошлар қулаётгандек бўлди: ўзини енгил ҳис қилди. Онасининг руҳига тиловат қилди.

– Дилмурод ака, – орқасидан Дилобарнинг овози эшитилди. У аллақачон шу ерда ҳозир бўлиб, йигитни

кутиб турганини Дилмурод пайқади. – Бу мактубни кейинчалик Нигоранинг нарсаларини йиғиштириб ўзимизнинг уйга олиб кетаётганимизда топиб олгандик. У сизга аталган экан. Ниҳоят, омонатни етказдим.

Дилмурод титроқ қўллари билан қиз тутқазган эски хатжилдни олди. Ёлғиз ўқишни истаган эди, лекин ўйлаб қараса, ёлғиз бўлмагани дуруст экан. Дардни кўтаришга шерик бўлгани маъқулмикин? Нозик жуссали шу қиз кўтара олармикин? Назарида, шунча йилдан бери дардига шерик бўлишни истаган инсонни у яқинига йўлатмай келган. Энди эса...

“Ҳаётим тугаб бораётганини сезяпман, ўғлим. Унгача бу мактубни битиб сенга беришим керак. Биламан, ўлимимда отангни айблайсан. У сен ўйлагандек ёмон инсон эмасди... Сен туғилганингда жуда суюнган. Касалим ҳақда бировга айтмадим. Ўсимта анча катта, дейишди. Кўз олдимдан сира кетмаяпсизлар. Энди бу оиланинг каттаси сенсан. Даданг менсиз хароб бўлади, унга яхши қара. Синглингни бошқаларга хўрлатиб қўйма, ўзинг ота бўлиб турмушга узат. Уйимизни ташлаб ҳеч қаерга кетма, болам. У ерда чироғимни ёқиб ширин оила қур, дадангнинг хатосини такрорлама, ичкиликдан, ҳаромдан нари юр. Биламан, сен яхши инсон бўлиб етишасан. Қаерда бўлсанг ҳам қалбингда бўламан. Тақдирга аччиқ қилмай, бахтли бўлишга ҳаракат қил, Дилмуродим. Муродингга етиб юр, соғ бўл. Онанг”.

Дилмурод яна ўсмир йигитчага айланиб қолди. Ҳа, дадасини айбламаслиги керак, синглиси ҳам қаровсиз қолмасин. Йўқ, бу ерлардан қочиш қароридан кечиши керак. Эҳҳе, не азоблар турибди олдинда? Қочиб кетганига қанча пушаймонлар бўлди-ку? Лекин... муродига етди, охир. Йўқчилик балосидан қутулди, омади келди, обрў топди. Аммо, афсуски, ўзини бахтли ҳис қилолмади.

– Дадангизни, синглингизни кўришни истайсизми? – кўнглини уққандек савол берди қиз.

Дилмуроднинг ичида чироқ ёнгандек бўлди.

– Ҳечдан кўра кеч... сиз уларга кераксиз, – Дилобар давом этди.

– Сенга-чи? – деди у беихтиёр. Кейин ўрнидан туриб қизнинг қўлидан тутди. – Кетдикми?

– Қаерга?

– Ҳаётимизни қуришга. Она юртимда. Барини бошидан бошлашга доим имкон бор-ку, тўғрими?

Дилобар ним жилмайди. Ерга тикилди. Қуёшнинг илиқ нурларимикин, юзини қизартирди.

Тонг оппоқ бўлиб отмоқда. Худди ўн беш йил аввалгидек. Фақат бу тонг унга қалбини қайтариб берди. Йигит бу гал келажак сари ғазаб ва нафрат эмас, меҳру муҳаббат билан қадам ташлади.

**Жавлон ЖОВЛИЕВ**



## **БУХОРО, БУХОРО, БУХОРО...**

Ўша йили қиш жуда совуқ келган экан-да! Эс-эс биламанки, бирга ўйнайдиган серкиприк афғон болаларининг киприклари бир-бирига ёпишиб, қиров тушгандай оқариб қоларди. Худди ҳозирги қорбоболарнинг ясама киприкларини эслатарди. Мен афғон болалари билан тез тил топишиб кетганман. Гарчанд улар мендан бўйчан, бунинг устига, бир-икки ёш катта бўлишса ҳам. Синглим Ойшабиби эса уйдан чиқмасди. Уйда отам бухороча танча қурганди. Шунинг атрофида турли латта-путталардан нимадир тикиб ўйнаганлари эсимда... Онам эса куну тун акам билан овора. Акам зотилжам билан оғригани учун бизни ёнига қўйишмасди. Синглим Ойшабиби билан дераза дарчасидан чўпдай озиб кетган, рангпар, кўзлари киртайиб, сўлғин боқувчи акамга соатлаб тикилиб турардик. У ҳам бизни кўриб «яхшиман» деган маънода қоқшол қўлларини кўтариб силкиб қўярди. Тез орада акам тузалиб, чопқиллаб кетишига шубҳа қилмасдик.

Отам бозорда ҳаммоллик қиларди. У гоҳ-гоҳ оппоқ, майин бир ширинлик олиб келгани эсимда. Жуда мазали, тилда эриб кетарди. Унинг номини ҳозиргача аниқ билмайман. Аммо онам биринчи марта ширинликни кўрганда йиғлаб юборганди. Шунда у пайтлари



Ойша онамнинг тиззаларига ўтириб, жажжи қўллари билан юзларини силар, кўзёшларини артиб қўярди.

– Нега йиғлайсиз?

– Бухорони эслатди, қизим.

Ўша пайтларда энг кўп эшитган сўзим Бухоро эди. Бухоро, Бухоро, Бухоро... Хаёлимда бу жой осмонларда, оппоқ булутлар орасидаги ялтироқ тошлардан қурилган сарой, дунёдаги барча эртакларнинг тугайдиган манзили эди. Бухорода туғилган бўлсам ҳам, эсимни Қобул яқинидаги қишлоқда таниганман... Шу ерда отам сафар пулларини қайсидир қаллобга бой бергани, биз камбағаллик кўчасига ирғитилганмиз.

Энг ёмони – акам касал бўлиб қолган эди. Мен унинг соғлом пайтини қанчалик эшлашга уринмай, эслолмайман. Фақат бир куни у йўталганча (ўша пайт ҳам озиб-тўзиб кетган эди) уйимиздан чиқиб кетгани ёдимда. У ишга кетаётиб, бизни ўпиб қўйганди. У ўша пайтларда анча улуғ одамдек кўринар, онам ҳам, отам ҳам унга ишонарди.

Онам акамнинг олдидан бери келмасди. Унга кўп суюқлик ичирар, терларини артар, оёқ-қўллари-ни уқаларди. У бизга, акангнинг касали юкумли, деб уқтирарди-ю, ўзи унинг юз-кўзларидан босиб-босиб ўпарди. Онам ҳам ёш, ўша пайтлар бор бўлса, ўттиздан эндигина сакраган жувон эди. Қоп-қора сочлари узун, қошлари қалин, кўзлари меҳр билан боқувчи, оппоқ юзларида кулгичи бор бухоролик аёл эди. Мен билан Ойша онамга, акам эса кўпроқ отамга ўхшарди. Унинг кўзлари маллатоблиги эсимда. Биз Ҳожи Аҳмад деган савдогарнинг икки хонали пастқам уйида ижарага турардик. У ҳам бизни қўллаган. Айниқса, акамга даво бўладиган тансиқ меваларни бир ёқлардан топтириб келарди.

Аммо акам қишдан чиқмади. Бизни у билан хайрлашгани ҳам қўйишмади. Онамнинг ўкириб-ўкириб

Йиғлаганини эшитиб, бир бурчакда қунишиб ўтирардик. Мен у пайтларда ўлим, ўлиш сўзларини эшитгандим-у, унинг таг замирини тушуниб етмагандим. Мен акам ўлади-ю, биз соғинганда қайтиб келади, деб ўйлардим. Бир ҳафта ўтди, бир йил ҳам ўтди, аммо у қайтиб келмади. Бир куни онам чопонимизни кийдириб (ўзиники жуда юпун эди) акамнинг олдига олиб борди. Биз акамизни кўрамиз деб қувнар, осмонларга учардик. Ўша куни атрофни қалин туман қоплаган бўлиб, ўз кавушларимизни ҳам аниқ-тиниқ кўрмасдик. Осмондан бир нималар ёғар, аммо чопонимиз нам бўлмасди. Кейин кўз олдимизда дўппайган тупроқлар пайдо бўлди. Туртиниб-суртиниб кета бошладик. Ниҳоят, онам тўхтади. Кўзларини бўртиб турган, ён атрофига қалин ёғочлар қўйилган қора тупроқдан узмасди.

– Бу ерда аканг ётибди, – деди онам.

– Қани-қани? – дедик биз акамнимас, тупроқ уюмини кўриб, хаёлимда ҳозир тупроқ кўтарилади-ю, ичидан акам, усти-боши чанг бўлиб чиқиб келадигандай эди.

– Акам совуқ емайдими? – деди Ойша.

– Йўқ! У иссиқда ётибди, – деди онам ва хўнграб йиғлаб юборди.

– Қўрқяпман, – деди Ойша.

Онам Ойшанинг бу гапидан кейин йиғламади, аммо анча вақтгача онамнинг елкалари учиб турди, ҳансираши босилмади.

Биз ҳам йиғладик. Мен ўша пайтлар беш-олти ёшларда эдим. Акам ўлиб, мен катта фарзанд бўлиб қолгандим. Аммо онамни қандай овутишни билмас, кўз ёшимни тиёлмасдим.

Бу кўзёшлари ҳеч қачон эсимдан чиққан эмас!!!

Эҳ, Онажоним!

Онамнинг кулгиларидан кўра, йиғисини кўп эслайман... У анча навқирон бўлса ҳам, сочларига оқ

тушган, негадир умуман кулмасди. Акам ўлганидан кейин бутунлай тунд аёлга айланди.

Отам туну кун ишлаб, қорнимиз зўрға тўядиган таом олиб келарди. Оёқлари оғриб, оқсаб юрар, кўлларини ёрилиб, ириб кетганлари эсимда.

Қишлар ўтаверди, баҳорлар ўтаверди, аммо онамнинг кўзёшлари адо бўлмади. Ҳовлимиздаги ўрик гуллади. Онам буни кўриб яна йиғлади.

– Она, нега йиғлайсиз?

– Бухорони соғиндим, – деди Онам.

Айтишларича, бобомиз – онамнинг оталари Бухородаги энг бой одамлардан бўлган. Онам ўша фаровонликда ўтган кунларни жуда қўмсаб эслар, эслаб яна...

– Уйимга кетгим келяпти! Уйимга!..

– Бухоро қандай жой ўзи? Нега бунча йиғлайверасиз? Айтинг, она... Бухоро қандай жой ўзи?

– Йиғламайдиган жой, болам, йиғламайдиган...

Ҳар куни шу аҳвол эди. Бирон кун йўқ эдики, онам Бухоро учун, бевақт ўлган акам учун йиғламаган бўлса! Йиғлаганда ҳам эзилиб, кўзлари ёшга қорилиб, хўнграб-хўнграб йиғларди. Бухородаги қариндошлари, катта боғ ҳовлиларини эсларди...

Онамнинг эслаб азобланмаслиги учун Бухородан олиб келган ҳамма нарсаларни яшириб ташлардим. Ҳатто ярим ой шаклидаги тахта тароғини ҳам. Аммо бу ҳаракатимнинг ҳеч фойдаси тегмади. Онамга ҳамма нарса Бухорони эслатар, осмонда учиб ўтган қалдирғоч ҳам, мусичанинг аҳмоқона “ку-ку”лашлари ҳам, афғон шамолининг кўпириши ҳам Бухорони ёдга солар ва онам бечора йиғлайверарди.

Бу ғамлар навниҳол онамни адо қилди. Отам уни чалғисин дедими, ишга қўйди. Уй-ичидаги юмушларини мен қиладиган бўлдим. Аммо бир қора кунда ип-газлама тўқийдиган заводдан онамнинг ўлигини олиб келишди. Онам ҳам сил бўлган экан...

Бизга онам билан хайрлашишга ҳеч ким тўсқинлик қилолмади. Мен онамнинг юзларини ўпаётганимда, Ойша унинг совиб улгурган пинжига ётиб олганди. У онамнинг қўлларини силар, уни ҳеч кимга бермайман деб бўзларди. Онам уйғонса, мени ўпиб қўяди, дерди. Мен синглимни кўрганам сайин ўкириб-ўкириб йиғлагим келар, аммо отамни ўйлаб ўзимни босардим. Ойша онамнинг қўйнидан чиқишни истамай, “менга онамни тирилтириб бер”, дегандай илтижоли термилиб турарди.

– Онам қачон туради?

– Кейинроқ, Ойша! Сен нариги уйга бор!

– Қачон турасиз, она, гапиринг, гапиринг! – дея онамнинг оппоқ юзларига жажжи лабларини босарди.

Онам жуда гўзал бўлиб ётарди. Бухоронинг гўзали, париси...

Ойша ўлим нималигини сезиб турса-да, буни тан олгиси келмасди. Ойшани онамнинг бағридан юлиб олишганида, у шунақанги чирилладики, бу овоз кўксимга энг даҳшатли, энг аламли, энг дардли азоб бўлиб, қўзғалмас қозикдек қоқилиб қолди.

Жойингиз жаннатдан бўлсин, Онажон!!!

\* \* \*

Дунёда нима кўп – касал кўп, дунёда нима кўп – бало кўп. Қадамда дуч келади, қадамдан ушлайди. Айниқса, беватан бўлсанг, мусофир бўлсанг, балолар қадам олишингни пойлаб ҳам турмай босиб келавараркан... Аммо не бўлганда ҳам, биз акам учун, онам учун яшашимиз, нафас олишимиз керак эди.

Ўша қора кунларда биз ўзимиз учун бир таскин топдик. Бу таскин бизни онамнинг ортидан қора ерга кириб кетмасликка ундарди. Бу олий таскин Бухоро деган сўз эди.

Отам онамнинг жойларини жаннатдан тиларди, биз Ойша билан онамнинг жойи Бухоро бўлсин, деб дуо қилардик... Чунки ўша пайтларда мен учун энг ёруғ, энг тиниқ, энг тинч жой Бухоро эди... Ойша менга қувлик қилиб савол бериб қоларди:

– Онам Бухорога кетган бўлса, қачон келади, ака?

– Бухорога борган одам келмайди. У осмонларда, булутлар орасида, уйлари олтиндан, егани асал, ҳолва, шашлик!

– Нимага онам билан акам бизни ташлаб кетди? Бухорода бизга жой йўқми? У ерда нима бор ўзи?

– Ватан бор.

– Ким?

– Ватан.

– Ким у?

– Мен уни билмайман. Отам билади, онам, акам, билади. Уни танийди. У Бухорода яшаса керак...

– Бўлмаса, биз ҳам кетайлик Бухорога... Кетайлик!

– Ҳозир кетолмаймиз.

– Нимага?

– Отам қўймайди. Лекин, албатта, бир кун кетамиз.

– Йўқ! Бугун кетамиз, бугун, ака...

Шундан сўнг Ойша ҳар куни “Бухорога кетамиз”, деб туриб оладиган бўлди. У ҳар сафар хархаша бошлаганида отам ҳам кўзига ёш олиб, эзилиб-эзилиб титрарди. Падаримнинг йиғлаётганини кўриб, мен биринчи марта ишга чиқишим кераклигини англаганман. Ўша пайтлар етти-саккиз ёшли болакай эдим. Мусофирлик одамни тез ўстиради, тез катта қилади.

Мақтабни ташлаб, акам бир пайтлар ишлаган заводга ишга кириб олдим. Отам у ерда ишлашимни хоҳламасди. Чунки пахта заводиди болалар шафқатсизлик билан ишлатилар, иш учун эса уларга арзиманган чақа-танга бериларди. Аммо шу пулларсиз Бухорога қайтиб бўлмаслигини билардим.

Бетон девор билан ўралган завод ичида улкан станоклар гувиллаб айланар, улар тонналаб пахтани ютиб юборар, биз барини кўриб турардиг-у, пахтага қўшиб бизларни ҳам эзиб, ўлим томон тортиб кетаётганини билмасдик. Тинмай ишлар, ишлар ва яна ишлайверардик.

Заводнинг эгаси биз томонга қадам ҳам босмасди. Уни фақат узоқдан кўрардик. Бир куни унинг ити цех дарвозаси ёнида пайдо бўлиб, таққа тўхтаб қолди. Оппоқ жунлари тароқ билан таралгандай ҳилпирарди. Итдан қандайдир атирнинг ҳиди келарди. Негадир барча болалар ишни унутиб, дарвоза олдида турган итга қараб қолганди. Биз итни, ит эса исқирт болаларни томоша қилмоқда эди. Толалар чиялашиб, тикилиб, станоклар азобдан чийиллаб юборганда ҳам биз итдан кўз узмадик. Юз-кўзимиздан бизни таниб бўлмас, фақат қорачиқларимизгина тирик одам эканлигимизни билдириб нур сочиб турарди. Шу сўлғин ва умидсиз нигоҳлар билан оппоқ бўйнига кумуш медальён боғланган кўппакка болаларча беғуборлик билан тикилиб, исқирт хона ва аламларни бир дам эсдан чиқариб, бахтли болалар каби ўй суришни истаб қолгандик. Кўппак қондай қизил тилини осилтирганча, кирсамми-йўқми, дегандай иккиланиб турарди. Охири, у бурилиб, кўм-кўк майса қопланган хиёбон томон чошиб кетди. Биздан жирканди, шекилли...

Мен бу ерда тўққиз ой ишладим. Тўққиз ой ичида 14 бола ишдан кетди. Билардикки, улар нафақат ишдан, балки бу ёруғ оламдан ҳам кетишганди.

Бу ерда кўп ишлашнинг охири сил, сил эса мени акам ва онамнинг олдига олиб кетишини билардим. Шунинг учун инглиз тилини ўрганишни ва тозароқ бўлимга ўтишни истардим. У ерда ойлик ҳам, иш ҳам дуруст эди. Бунинг учун инглизча оддий сўзларни билишнинг ўзи кифоя. Кечалари ухламай инглиз ти-

лидаги барча ҳарфларни ёд олдим. Кейин дуч келган газеталарни ўқий бошладим. Буни кўпчиликка билдирмасдим. Чунки болаларнинг кўпи ўта мутаассиб фикрлар билан улғайган, ғайридинларнинг тилини ўрганишни исташмас, буни макруҳлик, диндан қайтиш деб билишарди. Бунинг учун сил бўлиб, ўлиб кетишга ҳам тайёр эдилар. Мен инглиз тилини ўлмаслик учун ўргандим. Бундай ҳолда тил ўрганиш осон кечади, устознинг ҳам кераги йўқ.

Бир ойлар ўтиб танловда қатнашдим ва яхши балл тўпладим. Мени итхонага, хўжайиннинг итига масъул қилиб қўйишди. Мен энди уйга кам борар, итхона ёнида ухлардим. Ёз кунлари осмонда чиққан тўлин ой ёруғида бир пайтлар ошхона қошидан топиб олган Жек Лондоннинг “Мартин Иден” романини ўқиб ўтирдим. Кейин ҳисобласам, бу китобни 68 марта ўқиб чиққан эканман. Бу китоб менга нафақат инглиз тилини ўрганишимга, балки матонатли, чидамли, кучли бўлишимга ҳам сабабчи... Мен бу китобни ўқир эканман ўзимни итхона қошида, бетонга тўшалган шолча устида эмас, кенг ва ёрқин океанда бахт томон сузиб кетаётган улкан кемадаги қудратли ва эркин инсон сифатида ҳис қилардим. Бу менинг аҳволимдаги болалар учун жуда қимматли туйғу.

Адабиёт менга кучли бўлишни ўргатгани учун мен ундан доим қарздорман. Ҳозир ҳам.

Хўжайин ҳар сафар ит билан сайрга чиққанида менга чақа-танга туҳфа қилар, бу эса бир ойга бориб ойлигим баробарида пул йиғилиши учун кўр бўларди. Бунинг ярмини такаббур ва ўлгудай кўпол иш бошқарувчиси олиб кўяр, қолганини отамга берардим. Пуллар Ойшабиби синглимнинг ўқишига сарфланарди.

Бир куни хўжайин Жек Лондоннинг китобини овоз чиқариб ўқиётганимни кўриб қолди. У олдимга келиб, ҳайрон бўлиб менга қараб турди. Айнан ўша

маҳал қориндор, юзлари шишмол иш бошқарувчи кириб келди. У менга: «Хўжайин инглиз тилини бузиб гапирадиганларни жуда ёмон кўради, оғзингдан бир оғиз сўз чиқмасин», деб тайинлаганди. Менинг инглизча гапириб қўйганимни билиб иш бошқарувчи шунчалик қаҳрли қарадики, итнинг қозиқ тишларида титилиб кетадиган колбасадек янчилиб кетай дедим. Чунки унинг болаларни ваҳшийларча қийнашини ҳамма биларди.

Хўжайин менга кулиб қаради. Аммо ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин эди. Айби қидирилган одамнинг ҳар қадамида гуноҳ.

Эй... мусофирликда улғайган мен каби болалар учун бундай хўрликлар биринчиси эмасди. Шунинг учун қўрқув, ҳадиксираш, ҳаммадан ўзимни паст тутиш каби ўйлар, хоҳламасам ҳам, бўйим билан бирга юрагимда ўсиб борарди. Чунки мен беватан, қулоқ (Ўтган асрнинг 1929–1933 йилларида мустабид шўро тузуми ер эгалари, бой, ўртаҳол деҳқон ва чорвадорларни “қулоқ – муштумзўр” номи остида синф сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган) қилинган оиланинг фарзанди эдим. Буни афғонлар ҳам, инглизлар ҳам, дунёдаги барча одамлар ҳам яхши билишига ишончим комил эди. Улар менинг мусофир эканлигимни пешонамга қарабгина эмас, узоқдан соямни кўриш билан билар ва хўрлашга арзийдиган одам пайдо бўлганидан суюнишади деб ўйлардим.

– Инглизча равон ўқиркансан! Қаерда ўргангансан?

Мен саволга жавоб берайми, йўқми, деб иш бошқарувчига қарадим. У ҳамон кўзларимга қаҳр билан тикилиб турарди. Довдираганимдан фойдаланиб, ўзи жавоб берди.

– У қаердан ҳам биларди, жаноб! Бу бир келгинди бўлса...



– Йўқ, билади! Биласан-а?

– Йўқ-йўқ!

– Э-э, сайраб туриб, тил билмайман, дейишингни қара! Қизик-ку! Юр-чи, мен билан.

Мен умримда бундай ҳашамдор уйга кирмагандим. Оғзим ланг очилиб қолди. Уйга киришим билан атиргул ҳидига ўхшаш бир ширин ифор димоғимга урилди. Кир оёғим билан унинг оппоқ эроний гиламларини босайми-йўқми деб, иккиланиб туриб қолдим. Хўжайин менинг билагимдан ушлаб, уйга имлади. Ичкаридаги оппоқ ҳайкаллар, чиройли вазалар, шоҳона суратларга маҳлиё бўлиб, гандираклаб, бошим айла-ниб кетди. Руфларнинг хонадонига биринчи қадам қўйган Мартин Иден ҳолига тушгандим, гўё.

Мен шунда ўзимнинг ямалган, йиртиқ эгнимга қарадим, уялдим. Буни сезган хўжайин уй хизматчисини чақириб, мени ювинтиришни буюрди. Хизматчи менга қовоғини эмас, оппоқ тишларини кўрсатиб табас-сум қилди. Ваннахонага олиб кириб, ҳамма жойимга оппоқ қорга ўхшаш нарса ишқаб ташлади. Бутун танам яйрагани рост. Аммо ҳамон кўрқар, у мени ювинтириб, кейин ўлдирмоқчими, деб ҳам ўйлардим. Чўмилиб бўлгач менга янги кийим беришди. Бу кийимда мен бутунлай бошқа болага айлангандай эдим. Шоҳона либосларни кийиб, яйраб кетдим. Ўлимни ўйламай қўйдим.

Жаноб мени кутиб турган экан, иккинчи қаватга бошлади. Унинг ортидан боряпман-у, вужудимни яна кўрқув қоплади. Боя мени чўмилтирган одам ҳам кўзимга шубҳали кўриниб кетди. Аммо жаноб иккинчи қаватдаги тахтали эшикни очганда ҳайратдан тошга айландим. У ердаги китоблар менинг ҳайрат ола-мимга сиғмасди. Мен китобларни кўздан кечирарканман, ҳаётимдан ўлим ҳам, кўрқув, очлик, ишсизлик ҳам – бари-бари лаҳза ичида йўқолди. Онам эсимга

тушиб кетди. Фақат у менинг бахтиёрлигимни сезиб, кўриб тургандай эди.

Хўжайин исталган вақтда бу ердан китоб олишим мумкинлигини айтди. Кейин жойига қўйиб қўйсам бўлгани экан. Бор-йўғи шарти шу!

Мен энди ҳар куни, бўш вақтим бўлди дегунча китоб ўқир, газеталарни варақлардим. У ерда мен тушунмайдиган тиллардаги китоблар бисёр эди. Мен ўзбек, форс, афғон ва инглиз тилларида ёзилган китобларни ўқир, аммо кўпига тушунмасдим. Бу мутолаалар мени иш бошқарувчининг зуғумидан ҳам қутқарди. У менинг китоб ўқиб ўтирганимни кўрганида, кўрмасликка олиб ўтиб кетадиган бўлди.

Мен тинмай китоб ўқирдим. Тиббиёт, бизнес, тарихга оид китобларнинг жиннисига айландим. Психологияга муҳаббат қўйдим. Шундай қилиб, итбоқар бўлиб ишлаган олти йилим ҳаётим пойдеворини илм билан кўтаришга имкон берди. Бу орада отам Ойшани куёвга узатди. Синглим ҳали ёш эди. Аммо куёв Бухородан келган, биз каби ўзбек оиласи бўлгани учун отам совчиларга йўқ деёлмади. Куёвнинг ёши синглимдан 12, мендан 10 ёш катта эди. Йигит кўп йиллар бухоролик қиз ахтариб, уйланмай юрган экан. Куёвнинг ёши катта бўлса ҳам, давраларда мендан юқорига чиқмай ўтирарди. Улар кўп ўтмай Ойшани олиб Туркияга кўчиб кетишди. Мен батамом ёлғизланиб қолдим!

Шу йили хўжайин Англияга кетадиган бўлди. У мени ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи эди. Аммо бахтсиз ҳодиса юз бериб, цехга ўт кетди. Иш бошқарувчи ҳам, хўжайин ҳам, унинг ити ҳам ҳалок бўлди. У ерда ишлайдиганлардан 38 та бола тирик қолди, холос.

Бу фожиадан кейин бу ерда қололмаслигимни билдим. Қандай қилиб бўлса ҳам, Европага кетиш учун йўл қидира бошладим. Тилни яхши билганим учун мени бир овропалик савдогар ишга олди. У газ-

лама савдоси билан шуғулланар, газлама орасига эса турли оғуларни жойлаб Эронга, у ердан Европага ўтказарди. Ўта паст одам бўлиб, арзимаган пул эвазига мени эшақдек ишлатарди. Унинг фирмаси орқали четга чиқиш мумкин эканлиги учунгина, тишимни-тишимга қўйиб, қулай вақт келишини кутиб юрдим. У кечаси билан ухламай ҳисоб-китоб қилишга мажбур қилар, бунинг учун ойига 25 доллар берарди, холос.

Мен кутган вақт бир йилдан сўнг келди. У пайт мен 18 ёшда эдим. Савдогарнинг эронлик хотини туғадиган бўлиб, Европага мени жўнатадиган бўлди. Чунки мен ҳисоб-китобга унинг ўзидан ҳам пишиқроқ эдим.

Шундай қилиб, йўлга отландим.

Туркияга етиб боргач, унинг газлама орасидаги барча оғуларини балчиққа улоқтирдим, сўнгра қиммат газламаларни сотиб, Италияга, у ерда озроқ ишлагач, анча йўл босиб Англияга етиб бордик. У ерда икки ой туриб, АҚШга кемада жўнадим.

АҚШга кириб келганимда тушлик қилишга ҳам пулим йўқ эди. Ўлгудай оч эдим. Неча кунлар плакатларга тўла кўчаларда иш қидириб, итдай изғиб юрдим. Қахратон совуқ, муттасил очлик ва уйқусизликдан кўзларим қизариб, юзларим кўкариб, ғалати дончалар босиб кетди. Ўша кунларнинг бирида Худойимнинг ўзи мени кекса Ричерга дуч қилди. У менинг товукдай ҳамма ёққа сочиб, бетартиб ахлат титишимни кўриб, жаҳли чиқди. Кекса Ричер менга бу “соҳа”нинг ҳам ўзига хос сирлари борлигини айтиб, қайси халтани очишни-ю, қайсиларига умуман тегмасликни, бу бефойда эканлигини ўргатди. Уйсизлигимни билиб, кулбасидан жой берди. Кекса Ричернинг на хотини, на болалари бор эди. Ичкилик туфайли яқинлари уни ташлаб кетишган. У туни билан ичар, хўнграб йиғларди. Аммо тонгда тетик турар, ҳеч нима бўлмагандай мен билан бирга “ишга” отланарди. Биз кун бўйи ахлат

идишларни титиб, кечаси анча-мунча “бойиб” кулбага қайтардик. Аммо тонгларнинг бирида кекса Ричер уйғонмади. Қабр тошига ўзи васият қилган: “Кекса Ричер сизларни жуда яхши кўради” – деган сўзларни ёздириб қўйдим. Кекса Риче қачонлардир хотини ё фарзандлари уни ахтариб келишига ишонарди.

Шундан сўнг бор пулларимни йиғиб, кекса Ричердан мерос қолган кулбани ҳам сотиб, ўз савдо ишларимни бошладим. Аммо рақобатчилар мени “янчиб” ташлашди. Олти ой ўтмасдан банкрот бўлдим, бу ҳам етмагандай, ҳам уйсиз, ҳам бир чақасиз қолдим. Бироқ хорлик устун келган кунларда ҳам орзуларимни ўлдирмадим, уларни асраб-авайладим, курашдим. Отам бу пайт Ойшаларнинг Истанбулдаги уйига кўчиб борди.

Кейинчалик очган цехим ҳали бир ёшга тўлмасидан банкротга учради. Банклар қарзини сўраб қўймасди. Мен эски ишимнинг азасини тутмай, янги иш бошлар, бири бўлмаса, бири мени бой қилишига ишонардим. Энг охири, реклама қоғозлар ишлаб чиқарадиган кичкина типография очдим. У ҳам беш ойдан сўнг касодга учради. Хатоларим устида қаттиқ ишладим. Ўқиган китобларимдан олган хулосаларимни амалда қўлладим.

Мен яна реклама қоғозлари билан шуғуллана бошладим. Аста-секин мижозларим сони ортиб борди. Мен эса туну кун меҳнат қилар, ишхонада ухлаб, шу ерда тамадди қилардим. Ва ниҳоят, биринчи марта ўзимнинг корхонам учун ишчи ёлладим – улар Ҳиндистон ва Хитойдан келган талаба йигитлар эди. Биз учаламиз тинмай меҳнат қилиб, ҳафтасига 50 доллар оладиган ишимизни, ҳафтасига 50 минг доллар оладиган катта фирмага айлантирдик.

Биз биринчилардан бўлиб, бозор телевидениесини ривожлантиришга ҳаракат қилдик ва бунинг учун

катта кредит олиб, иш бошладик. Бу “ТВ-бозор” менга кутилмаганда улкан бойликни, қудратни олиб келди. Аммо шунда ҳам мен ҳали мақсадимга етмаганимни билардим. Биз двигателлар ишлаб чақиришни бошладик ва тез орада дунё бозорига чиқиб бордик. Иккинчи йилданоқ жаҳон бозорида бизнинг двигателларга талаб ошиб, 20 дан ортиқ мамлакат билан шартнома имзолашга эришдик. Бу битимларни тузиб, Флоридадаги вилламга қайтган куним онам Бухородан олиб келган тароққа қараб ўкириб-ўкириб йиғлаганман.

У пайтга келиб турк хотиним менга тўрт нафар ўғил туҳфа қилганди. Отам неваралари бағрида, яхши кунларимни кўриб бандаликни бажо келтирди. Болаларим ўзбекча, туркча билишади, аммо инглизча ёзишади, гаплашишади... Мен эса... Мен...

\* \* \*

Мана, неча йиллар ўтиб, ниҳоят, қартайиб-чуртайган пайтимда Бухорога – ота ватанимга келдим! 90 йил ўтиб...

Эй Бухоро!!! Мана, мен! Мана, мен!

Сенинг ўғлинг, фарзандинг, 90 йил ўтиб бағрингга келди!

Нега шу пайтгача қайтмадим? Олий орзуйимни, онамнинг, отамнинг армонини нега шу пайтгача бажармадим? Нимага? Хаёлимдаги, орзуйимдаги, ўша булутлар орасидаги гўзал, мўъжизали Бухорони йўқотиб кўйишдан кўрқдимми?!

Биласизми, келиш тугул, мен харитадан Ўзбекистонга қарашга ҳам кўрқардим! Ўйларим сароб бўлиб чиқишидан кўрқардим, Бухоро йўқ бўлиб чиқишидан кўрқардим. Эҳ... Бу ерга келиб акамни, онамни тополмасликдан кўрқардим! Ахир, улар мен учун шу маҳалгача Бухорода эдилар, Бухорода...

Эй Бухоро! Бундан 90 йил аввал қувғин қилинган ўғлинг келди... Миллионлаб сургун қилинган фарзандларингдан бир вакил бўлиб келди... Очликдан, қувғинликдан, тутқунликдан, хорликдан, зўрликлардан ўлиб кетмаган, барига чидаган боланг келди. У тирик!

Ватан нималигини билмай кетган чақалоқ, онаси, акаси, ўтмиши, ватанини қидириб келди. Эй отаюрт, биласанми, қанчадан-қанча одамлар сенга етолмай, сени бир бора кўришга зор бўлиб, беватан, бекафан ўлиб кетдилар. Улар бир бора Ватаннинг мусаффо ҳавосини сипқариш учун, бир марта кўҳна ғиштларингнинг силлаш учун жонларини беришга ҳам тайёр эдилар.

Худо уларга қанча кўз ёш берган бўлса, сен учун тўкишди, қанча сўз берган бўлса, сени дуо қилишди. Эй Ватан, Ватан, сен уларни унутмадингми? Мени танияпсанми?!

Менинг икки куним бор. Бир йилнинг фақат икки кунда менга ҳеч ким иш ҳақида гапирмайди, чунки шу кунларда мен байрам қиламан! Ўша кунлари менинг уйим олдида бева-бечоралар учун эҳсон берилди. Хайрия акциялари ўтказилади, миллионлаб пулларни улар учун сарф айлайман. Ҳар йили шу икки кун келишини кутиб яшайман. Бу кунларнинг бири – 24 июль. Ўша куни менинг «Мовий кўзли бургутлар» деб номланган двигатель заводим ишга тушган ва мен бу кунни азобларим ариган, иродам ғалаба қилган, акам, онам, отам ва синглимнинг орзулари ушалган кун сифатида нишонлайман.

Иккинчи куним – 2 июнь! Нью-Йорк осмонида, БМТ биноси олдида озод ва ҳур Ўзбекистон байроғи ҳилпираган кун!

Ўша куни мен «Мовий кўзли бургутлар» заводимнинг филиалини Японияда очиш учун битим имзолашга кетаётгандим. БМТ қароргоҳи ёнидан ўтаётиб кўзим

Унга тушдию қотиб қолдим. Кўзларимдан ёш отилиб чиқиб кетди. Покистонлик шеригим ҳайрон бўлиб нималар деганини эслолмайман... У йўлнинг ўртасида тушиб, қаерга кетиб қолганимни ҳам билмай қолди. Ўша куни БМТ осмонида бир улкан, ёруғ, нурли ҳисларга тўла халқимни кўрдим. Мен ўзбекча гапирганча, тиз чўкиб йиғлар, ўткинчиларнинг туртишларию елкамга тасалли учун қўл чўзишларига парво қилмас, онамга ўхшаб ўкириб-ўкириб, елкаларим учиб-учиб, бақириб-бақириб, силтаниб-силтаниб йиғлардим. Шунча йиллик мусофирлигим, онам, акам, миллионлаб сургунга учраган халқим вакиллари учун йиғлардим.

Байроқ тепада эди, осмонда эди, аммо у шунчалик менга яқин эдики, унинг майин толалари юзимни силар, кўзёшимни артарди... Эҳ, Ватаним!

Бу Ватан байроғи эди..

Мен ватанимнинг нафасини туйгандай, Бухорони кучгандай бўлдим...

Отажон, Флоридадаги сиз ётган қабрнинг тупроғидан олиб келиб Бухоро узра сочяпман. Бу тупроқ ота-боболарингиз тупроғи билан қовушади. Бахти-ёрмисиз, ота? Мана, ватаннинг тупроғига, чангларига – аждодлар хокига, шамолларга қўшилиб учинг! Миноралар устидаги лайлақлар билан бирга парвоз қилинг, Отажон!

Она, мен бекорга шунча вақт кутган эканман. Эртароқ бу ерга келсам, бу тупроқни кучсам бўларкан... Сизнинг Бухорога кетганингизни билардим-у, у ердан тополмасам нима қиламан деб ўйлардим. У ерга борсам, болалиқдаги беғубор тасаввурларим тўзғиб кетишидан, шубҳалар орасида қолиб кетишидан кўрқардим. Бекор қилган эканман! Нега бунча кутдим?

Бухорода экан ҳамма-ҳаммаси... Барчаси менга, болаларим, невараларимга ўхшаркан – юз-кўзи, қошу кўзи... Болаларим...

Онажон, акажон, Бухоро минорасига чиқиб, сиз ётган Афғонистон тарафга қараб турибман... Тинч ётиб-сизми? Энди хурсандмисиз?

Мана, орзуларингиз ушалди, 90 йил ўтиб бўлса ҳам! Орзулар ўлмайди, ўлмайди... Дарёлар оқишдан тинмаганидек, шамоллар, нурлар, гуллар, баҳорлар мангу яшнаганидай чин орзулар ҳам ўлмайди, онажон! Осмондан гоҳ қор, гоҳ ёмғир ёғаверганидай, ой-юлдузлар мангу боқавергандай, қишда учиб кетган қушлар, баҳорда қайтгандай мен ҳам қайтдим, қайтдим!!!

Дунёда нима кўп – зулм кўп, бало кўп, жазо кўп! Аммо бегуноҳ инсонни мажбурлаб, ўзи туғилган жойидан, ўзининг элидан, ўзининг нонидан, ўзининг сувидан, ўзининг дарахтларидан, ўзининг дарёларидан, ўзининг мозоридан, ўзининг меҳробидан, ўзининг осмонидан айириш, жудо қилиш дунёдаги энг катта гуноҳ, даҳшат ва шафқатсизларча қилинган ваҳшийликдир!

\* \* \*

Сизни топдим, она! Бозорда кўрдим! Дўппи сотаётган экансиз! Ўхшатдимми дедим, йўқ, қуйиб қўйган ўзингиз... Кейин қишлоқларда ҳам кўрдим! Бухорода бир эмас, кўп экансиз, Онажон! Ҳа, аниқ сиз!

Акамни ҳам кўрдим! Айниқса, новвой йигит акамга Ҳасан Ҳусанига ўхшагандай ўхшайди. Қойил!

Лекин алдаган экансиз, она, алдаган экансиз! Бухоро қандай жой деганимда: «Йиғламайдиган жой» дегандингиз... Мен келганимдан бери йиғлаяпман... Сизни кўриб, акамни кўриб, Бухорони кўриб...

Мана, мен келдим, Бухоро!!! 90 йил ўтиб...



## Байрам АЛИ



### РИЗОЛИК

Бу воқеага кўп бўлган эмас, олти йил бурун, атиги олти йил бурун бўлиб ўтганди. Эл ичра тирик афсонага айланган шундай бир одамнинг икки кундан бери оғзи кўпириб, мислсиз қийноқлар ичида жон талашиб ётишини кўрган одам ишонгиси келмайди. Ахир муқаддас китобларда юзи ойдин, элнинг ияк суяган устунлари эмас, юзи туман, қилмиши қора одамларнинг қийналиб жон бериши ёзилган эмасми?!

Олти йил бурунги ўша эрта баҳорда Шералибой учта хўкиз сўйиб элга катта кўпкарили тўй берган, кўпкарига ўн икки вилоятдан энг номдор чавандозлар карвони оқиб келганди. Мусобақа майдони созланиб, томошаталаб эл-улус йиғилаётган бир пайтда эса осмон бағри идраб кетди-ю, шаррос ёмғир қуя бошлади. Орадан кўп ўтмай ер тойғинчоқ бўлди, кўкдан челақлаб қуяётган ёмғир лою лойқаларни оқизиб Бобуртепа қирларини тарам-тарам қилиб юборди. Аммо чопони этақларини ёмғирпўш қилган халойиқ ўзларини панага тортишни истамас, ҳамма бетоқат бўлиб ўйин бошланишини кутарди.

Кўпкарини шайтон чиқарган, деганнинг маъниси шу – отини даврага солган чавандоз зотининг ёмғир тугул дўл ёғсаям эти жунжикмайди. Иссиқ-совуқни, хавф хатарни илғамайди чавандоз зоти, эси-дарди

улоқ айиришда бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди! Баковул улоқни ташлаши билан чавандозлар тулпорлари туёғидан шилта отишиб лойни лой, кўлмакни кўлмак демасдан от чоптириб кетишди. Бироқ оқибат шу бўлдики, баковул кетма-кетлик билан ташлаган биринчи, иккинчи, учинчи, ниҳоят тўртинчи улоқни ҳам меҳмон чавандозлар айиришиб, воҳалик томошабинларнинг дами қайтибгина қолди.

Ҳамма норози, ҳамма аламзада эди. Қўлини ювиб қўлтиққа урган айримлар «битта оркаш чавағонинг қолмабди, шўринг қурсин, аҳли Қашқа!» дея, бешинчи бор ташланган улоққа қарамасдан томошани тарк этишга шайланиб ҳам қолишди.

Кўкдан ёғилаётган шиддатли ёмғирга ичдан ўрлаётган номус аччиғи кўшилиб кўзлари шамғалат бўлган эл, айна шу лаҳзада Шералибойнинг навқирон оти “Кобра”ни миниб даврага кирган чавандозни пайқамай қолди. Ҳеч кимнинг сергак тортишига имкон беришни истамаган чавандоз ҳам улоқ талашаётган отлар уюрига илоҳий бир шиддат билан шамолдай елиб кирди-ю, даврани ёриб чиқиб кетди. Тек чиқмади, шу чиқишда улоқни тақимига босиб чиқди!

Кўпқари томошасига яқин йиллардан бери қизиқиб қолган ёшлар билмаса ҳам, ёши бир жойга борган томошабинлар бу усулни, аниқроғи бу усулни қўлайдиган, назаркарда чавандозни яхши билишарди.

– Сафар бобода кетди! Улоқ ўзимизнинг Сафар чавандозда кетди! – бақриб юборди шундайлардан бири. Аммо бунга ақл бовар қиладими: Сафар чавандоз қачонги Сафар чавандоз, ёши етмишга яқинлашиб, кўпқарини аллақачонлар тарк этиб кетган бўлса?!

Йўқ, “Кобра” бўйинини гажак қилиб майдон гирдидан қайтиш қилганда, бошқалар ҳам оппоқ соқолли кекса чавандозни танишди! Танишди-ю, узоқ пайт

ичига ютган нафасларини баралла қўйиб, ҳайрат ва ҳаяжондан айқириб юборишди.

Тақимига босган улоқни майдон марказига келтириб ташлаган кекса чавандоз эса на томошабинларнинг олқишига, на баковулнинг эътирофига қулоқ солди. Қандай шиддат билан даврага кирган бўлса, шундай шиддат билан кўз илғамас ёқларга от чоптириб кетди. Афтидан, у фарзандлари ва ёш чавандозлар қолиб, шу қартайган ҳолида майдонга киришга мажбур бўлганидан номусда эди...

Мана бугун ўша шамол шиддатли назаркарда, ўша элнинг тиргаги, ўша ор ва номус яловбардори ранги гоҳ кўкариб, гоҳ бўзарганча тил-забонсиз кўзи очиқ ётибди...

Чавандозга “иймон уюриб”, жонни эгасига осон топширишда ёрдам берадиган дуолар билан дам солиб чиққан Носир қори уйдан чиқди-ю, ҳовлида тўпланган қариндош-уруғ орасидан катта ўғилни имлаб чақирди.

– Отангизнинг пири ким эди? Бухоролик Камолиддинхонми?

– Ҳа, қори ака. Хабар қилганмиз, йўлда эканлар.

– Тезроқ келсалар яхши бўларди. Отангизнинг бир илинжи борга ўхшайди... Ҳарҳолда, жон беришга бу қадар қийналган одамни мен олдин кўрган эмасман.

– Ўзимиз ҳам шунга ҳайронмиз, қори ака.

– Ё отангизнинг тилла-милласи бормикан? – шошиб сўради Носир қори. – Тилласи бор одам ўлаётиб тилдан қолиши ҳақида эшитгандим.

– Қизиқмисиз, – катта ўғил асабийроқ жавоб қайтарди. – Отамда тилла нима қилади? Ундан кейин, тиллалари бўлган тақдирида ҳам ажал домига тушишларидан олдин биз ўғилларини чақириб, бўлиб берган бўларди!

– Бу гапингизда ҳам жон бор. Сафар чавандоздай одам дунёнинг молини кўзи қиймай бу даражада жон талашишига ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди.

Носир қори қайтиб уйга кириб кетгач катта ўғил ўзига савол назари билан тикилган нигоҳларга парво қилмасдан, ҳовлининг бир четига бориб ер чизганча қотди.

Қолган фарзандлар ёшовраган кўзларини арта-арта бурчак-бурчакларда тимирскиланар, ўзларича ҳовлини йиғиштирган бўларди. Ҳеч ким бир-бирига баландроқ овоз солиб гапирмас, имкон қадар бир-бирларининг юзларига қарамасликка тиришишар, икки кундан бери оилада мужассам азадорлик кайфияти барваста ака-укаларни чўктириб, ҳалитдан руҳларини синдириб бўлган эди. Одатда муқаррар хавфни кутганда одам зоти шундай аянчли қиёфага киради.

Шу пайт “ғийқ” этиб кўчада тўхтаган машина овозидан ҳамма сергак тортди. Айнан шу товушга жуда-жуда интизор турган катта ағил қўли билан қолган иниларига “ишларингни қилаверинглар” ишорасини қилди-ю, илдам одим отиб дарвоза сари юринди. Бу фурсатда эса кўк жийда кийиб, бошига оқ салла ўраган, ёшига нисбатан анча ўктам кўринувчи Камолиддинхон дарвозахонага кириб бўлганди.

– Эшон бобо, пирим... – гуё ўз отасининг бағрига отилгандай келиб ўзини унинг бағрига ташлади катта ўғил, меҳмоннинг елкасидан тавоб қилишга тутинди.

– Оғирми?.. – катта ўғилнинг қўлларидан тутиб тинчлантирди Камолиддинхон.

– Оғир, эшон бобо... Икки кундан бери на у ёқлик, на бу ёқлик бўлолмай жон талашяптилар. Ўзлари ҳам қийналиб кетди...

Камолиддинхон катта ўғил билан биргама-бирга чавандоз ётган хонага кириб борди. Айни пайтда чавандоз нафас олишга қийналиб хириллай бошлаган,

Носир қори унинг лабларидан тошиб чиқаётган оқ кўпикни артиб олмоқда эди. Носир қори билан енгилгина сўрашган Камолиддинхон арабий дуоларни ўқий-ўқий чавандознинг қошидан ўтирди.

– Мурид, нима бўлди сизга... мурид... – дея унинг пешанасига кафтини босди.

Сўнг отаси тортаётган азобга гувоҳ бўлиб қафасга тушган бўридай жонсарак турган катта ўғилга ўгирилиб қаради:

– Отангизнинг оти қаерда?

Фикрини тезда жамлаб ололмаганиданми, ўғил отасининг ёшлигидан ўзига ҳамроҳ билган, чавандозлик қилган сўнгги йилларида кўпқарига солмай қолган бўлса-да, лекин ҳамиша миниб юрадиган кекса отни қаерда эканини эслолмай иккиланиб қолди.

– От?! От... Чўпонлар билан бирга кетган, – деди кейин. – Отамнинг тоби қочиб бошлагач, қарашга қийналдик...

– Тез топиб келинг!

Отасининг пирига ихлоси зўр бўлган ўғил бошқа гапни кутмасданоқ уйдан отилиб чиқди.

Катта ўғил юк машинаси билан чўпонлар чайласига яқинлашганда, чавандознинг оғир ётгани даргани эшитган чўпонлар бирин-кетин югуриб йўлига пешвоз чиқишди.

– От қани? Отамнинг улоқчи оти қани? – ўғил машина моторини ўчирмасдан сўради улардан.

– Қўтонга боғлаб ташладик. Икки кундан бери қутуриб, тушовда турмайди!

– Ечинг! Тез чиқаринг кузовга!

Чўпонлар отни илдамлик билан машина юкхонасига чиқариб, боғлашди. Улар от нимага кераклигини сўрашганда эса бунинг нима учунлигини ўзи ҳам билмайдиган ўғил лом-мим демади.

У юк машинасини гувиллатиб ҳовлига кириб келиши билан Камолиддинхон деразани очиб юборди. Отни юкхонадан тушириб, тезроқ дераза қаршисига олиб келишларини буюрди. Бироқ чавандознинг фарзандлари етаклаган кекса от аввалига хуркиб деразага яқин келишни истамади. Бир мунча қистовлардан сўнггина деразага яқинлашди-ю, олдин Камолиддинхонни, кейин оғзидан кўпик келиб аянчли бир аҳволда ётган эгасини кўрди ва шу заҳоти ортига тисралиб кетди. Дахшатдан кўзлари ола-кула бўлганча бурун катаklarини кериб бетоқат депсина бошлади.

– Кишна, жониворгина, кишна... – чавандознинг пешанасига кафтини босиб турган Камолиддинхоннинг кўз ёшлари соқоли сайин оқиб тушди. – Одамнинг зўри жон топширяпти, нега кишнамайсан? Афтидан, эганг шунча ёшга кириб, сендан содиқроқ дўст топмаган кўринади...

Шу пайт бетоқат депсинаётган от олд оёқларини осмонга кўтариб бемисл алам билан кетма-кет кишнаб юборди-ю, Камолиддинхон Сафар чавандознинг аста бўшашиб, осилиб қолган жағини дока билан боғлашга тушди.

## МУНДАРИЖА

<b>Шукур Холмирзаев</b>	<b>Улуғбек Ҳамдам</b>
Кўк денгиз.....3	Ватан ҳақида кўшиқ.....213
<b>Ўткир Ҳошимов</b>	<b>Лола Ўроқова</b>
Ўзбеклар.....25	Ўғил бола.....227
<b>Эркин Аъзам</b>	<b>Абдуҳамид Мухторов</b>
Навойни ўқиган болалар.....47	Ҳайдаркўл хаёллари..... 235
<b>Хайриддин Султон</b>	<b>Олимжон Давлатов</b>
Онамнинг юрти.....63	Ўтгиз иккинчи ҳикоя.....245
<b>Неъмат Арслон</b>	<b>Холида Бозорова</b>
Раз қизи .....72	Боботуркий.....253
<b>Хуршид Даврон</b>	<b>Бахтиёр Нуриддинов</b>
Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақида ривоят.....82	Бошпана.....262
<b>Назар Эшонқул</b>	<b>Ғайрат Сайдуллаев</b>
Шамолни тутиб бўлмади.....119	Дарахт.....270
<b>Абдуқаюм Йўлдошев</b>	<b>Анвар Суюнов</b>
Биз ўтган йўллар.....131	Ота уй.....274
<b>Собир Ўнар</b>	<b>Нурилла Чори</b>
Бир ўларман чавандоз.....144	Ташвиши йўқ одамлар.....286
<b>Луқмон Бўрихон</b>	<b>Фозил Фарҳод</b>
Ўтирик.....152	Синиқ тандир.....298
<b>Баҳодир Қобул</b>	<b>Санжар Турсунов</b>
Тановар.....158	Сени яхши кўраман.....306
<b>Исажон Султон</b>	<b>Нодирабегим Иброҳимова</b>
Мен, онам ва Ўрта ер денгизи...180	Ватанга қайтиб.....314
<b>Наби Жалолиддин</b>	<b>Жавлон Жовлиев</b>
Ватан.....192	Бухоро, Бухоро, Бухоро... 328
<b>Кўчқор Норқобил</b>	<b>Байрам АЛИ</b>
Ватан нима?.....208	Ризолик.....345

*Адабий-бадий нашр*

## **ОРЗУЛАР ХИЁБОНИ**

*(Ҳикоялар)*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*  
Бадий муҳаррир *Фаррух Эрматов*  
Мусахҳих *Дилфуза Маҳмудова*  
Саҳифаловчи *Ғиёсиддин Ўнаров*

**«ADABIYOT NASHRIYOTI»**

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

☎ (+98) 128-30-04.

Босишга 2021 йил 18 мартда рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. “Самбрия” гарнитураси.  
Шартли босма табағи 13,44. Нашриёт босма табағи 11,25.  
Адади 1000 нусха. Буюртма №

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.